Buhara'da vefat eden Kadıhan, ilmi tahsilini burada devam ettirirken, mesleki hayatını (kadılık ve müftülük) bu şehirde sürdürmüş olup Karahanlı döneminin Buhara'daki en tanınmış ve en güçlü fakihlerin arasına ismini yazdırmayı başarmıştır. Kadıhan'ın içinde bulunduğu ilmi çevresi açısından ilim öğreniminde bölge, soy ve ailenin belirleyici rol oynadığını anlamamızı sağlamaktadır. Aynı zamanda Kadıhan, yaşadığı çağ açısından ve ilmi yeteneği ve birikimi açısından, fıkıhın tanımı dâhil, o zamanki fıkhi gelişmelere yönelik değerlendirmelere yaşamıyla cevap verir niteliktedir. Bunun yanında Kadıhan, -günümüzde de tartışma konusu olan ve XI. asırda başlayıp devam ettiği ileri sürülen- fıkıhın duraklama ve gerileme dönemine, gerek yazdıklarıyla gerek kendi yaşamıyla, bir fakih olarak duruşuyla bize örnek ve kaynak olmaktadır.

İslam literatürünün temel kavramlarından olan fıkıhın anlatımına ve tartışmaya değer gördüğümüz bazı fıkhi konulara değinirken, onun görüşlerine ara sıra yer versek de kronolojik-tematik sıralamaya bağlı kalacağız. Yani bir yandan teorik yaklaşım sergilerken, diğer yandan da tarihin sayfalarına eğilerek, -tartıştığımız

Devrinde Mâvârâ al-Nahr İslam Hukukçuları, Atatürk Üniversitesi Yayınları, Ankara 1976, 126; Ahmet Özel, Hanefî Fıkıh Âlimleri [HFA], T.D.V. Yayınevi, Ankara 1990, 56.

¹⁴⁰ Leknevî, el-Fevaid, 64-65; Kays, el-İraniyyun, V,208; Temimî, Tabakat, VII, 116.

¹⁴¹ Taşköprüzade, Tabakatu'l-Fukaha, Matbaatu'z-Zuherai'l-Hadise, Mevsil 1921, 98; Kays, el-İraniyyun, V,208; İbnü'l-İmad, Şezeretü'z-Zeheb, VI,504; Hayreddin Karaman, İslam Hukuk Tarihi[İHT], İz Yayıncılık, İstanbul 1999, 249.

¹⁴² Kınalızade, Tabakat, 52-53.

¹⁴³ Temimî, Tabakat, III, 117.

konular çerçevesinde- örneklemeye değer gördüğümüz kişilik olan Kadıhan'ın yaşamından, çevresinden ve diğer ilgili verilerden hareketle bir bütünlük içerisinde soru ve sorunlarımıza cevap arayacağız.

İlim ve Meslek Mirasçılığı: Aile Faktörü

Fakih bir aileden gelen Kadıhan'ın şahsi özellikleri, kendisini yetiştiren çevreyle bütünleşmiş ve bu çevre kendi sahasında önüne kimseyi çıkarmayan bir fıkıh adamını yetiştirmiştir. Kadıhan'ın gerek ilmî çevresi ve gerekse akraba çevresi, o dönemdeki ilim adamlarının yetişmesi konusunda da bize ipucu verir niteliktedir. Kadıhan'ın dedesi ve aynı zamanda ilk hocası olarak zikredilen Mahmud b. Abdulaziz el-Uzcendî, Şemsu'l-Eimme es-Serahsi'nin öğrencisidir.¹⁴⁴ Kadıhan'ın babasının da fakih olduğunu sadece *Fetâvâ Kâdîhân*'ın son sayfasından öğrenmekteyiz. Siyasi kişiliğiyle tarihe geçen ve siyasi sebeplerden dolayı Sultan Sencer tarafından Merv'e sürgün edilen es-Saffar el-Buhari, Kadıhan'ın hocalarındandır. Kadıhan'ın amcaları, dedesinin kardeşleri ve onların oğulları da fakih idiler. Leknevi, Hasan b. Ali b. Abdulaziz el-Merginanî'den bahsederken, "Merginanî'nin babası Ali b. Abdulaziz, dedesi Abdulaziz b. Abdurrezzak, amcası Mahmud b. Abdulaziz, amcaoğlunun oğlu Kadıhan ve kız kardeşinin oğlu -Hulâsa'nın sahibi- Tahir el-Merginanî olmak üzere, bunların hepsinin fıkıh âlimleri olduğunu haber vermektedir"¹⁴⁵.

Kadıhan'ın fakihler ailesinden gelmesi onun fıkıhtaki kalitesinin ve şansının anlaşılmasının yanında, bizi o dönemdeki ilim öğreniminde aile faktörünün önemine yöneltir. Özellikle fukaha arasında ailece ilim öğrenme ve kadı, müftü gibi dönemin önemli mesleklerinde uzmanlaşmanın yaygın olduğunu görmekteyiz. Bu gelenek Buhara'nın dışında Semerkand, Merv, Horosan ve diğer bölgelerde de yaygın olduğu gibi, Karahanlı dönemi öncesine de uzanmaktadır.

Fıkıh öğrenimi ve kadılık görevi üstlenme geleneğinin en ilginç tarafı da, bu ailelerin kadılık, müftülük ve bunun gibi dönemin en önemli mesleklerini babadan oğla miras bırakma geleneği ve sistemin buna uygun bir zemin hazırlamasıdır. Buna o dönemlerde pek çok örnek verilebilse de konumuzu yakından ilgilendirdiği için yine sadece Buhara ile sınırlı kalacağız. Kadıhan, Buhara'da bulunduğu dönemde Buhara liderliğini sırayla elinde bulunduran iki farklı aile ile de bağlantısını koparmamıştır. Buhara'da Karahanlılar döneminde fukaha arasında liderliği ele geçirmiş, bir süre sonra da şehrin yönetimine hâkim olan meşhur Âli Burhan ailesinden önce -Buhara'da hem dini, hem siyasi önder olan- Ebu Hafs ailesi Karahanlılar ile ihtilafa düşmüş, daha sonra bu liderliği bir diğer aile olan Saffari imamları elinde tutmuştur. Buhara'ya Bağdat'tan gelen -Muhammed eş-Şeybanî'nin öğrencisi- Ebu Hafs el-Kebir'in ismiyle anılan Ebu Hafs ailesi Samaniler döneminde Buhara'da otorite sahibi olmuştur. Daha sonra Semerkand'daki Samani Emiri Nasr b. Ahmet b. Esed'e mektup yazarak, kendisinden Buhara için bir yönetici rica eden Ebu Abdullah b. Ebu Hafs, babası Ebu Hafs'ın üstlendiği 'Kadı'l-Kudat'lık görevini sürdürmüştür.¹⁴⁶ XI-XII.

¹⁴⁴ Leknevî, el-Fevaid, 158; Kınalızade, Tabakat, 11; Zirikli, el-A'lam, VI, 208; Özel, HFA, 42.

¹⁴⁵ Leknevî, el-Fevaid, 62-63.

¹⁴⁶ Frye, OÇBB, 146.

asırlarda Buhara'nın hem dini hem siyasi tarihinde önemli yer alan Saffar ailesi de aynı geleneği sürdürmüştür. 1069'da imam ve reislik görevinin her ikisini birden yürüten Ebu İbrahim İsmail es-Saffar, Şemsü'l-Mülk tarafından idam edilirken, oğlu Ebu İshak İbrahim b. İsmail, babasının 'mirasçısı' olarak, tabakat kitaplarında, takvası, derin ilim sahibi ve kimseden korkmayan cesaretiyle tanındığı ifade edilen biri olarak karşımıza çıkmaktadır.¹⁴⁷ Selçuklu hükümdarı Sultan Sencer Maverâünnehre müdahale edinceye kadar, Ebu İshak yüksek makamını korumuş gözükmetedir. Selçuklu Sultanının, Ebu İshak'ı kontrol altına almak için yaklaşık 1102'de Merv'e sürgün edip, onun yerine Kadı'l-Kudat olarak getirdiği, Sultan Sencer'in kız kardeşinin kocası olan Merv'in bilgin dini lideri Abdulaziz b. Ömer el-Maze'nin ailesinin öyküsü de yukarıda değindiğimiz ailelere benzer niteliktedir. Abdulaziz'e diğerleri gibi *Sadr* ünvanı ve *Burhanu'l-Mille ve'd-Din* lakabı verilmiş, onun bu lakabından dolayı Buhara'da önceki ailelerin elinden liderliği alan aileye 'Âli Burhan' denmiştir.¹⁴⁸ Nesevi Buhara'da hem sivil hem dini liderliği ellerinde bulunduran sadrların çok zenginleştiklerinden bahseder. Abdulaziz'in torunu olan Sadr Burhanuddin Muhammed b. Ahmet b. Abdulaziz'in serveti ancak en güçlü hükümdarlar ile karşılaştırılabilecek kadar büyümüştür. Onun emir ve sorumluluğu altında 6000'den fazla fakih vardır. Kadıhanın en önemli öğrencilerinden -soyadından da anlaşılacağı gibi Abdulaziz el-Buharî'nin torunu olan- Sadru'l-İslam Tahir b. Mahmut b. Ahmet b. Abdulaziz b. Ömer Maza el-Buharî'nin¹⁴⁹ de -ünvanından hareketle sadr olduğunu varsayarsak ilim ve meslek geleneğinin -özellikle çok prestijli ve gelir getiren mesleklerde aile faktörünün ne kadar etkili olduğunu fark ederiz.

Nesevi'nin 'Sîre'sinde belirtildiğine göre yaklaşık 1209'da Melik Sencer'in iktidarına son verip Buhara'yı alan Harezmşah Muhammed b. Tekiş, Sadr Muhammed b. Ahmet b. Abdulaziz'i Harezm'e esir olarak gönderirken, onun yerine dışarıdan veziri Nizamu'l-Mülk'ün kardeşi Mecdüddin Mesud b. Salih el-Feravi'yi Buharalı Hanefi kadıların başına getirmiştir"¹⁵⁰. Dolayısıyla en verimli görevlerde sadece aktörlerin değiştiği bir sahnede, senaryo hep aynı kalmıştır.

Fıkhi-İlmi Geleneğin Eserlerle Yaygınlaşması

Kadıhan'ın en önemli eseri olan Fetâvâ'yı incelediğimizde, onun alıntı yaptığı birçok eser ve ilim adamlarının isimlerine rastlarız. Fetâvâ Kadihân'da ismi geçen eserler: Zahiru'r-rivaye¹⁵¹, Keysaniyât¹⁵², Nevâzil¹⁵³, Nevâdir¹⁵⁴, Munteka¹⁵⁵,

¹⁴⁷ Ebu İshak'ın birçok öğrencisi olduğunu söylemeler de isim olarak sadece Kadıhan'ı verirler. Bu bir yönden Kadıhan'ın Saffar'ın önde gelen öğrencisi olduğunu, diğer yönden Kadıhan'ın o dönemdeki ilmi ve fikhî otoritesini de gösterir. Çünkü o dönemde hocaları tanıtırken en tanınmış öğrencilerinin isimlerini kullanmak bir örf haline gelmiştir. Örneğin Alauddin es-Smerekandî'nin 'Tuhfatu'l-Fukaha' adlı eserini tanıtırken Kasanî'nin hocası olduğu zikredilir; Bkz. Leknevî, el-Fevaid, 8-9; Kureşî, Cevahiru'l-Mudiyye fi Tabakati'l-Hanefiyye, Meclisu Dairati'l-Mearifi'n-Nizamiyye, Haydarabad 1332/1993, I, 74.

¹⁴⁸ Frye, OÇBB, 181-182.

¹⁴⁹ Ömer Rıza Kehhale, Mu'cem, V, 39.

¹⁵⁰ Muhammed b. Ahmed en-Nesevî, Siretu Sultani Celaleddin Menkubirti, thk. Hafiz Ahmed Hamdi, Matbaatu'l-İ'timad, Kahire 1953, 68-70.

¹⁵¹ İmam Muhammed'in şu: el-Asl, ez-Ziyadat, el-Camiu's-Sagir, el-Camiu'l-Kebir, Siyeru's-Sagir, Siyeru'l-Kebir isimli beş eseri tevâtür ve şöhrat yoluyla rivayet edilmiş olup 'Zahiru'r-Rivaye' ismiyle anılırlar. Zahiru'r-Rivaye'nin yanı sıra el-Asar, el-Hucec, Haruniyyat, Keysaniyyat, Cürcanüyat, Rakiyyat

Asl¹⁵⁶, el-Câmiu'l-Kebir, el-Câmiu's-Sagir, ez-Ziyadat, Şerhu'l-Hiyel¹⁵⁷, Şerhu's-Seyrân¹⁵⁸, Vakîât¹⁵⁹.

Kadıhan eserinde kitap isimlerinden çok âlimlerin adlarını zikrederek belirli konularla ilgili görüşlerini aktarmıştır. Dolayısıyla eserlerden çok âlimlerin isimlerine rastlarız. Fetâvâ'da adı geçen âlimlerin isimleri şunlardır: İbrahim en-Nehaî, Ebu Hanife, Şafiî, İmam Malik, İmam Zufer, Sufyan es-Sevrî, İmam Muhammed, Ebu Yusuf, Hasan el-Kerhî, Şemsu'l-Eimme, Ebu Bekr Muhammed b. Fadl, Beyhakî, el-Hakimu's-Şehid, Şemsu'l-Eimme el-Helvanî, Şemsu'l-Eimme es-Serahsî, Ebu Hafs es-Sefkerderî, Natîfî, Ensarî, Hilal, el-Hassaf, Hasan b. Ziyad, Havahirzade, Ebu'l-Leys, ebu'l-Kasım es-Saffar, Hilf, Ebu Ali es-Sugdî, Kudurî, el-Hakim Ebu'l-Fadl, Ebu Suleyman, Ebu Hafs, Ebu Nasır, Muhammed b. Selam, Muhammed b. Seleme, Kadı Hişam, Ebu Cafer, Zahid Ali b. Muhammed el-Pezdevî, Muhammed b. Mukatil er-Razî, Ebu İsme, Said b. Muaz el-Mervezî, Ebu Ali en-Neseî, Ebu Hasan es-Sugdî, Ebu Bekr el-Belhî, Muhammed b. İbrahim el-Meydânî, Ebu'l-Hasan el-Kummî, Rustem, İsamuddin, Nasir, İbn Ebi Leylâ, Ebu'l-Kasım el-Belhî, İbnu's-Semmae, Beşir b. Velid, Sadru's-Şehid, Şeddad b. Hakim, Ebu Nasır ed-Debbusî, Ebu Bekr el-İyadî, Ebu Cafer Hinduvanî, Ebu Bekr el-İskaf, el-Hakim es-Semerkindî, Halid b. Sebih, İsa b. Eban, Ebu Suleyman Cüzcanî, Ebu Nasr, İbn Şübrüme, Muhammed b. El-Ezher, İsî, Zendevisî, Ebu Bekr el-A'maş, el-İsbicabî.

Bu isimler sadece Kadıhan'ın Fetâvâ'sında geçmektedir. Onun diğer eserlerine bakma imkânımız olmadığından dolayı sadece bununla yetinmek zorunda kaldık. Bu eserden çıkarılan isimler bile o dönemdeki ilim adamlarının arasında eserlerinin önemli bir iletişim aracı olduğunu, ilim adamlarının eserleri temelinde birbirleriyle tartıştıklarını fikir alışverişinde bulunduklarını bize gösterir. Bu gelenek İslam ilim ve kültür tarihi boyunca devam eden ve günümüze kadar gelen bir gelenektir. İslam kültürü, tarihte birçok defa yağmalar, savaşlar ve buna benzer olaylardan dolayı birçok eserlerin ismini öğrenmekle yetinmek zorunda kalsak da, günümüzde Fetâvâ Kadıhan gibi eserler o dönemdeki eserlerden ve yazarlarının görüşlerinden haberdar olmamızı ve faydalanmamızı sağlamaktadır.

Aynı zamanda Fetâvâ Kadıhan'dan büyük ölçüde alıntı yapan önemli fıkıh ve fetva kitaplarına da rastlamaktayız. Bunlardan, Fetâvâ-ı Tatarhaniyye 2837 defa, Fetâvâ-ı Hindiye 2609 defa, Fetâvâ-i Ankaravî 801 defa, Fetâvâ-ı Feyziyye 226

gibi eserler ise ahad yoluyla rivayet edilmiş olup 'Nevadiru'r-Rivaye' ismiyle anılır. Bkz: Özel, HFA, 22-24.

¹⁵² Şuayb b.Suleyman el-Keysani'nin rivayet ettiği eser.

¹⁵³ Bu eser büyük olasılıkla Ebu'l-Leys es-Semerkindî'nin eseri olmalı. Çünkü bu eserden Kadıhan'ın hocası Sadru's-Şehid'in Fetâvâ Kübrâ'sında çok yararlandığı söylenir. Bkz: Özel, HFA, 46.

¹⁵⁴ İmam Haşim'in rivayet ettiği eser. Bkz: Kadıhan, Fetâvâ, I, 305, 346.

¹⁵⁵ Bu isimde bize kadar ulaşan (Kadıhan'ın ölümünden önce yazılanlar) üç tane eser var: 1. el-Hakimu's-Şehid'in (ö.334/945) eseri, 2. es-Sadru's-Şehid'in (ö.536/1141) eseri, 3. Burhanuddin Ali el-Merginanî'nin (ö.593/1197) eseri. Fakat Kadıhan'ın Fetâvâ'sında geçen eser el-Hakimu's-Şehid'in eseridir. Bkz: Kadıhan, Fetâvâ, I, 276, 280, 281...

¹⁵⁶ Muhammed eş-Şeybanî'nin eseri. Bkz: Kadıhan, Fetâvâ, I, 61.

¹⁵⁷ Şemsu'l-Eimme el-Helvanî'nin eseri. Bkz: Kadıhan, Fetâvâ, I, 321.

¹⁵⁸ Ebu Ali es-Sugdî'nin eseri. Bkz: Kadıhan, Fetâvâ, I, 276, 280, 281.

¹⁵⁹ Sadru's-Şehid'in eseri. Bkz: Kadıhan, Fetâvâ, I, 464.

defa Kadıhan'ın fetvalarından alıntı yapar. Kadıhan'ın çağdaşı olan Ruknuddin el-Kırmani (457-543/1065-1149), zamanına kadarki Buhara, Horasan, Maverāünnehir ve Kırman şehirlerindeki belli başlı fakihlerin fetvalarını topladığı eseri 'Cevahiru'l-Fetâvâ'sında bir yerde Kadıhan'ın dedesi Muhammed b. Abdulaziz el-Uzcendî'nin fetvasından bahsederken, sekiz yerde de Kadıhan'ın fetvalarına yer verir.¹⁶⁰ Adı geçen fetvâ kitaplarının döneminin en kabul görmüş eserlerinden olduğunu göz önünde bulundurarak, kendi zamanında kabul edilen Kadıhan'ın fıkhi-ilmi otoritesinin sonraki zamanlarda da kanıtlandığını söyleyebiliriz.

* * *

SA'DUDDIN TAFTAZONIYNING BALOG'AT ILMIGA DOIR ASARLARI

SA'DUDDIN TAFTAZANI'S WORKS IN RHETORIC

O'. Palvanov,

*"Islomshunoslik va islom sivilizatsiyasini o'rganish
ICESCO" kafedrasi dotsenti, PhD*

S.Salimova,

*"Islomshunoslik" ta'lim yo'nalishi
4-bosqich talabasi*

Хар бир даврда жамият тараққиёти негизда олимлар ва илм-фан ривожига эътибор ҳамда уларнинг жамият манфаатига йўналтирилгани туради. Айни ҳолатни, Иккинчи Шарқ Ренессанси замирида шу омил бўлган. Шунинг учун ҳам, Соҳибқирон Амир Темур ушбу жиҳатларга алоҳида эҳтиром қилган. Натижада, жамият бирлашиб, ривояжланди ва тараққий этган. Бу эса, Мовароуннаҳр ва Хуросон минтақаларида таълим, илм-фан ва маданият ҳамда халқнинг турмуш тарзи юксалди. Шу аснода астрономия, математика, табиатшунослик, география каби табиий ва аниқ фанлар, амалий санъат, адабиёт, фалсафа, мантиқ, ислом тарихи, ақоид илми, тафсир, ҳадис, фикҳ ва бошқа турли илм соҳаларини мукаммал эгаллаган мутафаккирлар етишиб чикди. Саъдуддин Тафтазоний ҳам шу даврнинг энг таниқли олими саналади. Амир Темурнинг ҳам унга нисбатан хурмати чиксиз бўлган¹⁶¹. Алломанинг тўлиқ исми Масъуд ибн ал-Қози Фахруддин

¹⁶⁰ Бўйүк ihtimalle bu eser yazılırken Kadıhan hayatta olmalı, çünkü Kadıhan'dan bahsederken 'rahimahu Allahu anh' tabirini kullanmıyor. Bkz: Ebu'l-Fadl Ruknuddin Abdurrahman b. Muhammed el-Kırmanî, Cevahiru'l-Fetâvâ, (el yazma halinde), Süleymaniye Kütüphanesi: Yenicami, nr. 603-604, I, vr. 22, 38, 38, 49, 65, 70, 109, 113.

¹⁶¹ Қаранг. Ал-Мавло Тақийуддин ибн Абдулқодир ат-Тамимий ад-Дорий ал-Ғаззий ал-Мисрий ал-Ханафий. Ат-Табақот ас-сания фи тарожим ал-хафия. – ар-Риёд: Дор ар-Рифоий, 1989. – Ж. I. – Б. 325-326.; Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошқўпризода. Аш-Шақоик ан-нуъмония. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 1975. – Б. 54.

Умар ибн ал-Мавло ал-Азим Бурхонуддин Абдуллоҳ ибн ал-Имом ар-Раббоний Шамс ал-Ҳаққ, ад-Дин ал-Қорий ас-Самарқандий ал-Ҳаравий ат-Тафтазоний ал-Хуросоний ал-Ҳанафий бўлиб¹⁶², у 722/1322 йили¹⁶³ Хуросоннинг Насо (ҳозирги Туркменистон, Ашхабод) шаҳрига ёндош “Тафтазон” қишлоғида туғилган. У 792/1390 йили Самарқандда вафот этган¹⁶⁴.

Саъдуддин Тафтазоний ўз даврининг қомусий олими бўлиб, бутунги кунгача тадқиқотчилар томонидан унинг тафсир, усул ал-фикҳ, фуруъ ал-фикҳ, калом, наҳв, балоғат, мантиқ, геометрия, математика ва бошқа соҳаларда эллиқдан ортиқ асар тасниф қилгани аниқланган. Олимнинг фаолиятида балоғат илми ҳам алоҳида ўринга эгадир. Уларнинг аксари шарҳ услубида битилган туркумга оиддир. Жумладан:

1. Ал-Мутаввал. Бу асар Шайх Жалолуддин ибн Абдурахмон Қазвиний Шофийининг (666-739/1268-1338) “Талхис ал-мифтоҳ фи ал-маоний ва ал-баён” асарининг шарҳи бўлиб, Саъдуддин Тафтазоний уни Журжония шаҳрида 748/1347 йили ёзиб тугатган ва у “катта” шарҳдир¹⁶⁵. Ушбу китоб Истанбулда Журжоний ҳошияси билан 1260/1844, 1265/1849 ва 1289/1872 йилларда ва Деҳлида “ал-Муаввал” номли ҳошия билан бирга 1329/1911 йили нашр қилинган¹⁶⁶. Шунингдек, у Байрутда 2013 йили учинчи марта нашр этилган¹⁶⁷. Бу асар Муҳаммад ибн Муҳаммад (ваф. 1033/1624) томонидан турк тилига таржима қилинган.

2. Мухтасар ал-маоний. Бу шарҳ “Талхис ал-мифтоҳ” асарига битилган иккинчи машҳур шарҳ бўлиб, у яна “Мухтасар шарҳ Талхис ал-мифтоҳ” номи билан ҳам маълум ҳамда у “кичик” шарҳдир. Саъдуддин Тафтазоний ушбу асарини 755-756/1355-1356 йиллар орасида Ғиждувонда ёзиб тугатган. Аллома бу асарини Жонибекхонга совға қилган¹⁶⁸. Ушбу асар Калькутта шаҳрида 1228/1813 йили, Лакхнав шаҳрида 1231-1312/1816-1894, Булоқ (Миср) шаҳрида 1318/1901 йили Хатиб Қазвинийнинг “Китоб ал-изоҳ фи

¹⁶² Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Мифтоҳ ас-Саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. Ж. I. – Б. 190.; Жамолуддин Абу ал-Маҳосин Юсуф ибн Туғро Бурда. ал-Манҳал ас-софий. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-васоик ал-қоамия, 2005. – Ж. XI. – Б. 241.; Жамолуддин Абу ал-Маҳосин Юсуф ибн Туғро Бурда. Ад-Далил аш-шофий ала ал-Манҳал ас-софий. – Қоҳира: Мактабат ал-Хонижи, 1955. – Ж. II. – Б. 734.; Такиййуддин Аҳмад ибн Али ал-Мақризий. Дурар ал-Уқуд ал-фарида. – Байрут: Дор ал-Ғарб ал-исломий, 2002. – Ж. III. – Б. 471.

¹⁶³ Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 20.; Исмоил Пошо ал-Бағдодий. Ҳадият ал-орифин. – Истамбул: Миллий эғитим басимеви, 1951. – Ж. II. – Б. 430.; Муҳаммад ибн Али аш-Шавканий. Ал-Бадр ат-толий. – Қоҳира: Дор ал-китаб ал-исломий, 1997. – Ж. II. – Б. 303.; М.Т.Ҳоутсма. Мужаз Доират ал-маъориф ал-исломия. – аш-Шарико: Марказ аш-Шарикот ли ал-ибдаи ал-фикрий, 1998. – Ж. VIII. – Б. 2299.; Шамсуддин Муҳаммад ибн Абдулрахмон ас-Саховий. Вазиз ал-калом. – Барут: Муассасат ар-рисола, 1995. – Ж. I. – Б. 295.

¹⁶⁴ Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Мифтоҳ ас-Саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. Ж. I. – Б. 191-192.

¹⁶⁵ Бу асарнинг XIX асрда кўчирилган қўлёзма нусхаси Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинасида № 229 инвентарь рақами билан сақланмоқда.

¹⁶⁶ Саъдуддин Тафтазоний. Ал-Мутаввал. – Деҳли: Матбаа, 1329/1911. – 446 б.

¹⁶⁷ Қаранг. Саъдуддин Тафтазоний. Ал-Мутаввал. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2013.

¹⁶⁸ Абдулҳусайн Навотий. Рижоли китоб ҳабиб ас-сияр. – Техрон: Ширкате Само, 1324/1946. – Б. 66.

улум ал-балоғ”, “Маваҳиб ал-Мифтоҳ”, “Уърус ал-ифроҳ”, Дусуқийнинг ушбу асарга ёзган ҳошияси билан бирга¹⁶⁹ ва Карачи шаҳрида 2010 йилларда нашр қилинган.

3. Шарҳ мифтоҳ ал-улум. Ушбу асар аллома Сирожуддин Абу Яъқуб Юсуф ибн Абу Бакр Саккокий (ваф. 626/1229) қаламига мансуб “Мифтоҳ ал-улум” рисоласига ёзилган шарҳдир. Аллома Тафтазоний асарини 787/1385 йили Самарқандда ёзиб тугатган¹⁷⁰. Бу асарга Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи (ваф. 878/1474) форс тилида “Шарҳ Мифтоҳ ал-улуми Тафтазоний” номли шарҳ ёзган¹⁷¹.

4. Шарҳ ал-қисм ас-солис мин ал-мифтоҳ. Бу рисола 787/1385 йили Самарқандда ёзиб тугатилган¹⁷².

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Саъдуддин Тафтазоний ўз даврининг барча илм соҳаларида муҳим асарлар ёзган. Жумладан, алломанинг балоғат илмига юқоридаги тўртта асаридан дастлабки учтаси нашрдан чиққан ва илмий истеъфодага киритилган. Уларнинг ислом манбаларини тўғри тушуниш ва англашда муҳим аҳамиятга эгадир.

* * *

SA'DUDDIN TAFTAZONIYNING FURU' AL-FIQH ILMIGA OID ASARLARI

SA'DUDDIN TAFTAZANI'S WORKS IN FURŪ' AL-FIQH

O'. Palvanov,

*“Islomshunoslik va islom sivilizatsiyasini o'rganish
ICESCO” kafedrasi dotsenti, PhD.*

H.Lutfiddinova,

*“Islomshunoslik” ta'lim yo'nalishi
4-bosqich talabasi.*

Соҳибқирон Амир Темур даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон минтақаларида таълим, илм-фан ва маданият ҳамда халқнинг турмуш тарзи юксалди. Шу аснода астрономия, математика, табиатшунослик, география, амалий санъат, адабиёт, фалсафа, мантиқ, ислом тарихи, ақоид илми, тафсир, ҳадис, фикҳ ва бошқа турли илм соҳаларини мукаммал эгаллаган мутафаккирлар етишиб чиқди. Жумладан, Саъдуддин Тафтазоний ҳам шу даврнинг энг таниқли олими саналади ва Амир Темурнинг ҳам унга нисбатан

¹⁶⁹ Саъдуддин Тафтазоний. Ал-Мухтасар. – Булок: ал-Матбаа ал-кубро ал-амирия, 1318/1901. – 446 б.

¹⁷⁰ Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. – Ж. II. – Б. 1763.

¹⁷¹ Қодиров М. Али Қушчи // Маънавият юлдузлари. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – Б. 196.

¹⁷² Исомуддин Аҳмад Тошкўпризода. Мифтоҳ ас-саода. – Ж. I. – Б. 191.

ҳурмати чиксиз бўлган¹⁷³. Алломанинг тўлиқ исми Масъуд ибн ал-Қози Фахруддин Умар ибн ал-Мавло ал-Азим Бурҳонуддин Абдуллоҳ ибн ал-Имом ар-Раббоний Шамс ал-Ҳаққ, ад-Дин ал-Қорий ас-Самарқандий ал-Ҳаравий ат-Тафтазоний ал-Хуросоний ал-Ҳанафий бўлиб¹⁷⁴, у 722/1322 йили¹⁷⁵ Хуросоннинг Насо (ҳозирги Туркменистон, Ашхабод) шаҳридаги Тафтазон қишлоғида туғилган.

Саъдуддин Тафтазоний ўз даврининг қомусий олими сифатида эътироф этилган. Хусусан, бугунги кунгача тадқиқотчилар томонидан унинг тафсир, усул ал-фикҳ, фуруъ ал-фикҳ, калом, наҳв, балоғат, мантиқ, геометрия, математика ва бошқа соҳаларда эллиқдан ортиқ асар тасниф қилгани аниқланган. Шунингдек, у, инсонлар унинг илмий меросидан манфаат топган олимлар сирасидан ҳисобланади¹⁷⁶. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, аллома ўзининг шоҳ асарларини Мовароуннаҳр шаҳарларида битган. Бундан ташқари, у ислом оламида энг ёш китоб ёзган олимлардан биридир. У 792/1390 йили Самарқандда вафот этган¹⁷⁷.

Аллома ижодида фикҳ илми алоҳида ўринга эга бўлиб, у фаолияти давомида нафақат таълим берган, балки, қозилик лавозимида ҳам ишлаган. Хусусан, унинг Аҳл ас-сунна ва-л-жамодаги ҳанафий ва шофий мазҳаблари фуруъ ал-фикҳига оид муҳим асарларидан қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Ал-Фатово ал-ҳанафия. Бу асарида аллома Саъдуддин Тафтазоний Ҳиротда қози бўлган пайтда ҳанафий мазҳаби бўйича чиқарган фатволарини жамлаган¹⁷⁸ ва ўша ерда 759/1358 йили ёза бошлаган¹⁷⁹. Ушбу китоб нашр этирилган.

2. Шарҳ Фароиз ас-сирожи. Бу асар Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуррашид Сажовандийнинг (ваф. тах. 600/1204 й.) “Фароиз ас-Сирожи”

¹⁷³ Қаранг. Ал-Мавло Тақийуддин ибн Абдулқодир ат-Тамимий ад-Дорий ал-Ғаззий ал-Мисрий ал-Ҳанафий. Ат-Табақот ас-сания фи тарожим ал-ҳафия. – ар-Риёд: Дор ар-Рифой, 1989. – Ж. I. – Б. 325-326.; Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Аш-Шақоик ан-нуъмония. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 1975. – Б. 54.

¹⁷⁴ Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Мифтах ас-Саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. Ж. I. – Б. 190.; Жамолуддин Абу ал-Маҳосин Юсуф ибн Туғро Бурда. ал-Манҳал ас-софий. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-васоик ал-қоамия, 2005. – Ж. XI. – Б. 241.; Жамолуддин Абу ал-Маҳосин Юсуф ибн Туғро Бурда. Ад-Далил аш-шофий ала ал-Манҳал ас-софий. – Қоҳира: Мактабат ал-Хонижи, 1955. – Ж. II. – Б. 734.; Тақийуддин Аҳмад ибн Али ал-Мақризий. Дурар ал-Уқуд ал-фарида. – Байрут: Дор ал-Ғарб ал-исломий, 2002. – Ж. III. – Б. 471.

¹⁷⁵ Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 20.; Исмоил Пошо ал-Бағдодий. Ҳадият ал-орифин. – Истамбул: Миллий эғитим басимеви, 1951. – Ж. II. – Б. 430.; Муҳаммад ибн Али аш-Шавконий. Ал-Бадр ат-толий. – Қоҳира: Дор ал-китаб ал-исломий, 1997. – Ж. II. – Б. 303.; М.Т.Ҳоутсма. Мужаз Доират ал-маъориф ал-исломия. – аш-Шарико: Марказ аш-Шарикот ли ал-ибдаи ал-фикрий, 1998. – Ж. VIII. – Б. 2299.; Шамсуддин Муҳаммад ибн Абдуррахмон ас-Саховий. Вазиз ал-калом. – Барут: Муассасат ар-рисола, 1995. – Ж. I. – Б. 295.

¹⁷⁶ Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Мифтах ас-Саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. Ж. I. – Б. 190.

¹⁷⁷ Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Мифтах ас-Саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. Ж. I. – Б. 191-192.

¹⁷⁸ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Самарқанднинг сара уламолари. – Т.: Ҳилол-Нашр, 2014. – Б. 24.

¹⁷⁹ Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Мифтах ас-Саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. – Ж. I. – Б. 192.

асарига ёзилган шарҳ. “Фароиз ас-Сирожия” асари 2010 йилда ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилди¹⁸⁰.

3. Ал-Мифтоҳ. Бу асар шофий мазҳаби фуруъ ал-фикҳига оид китоб бўлиб, у 782/1380 (791/1389 йили¹⁸¹) йили Самарқандда ёзилган¹⁸².

4. Мухтасар шарҳ Талхис ал-жомеъ ал-кабир. Ҳанафий мазҳаби мужтаҳид олимларидан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний Ҳанафий (ваф. 189/805 й)нинг “ал-Жомеъ ал-кабир” номли асарига Камолуддин Муҳаммад ибн Ибод ибн Малик Довуд Халотий Ҳанафий (ваф. 652/1254 й.) мухтасар ёзган. Бу мухтасарга Абу-л-Исома Масъуд ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғиждивоний (ваф. 772/1371 й.) шарҳ битган. Аллома Саъдуддин Тафтазоний эса, мазкур шарҳга 785/1383 йили Самарқандда мухтасар ёзган¹⁸³.

5. Шарҳ фикҳ ал-Кайдоний. Мазкур асар Лутфуллоҳ Насафийнинг (ваф. 750/1349 й.) “Фикҳ ал-Кайдоний” асарига ёзилган шарҳ.

6. Китоб ал-Иҳзор. Тафтазоний мазкур асарини Ғиждивон вилоятида 753/1352 йили ёзган¹⁸⁴.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, аллома Саъдуддин Тафтазоний ўз даврининг барча илм соҳаларига оид қимматли асарлар ёзган. Жумладан, олимнинг фуруъ ал-фикҳга оид барча асарлари ҳам илмий истеъфодага киритилмаган. Жумладан, юқорида келтирилган асарлардан фақат “ал-Фатово ал-ҳанафия” асари топиб нашр этилган. Лекин, “ал-Мифтоҳ”, “Мухтасар шарҳ Талхис ал-жомеъ ал-кабир” ва “Китоб ал-Иҳзор” каби асарлари бугунги кунгача топилмаган. Зеро, дунё фонларида ва шахсий кутубхоналарда ушбу манбаларнинг қўлёзма нусхалари сақланиб қолган бўлиш эҳтимол бор.

* * *

¹⁸⁰ Қаранг: Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдуллаҳид Сажозандий. Фароизус сирожия. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010. – 144 б.

¹⁸¹ Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. – Байрут: Дор Ихя ат-турос ал-арабий (нашр йили кўрсатилмаган). – Ж. II. – Б. 1769.

¹⁸² Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Мифтах ас-Саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. – Ж. I. – Б. 192.

¹⁸³ Ҳожа Халифа. Кашф аз-зунун. – Байрут: Дор Ихя ат-турос ал-арабий. – Ж. I. – Б. 472., 567-570.; Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Мифтах ас-Саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. Ж. I. – Б. 192.

¹⁸⁴ Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 20.

QO‘QON XONLIGIDAGI MAKTABLAR FAOLIYATIGA OID TADQIQOTLAR

RESEARCH ON THE ACTIVITIES OF SCHOOLS IN THE KOKAND KHANATE

Bobir Abduqodirov,
Tarix (Islom sivilizatsiyasi)
tutaxassisligi 2-kurs magistri

Ne‘matullo Muxamedov,
tarix fanlari doktori, DSc

XIX asr boshlarida Qo‘qon xonligida boshlangan ilmiy, madaniy-adabiy muhitning shakllanishi va rivojlanishida bevosita xonlikdagi maktab va madrasalarning o‘rni beqiyosdir. Bu ilm o‘choqlari xalqni ma‘rifatli qilish, an‘anaviy ta‘limni va madaniy-ma‘naviy hayotni yuksaltirishda katta rol o‘ynagan. Islom dinining paydo bo‘lishi va uning boshqa mamlakatlar kabi Turonzaminga kirib kelishi mahalliy xalq ijtimoiy-madaniy hayoti, kundalik maishiy turmushi, ayniqsa, ta‘lim-tarbiya sohasiga bir qator o‘zgarishlar olib keldi.

Umuman olganda, musulmon mamlakatlarida arab tilini va din asoslarini o‘rgatishga ixtisoslashgan maktablarning paydo bo‘lishi muqaddas kitob – Qur‘oni karimni o‘rganish, tushunish zaruratining yuzaga kelishi bilan bog‘liqdir. Keyinchalik esa Qur‘on mazmuni va g‘oyalarini xalqqa tarqatish maqsadida maktablar tashkil etilgan, ana shu paytdan e‘tiboran “maktab” atamasi “mirzalar maktabi” ma‘nosini bildirgan¹⁸⁵.

Islom olamida maktablar faoliyatini tadqiq etgan izlanuvchilar turli-tuman fikr-mulohazalarni bildirib o‘tganlar. “Maktab” so‘zi lug‘aviy ma‘nosi arab tilidan “yozish joyi” ma‘nosini bildirib¹⁸⁶, o‘rta asrlar davomida fors-tojik, qardosh turkiy tillarda, O‘rta Osiyo, Sharqiy Turkiston, Volgabo‘yi, Qrim va unga tutash mintaqalarda boshlang‘ich ta‘lim muassasasi sifatida muomalaga kirgan.

J.Maqqdisiy o‘rta asrlar ta‘lim tizimini o‘rganar ekan, masjidlardagi maktablar va ularning ta‘lim sohasidagi mavqeyini yuqori baholagan edi¹⁸⁷.

Bu davrda, jumladan, XI asrda Bag‘dod shahridagi jome‘ masjididagi ta‘lim muassasasi – maktabda fiqh, hadis, tafsir, nahv, adab fanlari o‘rgatilgan, va‘zlar qilinib, turli munozaralar olib borilgan. Albatta, sakkiz asr o‘tgach, ya‘ni biz o‘rganayotgan davrga kelib nafaqat Qo‘qon xonligida, balki barcha musulmon o‘lkalarida tarbiya va maktab ta‘limi tizimida juda katta o‘zgarishlar yuz berdi.

¹⁸⁵ Наливкин В.П. Что даёт Средне-Азиатская мусульманская школа в образовательном и воспитательном отношениях? – СПб.: Б. и., 1900. – С.323.

¹⁸⁶ Мактаб // Ислон. Энциклопедия. А-Х / З.Хусниддинов тахрири остида.– Тошкент: Ўз МЭ, 2004. – Б.149 – 150

¹⁸⁷ George Makdisi. Muslim Institutions of Learning in Eleventh Century Baghdad // Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London. Vol.24. – №1. – 1961. – P.4.

E.F.Vulfson mahalliy aholining bola tarbiyasi borasidagi an'analarini kuzatib, o'zining tahliliy fikrlarini bildirib o'tgan. Unga ko'ra, mahalliy aholi bola 4 yoshdan o'tib, gapirishni boshlaganda, uning kamolot2 tarbiyasi bilan shug'ullanishga kirishgan. Bu paytda, asosan, diniy tushunchalar, salomlashish odobi o'rgatilgan¹⁸⁸. Qizlar esa erta turmushga chiqishi bois 8 – 9 yoshga yetmay uy-ro'zg'or ishlarini o'rganishni boshlaganlar.

Rossiyalik tadqiqotchi R.Rahimovning fikricha, imperiyaning musulmon o'lkalarida, xususan, O'rta Osiyoda mahalliy maktablarning ikki ko'rinishi faoliyat ko'rsatgan. Bularning biri – statsionar, ya'ni masjidlar qoshidagi, ikkinchisi – ko'chib yuruvchi, ya'ni ko'chmanchi aholi orasida tarqalgan boshlang'ich maktablar¹⁸⁹. Tadqiqotchining qayd qilishicha, masjidlar qoshidagi maktablar tog'li tojiklarda olovxonalarda faoliyat yuritgan. Masjidlardagi maktablarda esa darslar maxsus ajratilgan hujrada olib borilgan. Ma'lumotlarga qaraganda, XIX asr o'rtalari – XX asr boshlarida Turkiston o'lkasida 7 mingdan ortiq bunday maktablar faoliyat ko'rsatgan. Ya'ni mazkur turdagi ta'lim muassasalarining 2/3 qismini tashkil etgan Turkiston general-gubernatorligi arxiv fondlari va kuzatuvchi tadqiqotchilarning fikricha, XIX asrda mahalliy maktablar ikki xil bo'lgan. Birinchisi quyi maktablar bo'lib, yuqorida aytilganidek, masjidlarda faoliyat yuritgan. Ikkinchisi yuqori maktablar bo'lib, faqat shaharlarda, katta qishloqlarda ish olib borgan¹⁹⁰.

1868-yili Toshkentda bo'lgan A.P.Xaroshxinning mahalliy aholi vakillaridan olgan ma'lumotlariga qaraganda, shaharda o'g'il va qiz bolalarning maktablari alohida bo'lgan¹⁹¹. Masjidlardagi maktablarda masjid imomi, ba'zida so'fisi dars bergan¹⁹².

Qo'qon xonligi madrasa, qorixona va maktablari tarixini tadqiq qilish bo'yicha anchagina ilmiy ishlar qilingan. Bu mavzuga bag'ishlangan yirik monografik tadqiqotlarni Turkistondagi mustamlakachilik ma'2muriyati tizimida faoliyat ko'rsatgan amaldorlar N.P.Ostroumov, F.M.Kerenskiy, S.M.Gramenetskiy, V.P.Nalivkin va boshqalar amalga oshirishgan¹⁹³. Bu mualliflar Turkistonda maorif idoralarida ishlab Rossiya imperiyasining mustamlakachilik siyosatini amalga oshirishda faol ishtirok etganliklari uchun o'z asarlarida boy arxiv hujjatlari, statistik materiallardan foydalanishgan. Ularning asarlari Qo'qon xonligi va Turkiston o'lkasidagi madrasa, qorixona, maktablar haqida keng va atroflicha ma'lumotlar borligi bilan ajralib turadi.

Xulosa qilib aytganda, mualliflar madrasa, maktablar soni, o'quvchilar soni, o'quv dasturlari, qanday fanlar o'qitilishi, ular binolarining tuzilish, vaqf mulklari, undan tushadigan daromad, undan foydalanish tartiblari, madrasaning shaxsiy

¹⁸⁸ Вульфсон Э.С. "Как живут сарты". – М.: Б. и., 1908. – С.96 – 97.

¹⁸⁹ Рахимов Р. "Мактаб // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь /Под ред. С.М.Прозорова. – СПб., 2006. Т.1. – С.251.

¹⁹⁰ Вульфсон Э.С. Как живут сарты... – С. 99 – 100.

¹⁹¹ Хорошхин А.П. Очерки Ташкента // Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – С.87.

¹⁹² Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. – М.: Академ. пед. наук РСФСР, 1960. – С.36.

¹⁹³ Алимов И. Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи. –Тошкент: Фан, 2017 -Б.13.

tarkibi, mutavalli, mudarrislar vazifalari, madrasa, qorixona, maktab binolarini ta'mirlash, ruslar O'rta Osiyoni bosib olganidan keyin milliy maorif sohasida yuz bergan o'zgarishlar haqida ma'lumotlar¹⁹⁴ berishgan.

* * *

SA'DUDDIN TAFTAZONIYNING USUL AL-FIQH ILMIGA OID ASARLARI

SA'DUDDIN TAFTAZANI'S WORKS IN USUL AL-FIQH

O'. Palvanov,

*"Islomshunoslik va islom sivilizatsiyasini o'rganish
ICESCO" kafedrasi dotsenti, PhD*

Саъдуддин Тафтазоний нахв, сарф, маоний, баён, усул ал-фикх ҳамда фуруъ ал-фикх (ҳанафий ва шофиъий), мантиқ, ақида, тафсир ва бошқа илм соҳалари бўйича йирик олим бўлган¹⁹⁵. У нафақат ўзининг замондош олимлари, балки кейинги даврларнинг машҳур олимлари томонидан кўплаб олий сифатлар билан мактанилган. Жумладан, аллома "аш-Шайх Саъдуддин"¹⁹⁶, "ал-Устаз"(устоз)¹⁹⁷, "ал-Имом ал-Кабир"(катта имом), "Устаз ал-Уламо ал-мутааххирин ва саййид ал-фузало ал-мутақаддимин, мавлоно саъд ал-милла ва ад-дин⁸, муъдил мизон ал-маъкул ва ал-манкул, муфтиҳ ағсон ал-фуруъ ва ал-усул"(кейинги олимлар устози ва кейинги фозил олимлар саййиди, миллат ва дин бахтлиси, нақл ва ақл мезонининг тўғриловчиси, усул ва фуруъ шохлари очувчиси)¹⁹⁸, "ал-Имом ал-Аллома"(алломаи имом)¹⁹⁹, "Саъд ал-милла ва ад-дин" (миллат ва диннинг бахтлиси), "Саъд ал-имом ал-аллома ал-фақиҳ ал-адиб ал-ҳанафий" (ҳанафий фақиҳ адиб олимлари имомининг бахтлиси) ва "Олим ал-машрик" (шарқнинг олими), "Ҳибр ал-умма, шамс ал-аимма"(Уммат олими, имомлар қуёши)²⁰⁰, "ал-аллома ас-саний" (иккинчи аллома)²⁰¹ каби номлар билан машҳур.

Саъдуддин Тафтазоний қомусий олим сифатида эътироф этилган. Хусусан, бугунги кунда унинг тафсир, фикх, калом, нахв, балоғат, мантиқ, геометрия, математика ва бошқа соҳаларда элликдан ортиқ асар тасниф

¹⁹⁴ O'sha asar. O'sha yerda.

¹⁹⁵ Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Мифтах ас-Саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. Ж. I. – Б. 190.

¹⁹⁶ Шихобуддин Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ал-Асқалоний. Ибна ал-ғумр би абна ал-умр. – Қоҳира: Дор ат-Таовун, 1969. – Ж. I. – Б. 389-390.

¹⁹⁷ Муҳаммад Адулхай Ҳиндий Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожим ал-ҳанафия. – Байрут: Дор ал-Арқам ибн Аби ал-Арқам, 1998. – Б. 223.

¹⁹⁸ Муҳаммад ибн Али аш-Шавканий. Ал-Бадр ат-толий. – Қоҳира: Дор ал-китаб ал-исломий, 1997. – Ж. II. – Б. 303-304.

¹⁹⁹ Жамолуддин Абу ал-Маҳосин Юсуф ибн Туғро Бурда. Ал-Манҳал ас-софий. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-васоик ал-қоамия, 2005. – Ж. XI. – Б. 241.

²⁰⁰ Саъдуддин Тафтазоний. Ал-Мутоввал. – Бхупал: ал-Матбаа аш-Шоҳжоҳоний, 1311. – Б. 446.

²⁰¹ Абдулхусайн Навотий. Риждоли китоб ҳабиб ас-сияр. – Б. 69.

қилгани аниқланган ва у, инсонлар унинг илмий меросидан манфаат топган олимлар сирасидан ҳисобланади²⁰². Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, аллома ўзининг шоҳ асарларини Мовароуннаҳр шаҳарларида битган ва ислом оламида энг ёш китоб ёзган олимлар сарасига киради ҳамда 792/1390 йили Самарқандда вафот этган²⁰³. Олим ижодида фикҳ илми алоҳида ўринга эга. Хусусан, унинг Аҳл ас-сунна ва-л-жамодаги ҳанафий ва шофий мазҳаблари усул ал-фикҳ ва фуруъ ал-фикҳ илмларига оид муҳим асарларидан қуйидагиларни келтириш мумкин:

Усул ал-фикҳ илмига оид:

1. Талвих фи кашф ҳақоик ат-танқиҳ (“ат-Танқиҳ” маъноларини очиб бериш борасидаги “Эслатма”). Ушбу асар Саъдуддин Тафтазоний томонидан Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-Шариа (ваф. 747/1346)нинг “ат-Тавзиҳ фи ҳалл ғавомиз ат-танқиҳ” номли асарига ёзилган машҳур шарҳ бўлиб, у ҳанафий мазҳаби “Усул ал-фикҳ”и бўйича муҳим манбалардан бир ҳисобланади²⁰⁴. Бу асар аҳамиятини ҳақида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (1371-1436/1952-2015) “Усул ал-фикҳ илми билан шуғулланишни ирода этган ҳар бир шахс албатта мазкур асарга мурожаат этади”, деб таъкидлаган²⁰⁵. Аллома бу асарини Гулустонда 758/1357 йили ёзиб тугатган²⁰⁶. Асар Деҳли, Лакнав ва Байрут каби шаҳарларда 1267/1851, 1281/1864, 1419/1998 йилларда нашр қилинган.

2. Ҳошия ало Шарҳ ал-Мухтасар ало Китоб Мунтаҳо ас-савол вал-амал фи илмай ал-усул вал-жадал. Ушбу асар олим Азудуддин Ийжий томонидан Жамолуддин Абу Амр Усмон ибн Умар ал-Моликий (ваф. 646/1248 й.)нинг “ал-Мухтасар ало Китоб Мунтаҳо ас-савол вал-амал фи илмай ал-усул вал-жадал” номли асарига ёзилган шарҳга шарҳ ҳисобланади. У 770/1368 йил Хоразмда ёзилган²⁰⁷ ва бир неча бор нашр этилган²⁰⁸.

3. Иршод ал-фуҳул. Ушбу асар Саъдуддин Тафтазоний томонидан Абулмаалик Абдулмалик ибн Абдуллоҳ ибн Юсуф ал-Жувайний аш-Шофий (419-478/1028-1085)нинг “ал-Варақот” номли асарига ёзилган шарҳ бўлиб, у шофий мазҳаби “Усул ал-фикҳ”и бўйича муҳим манбалардан бир ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Саъдуддин Тафтазоний ўз даврининг деярли барча фан соҳаларига оид қимматли асарлар ёзиб

²⁰² Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Мифтах ас-Саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. Ж. I. – Б. 190.

²⁰³ Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Мифтах ас-Саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. Ж. I. – Б. 191-192.

²⁰⁴ Абу Ҳафс ан-Насафий. Таҳсил усул ал-фикҳ / Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: т.ф.н. Ҳ.Аминов, т.ф.н. С.Муҳаммадаминов. – Т.: “Noshir”, 2015. – Б. 15.

²⁰⁵ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Фикҳий йўналишлар ва китоблар. – Т.: Шарқ, 2011. – Б. 130.

²⁰⁶ Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Мифтах ас-Саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. – Ж. I. – Б. 192.

²⁰⁷ Исмоил Пошо ал-Бағдодий. Ҳадият ал-орифин. – Истамбул: Миллий эғитим басимеви, 1951. – Ж. II. – Б. 430.

²⁰⁸ Қаранг. Саъдуддин Тафтазоний. Ҳошия ало Шарҳ мухтасар ал-Мутаҳий ал-усулий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2004.

қолдирган. Жумладан, олимнинг усул ал-фикҳга оид барча асарлари тўлиқ илмий истеъфодага киритилган. Шунинг баробарида, у ҳанафий олими сифатида нафақат ҳанафий, балки, шофий ва моликий мазҳаблари усул ал-фикҳ соҳаларини жамалашга муваффақ бўлганлардан биридир.

* * *

FIQH VA TASAVVUF MUNOSABATI BILAN BOG‘LIQ TADQIQOLAR TAHLILI

ANALYSIS OF RESEARCH ON THE RELATIONSHIP BETWEEN FIQH AND SUFISM

Нилуфар Туйчиева,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш
ICESCO кафедраси доценти в.б.*

Фикҳ ислом динининг ҳаётда акс этган амалий ҳукмларини ифода этаркан, тасаввуф эса исломнинг маънавий ҳаёт тарзини, ахлоқ нормаларини, руҳий тарбия масалаларини ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан фикҳ исломнинг зоҳирий акси тасаввуф эса ботиний қисми сифатида кўрилади. Бугунги кунгача бу икки соҳа ўртасидаги алоқалар соғлом ёки аксинча бўлишининг сабабларини ўрганиш ва ечимлар бериш долзарб аҳамият касб этмоқда. Фикҳ ва тасаввуф ўртасидаги мўътадил ўрталикни топиш мусулмон жамоалар ўртасида илиқ муносабатлар шаклланишига асос бўлади. Бугунги кунда исломшунослар орасида юқоридаги икки соҳанинг алоқадорлиги билан боғлиқ бир қатор тадқиқотлар амалга оширилаётганининг сабаби ҳам шу.

Фикҳ ва тасаввуф ислом илмлари орасида муҳим ўринга эга бўлган икки йўналишдир. Исломнинг ишонч, амал ва ахлоқ уйғунлиги доирасида ривожланишга имкон берувчи функцияларга эга бу икки соҳа бир-бирини тўлдирувчи жиҳатларга эгаллиги билан аҳамиятли. Шу сабабдан тарихий жараёнларда зохир-ботин, ҳақиқат-шариат, мадраса-такия билан боғлиқ турли тортишмалар кўзга ташланади. Ислом билимлари шаклланган илк даврларда ақида илми “фикҳи акбар”, тасаввуф илми “фикҳи авсат” ва фикҳ илми эса “фикҳи асғар”²⁰⁹ номи билан аталиши ҳар учала илмнинг функционал вазифасини ифода этган. Ҳижрий иккинчи асрда тасаввуф номини олгунга қадар бу илм “фикҳи ботиний”, “фикҳи виждоний”, “илми ҳол” каби номлар билан аталган эди²¹⁰.

Тасаввуф ва фикҳ алоқадорлигини ўрганган олим ва тадқиқотчилар илмий ишлари бу икки соҳанинг турли жиҳатларига аҳамият қаратган ҳолда

²⁰⁹ A. Belhaj // Legal Knowledge by Application: Sufism as Islamic Legal Hermeneutics in the 10th/12th Centuries. Studia Islamica 108. Koninklijke Brill NV, Leiden, 2013. – P. 99.

²¹⁰ Abdurrahmân İbn Haldûn, Muḳaddime (by.: el-Matbaatü’ş-şerefiyye, ts.), 521.; Ali Sâmî en-Neşşâr, Neş’etü’l-fikri’l-felsefî fi’l-İslâm (Kahire: Dâru’l-Me’ârif, ts.), 3/30.

амалга оширилгани кузатилди. Масалан, айрим олимлар тасаввуф ва фикҳнинг ижобий ёки салбий муносабатлари ҳақида ёзсалар, баъзилари классик ёки ҳозирги давр муммоларидан келиб чиқиб бир-бирига қиёс қилганлар, бошқалари эса маълум мавзуларни ажратиб кўрсатган ҳолда уларнинг шаръий ёки шариатдан ташқари эканлиги таҳлил қилишга уринганлар.

Тадқиқотчи И.Усмонов фикрига кўра, суфий ва фақиҳлар ўртасидаги келишмовчиликнинг асоси уларнинг ҳар бири ўз диний қарашларини ҳақ деб билиши натижасида вужудга келган. Ҳуқуқшунослар суфийликни динга янгилик киритишда айблаган бўлсалар, тасаввуф вакиллари ҳуқуқшуносларни “ҳарфий ёндашув” ва масалаларнинг маънавий жиҳатларига безътиборликда айбладилар²¹¹.

Кунимизда амалга оширилган хорижий тадқиқотлардан бири Акиф Дурсуннинг “Тасаввуф фикҳ муносабати”²¹² деб номланган диссертацияси кўрилатган мавзуга тўлиқ бағишлангани билан аҳамиятли. Ишда дастлаб фикҳ ва тасаввуф атамалари этимологик жиҳатдан кўриб чиқилган, тарихий даврлари ҳам тартиб асосида берилиб, кейинги қисмда фикҳ ва тасаввуфнинг назарий қисми таҳлил қилинган. Ҳар икки соҳанинг кўзга кўринган вакиллари қарашлари, баён қилинган. Бу назарий қисм саҳобалар давридан ҳижрий 5-асргача бўлган даврни қамраб олган. Бундан ташқари, тасаввуфнинг фикҳ билан боғлиқ масалалари ҳам ёритилган. Тадқиқотнинг сўнги натижаларига кўра, тасаввуф илми шаклланган илк даврларда фақиҳлар, муҳаддислар ва мутакаллимлар томонидан танқидга учрагани таъкидланади.

Мавзуга фақатгина фақиҳлар нуқтаи назаридан қараш муаммони тўлақонли ўрганишга тўсик бўлади. Мутасаввифларнинг ҳам бу борадаги фикрларини ўрганиш объектив ёндошувни келтириб чиқаради. Мутасаввифлар фақиҳларни диннинг зохири билан чекланган кишилар деб баҳолаб, шаклга мойил эканликларини таъкидлайдилар. Шунга қарамасдан, суфийлар шариатсиз ҳақиқатга эришиш мумкин эмаслигини ҳам инкор этмайдилар.

Ҳожи Байрам Башэр томонидан амалга оширилган “Сунний тасаввуфнинг шаклланиш жараёнида шариат ва ҳақиқат муносабати”²¹³ деб номланган докторлик диссертацияси яна бир муҳим изланишлар. Муаллифга кўра тасаввуфнинг диний бир билим соҳаси сифатида юзага чиқиш жараёнида танқидларга учраши фикҳ, ҳадис ва ақида илмларида ҳам кузатилган жараёндир.

Муаллиф танқидчиларга муносабат билдираркан бир қанча юксак чўққига эришган фақиҳларнинг фикҳни тугал ўргангандан сўнгга

²¹¹ Усмонов И. // Тасаввуфнинг шаклланиш босқичида фикҳ илми билан муносабати. Том 3 № 1 (2022): Ренессанс Центральной Азии. –Б. 29.

²¹² Dursun, A. “Tasavvuf Fıkıh İlişkisi”, Doktora Tezi, Marmara Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, İstanbul. 2020.

²¹³ Başer, H. “Sünni Tasavvufun Teşekkül Sürecinde Şariat-Hakikat İlişkisi Sorunu (Hicrî III. ve IV. Yüzyıllar)”. Doktora Tezi, İstanbul Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, İstanbul. 2015. –S.173.

қоникмасдан тасаввуфга йўналгани сабабини ўрганилган билимларга амал босқичи эканлигини таъкидлаган. Классик давр мутасаввифларидан Калабодий (ваф. 990 й.), Хужвирий (ваф. 1072 й.), Қушайрий (ваф. 1072 й.) ҳиссаси туфайли тасаввуф ва бошқа диний билимлар ўртасида ўзаро яқдиллик, шариат ва тасаввуфнинг алоқадорлиги аниқланди²¹⁴.

Хайриддин Карамонийнинг “Шариатсиз тасаввуф бўлмас”²¹⁵ номли китобида тасаввуф йўлида эканликларини иддао қилган баъзи кишилар шариатга номувофиқликда айблашдан моддий манфаат ёки диндан узоқлаштириш мақсадида фойдаланганлар деган фикрни илгари сурган. Барча исломга оид манбаларда айрим суфийлар маълум бир юқори мақомларга эришгач шариат аҳкомларини шарт эмас деб ҳисоблашлари қораланади. Пайғамбар (с.а.в) ҳам шариатга хилоф қилмаган ҳолда ихлос ва эҳсон мартабасида бўлишликни машруъ кўришлари таъкидланган. Муаллиф шариат тамойиллари ва суфийлик амалиёти ўртасидаги номувофиқлик, келишмовчилик айнан шу ерда деб билади. Бу тадқиқотда умуман олганда тариқат, тавассул, робита, илҳом, илми ладун каби тасаввуфий тушунчалар таърифи ва шариатга мувофиқ ёки эмаслигини таниқли мутасаввифлар ва ислом файласуфларининг қарашлари орқали тушунтиришга аҳамият қаратган.

Тасаввуф ва фикҳ ўртасида ғоявий жиҳатдан яқин нуқталар мавжуд. Бу икки билим соҳасини айна бир нуқтада бирлаштирган асос муҳим аҳамиятга эга. Тасаввуф шариатнинг ботиний жиҳатини ифодалайди. Илк ислом даврида фикҳ, ақоид ва тасаввуфнинг бир биридан ажралмагани бежиз эмас. Замонавий тадқиқотлар билан бирга классик тасаввуф иманбаларида ҳам бу мавзу тилга олинади. Масалан, Хужвирий ва Қушайрий каби классик дарғаларнинг фикрига кўра ҳақиқат билан қувватланмаган шариат аҳамиятсиз бўлгани каби шариат чегараламаган ҳақиқат ҳам мақбул эмас. Хужвирий шариат билан ҳақиқатни бирлаштириш деган тушунчага қарши чиқар экан улар иккиси аслида бир мақсадга қаратилган жипслик деб айтади²¹⁶.

Имом Раббоний шариатни уч жузга бўлади: илм, амал ва ихлос. Тариқат ва ҳақиқат ихлос шаклида шариатга ёрдам этувчидир. Ботин зоҳирни тугал қилади, уни камолга етқазади. Иккиси орасида қилчалик айрилиқ йўқ. Мисол ила англатилса тил билан ёлғон сўзламаслик шариат, ёлғонни кўнгилдан сидириб чиқариш тариқат ва ҳақиқатдир. Шариат ва тариқат бир-бири билан тўлиқ қувватлидир²¹⁷.

Хулоса ўрнида тасаввуф ва фикҳ алоқадорлиги узилиши ёки ўзаро терс бўлиши мумкин эмас. Етук фақиҳларнинг мукамаллик касб этиш мақсадида тасаввуфни қўллаганларидек, кўзга кўринган тасаввуф намоёндалари ҳам ўз вақтида фақиҳ бўлганлари юқоридаги фикримиз далилидир. Бу икки билим

²¹⁴ Başer, H. “Sünni Tasavvufun Teşekkül Sürecinde Şeriat-Hakikat İlişkisi Sorunu (Hicrî III. ve IV. Yüzyıllar)”. Doktora Tezi, İstanbul Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, İstanbul. 2015. –S.266.

²¹⁵ Karaman, H. Tasavvuf Şeriatsız Olmaz, İstanbul: İz yayıncılık. 2019. –S.9-10.

²¹⁶ Ebül Hasen Hucviri, Keşful mahcub. Hakikat bilgisi, -S.440.

²¹⁷ Имом Раббоний. Мактуботи Раббоний. –Тошкент: “Factor press”, 2023. –Б. 130.

соҳаси лафзда турли хил ифодаланса-да, моҳият жиҳатидан инсонни комилликка эриштиришни мақсад қилган.

* * *

HADISLARDAGI QISSALARNING O‘ZIGA XOSLIGI

PARTICULARITIES OF STORIES IN HADITHS

Muratov Doniyor Maxamatvaliyevich,
O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi
“Islomshunoslik va islom sivilizatsiyasini
o‘rganish ICESCO” kafedrasi dotsenti

Қисса сўзи араб тилида тарих, ҳикоя, қисса, новелла, оғзаки хабарлар, ривоят қилинган хабарлар, янгиликлар деган маънони англатади. Шунингдек, Қуръони каримда ҳам бир неча ўринларда Аллоҳ ўтган умматлар ҳақида сўзлаб бериб уларни қисса деб ном берган. Жумладан, «(Эй, Мухаммад!) Биз Сизга ўтиб кетган (авлод)лар хабарларидан шу тарзда (қисса қилиб) сўзлаб берурмиз» (Тоҳа, 99) ва бошқа оятларини келтириб ўтиш мумкин.

Истилоҳий маънода қисса деб бирор нарса, кимса ва улар билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар оғиздан-оғизга кўчиб юрадиган ҳикоя, нақлга айтилади. Адабиётда эса, воқеий ҳодисалар баён қилинадиган асарларга ҳам ишлатилади²¹⁸. Қисса айтувчилар қиссахон, қиссагўй, қиссачи ёки маддох* деб номланади.

Қисса ва хабар орасида умумий ва хусусий фарқлар мавжуд. Қисса хабар ҳисобланади, аммо ҳар бир хабар қисса бўла олмайди. Жумладан, 2Аллоҳ осмонлару-ерни, фаришталарни, жинларни яратиши ҳақидагилар, шунингдек, пайғамбарлар, уларнинг оталарининг исмлари хабар бўлиб, қисса ҳисобланмайди. Аммо пайғамбарларнинг қавмлари билан зикр қилиниши, яхшилар ва фожирлар орасидаги кураш қабила қиссадир²¹⁹.

Олимлар ўз тадқиқотлари давомида қиссаларни адабиётнинг бошқа турларидан ажратиб турадиган ўзига хос услублари борасида қуйидаги хулосаларни айтиб ўтганлар. Буларни ислом манбаларидаги қиссаларда ҳам кўриш мумкин:

²¹⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Т. 5. – Б. 113.

* Маदдох араб тилида, мактовчи, мадх қилувчи, ҳикоя айтувчи маъноларни билдиради. Руслар Ўрта Осиёни босиб олганда қиссачилар маддох номи билан юритилган. Россия империяси давридаги маддохлар фаолияти ҳақида батафил маълумот проф. А.Эркиновнинг «Исламский институт маддахов-проповедников в Туркестанском крае: идеологизация русской администарцией репертуара их проповедей» (ARS Islamica. – Moscow: Nauka – Vostochnaya Literatura, 2016. – pp. 746-796) номли мақоласида берилган.

²¹⁹ Умар Сулаймон Ашқар. Саҳиҳ ал-қасас ан-Набавий. – Урдун: Дор ан-нафоис, 1997. – Б. 12.

- ривоят услубининг умумий сифати. У шу даражада кетма-кет ва бир-бирига боғланган бўладик, ўқувчи уни ҳар доим қайсидир мақсадни ифода этишини сезади ва охиригача диққат ва қизиқишда бўлади;

- қисса мантикий ўзаро бир-бирига мос тартибли, қисқа келитирилган бўлади ҳамда ундан аҳамиятсиз тафсилотлар тушириб қолдирилади; қисса, тавсиф, диалогларда услуб турли хил бўлади;

- ўқувчи қиссада бўлаётган воқеаларга боғланиб қолиши учун иборалар осон ва аниқ тузилган бўлиши керак; қисса узлуксиз келмайдиган, матнда тушуниладиган бош маънога эга бўлади²²⁰;

- асосий қаҳрамон атрофига бирлашган бир неча персонажлар мавжуд бўлади; бош қаҳрамон ҳаётида рўй берган барча воқеаларни батафсил тасвирлаш шарт эмас, шунинг учун шахс ҳаётининг маълум даври ёритилиши лозим. Шунда ҳам шахснинг бир ёки бир неча эпизоди танлаб олинади;

- қисса қаламга олган ижтимоий мазмун кенг ва чуқур бўлади;

- қисса мураккаб ҳаётий жараёни, кенг қамровли воқеаларни узлуксиз равишда тасвирламайди²²¹;

- қисса халқона иборалар ишлатган ҳолда инсонга психологик таъсир ўтказиш воситаларидан бири ҳисобланади²²².

Бошқача қилиб айтганда, қисса бир инсон ҳаётининг маълум даври, маълум вазиятлари, маълум руҳий ҳолатлари ҳақида субъектив тарзда² ҳикоя қилувчи, роман, новелла ва ҳикояга хос айрим ўзига монанд хусусиятларидан холи бўлмаган мустақил жанрдир²²³.

Қиссаларнинг диний, таълимий, яхшиликка чорлов ва ёмонликдан қайтариш, ваъз-насихат қилиш, тавбага чақириш ва бошқа мақсадлари бўлган. Шу билан бирга қиссачилик ҳам бу мўъжизакор, азалий – абадий оқибатни тез-тез ёдга тушириб туради²²⁴.

Шунингдек, қиссалар адабиётнинг ўзига хос жанри бўлиб, инсонлар унга қаттиқ боғланиб, кучли яхши кўриб қоладилар, унга эргашадилар, қалбларини уйғотадилар. Бугунги кунга келиб қиссаларнинг турлари кўпайди. Яъни, ривоятлар-ўхшаш вазият ва ҳолатда бўлган шахсларнинг узун ва кўп ҳикояси, қисқа, ҳаёлий (фантастик), воқеавий, рамзий, лирик*,

²²⁰ Умар Сулаймон Ашқар. Саҳиҳ ал-қасас ан-Набавий. – Урдун: Дор ан-нафоис, 1997. – Б. 12-13.

²²¹ <https://referat.arxiv.uz/index.php?do=files&op=download&fileid=63024>.

²²² Ражапова Ф. Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: Фан ва таълим полиграф, 2018. – Б. 13.

²²³ Холдаров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси (Шойим Бўтаев ва Назар Эшонқул қиссалари мисолида). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: Фан ва таълим полиграф, 2017. – Б. 14.

²²⁴ Шермуродов Т. Қиссалар, алқиссалар... / <http://www.e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik/550-maqola.html>.

* Қуръон ва ҳадисларда фантастик, яъни ҳаёлий, рамзий, лирик каби қиссалар учрамайди. Балки аниқ ўтган воқеа ёритилади. Агар ҳайвонлар тилидан ёритилган қисса бўлса, бу ваҳий орқали билдирилган деб ҳисобланади.

муаллиф фикрга чорлаш мақсадида ҳайвонлар тилидан сўзловчи ҳаёлий ва ҳайвонлар ҳақидаги қиссаларни келтириб ўтиш мумкин**.

Ҳадисларда зикр қилинган қиссаларни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин. Бири Қуръони каримда айтилган қиссаларга шарҳ сифатида келтирилганлари бўлса, масалан, Хизр ва Мусо (а.с.)лар орасида бўлган воқеани Имом Бухорий ҳам ўз «Саҳиҳ»ида келтирган²²⁵, иккинчиси, Қуръонда келмаган қиссалар зикри, масалан, Бани Исроилдаги пес, кал ва кўр ҳақидаги ҳадис²²⁶. Шунингдек, Расулуллоҳ (с.а.в.) бошқалар ҳақида2 қисса айтган бўлсалар²²⁷, у зотнинг ўзлари ҳаётлари давомида учраган воқеаларни ҳам қисса дейиш мумкин. Чунончи Расулуллоҳ (с.а.в.) кўксиларининг ёрилиши, Исро ва Меърож воқеалари кабилар ҳам алоҳида ўрганиладиган қиссалар ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, қиссалар ислом тарихида ўзига хос ўринга эга бўлиб, асосан Шарқ халқларида учрайдиган адабиёт жанри. Қисса тарихда ўтган машҳур киши, бир неча кишилар ёки бир халқ ҳаётини муайян даврини қисқача ёритиб беришда ва улардан ибрат олишга қаратилган мухтасар ҳикоя тури. Бироқ ислом тарихидаги ва халқ орасида тарқалган қиссалар билан уларнинг фарқи мавжуд.

* * *

ISLAMIC SCIENCES IN CENTRAL ASIA

MARKAZIY OSIYODA ISLOM ILMLARI

Kadyrova Mashkhura Mirzaakbarovna

International Islamic Academy of Uzbekistan

Department of Arabic Language and Literature Al-Azhar

Senior Lecturer

Summary. This article discusses the development of Islamic sciences in Central Asia and their significance in culture, science, and social life. Islamic sciences have been a vital factor in promoting scientific, creative, and intellectual activity in the region and have continued to retain their influence to this day. The article focuses on the main directions of Islamic sciences, the contributions of scholars, and the impact of these sciences on global scientific knowledge.

Central Asia is one of the ancient and influential centers of Islam. With the arrival of Islam in the region in the 8th century, Islamic sciences and spiritual

** Доктор Муҳаммад ибн Ҳасан Зубайр «ал-Қасас фи-л-ҳадис ан-набавий» асарида қиссаларнинг олти хил турини кўрсатиб ўтган. Улар: 1. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳаётларида бўлиб ўтган; 2. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бирор нарсани ўхшатишлари; 3. Тарихга оид; 4. Келажакда бўладиган воқеалар; 5. Қайта тирилиш ва қиёматга оид; 6. Ғайб ишларига оид қиссалардир.

²²⁵ Имом Бухорий. Саҳиҳ. – Димашк: Дор Ибн Касир, 2002. – Б. 31-43.

²²⁶ Имом Бухорий. Саҳиҳ. – Димашк: Дор Ибн Касир, 2002. – Б. 857.

²²⁷ Обидов Р. Суннат, ҳадис ва муҳаддислар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2012. – Б. 36-37.

values began to flourish. These sciences were not limited to religious teachings but also influenced many fields such as philosophy, mathematics, astronomy, medicine, and natural sciences. Cities like Bukhara, Samarkand, Khwarazm, and Tashkent became major centers of Islamic learning. Prominent scholars, scientific schools, and madrasas emerged in these cities, and their influence has continued to this day.

Notably, the cities of Bukhara and Samarkand became renowned for their madrasas, where hundreds of students studied Islamic sciences. These centers of knowledge not only focused on jurisprudence, tafsir, hadith, and kalam but also on natural and human sciences. Famous scholars like al-Farabi, Avicenna (Ibn Sina), al-Biruni, and al-Khwarizmi originated from Central Asia, and their scientific works have had a significant impact on world science. They made discoveries in fields such as astronomy, mathematics, medicine, chemistry, and geography.

Central Asian scholars made substantial contributions to Islamic civilization. Through writing works and developing new scientific concepts, they contributed to the advancement of Islam and its sciences. These sciences significantly impacted global science and inspired many Western scholars. For example, Avicenna's medical work "The Canon of Medicine" was studied as a primary source in European medicine for centuries.

Similarly, the philosophical and logical works of al-Farabi, al-Khwarizmi's contributions to algebra and mathematics, and al-Biruni's writings on geography and astronomy are evidence of Central Asia's rich Islamic scientific heritage. They not only enriched Islamic scientific and spiritual values but also contributed to world culture and science.

Today, the Islamic sciences and cultural heritage of Central Asia continue to be studied and valued. The fundamental ideas and values of these sciences continue to serve as a source of inspiration for modern science and culture.

1. Branches of Islamic Sciences:

- o Sharia Sciences: Jurisprudence, tafsir, hadith, and kalam are fundamental to Islamic spirituality and were developed by Central Asian scholars.

- o Philosophical and Logical Sciences: Scholars like al-Farabi, Avicenna, and al-Biruni made significant contributions in the fields of philosophy and logic.

- o Natural Sciences: The Islamic view on knowledge supported the development of natural sciences and astronomy.

2. Contributions of Central Asian Scholars:

- o Central Asian scholars, including Imam Bukhari, Imam Tirmidhi, and Avicenna, made substantial contributions to scientific and intellectual progress. Their religious and scientific works hold significant places in global knowledge and Islamic culture.

3. Impact of Islamic Sciences on World Science:

- o The works and concepts created by Central Asian scholars also influenced the development of Western science.

Conclusion:

Islamic sciences in Central Asia have played an important role in culture, science, and social life for centuries. These sciences encompass not only religious knowledge but also fields such as philosophy, natural sciences, mathematics, and astronomy. The scientific works and ideas developed by Central Asian scholars have significantly influenced global science and have been studied with great interest by Western scholars.

The main directions of these sciences and their contributions to human progress continue to serve as an inspiration for future generations. Recognizing and valuing the historical importance of these sciences is essential for modern scientific and cultural development. The legacy of Islamic sciences in Central Asia remains a rich source for many studies, and this knowledge will continue to inspire new scientific discoveries in the future.

References:

Abdukhalikov, S. (2015). *The Development of Islamic Civilization in Central Asia*. Tashkent: Uzbekistan Muslim Board Publishing.

Mardonova, F. (2019). "History of Islamic Science Centers in the Cities of Samarkand and Bukhara." *Journal of Islamic Studies*, 4(2), 45-52.

Alisherov, U. (2017). *The Interaction of Islam and Science*. Tashkent: Sharq Publishing.

Beknazarov, A. (2020). "Ibn Sina and His Contribution to World Medicine." *Journal of Central Asian Scientific Research*, 5(1), 88-95.

Khwarazmi, M. (2000). *Works on Astronomy and Mathematics*. Tashkent: Scientific Literature Publishing.

Fazliyev, Q. (2018). "Al-Farabi and His Philosophical Ideas." *Islam and Civilization*, 7(3), 15-23.

Jabborov, R. (2021). *The Influence of Islam on Central Asia: Culture, Science, and Spirituality*. Tashkent: Religious Enlightenment Publishing.

Sharafiddinov, N. (2016). *The Scientific Legacy of Al-Biruni and His Place in Modern Science*. Tashkent: Scientific Research Publishing.

Abdullaev, Sh. (2022). "Islam and World Science: Contributions of Central Asian Scholars." *Hadith and Wisdom*, 8(2), 102-109.

* * *

EHSONGA MUFASSIRLAR VA ZAMONAVIY OLIMLAR TA'RIFI

DEFINITION OF IHSAN ACCORDING TO MUFASSIRS AND MODERN SCHOLARS

M.A.Usmanov,

*O'zbekiston xalqaro islomshunoslik akademiyasi,
Manbalar xazinasi mudiri, katta o'qituvchi*

Yurtimiz allomalarining ehson borasida bildirilgan fikrlaridan ham keng istifoda etildi. Jumladan, Imom Moturidiy, Abul Barakot Nasafiy, Abu Lays

Samarqandiy, Imomzoda Buxoriy, Abu Iso Termiziy, Abu Abdulloh Hakim Termiziy va boshqa shu kabi bir qator allomalarning ehson borasidagi qarashlari ushbu kitobning asosiy o'zagini tashkil qilgan. Mazkur tezisda mufassirlar va zamonaviy olimlarning ehsonga bergan ta'riflari tahlil etiladi.

Mufassirlar ta'rifi: Imom Moturidiy (a.r.) shunday ta'riflaydi: "Ehson yaxshi ishni bajarish, ya'ni Allohga shukr qilish va Uning buyruqlarini go'zal tarzda qabul qilishni anglatadi"²²⁸.

Hasan Basriy (a.r.) ehsonga shunday ta'rif bergan: "Ehson yomonlik qilganga yaxshilik qilishdir"²²⁹.

Imom Qurtubiy (a.r.) shunday tafsir qiladi: "Ehson ibodatni puxta qilish, uni to'g'ri ado qilishga astoydil harakat qilish, Allohning kuzatib turishini doim his qilish, ibodatga kirishish va unda bardavom bo'lish holatlarida Allohning ulug'ligi hamda buyukligini doim yodda tutishdir. Qalb sohiblari mazkur muroqabada ikki holatda bo'ladi:

1. Birinchisi ko'pincha Allohni ko'rib turgandek mushohada qilish holatida bo'ladi. Rasululloh (s.a.v.) quyidagi hadislarida aynan shu holatga ishora qilgan bo'lsalar ajab emas: "Ko'zimning quvonchi namozda qilindi"²³⁰.

2. Ikkinchisi shuki, bandada Alloh taolo undan xabardor ekani va uni ko'rib turishini his qilish holatda bo'ladi. Alloh taoloning quyidagi so'zlarida bunga ishora bor: "U Sizni (namoz uchun) turayotgan vaqtingizda ham ko'radi, sajda qiluvchilar (namoz o'quvchilar) orasida kezgan (vaqtingizda ham) ko'rib turur" ("Shuaro" surasi, 218-219-oyatlar)"²³¹.

Faxruddin Roziy (a.r.) shunday yozadi: "Ehson toat-ibodatlarni ado qilishda son jihatdan ham, kayfiyat (sifat) jihatdan ham mubolag'a qilishdir. Ibodatlarda adolat qilish farzlarni bajarishda namoyon bo'ladi. Farzlarni ortig'i bilan bajarish ham ibodat sanaladi va bu ehson deb ataladi. Xulosa qilib aytganda, toat-ibodatlarni ado qilishda son jihatdan ham, kayfiyat (sifat) jihatdan ham mubolag'a qilish, ya'ni maromiga yetkazish ehsondir"²³².

Isomuddin Ismoil Hanafiy (a.r.) shunday yozadi: "Ehsonning ikki xil ma'nosi bor. Biri amalni go'zal tarzda bajarish, ikkinchisi yomonlik qilishning aksini anglatadi"²³³.

Ibn Oshur (a.r.) shunday deydi: "Ehson – inson o'z vazifasi bo'lmasa-da, o'zgalarga go'zal muomala qilishdir. Hasan (yaxshilik) – muomala vaqtida

²²⁸ Абу Мансур Мотуридий. Таъвилот Аҳл ас-сунна. Ж.5. – Байрут: Муассаса ар-рисала, 2004. – Б. 19.

²²⁹ Абул Баракот Абдуллоҳ Насафий. Мадорик ат-Танзил ва ҳақоиқ ат-таъвил – Тафсир ан-Насафий. Ж.1. – Дамашқ: Дар ал-калим ат-таййиб, 2005. – Б. 293.

²³⁰ Аҳмад ибн Шуъайб Насоий. Сунан ан-Насоий. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2002. – Б. 644.

²³¹ Абу Абдуллоҳ Қуртубий. Ал-жамиъ ли аҳкам ал-Қуръан. Ж.9. – Қоҳира: Дар ал-ҳадис, 2002. – Б. 514.

²³² Фахруддин Розий. Ат-тафсир ал-кабир – Мафатийҳ ал-ғайб. Ж.20. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2000. – Б. 83.

²³³ Исомуддин Исмоил Ҳанафий. Ҳошия ал-Қунавий ʼала Тафсир ал-Байзовий. Ж.11. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмия, 2001. – Б. 425.

boshqalarga yoqimli bo'ladigan ishdir va yaxshilik qilgan odam bu yoqimli ishni o'z ixtiyori bilan, birovning qistovisiz amalga oshiradi"²³⁴.

Zamonaviy olimlar ta'rifi: Shayx Abdurahmon Nosir Sa'diy shunday deydi: "Ehson maqtalgan fazilat bo'lib, insonlarga boylik, tana, ilm va shu kabi boshqa manfaatli narsalar bilan ma'naviy va jismoniy foyda yetkazishni anglatadi. Shuningdek, hayvonlarga yaxshilik qilish ham ehsonning ko'rinishlaridandir"²³⁵.

Muhammad Sha'roviy shunday ta'rif beradi: "Muhsin – Alloh taolo buyurgan ibodatlar bilan cheklanmasdan, ko'proq ibodat qilishga odatlangan kimsadir. Ya'ni shariat bo'yicha, bir kecha-kunduzda besh vaqt namoz farz qilingan. Imkoniyat darjasida ushbu ibodatlarga qo'shimcha tarzda nafl namozlarini ham o'qish ehson hisoblanadi. Ehson diniy martabalarining eng oliysi sanaladi"²³⁶.

Muhammad Rajab Bayyuniy shunday yozadi: "Ehson yaxshi amallarni bajarish orqali komillik darajasiga erishishdir. Muhsin har bir narsaning eng yaxshisini oladigan kimsadir. Ehson faqat sadaqa qilishni anglatmaydi, aksincha, sadaqa ehsonning bir ko'rinishi, xolos"²³⁷.

Abdulmuhsin ibn Hamd Abbod shunday ta'riflaydi: "Ehson shar'an talab qilingan narsani go'zal tarzda ado etishdir"²³⁸.

Doktor Vahba Zuhayliy shunday deydi: "Ehson amalni puxta qilish, farzlarga qo'shimcha nafl ibodatlarni bajarish, yaxshilikni undanda yaxshirog'iga almashtirish va yomonlikni yaxshilikka aylantirishdir"²³⁹.

Marvon Afandi Nasrun shunday xulosa qiladi: "Ehson barcha amallarda Allohning kuzatib turuvchiligini yodda saqlashdir. Buning natijasida amallarni puxta bajarish va Alloh taolaga xolis niyat qilish yuzaga chiqadi"²⁴⁰.

Xulosa qilib aytganda, ehson dinning eng oliy martaba va darajalardan biri sanaladi. Ehson imonning mag'zi, kamoli va ruhidir! Barcha go'zal xulqlar va yuksak darjalar o'z kuchini ehsondan oladi.

* * *

²³⁴ Шайх Муҳаммад Тоҳир Ибн Ашуро. Тафсир ат-таҳрир ва ат-танвир. Ж.13. – Байрут: Муассаса ат-тарих, 2000. – Б. 205.

²³⁵ Шайх Абдурахмон Носир Саъдий. Тайсир ал-Карим ар-Роҳман фи тафсир Калам ал-Маннон. – Байрут: Олам ал-кутуб, 2001. – Б. 466.

²³⁶ Муҳаммад Шаъровий. Тафсир аш-Шаъровий. Ж.13. Ахбар ал-явм. – Б. 8301-8302.

²³⁷ Муҳаммад Ражаб Байюний. Мин ал-мусул ал-исламия. – Қоҳира: Ал-муассаса ал-арабия ал-ҳадиса. – Б. 147.

²³⁸ Шайх Абдулмуҳсин ибн Ҳамд Аббод. Салас калимат фи ал-ихлас ва ал-ихсан ва ал-илтизам аш-шариъа. – Гиза: Ал-макатаба ат-тавбия ал-исламия, 1989. – Б. 10.

²³⁹ Доктор Ваҳба Зуҳайлий. Ат-тафсир ал-мунир фи ал-ақида ва аш-шариъа ва ал-манҳаж. Ж. 13. – Дамашк: Дар ал-фикр, 1998. – Б. 212.

²⁴⁰ Марвон Афанди Насрун. Ихсан ва мажалатуҳу ва осоруҳу мин ал-манзур ал-қуръаний. – Малайзия: Малайзия халқаро ислом университети, 2007. – Б. 11.

SAMARQAND FIQH MAKTABINING ILK NAMOYANDALARI VA DORUL JUZJONIYA MAKTABI VAKILLARI FAOLIYATI

EARLY REPRESENTATIVES OF THE SAMARKAND FIQH TRADITION AND THE ACTIVITIES OF DAR JUZJANIYA SCHOOL

Мамашикуров Бекназар Бобомурадович

*ЎзРФА Шарқиунослик институти мустақил тадқиқотчиси,
Самарқанд Ҳадис илми мактаби катта ўқитувчиси*

Мовароуннаҳр улкасига ислом дини кириб келиб, мустаҳкам ўрнашганидан сўнг, Мовароуннаҳрнинг маҳаллий аҳолиси вакиллари ҳам Куфа, Басра, Бағдод каби шаҳарларга бориб, Абу Ҳанифа ва у зотнинг шогирдлари Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбонийлардан таълим олдилар. Сўнгра улар Мовароуннаҳрда ҳам ҳанафий мазҳабини тарқата бошладилар. Хусусан, Самонийлар (822-1005) давлати даврида Самарқанд қозилари бутунлай ҳанафий уламоларидан тайинланган. Улар Қозилик мансабида, расмий маҳкамаларда Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳнинг мазҳаби асосида ҳукум чиқаришлари билан бир қаторда, илмий фаолият ҳам олиб бориб, ҳанафий таълимотини ҳам тарқатганлар. Самонийлар (822-1005) давлати сўнгра Қорахонийлар хоқонлиги (912-1211) қўллаб қувватлаши натежасида минтақада буткул ҳанафий мазҳаби устунликка эришди.

Бундай қозиларнинг илк намояндаси ва энг машҳури Абу Муқотил Ҳафс ибн Салам ал-Фаззорий ас-Самарқандийдир (ваф. 208/823). У имом Абу Ҳанифадан таълим олиб, “ал-Олим ва-л-мутаъалим” номли асарини ривоят қилади²⁴¹.

Абу Муқотилдан сўнг Самарқандда Исҳоқ ибн Иброҳим Ҳанзалий (203-209/818-824) қозилик қилади. У ҳам Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳнинг шогирди бўлиб, У Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳдан ташқари моликий мазҳаб асосчиси Молик ибн Анас (712–795) ва Абдуллоҳ ибн Муборак каби уламолардан ҳам таълим олган ҳамда Ҳайсам ибн Жунайд ал-Қозий ва Абу Ҳафс Санжидизкий (ваф. 240/854 й.) каби жуда кўплаб самарқандлик шогирдларга таълим берган²⁴².

Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ўзининг машҳур “Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд” асарида маълумот беришича, Абу Муқотил Ҳафс ибн Саламнинг (ваф. 208/823) ўғиллари Абу Усмон Салам ибн Абу Муқотил ал-Фаззорий ас-Самарқандий (ваф. 211/826 й.) ва Абу Ҳафс Умар ибн Ҳафс ибн Салам Абу Муқотил ал-Фаззорий ас-Самарқандий (ваф. 214/834 й.) ҳам Самарқандда қозилик мансабида фаолит олиб борганлар. Абу Усмон 211/826 йилда вафот этгунга қадар узоқ вақт Самарқандда қозилик мансабида

²⁴¹ Ибн ал-Ҳиббон. Ал-Мажрухийн. Дор ас-Самиъий, ар-Риёз, 2000. 1-ж. -Б: 313. Ибн Ҳожар. Лисан ал-Мезан. -Байрут, 2002. 3-ж. -Б. 225, 226. Ҳамидуллоҳ Аминов ва Соатмурод Примов. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. -Т: Б., 63.

²⁴² Ҳамидуллоҳ Аминов ва Соатмурод Примов. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. -Т: Б., 63.

фаолият кўрсатган. Унинг жанозасини сомонийлар амири Аҳмад ибн Асад ўқиган²⁴³. Абу Ҳафс ҳам 219/834 йилда вафот этгунга қадар етти йил қозилик мансабида утиради. Унинг жанозасини сомонийлар амири Нух ибн Асад (942-954) ўқиган²⁴⁴.

Бу иккиси ҳам қозиликдан ташқари Ундан эса Аҳмад ибн Наср Атакий (ваф. 245 ҳ.й.), Қози Абу Ҳафс Умар ибн Яқуб Санжидизакый (ваф. 240/854 й.) ва Аҳмад ибн Ҳишом Иштихоний, Ҳошид ибн Молик ал-Бухорий каби кўплаб шогирдларга таълим берганлар ва бир қанча асарлар тасниф қилган.

Булардан ташқари, расмий мансабда бўлмаган бошқа уламолар ҳам кенг кўламда илмий фаолиятлар олиб борган. Бу орада Самарқандда калом ва фикҳ мактаблари каби муҳим йўналишлар пайдо бўлди.

Ибн Яҳёнинг “Шарҳу жумали усулид дин” асаридан Самарқандда ҳанафий мазҳабининг Дорул Жузжония ва Дорул Иёдия икки мактаби кенг кўламда фаолият кўрсатгани маълум бўлади. III/IX-асрда Самарқандда ҳанафийларнинг энг муҳим таълим маркази Дорул Жузжония бўлган. Дорул Иёдияда ҳам Абу Аҳмад Иёдий ва Абу Бакр Иёдий каби уламолар фаолият юритган ва таълим берганлар²⁴⁵.

Бу марказда Абу Мансур Мотуридий ҳам фаолият олиб борган ва ҳатто, раҳбарлик ҳам қилган.

Ибн Яҳёнинг берган маълумотида кўра, Дорул Жузжония таълим маркази уламоларнинг шажараси қуйдагича: Абу Ҳанифа (ваф. 150/767 й.) - Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (ваф. 189/804 й.) – Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/816 й.) – Фақиҳ Имом Абу Абдуллоҳ ибн Жузжоний – Шайх Фақиҳ Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжоний (ваф. 250/864 й.) - Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Иёдий (ваф. 275/888 й.) – Абу Мансур Мутуридий (ваф. 333/944 й.)²⁴⁶.

Мазкур устозлар силсиласида учта “Жузжоний” нисбалик уламо мавжуд. Ушбу жиҳатдан мазкур таълим даргоҳи “Дорул Жузжония” номи билан танилган²⁴⁷.

Дорул Жузжония мактабида Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг фикрлари ва услубини айнан ўзлаштирган ва давом эттирган ҳанафий уламолар майдонга келган. Бу мактабнинг энг машҳур вакили шубҳасиз Абу Мансур Мотуридийдир.

Абу Муин Насафий бундай дейди: “Марв, Балх ва бошқа бутун Хуросон ва Мавароуннаҳ ўлкасидаги Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ тарафдорлари эътиқодий ва фикҳий масалаларда у зотнинг мазҳабида бўлганлар”²⁴⁸.

²⁴³ Ан-Насафий Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад. Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд. Назар Муҳаммад ал-Фарёбий таҳрири остида. Саудия; мактабат ал-Кавсар, 1991. -Б. 101, 102, 216, 217.

²⁴⁴ Ан-Насафий. Ал-Қанд. -Б. 334, 438 (806).

²⁴⁵ Ибн Яҳё. Шарҳу жумали усулид-дин. 120а-121а -вв.

²⁴⁶ Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий. Катаиб ал-аълом алахёр.

²⁴⁷ Ҳамидуллоҳ Аминов ва Соатмурод Примов. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. Т.: Б., 63.

²⁴⁸ Абул Муин Насафий. Табсира. 1-жилд, 356-б.

Х-ХII асрларда Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган алломаларнинг сони анча кўп бўлган. Жумладан, Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний “Китаб ал-Ансоб” асарида 370 га яқин фақиҳ ҳақидаги маълумотларни келтирган, Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий (Катаиб Алам ал-Ахйар) асарида айтишга келган даврада яшаб ўтган 71 фақиҳнинг номини зикр қилади.

Бу каби фикҳ марказлари Мовароуннаҳрда анчагина кўп бўлган. Уларнинг асосийлари қаторига Бухоро фикҳ мактаби, Насаф, Кеш, Уструшана, Шош, Марғилон каби йирик ўзига хос марказларни киритиш мумкин.

* * *

“TA’VILOT AL-QUR’ON”DAGI FIQHGA OID HADISLAR TAHLILI

ANALYSIS OF HADITHS ON FIQH FROM TA’WILAT AL-QUR’AN

Nematov Alouddin Jaxfarovich,

Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi, ilmiy xodim

Маълумки, мазҳабсизликка даъват қилувчи тоифалар диний амалларни амалдаги тўрт фикҳий мазҳаблардан бири асосида адо қилиб келаётган мўмин-мусулмонларни танқид остига олади. Қуръон оятлари ва Расулуллоҳнинг ҳадислари турган ерда Абу Ҳанифанинг қарашларини оласизларми, деган асоссиз даъвони ўртага ташлайди. Ушбу мақолада ҳанафий уламоаларнинг қарашлари оят ва ҳадислардан ижтиҳод йўли билан чиқариб олинган илмий хулосалар экани ҳақида сўз боради. Бунда ҳанафийлик мазҳабининг етук фақиҳларидан бўлмиш Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асарида Фотиҳа ва Бақара суралари танлаб олинди. Зеро, бу шох асар бошидан охирига қадар аҳли сунна вал жамоа ақидасини ва ҳанафийлик мазҳабининг фикҳий қарашларини ўзида мужассам этган.

Имом Мотуридий Фотиҳа сурасини тафсир қилар экан, аввало, “басмала” унинг таркибига кирувчи оятми ёки ўзи мустақил бир оятлиги ҳақида баҳс юритади. Кейин Фотиҳа сурасини намозда қироат қилишнинг шаръий ҳукми ҳақида сўзлайди. Сўнгра Фотиҳа сурасидан кейин “Омин”ни махфий айтиш суннатлигини баён қилади. Бунинг учун ҳадислардан далиллар келтиради ва ўзининг ижтиҳодий қарашларини илгари суради. Имом Мотуридийга кўра, “тасмия”, яъни “бисмиллаҳир роҳманир роҳим” Қуръондан бир оят, аммо Фотиҳа сурасининг таркибига кирмайди²⁴⁹. Ушбу фикрни қувватлаш учун қуйидаги ҳадисларни далил қилиб келтиради:

²⁴⁹ Имом Мотуридий. Таъвилот ал-Қуръон. 1-жилд. Аҳмад Вонли ўғли ва Бакр Тўпол ўғли таҳқиқи. – Истанбул: Дорул мезон, – 2005. – Ж. 1. – Б. 5.

1. Ибн Бурайданинг отасидан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (с.а.в.) : *“Сенга бир суранинг бир оятини ўргатмагунимга қадар масжиддан чиқма. У мендан аввал Сулаймон ибн Довуддан бошқа ҳеч кимга нозил қилинмаган”*, дедилар. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжиддан чиқа бошладилар. Қачонки эшик остонасига етганларида: *“Намозинг ва қироатингни нима билан бошлайсан?”* дедилар. Мен: *“Бисмиллаҳир роҳманир роҳим”* билан”, дедим. *“У ўша”*, дедилар у зот”²⁵⁰.

Ибн Аъробийнинг “Мўъжам”ида қуйидагича келган: Ибн Бурайданинг отасидан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (с.а.в.): *“Сенга мендан кейин Сулаймондан бошқа бирор пайғамбарга нозил қилинмаган бир оят (ёки “бир сура”) ҳақида хабар бермагунимча масжиддан чиқма”*, дедилар. Сўнг юрдилар. Мен ҳам у зотга эргашдим. Қачонки масжид эшиги олдига келгач, бир оёқларини масжид остонасидан ташқарига чиқардилар. Биттаси масжид ичида қолди. Мен ўзимга ўзим: *“Бир нима демаганмидилар?”* дедим. Шунда у зот менга юзландилар ва: *“Намозни бошламоқчи бўлсанг, Қуръонни қайси оят билан бошлайсан?”* дедилар. Мен: Мен: *“Бисмиллаҳир роҳманир роҳим”* билан”, дедим. У зот: *“У ўша”*, дедилар. Сўнг масжиддан чиқдилар”²⁵¹.

2. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: “Набий (с.а.в.) бундай дедилар: *“Аллоҳ таоло: “Мен намозни Ўзим билан бандамнинг ўртасида тенг иккига тақсимладим. Бандамга сўрагани (берилур)”, дейди. Агар банда: “Алҳамду лиллаҳи Роббил-ъаламийн”, деса, Аллоҳ таоло: “Бандам Менга ҳамд айтди”, дейди. Агар банда: “Ар-Роҳманир-Роҳийм”, деса, Аллоҳ таоло: “Бандам Менга сано айтди”, дейди. Агар банда: “Малики явмид-дийн”, деса, Аллоҳ таоло: “Бандам Мени улуғлади” (ёки: “Бандам Ўз ихтиёрини Менга топширди”), дейди. Агар банда: “Ийяка наъбуду ва ийяка настаъийн”, деса, Аллоҳ таоло: “Бу Мен билан бандамнинг ўртасидадир. Бандамга сўрагани (берилади)”, дейди. Агар банда: “Иҳдинас-сиротол-мустақийм. Сиротоллазийна анъамта ғалайҳим зойрил-мағзувби ғалайҳим валаз-золлийн”, деса, Аллоҳ таоло: “Бу бандамникидир. Бандамга сўрагани (берилур)”, дейди”²⁵².*

Мазкур ҳадиси қудсийдан кўриниб турибдики²⁵³, “Алҳамду лиллаҳи Раббил-ъаламин”дан “Малики явмиддин”гача уч оят, “Иҳдинас сиротол мустақим”дан суранинг охиригача яна уч оят. Демак, тақсимот тенг бўлиши учун шу ергача уч оят экани аниқ бўлди. Шунингдек, “Ийяка наъбуду ва ийяка настаъин” оятига келганда, Аллоҳ таоло: “Бу Мен билан бандамнинг ўртасидадир. Бандамга сўрагани (берилади)”, деган. Демак, у ҳам бир оят. Умумий олганда, “басмала”сиз етти оят бўлган. Маълумки, Фотиҳа сураси етти оятдан иборат эканида барча уламолар гапи бир жойдан чиққан.

²⁵⁰ Таъвилот ал-Қуръон, – Ж. 1. – Б. 5. Ҳадисни Табароний, Суютий, Доракутний ва Ҳайтабий ривоят қилган.

²⁵¹ Абу Саид ибн Аъробий. Ал-Мўъжам. Абдул Муҳсин ибн Иброҳим ибн Аҳмад Ҳусайний таҳқиқи. – Саудия: Дору Ибнул Жавзий, 1997. – Ж. 2. – Б. 619.

²⁵² Таъвилот ал-Қуръон, – Ж. 1. – Б. 6. Ҳадисни Имом Муслим, Ибн Можа, Насойи ва Абу Довуд ривоят қилган.

²⁵³ Таъвилот ал-Қуръон, – Ж. 1. – Б. 7.

Ҳанафийлар бу ҳадиси қудсийни “басмала” Қуръондан бир оятлиги, аммо Фотиҳа сураси таркибидан эмаслигини исботлаш учун ҳужжат қилиб келтирган²⁵⁴.

Имом Мотуридий “басмала” Фотиҳа сурасининг бир ояти эмаслигини исботлаш учун яна бир ҳадисни келтирган. Унда айтилишича, Анас ибн Молик: “Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг, Абу Бакр, Умар ва Усмоннинг ортида уларга иқтидо қилиб намоз ўқидим. Уларнинг ҳеч бири “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим”ни жаҳрий ўқиганини эшитмадим”²⁵⁵. Имом Мотуридий “басмала” Фотиҳа сураси таркибига кирмаслигини исботлашда давом этар экан, ўзининг ижтиҳодий хулосаларини ҳам айтиб ўтади. Жумладан, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга сеҳр қилинганида, у зот ўн битта тугуннинг ҳар бирига “муаввизатайн” – “Фалақ” ва “Нос” сураларини “басмала”сиз ўқиганлар. Қолаверса, у Қуръонни очиб берувчи оят бўлганида, худди “истиоза”, яъни “Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожим”га ўхшаб қолган бўлар эди. Чунки Аллоҳ таоло: “Қачонки, Қуръон ўқисангиз, албатта, қувғин этилган шайтон (васвасаси)дан Аллоҳ паноҳ беришини сўрангиз!” (Намл сураси, 98-оят), деган²⁵⁶.

Юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, Имом Мотуридий биргина “басмала” мавзусига тегишли фикҳий масаланинг таҳлилида шунча ҳадис ва хабарларни далил қилиб келтирган. Умуман олганда Имом Мотуридий биргина Бақара сурасини тафсир қилиш жараёнида 128 та ҳадисдан истифода қилган. Шулардан 11 таси ақидавий масалаларга, 35 таси одоб-ахлоққа, қолганлари шаръий ҳукмларга тааллуқли ҳадислардир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳанафийлик мазҳабига амал қилувчи мусулмонлар Қуръон оятлари ва Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадислари қолиб Абу Ҳанифа ва шогирдларининг раъйига эргашмаяпти. Балки Абу Ҳанифа бошлиқ ҳанафий уламолар Қуръон ва ҳадисдан ижтиҳод йўли билан чиқариб олган илмий хулосаларга эргашаяпти. Имом Мотуридий ҳам ана шу ҳанафийлик мазҳабининг етук мужтаҳидларидан биридир. Чунки у “Таъвилот ал-Қуръон” асарини ҳанафийлик фикҳий мазҳаби асосида ёзган. Ундаги маълумотлар ҳанафийлар амал қилаётган барча фикҳий ҳукмлар Қуръон оятлари ва Пайғамбар (а.с.) ҳадисларига асосланган. Бу иккисидан далил йўқ ўринлардагина Ижмо ва Қиёсга ўтилган. Бинобарин, мазҳабларни тарқ этиб, Қуръон ва ҳадисга амал қилиш керак, деб айтаётганларнинг даъволари асоссиздир. Зотан, мужтаҳид имомларнинг фикҳий қарашлари оят ва ҳадислардан ижтиҳод йўли билан чиқариб олинган илмий хулосалардан иборатдир.

* * *

²⁵⁴ Алоуддин Косоний. Бадойиус санойиъ фи тартибиш шароиъ, – Байрут-Лубнон: Дорул кутубил илмия, 1986. – Ж. 1. – Б. 203.

²⁵⁵ Таъвилот ал-Қуръон, – Ж. 1. – Б. 6. Ҳадисни Имом Муслим, Имом Аҳмад ва Доракутний ривоят қилган.

²⁵⁶ Таъвилот ал-Қуръон, – Ж. 1. – Б. 7.

MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA IX-X ASRLARDA HADIS SOHASIDA YOZILGAN MO‘TABAR MANBALAR TAVSIFI

DESCRIPTION OF AUTHORITATIVE SOURCES IN HADITH IN MAWARANNAHR AND KHORASAN IN THE 9TH-10TH CENTURIES

Abduraxmanov Maxmud

*O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi
2-kurs doktranti, Hadis ilmi maktabi
“Hadis ilmlari” kafedrası mudiri*

Ҳадис илми IX-X асрларда Мадина, Макка, Куфа, Басра диёрларида ривож топганидек, машриқда Сижистон, Марв, Найсабур, Рай, Бухоро, Самарқанд, Термиз, Балх, Ҳирот шаҳарларида ҳам ўз ўрнига эга бўлган. Зотан, буюк муҳаддис Муҳаммад ибн Башшорнинг “Дунё ҳофизлари тўртта: Райда Абу Зуръа, Найсабурда Муслим ибн Ҳажжож, Самарқандда Абдуллох ибн Абдурроҳман, Бухорода Муҳаммад ибн Исмоил” деган гапидаги²⁵⁷ тўрт уламо ҳам Хуросон ва Мовароуннаҳр шаҳарларидан экани сўзимизнинг далилидир. Бу давр ҳадислар жамланадиган, муснад, саҳиҳ ва сунан китоблар ёзилган давр дейиш мумкин. Қуйида ушбу давр мобайнида ҳадис бўйича ёзилган мўътабар манбаларни кўриб ўтамыз:

1. Муҳаммад ибн Салом Пойкандийнинг ҳадис борасидаги кўп китоблари²⁵⁸. У зот (162-225/769-839) Мовароуннаҳрдаги илк муҳаддислардан ҳисобланади. Ҳадис борасида турли китоблар ёзгани маълум бўлиб, биронтаси бизга етиб келмаган. У зот Имом Бухорийнинг устози бўлган. Муҳаддис Муҳаммад ибн Аҳмад Ғунжор билан дўст бўлган. Ғунжор айтади: “Ибн Салом илмнинг ҳар бир бобида китоб ёзган эди”²⁵⁹.

2. Абдуллох ибн Абдурроҳман ибн Фазл ибн Баҳром Доримийнинг (181-255/797-869) “Муснад”, “Сулосиёт”, “Тафсир”, “Жомеъ” асарлари. Имом Доримийнинг “Сулосиёт” ва “Тафсир” китоблари бизгача етиб келмаган. Муснад китоблари эса жуда мўътабар манба бўлиб, баъзи уламолар уни олти китобнинг бири бўлиши керак эди, деб тавсифлашган.

3. Сунани Саид ибн Мансур Хуросоний (227 х/ 842 м. ваф.) Бу зотнинг “Сияр” китоби ҳам мавжуд. Имом Бухорий ҳам бир ровий орқали Саид ибн Мансурдан ривоят қилган²⁶⁰. Лекин Бухорийнинг Тарихул кабирда айтишича, Саид 229 йилда вафот топган. У зотнинг санадлари жуда олий бўлгани учун олти китоб мусаннифлари ҳам ундан ривоят қилишган.

²⁵⁷ Абул Қосим Ибн Асокир. Тариху мадинати Димашқ. – Ж:12. – Байрут: Дорул кутубил илмийя, 2012. – Б. 226.

²⁵⁸ Имом Жалолуддин Абдурроҳман ибн Абу Бакр Суютий. Табакотул ҳуффо. – Байрут: Дорул кутубил илмийя, 1994. – Б. 185.

²⁵⁹ Жамолуддин Абул Ҳажжож Миззий. Таҳзибул камол фи асмоир рижол. – Ж:25. – Байрут: Муассасатур Рисола, 1983. – Б. 343.

²⁶⁰ Шамсуддин Заҳабий. Ал-ибар фий хабари ман ғабар. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 2009. – Б. 313.

Сунанда бошқа китобларда келмаган бир неча ҳадислар бор. Неъматуллоҳ Аъзамий бу китобнинг учинчи жузини таҳқиқ қилган ва ҳадисларни таҳриж қилиб, бироз таълиқ ҳам ёзган²⁶¹.

4. Мовароуннаҳр ҳадис мактабини чўққига олиб чиққан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий бўлиб, у зотнинг “Ал-жомеъул муснадус саҳиҳул мухтасар мин умури Росулиллаҳи ва сунаниҳи ва айямих”, “Тарихул кабир”, “Тарихус соғир”, “Тарихул авсат”, “Зуафоус сағир”, “Куна”, “Халқу афъалил ибод” ва бошқа барча китоблари тўққизинчи асрнинг дурдона асарлари саналади.

5. Маолимус сунан шарҳу сунани Абу Довуд. Бу китоб ҳам Имом Хаттобий Бустийга тегишли бўлиб, Абу Довуднинг Сунанига ёзилган илк шарҳдир²⁶². Умуман олганда бу китоб олти ҳадис тўпламларига ёзилган энг биринчи шарҳ саналади. У зотдан кейин келган шориҳлар ҳадис шарҳлаш усулларини ундан олган. Имом Хаттобий ҳар бир ҳадисга ва унинг диъоят ва ривоят жиҳатидан баёнига тўхталмаган. Китоб толиби илмга тушуниш қийин бўлган масалаларни ёритиб бериш услубида бўлган. Шарҳда Сунани Абу Довудда келган ҳадислардан фикҳий истинботлар олган, мазҳаблар орасидаги ихтилофларни баён қилган. Ҳадисдаги ғариб лафзларни тушунтириб берган²⁶³.

6. Аҳмад ибн Ҳафс Бухорий ҳадис борасида бирон китоб тасниф қилгани маълум бўлмаса-да, Бухорода ҳадис илми тарқалишида ўз ўрнига эга бўлган. У зот Муҳаммад ибн Ҳасан, Вакиъ ибн Жарроҳ каби мужтаҳид ва муҳаддисларнинг шогирди бўлиб, ўз замонидаги энг катта олим бўлган. Имом Заҳабий айтади: Лайс ибн Наср: “Ҳар юз йилнинг бошида замоннинг пешвоси бўладиган инсон келади” деган ҳадисни ёдга олиб: “Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс шу ўринга лойиқ” дедим”²⁶⁴.

7. Сунани Термизий. Бу китобнинг Жомеъут Термизий, Жомеъул кабир деган номлари ҳам бор. Китоб жуда машҳур бўлгани боис унга тўхталиб ўтмаймиз.

8. Сунани Дулобий. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Саббоҳ Дулобий Розий мутқин ҳофиздир. Исмоил ибн Закарийё, Шарикдан ҳадис эшитган. Ундан Аҳмад ибн Ханбал, Бухорий, Муслим, Абу Довудлар ҳадис эшитган. Карх қишлоғида 227 ҳижрий йилда вафот этган (мил. 842 йил.)²⁶⁵

9. Муснаду Исҳоқ ибн Роҳувях. Имом Исҳоқ ибн Роҳувях Марвазий 161-238 (778-853 мил.) йилларда яшаган бўлиб, Имом Бухорийнинг устозидир. Унинг Муснадида саҳиҳ, ҳасан, заиф ҳадислар ҳам мавжуд. Китобда муаллиф ўзининг муайян саҳобагача бўлган санадини келтириб, сўнг шу санад билан

²⁶¹ Саид ибн Мансур Хурасоний. Китобус сунан. – Ж:3. Мумбай: Дорус салафия, 1982. – Б. 12.

²⁶² Ибн Тағрий Бурдий. Ан-нужумуз захира. – Ж:4.- Байрут: Дорул кутубил илмия, 1990. – Б.199.

²⁶³ Абу Сулаймон Ҳамд ибн Муҳаммад Хаттобий. Маолимус сунан. – Ж:1. Ҳалаб: Мактабатул илмия, 1932.

²⁶⁴ Шамсуддин Заҳабий. Сияру аълаамин нубало. – Ж:10. – Байрут: Муассасатур Рисола, 1985. – Б.185.

²⁶⁵ Абдурроҳман Муборакфурий. Муқаддимату тухфатил аҳвазий. – Ж:1. – Дамашк: Дорул фикр, 1980. – Б. 88.

ривоят қилинган ҳадисларни кетма-кет келтиради. Афсуски, китобнинг тенг ярми бизгача етиб келмаган²⁶⁶. Абу Ҳурайра муснадида 543 та, Оиша муснадида эса 1272 та ҳадис келтирган²⁶⁷.

10. Муснаду Абу Авона Якуб ибн Исҳоқ Найсабурий. У зот 316 ҳижрий (928 мил.) йилда вафот этган бўлиб, ҳадис илмида катта ўрин эгаллаган. Мазкур китобининг номи Муснад бўлсада, муснад китоблар услубида ёзилмаган. Бу ердаги Муснад “санадга эга” деган маънода. Китоб аслида Саҳиҳи Муслимга мустаҳраж бўлиб, китобнинг тўлиқ номи “Ал-муснадус саҳиҳул муҳарраж аъла Саҳиҳи Муслим”. У зотнинг Саҳиҳи Муслимга ёзган мустаҳражи ҳам жуда машҳур манба²⁶⁸. Имом Заҳабий: “Муслимнинг мустаҳражлари машҳур бўлиши сабаби китоб нозил санадлар жуда кўп. Ҳофизлар ўша санадларнинг олий тариқларини топиб мустаҳраж ёзишга ҳарис бўлишган. Абу Авонанинг “Мустаҳраж”ида Муслимда келмаган кўп ҳадисларни кўрасиз” деган²⁶⁹.

11. Муснаду Абул Аббос Саррож. Китоб муаллифи Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Иброҳим Найсабурий 313 йилда (925 мил. й.) вафот этган. Китоб фикҳий боблар бўйича тартибланган²⁷⁰. Муаллифнинг бундан бошқа жуда кўп китоблари бўлган. Аммо афсуски, улардан фақат ўнтасигина қолган: “Китобут Тарих”, “Китобул ахбор”, “Китобур росаил”, “Китобул ашъарил мухтора вас саҳиҳа минҳа вал муъааро”, “Китобул ихва вал аховат”, “Ҳадисул байтута”, “Мустаҳраж аълаа Муслим”, “Ҳадисус Саррож”, “Муснадул Кабир”, “Тафсир”²⁷¹.

12. Муснаду Абу Муҳаммад Абд ибн Ҳумайд Кеший. Муаллиф 249 йил (мил. 863) вафот этган бўлиб, Имомлар Муслим, Термизий, Абу Умар Кеший, Абу Саъид Насафий у зотнинг шогирди саналади. У зотнинг “Муснад”лари иккита “Кичик муснад” ва “Катта муснад”. Катта муснад йўқолиб кетган. Ҳозир у зотга нисбат берилгани “Кичик муснад”дир. Ушбу китобни Иброҳим ибн Ҳузайм Шоший муаллиф Кешийдан эшитган. Унда кўп саҳобаларнинг муснадлари зикр қилинмаган²⁷². “Тафсир” китоблари ҳам бор.

13. Сунани Насоий. Насо Хуросондаги шаҳар. У зот Фаластинда вафот этган. Имом Насоий даставвал катта ҳажмдаги сунан китоб ёзган. Сўнг халифанинг сўрови билан унинг ичидан энг саҳиҳларини териб, кичик сунан ёзган. Ҳозир аҳли илмлар орасида машҳури мана шу кичигидир²⁷³.

²⁶⁶ Исҳоқ ибн Роҳувях Марвазий. Муснаду Исҳоқ ибн Роҳувях. – Мадинаи мунаввара: Иймон, 1991. – Б. 60.

²⁶⁷ Юқоридаги манба.

²⁶⁸ Яъқуб ибн Исҳоқ Абу Авона. Муснад. – Ж.1. – Байрут: Дорул маърифат, 2009.

²⁶⁹ Шамсуддин Заҳабий. Сияру аъламин нубало. – Ж:12. – Байрут: Муассасатул Рисола, 1985. – Б.568.

²⁷⁰ Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний. Алмажмаул муассис лилмўҷамил муфаҳрис. – Байрут: Дорул маърифат, 1992. – Б. 132.

²⁷¹ Абул Аббос Саррож. Муснадус Саррож. – Файсалобод: Идоратул улумил асария, 2002. – Б. 8-9.

²⁷² Абд ибн Ҳумайд Кеший. Мунтахаб мин муснади Абд ибн Ҳумайд. – Байрут: Мактабату наҳзатил арабия, 1988. – Б. 12.

²⁷³ Муҳаммад ибн Жаъфар Каттоний. Ар-рисолатул мустатрафа. – Байрут: Дорул башоирул исломия, 1994. – Б. 12.

14. Саҳиҳу Ибн Хузайма Найсабурий. Ушбу китоб Саҳиҳи Бухорийга ёзилган мустахраждир. Муаллиф 311 йил вафот этган (мил. 923 йил). Китобнинг тўлиқ номи: Мухтасарул мухтасар минал муснадис саҳиҳ аънин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бинақлил адли аънил адли мавсулан илайҳи мин ғайри қатъин фий аснаил иснод ва лаа ҳарожа фий наақилил ахбар”. Ибн Хузайма Найсабурийнинг яна қуйидаги китоблари мавжуд: “Муснадул кабир”, “Китобут тавҳид ва исботус сифаати лиллаҳ”, “Фаваидул фаваид”, “Тафсирул Қуръон”, “Маонил Қуръон”, “Масоилул мусаннаъа фил ҳадис”, “Алқироату халфал имом”, “Китобуз зуафо”, “Китобул басмала”, “Фикҳу ҳадиси Барира”, “Масалатул ҳаж”²⁷⁴.

15. Саҳиҳи Ибн Ҳиббон Бустий. Буст Хуросоннинг четидаги бир қишлоқ. Ибн Ҳиббон ҳадис борасида кўп китоблар ёзган. Энг машҳури “Ал-анвоъ ват тақосим” китоби бўлиб, унинг тартиби жуда қийин. Китобни Ибн Балбон Ҳанафий осон услубда тартибга солган. Муҳаддис 354 йил вафот этган (милодий 965-йил).

Хуросон ва Мовароуннаҳр, хусусан, Сижистонда беҳисоб ҳадис китоблари ёзилган. Уларни санаб саноғига етиб бўлмайди. Улардан бир қисмини юқорида зикр қилиб ўтдик.

Хулоса қилиб айтганда, IX-X асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросондан бошқа ҳеч қайси шаҳардан чиқмаган муҳаддислар етишиб чиққан. Илмий муҳим жуда чуқур бўлган, забардаст ҳофизлар тўлиб тошган. Минглаб уламолардан ўн минг, юз минглаб китоблар қолган. Юқорида зикр қилинган китоблар денгиздан бир томчи холос. Аммо даврлар ўтиб, бу диёр шавқатсиз истелоларни бошдан кечирди. Шу орқали кўп ҳадис манбалари йўқ бўлиб кетди. Сақланиб қолганлари муҳаққиқларнинг хизматлари натижасида дунё кўзини кўрмоқда.

* * *

“TARIXI IBN XALDUN” ASARIDA YORITILGAN ISLOM ILMLARI TASNIFI

CLASSIFICATION OF ISLAMIC SCIENCES IN IBN KHALDUN’S HISTORY

Maxzuna Sobirova Ibroximjon qizi

O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi tayanch doktoranti

Ibn Xaldun, murakkab masalalarda fikr va mulohaza bildirgan, adabiyot va san’atga bo’lgan qiziqishi bilan tanilgan bir olimdir. Ibn Xaldun ilmlar bilan shug’ullanib, mamlakatlar tarixi, madaniyati va ijtimoiy hayotini tizimli o’rganib, tahqiq qilgan va tahlil qilgan. Ibn Xaldun o’z davrida Islom ilmlarini

²⁷⁴ Ибн Хузайма Найсабурий. Саҳиҳи ибн Хузайма. – Қоҳира: Дорут Тасил, 2014. – Б.38.

ishonchli va mukammal ustozlardan o'rganib, ularga oid bu ilmlar haqida "Tarixi ibn Xaldun"da qisqa va ishonchli ma'lumotlar berib borgan.

Asarda keltirilgan tartibga ko'ra asosiy islomiy ilmlar quyidagilardir:

1. Ulum ul Qur'on – qiroat, tafsir
2. Hadis
3. Fiqh – faroiz, usuli fiqh, hilof va jadal
4. Kalom va aqoid
5. Tasavvuf.

1. Qur'on ilmlari (علوم القرآن). Qur'on ilmlari deyilganda, Qur'onning lafzi va ma'nosi, o'qilishi va tafsir qilinishi, yozilishi, to'planishi va yod olinishi bilan bog'liq ko'plab ilm sohalari nazarda tutiladi. Ibn Xaldun ularning ayrimlari haqida turli vaziyatlarda o'z fikrlarini bildirgan, shuningdek, Muqaddimada ularga alohida bo'lim ajratgan. Ibn Xaldun hali yosh bo'lishiga qaramay, Qur'onni yod olgan va hofiz bo'lgan. U Muhammad ibn Said Burraldan yetti qiroatni (القرء السبعة) va Ya'qub qiroatini mukammal o'rgangan, qiroatga oid "Shatibiya" (الشاطبية) ni va rasm-ul-mushafga oid "Aqilat Atrab al-Qasaid fi Asna al-Maqasid" (عقيلة أتراب (القوائد في أسنى المقاصد) kitobini o'rgangan edi. Ibn Xaldun o'z asarlarida bundan bahs etib, ifrad va ja'm yo'li bilan alohida-alohida yetti qiroatni va qo'shimcha Ya'qub qiroati bilan Qur'onni yigirma bir marta xatm qilganini, keyin ifrad va jam' usuli bilan Qur'onni yana bir marta xatm qilganini, Shatibiyning qiroatga oid "Lamiya Qasidasi" (القصيد اللامية) ni va rasm-ul-mushafga oid "Ra'iya Qasidasini" (قصيدة الرائية) Burraldan o'rganganini, bu zotning qiroatni ustod Abu Abbosdan o'rganganini, shuningdek, qiroat silsilasiga va ijozatnomaga ega bo'lganini aytib o'tadi.

Ibn Xaldun Qur'onning yozilishi shakli va Hazrati Usmon (r.a) davrida yozilgan mushafning xususiyatlari ustida ham to'xtalgan, tarix va ilmiy asoslarga tayangan holda bu borada dadil o'z qarashlarini ilgari surgan. Uning fikriga ko'ra, ummiy va badaviy qavm bo'lgan arablar va sahobalar yozuv va imlo qoidalarini oddiy, kamchilikli va noto'g'ri shaklda bilgan. Shuning uchun sahobalar mushafni yozganlarida imlo xatolariga yo'l qo'yganlar, keyinchalik bu xatolarni ko'rganlar, bir olim yoki avliyoning yozuviga hurmat yuzasidan bu xatolarni ham aynan saqlab qolishgan. Lekin yozilganidek o'qilmasligi va qiroatda xatoga yo'l qo'yimaslik uchun zarur ogohlantirishlar va belgilashlarni amalga oshirishgan. Masalan, "بَائِدٌ" (Zariyat, 60/47) bir "ya" qo'shilishi bilan, "لَأَدْبَحَنَّهُ" (Naml, 27/21) va "وَلَا وَضَعُوا" (Tavba, 9/47) bir "alif" qo'shilishi bilan, "جَزُوا الظَّالِمِينَ" (Hashr, 59/17; Moida, 5/29) bir "vov" qo'shilishi bilan yozilgan. Xuddi shunday ba'zi joylarda "alif" tushirilgan, boshqa joylarda tushirilmagan. Bir tomondan yozilib o'qilmagan, boshqa tomondan yozilmagan bo'lsa-da, o'qilgan harflar mavjud. Ba'zan, aslida yumaloq yozilishi kerak bo'lgan "ha" harfi ochiq va uzun yozilgan. Bunga o'xshash boshqa holatlar ham mavjud. Ko'rinib turibdiki, Ibn Xaldun muqaddas Qur'on matnida uchraydigan ba'zi imlo xatolarini tarixiy va ilmiy haqiqat sifatida ko'rsatishda hech kimdan cho'chimagan va shunday nozik masalani ko'tarishga jur'at qilgan.²⁷⁵

²⁷⁵ Abdurahmon Ibn Xaldun. Tarixi ibn Xaldun. 2-qism. – Livan: Dorul-kitob nashriyot uyi, 134-b

Tafsir. Ibn Xaldun tafsir olimlari haqida ma'lumot bermagan, faqat tafsir va uning turlari haqida qisqa ma'lumotlar bilan cheklangan. Ibn Xaldunning tafsirga ko'p e'tibor bergani haqida qo'limizda ma'lumot yo'q. U bu borada yozganlari hammaga ma'lum bo'lganidan ortiq emas. Biroq "Muqaddima"da ba'zi oyatlarga bergan ma'nolari ijtimoiy jihatdan diqqatga sazovor ko'rinadi. U tez-tez keltirgan oyatlarni o'zining ijtimoiy qarashlarini tasdiqlash maqsadida tafsir va ta'vil qilgan. Shu tariqa yaratgan nazariyalari ko'p jihatdan Qur'on bilan mos kelgan, nazariyalari va Qur'on orasidagi muvofiqlik nuqtalariga kelganda, keltirgan oyatlar bilan qarashlarini mustahkamlab borgan. Shu tarzda fikr va qarashlarining atrofdagilar tomonidan qabul qilinishi, hurmat va qiziqish bilan qaralishini ta'minlagan. Yoshligidan Qur'on bilan yaqindan tanish bo'lgan Ibn Xaldunning fikrlari Qur'on'dagi haqiqatlar ta'sirida shakllanganini ham ta'kidlash lozim.

Hadis. Ibn Xaldun hadis ilmlari bo'yicha asosli va keng qamrovli ma'lumotlarga ega edi. Biroq, tarix va ijtimoiy sohalaridagi shuhrati uning hadis olimi sifatidagi mavqeini soya ostida qoldirgani sababli, u hadis olimi va imomi sifatida tan olinmagan. U Mag'rib o'lkalarida katta e'tiborga ega bo'lgan Imom Molikning "Muvatto" (الموطأ) asari bilan birga Muslimning "Sahihi Muslim" (صحيح مسلم) asarini ham yaxshi bilardi. Hadis istilohlari va sanadlari bo'yicha yetarlicha darajada ya'ni bu sohada dars bera oladigan darajada ma'lumotga ega edi. Hattoki, Misrda yuqori darajadagi maktablarda "Muvatto"dan dars bergan.²⁷⁶

"At-Tarif"da aytishicha, Ibn Abdulbarning "At-Taqassi li-ahadisi'l-Muvatto" (التقصي لحديث الموطأ) asarini Muhammad ibn Said ibn Burr al-Ansoriydan, Muslim "Sahih" ining katta qismini, Buxoriy, Abu Dovud, Termiziy va Nasoiyning ba'zi bo'limlarini Muhammad ibn Jobir ibn Sulton Qaysiydan o'rgangan. Ibn Xaldun, zamonasida hadis imomi sifatida tanilgan Muhammad ibn Abdulmuhaymin Hadramiydan "Muvatto", Buxoriy, Muslim, Abu Dovud, Termiziy, Nasoi, Ibn Moja asarlarini eshitish yo'li bilan o'rgangan. Muhammad ibn Ibrohim Abiliy ham unga "Muvatto" ning bir qismini o'qitgan va boshqa qismlarini ham o'rganishiga ijozat bergan. Ibn Xaldunning Tunisda talaba bo'lgan paytida foydalangan hadis ustozlari shular edi.²⁷⁷

Ibn Xaldunning, ilm markazi bo'lgan Qohirada, Ibn Hojar Asqaloniy kabi yirik muhaddislar bor va yetishib chiqqan bir davrda, yirik madrasalardan birida hadis o'qituvchisi etib tayinlangan bo'lishi uning bu sohadagi malakasining dalilidir. Ibn Xaldun bu madrasada Imom Molik, uning hayoti, asarlari va bu asarlarning bizga yetib kelish yo'llari va mazmuni haqida gapirib, barchani hayratda qoldirgan.²⁷⁸

Ibn Xaldunning "Ulum-ul hadis" (علوم الحديث) sarlavhasi ostida bergan ma'lumotlari ham uning hadis sohasidagi bilimining kengligi va mustahkamligini tasdiqlaydi. Tafsirga qaraganda, hadis haqida kengroq ma'lumot berishi Misrda hadis o'qitayotgan paytida bu bo'limni qayta ko'rib chiqib, muhim qo'shimchalar bilan qayta yozganligi bilan bog'liq. Masalan, Mahdi haqida ma'lumot

²⁷⁶ Ibn Xaldun, Muqaddima. Tarjimon: Sulaymon Uludag', -Istanbul: Dergah yayinlari, 2016. -158-159-b.

²⁷⁷ Ibn Xaldun. At-Tarif Ibn Xaldun. – Livan: Dorul-kitob nashriyot uyi, 1979. – B.55

²⁷⁸ Ibn Xaldun. At-Tarif Ibn Xaldun. – Livan: Dorul-kitob nashriyot uyi, 1979. – B.55

berayotganda, o'z bilimi va mahorati bilan bu haqidagi hadislarini tanqid va tahlil qilishi, undan oldin hech kim qilmagan muhim ilmiy masalani o'zlashtirib, mantiqiy izoh bilan yechimini topishi, uning hadis ilmida yuqori malakaga ega ekanining misolidir. Abu Dovud, Nasoiy, Termiziy va Ibn Mojaning "Sunan" kitoblaridagi hadislarini muhaddislarning uslubiga sodiq qolib tanqid qilgan Ibn Xaldun, bu tanqidiy yondashuvni Buxoriy va Muslimga nisbatan qo'llamagan. Shunga qaramay, hadislar haqidagi ba'zi haqli tanqidlari, Ibn Hojar Asqaloniy kabi hadis olimlarining uning ashaddiy dushmaniga aylanishi uchun yetarli edi.

Biroq, Ibn Xaldun turli sabablarga ko'ra sanadni tanqid qilishga jur'at qilolmagan ba'zi hadislarini bilvosita tanqid qilib, imkon topganda ishonchliligi shubhali bo'lgan hadislarining aksini himoya qilgan. Masalan, Buxoriyning "Sahihi Buxoriy" asaridagi "Dastlabki yaratish haqida kitob" bo'limida²⁷⁹ va Muslimning "Sahihi Muslim" asaridagi "Kitob-ul jannat" bo'limida keltirilgan bir hadisga ko'ra, hazrat Odam yaratilganida oltmish arshin uzunlikda bo'lgan. Ibn Xaldun qadimgi odamlar hozirgi odamlardan uzun bo'lgan degan fikrlarni tanqid va rad etgandan so'ng, Buxoriyda mavjud bu hadisga umuman tegmaydi va bu haqdagi gaplarning xurofot ekanligini aytish bilan kifoyalanadi. Ibn Xaldunning bu mavzudagi Buxoriy va Muslim hadislarini bilmagan deb o'ylash qiyin. Demak, to'g'ri payt kelganda, o'z qarashlari bilan mos kelmaydigan hadislarini ham chetlab o'tgan.

Xulosa qilib aytganda, Abdurahmon ibn Xaldun falsafa, siyosat, iqtisod, sotsiologiya va tarix sohalarida haqli ravishda barakali ijod qilib, tarixda nomini qoldirgan asarlar yozishga muvaffaq bo'lgan. Shu bilan birga islom ilmlarida ham yetuk ilm sohibi bo'lib, bizga me'ros sifatida qolgan asarlari bunga guvohlik berishi mumkin.

* * *

"FAZO'IL AL-QUR'ON" TURKUMIDAGI ASARLARNING HADISNAVISLIK RIVOJIDAGI O'RNI

PLACE OF FAZO'IL AL-QUR'AN WORKS IN THE DEVELOPMENT OF HADITH SCIENCES

Mirzayev Bahodir Muzaffar o'g'li

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi

"Mumtoz sharq adabiyoti va manbashunosligi"

ixtisosligi tayanch doktoranti

Qur'oni karim islomning muqaddas kitobi bo'lib, uning fazilati, barakoti haqida juda ko'plab hadislar, xabarlar bor. Muhaddis ulamolar asrlar davomida Qur'oni karim fazilatlariga bag'ishlangan alohida asarlar tasnif qilib kelmoqda.

²⁷⁹ Buxoriy. Al-jome as-sahih. 2-qism. Hoja Muzaffar Nabixon o'g'li va Hoja Baxtiyor Nabixon o'g'li tarjimai. Toshkent: Qomuslar nashriyoti, 1997. – B.289

Hadisnavislik endi paydo bo'lgan vaqtlarda, hadis to'plamlari alohida yo'nalishlarga ajralmagan edi. Keyinchalik, tasnif davrida hadislarini mavzularga qarab sinflashtirish boshlangach, Qur'on fazilatlariga doir asarlar ham yozila boshladi. Sura va oyatlarning to'liq yoki ayrimlarining fazilatlariga haqida Payg'ambarimiz va u zotning sahobalaridan rivoyat qilingan xabarlarga "Fazoil al-Qur'on" yoki "Savob al-Qur'on" deyiladi.

"Fazoil al-Qur'on" ilmining manbai Payg'ambarimizdan rivoyat qilingan hadislardir. Shu sababli bu ilmning hadis ilmi bilan aloqasi bor. Bu boradagi asar va kitoblar hadis rivoyatlarini jamlash shaklini olgani ham shundan dalolatdir. "Fazoil al-Qur'on" nomi ostida olib borilgan tadqiqotlarda faqat fazilat mavzusi emas, bundan tashqari, Qur'on ilmlariga oid ko'plab mavzular, jumladan, Qur'on nozil bo'lishi, Makka va Madaniy suralar, Qur'onni yozish va to'plash, ta'lim va tarbiya, o'qish odoblari, shafolat qilish kabilar ham kiritilgan. Shuning uchun, bu yo'nalishdagi asarlar hadisnavislik rivojida ham alohida o'rin tutadi.

"Fazoil al-Qur'on" asarlarida asosan quyidagilar o'rganilgan:

1. Butun Qur'onning fazilati haqidagi rivoyatlar bo'lib, ular Qur'on o'qishning savob va fazilati, o'rganish, o'rgatish va yod olishning ahamiyati, uni tilovat qilgan kishining fazilatli bo'lishi kabi hadislardir.

2. Ayrim sura va oyatlarning fazilati haqidagi rivoyatlardir. Ba'zi suralarning boshqalardan ustunligi haqidagi masala ulamolar tomonidan muhokama qilingan. Ahli sunna imomlaridan Abu Hasan Ash'ariy (vaf. 324/935) va Abu Bakr Baqilloni (vaf. 403/1013) "Qur'onning ba'zi qismi boshqasidan ustun" degan qarashni tanqid qilgan. Ba'zi sura va oyatlarni afzal deb aytish to'g'ri bo'lmaydi, chunki butun kitob Allohning kalomidir, bu holatda boshqa qismlari noqis, degan adashishga olib keladi, deydi.

Molik ibn Anas (vaf. 179/795), Ibn Hibbon (vaf. 354/965) ham shunday fikrda. Biroq, Is'hoq ibn Rohavayh (vaf. 236/851), Abu Bakr ibn Arabiy (vaf. 638/1240), Qozi Iyoz (vaf. 546/1149), G'azzoliy (vaf. 505/1111), Qurtubiy (vaf. 671/1273), Izziddin ibn Abdusalom (vaf. 678/1279) kabi ulamolar bu boradagi hadislarining zohiriy ma'nolariga qarab oyat va suralardagi tafzilni²⁸⁰ qabul qilganlar. Alloh taoloning O'zi haqida gapirgan oyatlari boshqa odamlar haqida aytilgan oyatlarning darajasida bo'lolmaydi, deydi. Ularga ko'ra, masalan, Alloh taoloning sifatleri haqida so'z yuritilgan "Ixlos" surasi bilan islomning ashaddiy dushmani haqida so'z yuritilgan "Lahab" surasi fazilat jihatidan bir-biridan farq qilishi kerak.

Tafzilni qabul qilganlarning ba'zilari "Baqara" surasidagi "(Ey, Muhammad!) Biror oyatni bekor kilsak yoki yodingizdan chiqartirsak, undan yaxshirog'ini (ummatingizga munosibrog'ini) yoki o'shaning (aynan) o'ziga teng (boshqa oyat)ni keltiraveramiz"²⁸¹ oyatni fikrlariga dalil sifatida keltiradi.

Halimiy (vaf. 403/1013) tafzil haqida shunday deydi: "Tafzil quyidagi ma'nolarni anglatishi mumkin:

²⁸⁰ Bir-biridan fazilatli bo'lishi.

²⁸¹ Abdulaziz Mansur. Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri. "Toshkent islom universiteti" nashriyot-matbaa birlashmasi, T. 2004. 17 b.

1. Bir oyatga amal qilish, boshqasiga amal qilishdan afzalroq bo'lishi mumkin va odamlar uchun foydaliroq bo'lishi mumkin. Shunga ko'ra, amr, ta'qiqlar, va'da va vaidga oid oyatlar qissaga oid oyatlarga qaraganda fazilatliroqdir;

2. Alloh taoloning ism va sifatlari haqida so'z yuritilgan oyatlar mazmuniga ko'ra boshqalardan fazilatliroqdir;

3. Ba'zi oyatlar o'quvchi uchun tezroq foyda va savobga yetaklagani uchun fazilatlidir²⁸².

Bu umumiy qabul qilingan fikr bo'lib, unga ko'ra oyat va suralar o'rtasida tafzil qilish, "ko'proq savob" ma'nosida joizdir.

Qur'on fazilatleri haqidagi rivoyatlar, birinchi navbatda, hadis kitoblarida o'z o'rnini egallagan. Hadis to'plamlari shubhasiz, bu sohada eng ishonchli manbalardir.

Ba'zi ulamolar shofeiylilik mazhabi asoschisi Muhammad ibn Idris Shofeiyning (vaf. 204/820) "Manofe' al-Qur'on" nomli risolasini Qur'on fazilatleri haqida yozilgan dastlabki asar²⁸³ sifatida ko'rsatadi. Lekin, ko'pchilik tarafidan Abu Ubayd Qosim ibn Sallom Haraviy (vaf. 224/838) tomonidan bitilgan "Fazoil al-Qur'on" asari shu yo'nalishda bitilgan ilk asar, deb ta'kidlangan. Qolaversa, ushbu kitob mazkur sohadagi boshqa to'plamlarga asos bo'lib xizmat qilgan

Shuningdek, hadis va qiroat ulamolari tomonidan shu yo'nalishda ko'plab asarlar yozilgan. Bu yo'nalishdagi asosiy manba – hadislar va xabarlar²⁸⁴ bo'lgani uchun, ularning aksariyati muhaddislar tarafidan bitilgan.

Mashhur muhaddis Abu Bakr ibn Abu Shayba (vaf. 235/849) Qur'on suralari va oyatlarining fazilatiga bag'ishlangan "Savob al-Qur'on" nomli²⁸⁵ asar yozgan.

Shuningdek, manbalarda qorilar ustoz, damashqlik Ibn Maysara Hishom ibn Ammor Sulamiy (vaf. 245/859) ham "Fazoil al-Qur'on" nomli asar bitgani, "Al-Muvatto"ga yozgan sharxi bilan tanilgan olim Ibn Muzayyan Qurtubiyning (vaf. 259/873) ham "Fazoil al-Qur'on" nomli asari bo'lgani²⁸⁶ keltirilgan.

Ray shahridan yetishib chiqqan muhaddis Ibn Zirris Roziy (294/906), Abu Bakr Faryobiy (301/913), mashhur muhaddis olim Ahmad ibn Shuayb Nasoiy, buxorolik olimlardan biri, hanafiy faqih Abu Sulaymon Dovud Udaniy (vaf. 320/932), tarixchi va faqih Abu Zar Haraviy (435/1044), Abulhasan Ali ibn Axmad Vohidiy (vaf. 468/1076), Abu Bakr Muxammad G'assoniyy Vodyoshiy (vaf. 536/1142), andaluslik muhaddis Abulqosim Maloxiy (619/1222), taniqli muhaddis va tarixchi Ziyoudin Maqdisiy (643/1245) tomonidan ham "Fazoil al-Qur'on" nomli asar yozilgani keltirilgan.

Bu sanab o'tilganlarning barchasi "Fazoil al-Qur'on" nomli alohida asar yozgan. Lekin ko'pchilik muhaddislar bu yo'nalishda yaxlit bir asar bitmagan bo'lsa ham, hadis to'plamlari tarkibiga kiritib o'tgan. Buni sahih va sunan to'plamlarining barchasida ko'rishimiz mumkin.

²⁸² Imom Abu Bakr Bayhaqiy. Shu'ab al-imon. Bayrut, Dar al-kutub al-ilmiyya. 2000. 2-jild. 515 b.

²⁸³ Xoji Xalifa. Kashf az-zunun. 2-jild. Istanbul, 1954. 2. Xayriddin az-Zirikliy. Al-A'lom. 5-jild. Bayrut: Dor al-ilm, 2002.

²⁸⁴ "Xabar" so'zi, lug'atdagi ma'nosiga ko'ra, sodir bo'lgan ma'lumotni birovga yetkazishdan iboratdir. Ulamolar istilohida xabarning ta'rifida uch xil gap kelgan. Bu o'rinda xabar – hadisga teskari ma'noda ishlatilmoqda. Nabiy sollallohu alayhi vasallamdan boshqalardan rivoyat qilingan narsa "xabar" deyiladi.

²⁸⁵ Ibn Abu Shayba. Al-Musannaf. 1-jild. Riyoz. Maktabat ar-Rushd, 2004.

²⁸⁶ Xayriddin az-Zirikliy. Al-A'lom. 8-jild. Bayrut: Dor al-ilm, 2002.

Kutubi Sitta imomlaridan, muhaddislar sultoni, buyuk vatandoshimiz Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil Buxoriy (vaf. 256/870) tomonidan bitilgan, shoh asar – “al-Jome’ as- sahih” (“Sahih hadislar to‘plami”) kitobi “Sahihi Buxoriy” nomi bilan shuhrat qozongan bo‘lib, uning tarkibida “Kitob Fazoil al-Qur‘on” deb atalgan alohida kitob (bo‘lim) mavjud. U “Sahihi Buxoriy”da 66-chi o‘rinda keladi, boblarining adadi esa 37 tani tashkil qiladi. Unda 85 ta sahih hadis rivoyat qilinganini²⁸⁷ ko‘rish mumkin. Ularda “Fotiha”, “Baqara”, “Kahf”, “Fath”, “Ixlos”, “Falaq” va “Nos” suralarining alohida fazilatlar haqida rivoyatlar jamlangan.

Imom Muslim (vaf. 261/875) esa rivoyatlarni turli boblar ostida jamlagan. Ibn Moja (vaf. 273/888) “Kitob al-adab” asarida ellik ikkinchi bobni “Savob al-Qur‘on” deb ochib, 15 ta hadis rivoyat qilgan va boshqa xabarlarini turli boblarda zikr qilgan. Abu Dovud (vaf. 275/888) “Kitob al-vitr” asarida Qur‘onning fazilati, ba’zi sura va oyatlar haqida jami 27 ta hadisni to‘qqiz bobga kiritgan. Imom Termiziy (vaf. 279/892) “Savob al-Qur‘on” nomli mustaqil bo‘lim yaratgan bo‘lib, unda 25 bob ostida 51 ta hadis, avvalo sura va oyatlarning fazilatlarini, so‘ngra boshqa rivoyatlar keltirilgan.

“Fazoil al-Qur‘on” bo‘yicha zamonaviy tadqiqotlar:

1. Muhammad Zakariyo ibn Yahyo Kandhlaviy tomonidan yozilgan “Fazoil al-Qur‘an al-Hakim” asari. Hindistonda urdu tilida yozilgan va Qur‘onning fazilati haqida qirqta hadis batafsil sharhlangan. Hindistonda bir necha marta nashr etilgan asar Muhammad Vozih Nadaviy tomonidan arab tiliga tarjima qilingan va 1972 yilda nashr etilgan²⁸⁸.

2. Rizvon Muhammad Rizvonning “Fazoil al-Qur‘on” kitobi. Abu G‘uddaning so‘zlariga ko‘ra, muallif o‘z asariga faqat sahih hadislarini kiritgan. U 1941 yilda Qohirada nashr etilgan.

3. Abu Fazl Abdulloh ibn Muhammad G‘umoriyning (1910-1993) “Fazoil al-Qur‘on” kitobi 1986-yil Bayrut nashr qilingan. Muallif unda Qur‘on fazilatlarini haqida ko‘plab hadislarini tadqiq qilgan, zaif va yolg‘on rivoyatlarni aniqlagan.

5. Muhammad ibn Rizq ibn Tarhuniyning “Al-ahodis as-sobit fi fazoili suvar va oyot al-Qur‘on” kitobi. Riyozda 1988-yili nashr qilingan.

6. Ismoil Karacham. Qur‘oni Karimning fazilatlarini va uni o‘qish qoidalarini, Istanbul, 1976 yil.

Yuqoridagilardan xulosa qilish mumkinki, Fazoil al-Qur‘on yo‘nalishidagi asarlar mashhur hadis to‘plamlaridan oldinroq yozila boshlagan. Buyuk muhaddislar o‘z asarlarida Qur‘on fazilatlariga doir alohida bo‘lim yoki bob ochib, hadislarini uning tarkibida keltirib o‘tgan. Shundan so‘ng “Fazoil al-Qur‘on” bo‘yicha asarlar ham hadis to‘plamlarida mustaqil bob, ham mustaqil asar sifatida olib borildi. “Fazoil al-Qur‘on” yo‘nalishidagi mustaqil asarlar hijriy III asr boshlariga to‘g‘ri keladi.

* * *

²⁸⁷ Abdumannob Ismatullayev. Qur‘on fazilatlariga oid asarlar va imom Buxoriyning bu boradagi kitobi xususida. Imom Buxoriy saboqlari jurnali.2020/2. 42 b.

²⁸⁸ Ibn Durays. Fazoil al-Qur‘an. Damashq. Dar al-fikr. 1987. 15 b.

“VIQOYATUR RIVOYA FI MASOILIL HIDOYA” ASARIGA YOZILGAN SHARHLAR

COMMENTARIES TO WIQAYAT AL-RIWAYA FI MASA’IL AL-HIDAYA

Meliboyev Abdug’ulom,

O’zbekiston xalqaro islom akademiyasi doktoranti,

Hadis maktabi o’qituvchisi

“Викоя” асари ҳанафий фикҳи мўътабар матнлари ичида юқори даражада бўлгани сабаб кўплаб олимлар унга шарҳ ёзишга эътибор берганлар. Сабаби толиби илмлар уни ёдлаб олганларидан кейин китобни янада кенгроқ тушунишлари учун унинг шарҳига эҳтиёж сезадилар. Қуйида олимлар тарафидан асарга ёзилган шарҳлар билан танишиб чиқамиз.

1. “Шарҳул виқоя”. Саййид Шариф Журжоний (ваф. 816 х).
2. “Шарҳул виқоя”. Ибн Халифа.
3. “Шарҳул виқоя”. Мусаннифак (ваф. 875 х).
4. “Шарҳул виқоя”. Ибн Қутлубғо (ваф. 789 х).
5. “Шарҳул виқоя”. Аловуддин Асвад (ваф. 800 х). тошкўпирзода шундай деган: “У (турли масалаларга) тўла, “Викоя” мушкулотларини ечишга кафил бўлган китобдир. Уни икки мужалладда кўрдим. Ўқиб чиқиб, ундан манфаатландим”²⁸⁹.
6. “Шарҳул виқоя”. Ибн Малак (ваф. 801).
7. “Ал-ҳимоя ала шарҳил виқоя”. Кирмосиний. (ваф. 900 х. атрофида).
8. “Ар-ромзу ила таҳқиқил виқоя”. Ибн Шихна. (ваф. 921 х.).
9. “Шарҳул виқоя”. Шайхзода. (ваф. 950 х.).
10. “Шарҳул виқоя”. Фасихуддин Ҳиравий. Лакнавий: “Унинг икки мужалладли шарҳини ўқидим. У муғлақ жойларни ечиб берадиган шарҳдир. Асарда унинг Садруш Шариа билан бўлган бир нечта муноқашалари бор”, деган²⁹⁰.
11. “Ат-татбиқ шарҳул виқоя”. Қосим ибн Сулаймон Никандий (ваф. 970 х.). олим ушбу китобида Ибн Камолнинг бир қатор эъродларига жавоб келтирган²⁹¹.
12. “Шарҳул виқоя”. Темиртоший (ваф. 1004 х.).
13. “Шарҳул виқоя”. Ширинбулолий (ваф. 1069 х.).
14. “Шарҳу назмил виқоя”. Кавокибий (ваф. 1096 х.).
15. “Ал-истигно шарҳул виқоя”. Аловуддин Али Тароблусий.
16. “Ал-истигно фил истийфо шарҳул виқоят”. Ҳусомуддин Кавсаж.
17. “Ал-иноя шарҳул виқоя”. Тумнотий. Ҳижрий VIII аср охирларида вафот этган. Тошкўбризода шундай деган: “Унинг “Викоя”га ёзган шарҳи олимнинг фазилатли эканига далолат қилади. бу унинг шарафли эканига

²⁸⁹ Тошкўбризода. Шақоикун нўъмония. Дорул китабул арабий. -Байрут. 1975. –Б.9.

²⁹⁰ Абдулҳай Лакнавий. Умдатур риёя. Дорул кутубил илмия. -Байрут. 2009 й. –Ж.1. –Б.112.

²⁹¹ Абдулҳай Лакнавий. Умдатур риёя. Дорул кутубил илмия. -Байрут. 2009 й. –Ж.1. –Б.112.

кифоя қилади”²⁹². “Мақтабатул авқоф ал-ироқия”да 4071-рақам остида қўлёзма нусхаси бор²⁹³.

18. “Тавфиқул иноя шарҳул виқоя”. Зайниддин Жунайд ибн Сандал. Ҳожи Халифа: “У фойдали шарҳдир”, деган²⁹⁴.

19. “Тавсиқул иноя байна шуруҳил виқоя”. Авқофул ироқия мактабасида 4115-рақам остида қўлёзма нусхаси бор²⁹⁵.

20. “Тавжихул иноя ли жамъи шуруҳил виқоя”. Абуляман Муҳаммад ибн Муҳиб.

21. “Ат-тайсир шурҳул виқоя”.

22. “Шарҳул виқоя”. Иззуддин Тоҳир Шофеъий²⁹⁶.

23. “Шарҳул виқоя”. Ибн Шайх.

24. “Шарҳул виқоя”. Муҳаммад Али Ҳаскафий²⁹⁷.

25. “Кашфул виқоя”. Лакнавий²⁹⁸.

26. “Ал-атоя фи шарҳил виқоя”. Муҳаммад Табиб Муҳтадий Мусилий.

27. “Риоятул виқоя шарҳу виқоятир ривоя”. Қора Синон.

28. “Ар-риъоя шарҳул виқоя”²⁹⁹.

Бу асарни назм шаклига келтирган олимлар ҳам бор. Жумладан:

1. “Назмул виқоя”. Вазир Шамс пошо Румий (ваф. 988 х). Бу назм турк тилида.

2. “Назмул виқоя”. Кавокибий (ваф. 1096 х).

Асар форс, турк ва урду тилларига таржима қилинган. Бу таржималар қуйидагилар:

1. “Назмул виқоя”. Юсуф ибн Давлат ўғли. Турк тилида. Ҳижрий 867 йилда таржима қилган³⁰⁰.

2. Вазир Пошшо Румий (ваф. 988/1580) асарни туркий тилда назм шаклида таржима қилган.

3. “Нурул ҳидоя шарҳул виқоя”. Ҳайдарободий (ваф. 1338 х). урду тилида.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Виқоя” асари ҳанафий фикҳи мўътабар матнларидан бири ҳисобланади. Асарнинг қиймати ва даражасини унинг ҳанафий мазҳаби фикҳ китоблари ичида энг юксак эътиборга сазовор бўлган “Ҳидоя” асари қисқартмаси экани, қадимда ҳам, ҳозирги кунда ҳам асар катта қизиқиш билан ўрганиб келинаётгани, унга қўплаб шарҳлар ёзилгани, жуда кўп илмий ишларда унга суяниб келинаётгани билан ҳам билиб олиш мумкин.

* * *

²⁹² Тошқўбризода. Шакоикун нўъмония. Дорул китабул арабий. -Байрут. 1975. -Б.63.

²⁹³ Салоҳ Абулҳож. Мунтаҳан нуқоя ала шарҳил виқоя. Варроқ. -Уммон. 2006. -Б. 73.

²⁹⁴ Хожа Халифа. Кашфуз зунун. Дору ихёут турсил арабий. -Байрут. -Ж.2. -Б.2020.

²⁹⁵ Салоҳ Абулҳож. Мунтаҳан нуқоя ала шарҳил виқоя. -Варроқ. -Уммон. 2006. -Б. 74.

²⁹⁶ Хожа Халифа. Кашфуз зунун. Дору ихёут турсил арабий. -Байрут. -Ж.2. -Б.2038. Абдулхай Лакнавий. Умдатур риъоя. Дорул кутубил илмия. -Байрут. 2009 й. -Ж.1. -Б.112.

²⁹⁷ Ибн Обидин. Раддул мухтор. -Ж.1. -Б.26.

²⁹⁸ Абдулхай Лакнавий. Умдатур риъоя. Дорул кутубил илмия. -Байрут. 2009 й. -Ж.1. -Б.112.

²⁹⁹ Хожа Халифа. Кашфуз зунун. Дору ихёут турсил арабий. -Байрут. -Ж.2. -Б.2022.

³⁰⁰ Хожа Халифа. Кашфуз зунун. Дору ихё ут-турсил арабий. -Байрут. -Ж.2. -Б.2023.

ABUL FIDO IBN KASIRNING QUR'ON ILMLARIGA QO'SHGAN HISSASI

CONTRIBUTION OF ABU-L-FIDA' IBN KATHIR TO QUR'AN SCIENCES

Saidakbarov Halilulloh

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
tayanch doktoranti*

Abul Fido Imoduddin Ismoil ibn Shihobiddin Umar ibn Kasir musulmon olamida mashhur olim bo'lib uning tug'ilish sanasi bo'yicha manbalarda turlicha yillar keltirilgan. Ibn Hojar Asqaloniy (852/1444) o'zi yashagan davrida mashhur olimlar haqida ma'lumot berib o'tgan "Inba'ul G'umr bi-Abnail Umr" nomli asarida Ibn Kasirning 1300-yilda tavallud topganini keltiradi. Ibn Qoziy "Tarixi Ibn Qoziy Shuhba" nomli asarida Ibn Kasir 1301-yilda Busro shahri yaqinidagi Mijdal qishlog'ida tug'ilganini aytadi. Ibn Kasir o'zining "Al-bidoya van-nihoya" asarida hijriy 703-yil voqealarini bayon qilar ekan, otasi Umar ibn Kasir hijriy 703-yilda Mujaydal nomli qishloqda vafot etganini va u yili uch yosh bo'lganini aytadi³⁰¹. Yuqoridagi ma'lumotlarni inobatga olganda Ibn Kasirning 1300-yilda tavallud topgan deyish mumkin. Ibn Kasir 774-hijriy yilning 26-Sha'bon oyi payshanba kuni Damashqda vafot etadi va "Sufiyya" qabristoniga dafn qilinadi.

Ibn Kasir Tafsir ilmiga oid mo'tabar kitob yozgani uchun ulamolar tomonidan Imoduddin deb atalgan. Alloma Ibn Kasir ilmli, ziyoli oilada o'sdi. U kishining otasi Umar ibn Hafs ibn Kasir bo'lib, o'z qishlog'larining mashhur notig'i, xatibi bo'lgan. Olim 3 yoshga to'lganida otasi vafot etdi. Otasining vafotidan so'ng 707-hijriyda yosh Ibn Kasirning oilasi qishloqdan Damashqqa ko'chib o'tishgan.

Ibn Kasir boshlang'ich ta'limni oilasidan olgan. U tafsir, hadis va tarix sohalarida muhim asarlar yozgan. Yoshligidan olgan kuchli ta'lim-tarbiya bilan islom ilmlari bilan shug'ullana boshlaydi va o'n bir yoshida Qur'oni Karimni to'liq yod oladi³⁰².

Ibn Kasir islom ilmlarining turli sohalarida xizmat qiluvchi turli ustozlardan saboq oldi. Uch yoshida otasidan ayrilgan Ibn Kasir Abul-Hajjoj Jamaluddin Yusuf ibn Abdurrahmon ibn Yusuf al-Mizziydan hadis saboq olgan, uning Zaynab ismli qiziga uylanib ustoziga kuyov bo'lish orqali qarindoshlik rishtalarini bog'lagan va hijriy 742-yilgacha³⁰³ ustози vabodan vafot etgunga qadar uni tark etmagan.

Abu al-Fido Ismoil ibn Umar ibn Kasir Abu Abdulloh Muhammad ibn Ahmad az-Zahabiy, Shayx Abulabbos Ahmad ibn Shahina, Shayx Abu Is'hoq Ibrohim al-Fazoriy, Kamoliddin Abdulvahhob ibn Qozi Shahba, Shayx

³⁰¹ Ibn Kasir. Al-bidoya van-nihoya. – Bayrut: Dorul Fikr, 1407. – J. 14. – B. 82-25.

³⁰² Ibn Kasir. Al-bidoya van-nihoya. – Bayrut: Dorul Fikr, 1407. – J. 14. – B. 464.

³⁰³ Ibn Kasir. Al-bidoya van-nihoya. – Bayrut: Dorul Fikr, 1407. – J. 14. – B. 305.

Shamsuddin Abu Nasr Muhammad Sheroziy, Shayx Isbahoniy, Shayx Bahouddin al-Qosim ibn Asokir, Shayx Umar ibn Abubakr al-Bustiy kabi olimlardan dars olgan.

Ibn Kasir haqida ko'plab olimlar maqtovli gaplar aytib o'tishgan. Hofiz Zahabiy Ibn Kasir haqida shunday deydi: "U kishi imom, muftiy, muhaddis, faqih, mufassir edilar. Fiqh va hadisga oid matnlarni va ularning roviylarini batafsil o'rgandilar"³⁰⁴. Ibn Hojar Asqaloniylar aytadi: "Barcha xizmatga doim tayyor edilar, o'rgangan ilmlarining barchasini yoddan bilardilar, kishilarning ko'nglini olishga, kayfiyatlarini ko'tarishga juda usta edilar. Yozgan asarlari tirikliklaridayoq turli o'lkalarga tarqalgan edi, vafotlaridan keyin ham insonlar mazkur asarlardan ko'p foyda oldilar"³⁰⁵. Dovudiy aytadilar: "U zot matnlarni yodlashga, hadislarning sanadlari, illatlari, roviylarini bilishga hamda tarix ilmini mukammal egallashga kirishdilar va yig'itlik chog'laridayoq bu narsalarning mohir bilimdoniga aylandilar"³⁰⁶.

Ibn Kasir hayoti davomida ko'plab madrasalarda faoliyat ko'rsatgan. Imom Zahabiyning vafotidan so'ng Ibn Kasir Ummu Solih (Solihiy) masjidida hadisdan dars bera boshlagan. Ibn Kasir bu masjidda qancha muddat dars bergani ma'lum bo'lmas-da, o'zining "Al-bidoya van-nihoya" asarida ilk darsi faqihlar, olimlar va qozilar haqida bo'lib, darsga avom ham kelganini aytib o'tadi. Shuningdek, Ibn Kasir Damashq shahridagi Najibiyya nomli madrasada tafsir ilmidan dars bergan. Ibn Kasir madrasada ustolik qilishdan tashqari mahkamalarda ham faoliyat ko'rsatgani zikr qilinadi.

Ibn Kasir tarix, tabaqot, tafsir, fiqh va hadis kabi ko'plab ilmlarda asarlar yozgan. Asarlaridan ba'zilar quyidagilar: Tarix va taboqot sohasida "Al-bidoya van-nihoya", "Al-Fushul fiyy siyratul Rosul", "Siyratu Abu Bakr as-Siddiq", "Siyratu Umar ibn Xattob", "Siyratu Manglibug'o", "Tabaqotu fuqahoish Shofiiyya"; tafsirga oid "Tafsir al-Qur'an al-azim", "Fazoil al-Qur'on"; fiqh va hadis ilmiga oid: "Ahadisul Usul", "Sharhu Sahihil Buxoriy", "Al-Ahkam al-Kubro", "Kitabus siyam".

Ibn Kasirning tafsir ilmiga oid ikki asari bizga ma'lum bo'lib ular: "Tafsir al-Qur'an al-azim", "Fazoil al-Qur'on" asarlaridir. "Fazoil al-Qur'on" asari Qur'onning boshqa kitoblardan ustunligi, Qur'on oyatlarini tilovot qilgan, yod olganlar va unga amal qilganlarning erishadigan savoblari haqida yozilgan. Ibn Kasir ushbu asarini tafsirdan farqli yozgan bo'lsa-da, keyinchalik tafsiriga qo'shib yuborgan. Germaniyalik olim Carl Brockelmann "Fazoil al-Qur'on"ni mustaqil asar sifatida aytib o'tadi, turk tadqiqotchisi Ismoil Jarroho'g'li esa asarni "Tafsir tarixi" nomli kitobida "Fazoil al-Qur'on va Tarixu Jamihi" nomi bilan zikr qiladi³⁰⁷.

³⁰⁴ Shamsuddin Zahabiy. Tazkirat al-huffoz. I-IV. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya, 2012. – J. 2. – B. 710-716.

³⁰⁵ Ibn Hojar Asqaloniylar. Lisonal-mizon. – Bayrut: Maktab al-matbuot al-islamiyya, 2002. – J. 7. – B. 25-29.

³⁰⁶ Shamsuddin Muhammad ibn Ali Dovudiy. Tabaqot al-mufasssiriyn. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya, 1983. – J. 2. – B. 110-118.

³⁰⁷ Ismoil Jarroho'g'li. Tafsir Tarixi. – Anqara: Fajr, 1988. – B. 209.

Ibn Kasirning “Tafsir al-Qur’an al-azim” asari tafsir sohasida yozilgan va mufassir sifatida islom olamida katta shuhrat qozongan asaridir. Asar Ibn Jarir Tabariyning “Jomi’ul-bayon”idan keyin rivoyat uslubi yozilgan tafsirlar ichida eng mashhur tafsir hisoblanadi³⁰⁸. Rivoyat usulidagi tafsirlarining eng muhim sifati Qur’onni Qur’oni Karim bilan tafsir qilishdir. “Tafsir al-Qur’an al-azim” kitobi “tafsir usuliga kirish” bilan boshlanadi. Muqaddimada Ibn Kasir tafsirning ahamiyati, qanday tafsir qilish, eng yaxshi tafsir usuli haqida ma’lumot beradi. U ushbu muqaddimada eng yaxshi tafsir usullarini ham sanab o’tadi. Ibn Kasir rivoyat uslubida qilingan tafsirni usul jihatidan diroyat tafsiridan afzalligini aytib o’tadi.

Ibn Kasirning tafsir uslubi shundayki, u bir oyatni keltirib, uning ma’nosini juda sodda til bilan tushuntiradi. Agar imkoni bo’lsa, shu oyatning mazmunini tasdiqlovchi yoki to’ldiruvchi boshqa oyatlarni ham keltirib, ulardan chiqqan umumiy ma’noni bayon qiladi. Ibn Kasirning bu tafsiri turli suralarda kelgan bir xil ma’noli oyatlarning bir joyga yig’ilishi sababli fehrstlik vazifasini bajarishi bilan ham qimmatlidir.

Ibn Kasir oyatning mazmuniga muvofiq barcha oyatlarni keltirgandan keyin shu mazmunga muvofiq hadislarni ham roviylar sanadi bilan rivoyat qiladi. Hadislardan qaysi biriga ehtiyoj bor, qaysinisiga yo’q – ularga ham aniqlik kiritadi. Keyin sahobalardan, tobeinlardan va salaf ulamolaridan eshitgan gaplarini qo’shadi. Ba’zi qavllarni ma’qul ko’rsa qiladi, ba’zisiga esa e’tiroz bildiradi, ba’zi roviylarning sahihligini ta’kidlasa, ba’zilarini zaiflikka nisbat beradi. Bunday taxlil Ibn Kasirning hadis ilmi va roviylar haqida yuqori daraja ilmga ega ekanligini ko’rsatadi³⁰⁹. Ibn Kasirning o’z tafsirida Tabariy va Ibn Abu Xotimga (vaf. 327/938) ko’p murojaat qilgan. Bu bilan birga mufassir “Kutub as-sitta” bilan birga ko’plab hadis asarlaridan va tarix sohasida esa Ibn Ishoq (vaf. 151/768), Ibn Hishom (vaf. 218/833), Voqidiy (vaf. 207/823) va Ibn Asir (vaf. 630/1233) kabi olimlarning asarlaridan foydalangan³¹⁰. Ibn Kasir tafsirining yana bir ahamiyatli tarafi uning arab tilini aniq va ifodali qo’llashidir. Uning tafsirdan asosiy maqsadi sahih xabarlariga tayangan holda Qur’on karimning to’g’ri tushunilishiga o’z hissasini qo’shish bo’lgan. Asarda boshqa mufassirlarning qarashlariga ham o’rin berilgan. Lekin Ibn Kasir boshqa mufassirlar qarashiga taqlid qilibgina qolmay o’zi to’g’ri deb bilgan fikrini qabul qilgan, to’g’ri deb bilmagan fikrlarni esa tanqid qilib o’tgan³¹¹.

Ibn Kasir tafsirida isroiliyot rivoyatlariga ehtiyotlik bilan yondashgan va ularga alohida o’rin bermagan hamda isroiliyotga oid manbalarda ba’zi o’rinlarda tanqid qilib o’tgan.

Ibn Kasirni mufassir sifatida mashhur qilgan “Tafsir al-Qur’an al-azim” asari rivoyat uslubidagi tafsirlar ichida eng qabul qilingan tafsirlardan hisoblanadi. Garchi bu rivoyat usuliga asoslangan tafsir bo’lsa-da, muallif o’z fikrini zarur deb bilgan o’rinlardaga bildirib o’tadi. Ibn Kasirning “Tafsir al-Qur’an al-azim” asari

³⁰⁸ Ismoil Jarroho’g’li. Tafsir Tarixi. – Anqara: Fajr, 1988. – B. 230.

³⁰⁹ <https://quran.uz/tafsir/82/82.html> (01.04.2024)

³¹⁰ Kavsar Beyazyuz. Abul Fido ibn Kasir. – Istanbul: Siyar yayinlari, 2022. – B. 81.

³¹¹ Ismoil Jarroho’g’li. Tafsir Tarixi. – Anqara: Fajr, 1988. – B. 205.

bugungi kungacha yetib kelmagan tafsir manbalarini o'z ichiga olgani bilan ham ahamiyatlidir. Imom Suyutiy (911/1505) hadis hofizlarining tarjimai hollarini o'z ichiga olgan "Tabaqotul-huffoz" nomli asarida Ibn Kasir tafsiri haqida "Ibn Kasirning mashhur tafsiri borki, unga o'xshashi hali ta'lif etilmagan" deydi³¹².

Ibn Kasirning "Tafsirul-Qur'onil-azim" kitobi Ibn Jarir Tabariyning tafsiridan keyingi eng mo'tabar asardir. Unda muallif Qur'on oyatlarini salaf olimlari rivoyatlariga asoslanib tafsir qilgan. Oyatning mazmunini izohlashda avval oyatlarning o'ziga, keyin sanadi mukammal bo'lgan hadislarga va rivoyatlarga suyanadi. Oyat mazmunini yanada ochib berish uchun o'z mulohazasini ham aytadi.

Ibn Kasirning tafsiri avval Al-Bag'aviyning «Ma'olimut-Tanzil» nomli tafsiri bilan birga, keyin esa o'zini to'rt jildli, katta hajmli kitob shaklida 1969-yil Bayrutda nashr etilgan. 1992-yilda Istambulda sakkiz jildli holda bosilib chiqqan.

Ibn Kasir tafsiri Makka shahridagi «Malik Abdulaziz universiteti»ning kuliyasi ustoz Muhammad Aliy As-Sobuniy tomonidan muxtasar qilingan va 1986-yilda Bayrutning «Dorul-qalam» nashriyotida uch jildli kitob shaklida nashr etilgan³¹³.

* * *

IMOM TABARIY ASARLARINING ISLOM SIVILIZATSIYASI TARIXIDAGI O'RNI

PLACE OF AL-TABARI'S WORKS IN THE HISTORY OF ISLAMIC CIVILIZATION

Abdurazaqov Maxkambek Dilshodbek o'g'li,
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi magistranti

Butun dunyo e'tirofi ila tan olingan Islom sivilizatsiyasining oltin asrlari hisoblanmish IX-XII asrlarda musulmon mutafakkir va allomalari fanning turli sohalarida va islom ilmlarida muvaffaqiyatga erishganlar. Albatta, bunday ulkan ilmiy samaradorlik ortida islom dini va uning ilmga bo'lgan rag'batlari turadi. Aslida ham musulmon olimlarining favqulodda ilm cho'qqilarini zabt etib, turli sohalarida peshqadamlar safida bo'lishiga ularning qalbidagi iymoni va islom dinining mukammalligi asosiy sababdir.

Musulmon ulamolari ichida ko'zga ko'ringan, "Musulmon tarixchilarining otasi" unvoniga sazovor bo'lgan, yirik qomusiy olim, mujtahid, mufassir Abu Ja'far Muhammad ibn Jarir ibn Yazid ibn Kasir ibn G'olib at-Tabariy 224/839-yilda Eronning tarixiy viloyati Tabaristonning Omul shahrida tavallud topgan. Imom Tabariy nomi bilan mashhur bo'lgan buyuk alloma Abu Ja'far (rahimahulloh) o'zining yoshligi haqida so'zlab: «7 yoshimda Qur'oni karimni yod

³¹² Jaloliddin Suyutiy. Tabaqotul-huffoz. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya, 1994. – B. 361.

³¹³ <https://quran.uz/tafsir/82/82.html> (01.04.2024)

oldim. 8 yoshga to'lganimda, taroveh namozlarida insonlarga namoz o'qib berar edim. 9 yoshga to'lganimda esa, hadis yoza boshladim» - degan ekanlar³¹⁴. Ko'plab olimlar Abu Ja'far ibn Jarir Tabariyini yuksak ilm sohibi sifatida e'tirof etib, Qur'on hofizi hamda uni chuqur tushungan, hukmlarini yaxshi bilgan, Payg'ambar (s.a.v.) sunnatlarini, uning sahih va zaifini, roviylarining ishonchli yoki ishonchsizini yaxshi ajratadigan, tobeinlarning orasidagi muxoliflarini ham farq qiladigan o'ta farosatli, ma'rifatli, o'tkir fikrli olim ekanini ta'kidlab o'tishgan. Xatib Bag'dodiy ibn Jarirga “ziyrak olim” deb, quyidagicha ta'rif beradilar: “Alloh taoloning kitobini yodlagan, qiroatlar bilan tanilgan, ma'nolarini tushungan, Qur'on ahkomlarida faqih, Rasullulloh (s.a.v.) ning sunnatlariga amal qilgan va unda qoim bo'lgan, nosix va mansux ilmini, sahoba va tobeinlarning qavlini chuqur tushungan “faqih olim” deb e'tirof etgan³¹⁵.

Tabariy o'z davrining keng ma'lumotli kishilaridan bo'lib, 10 dan ortiq kitob yozib qoldirgan. Musulmon qonunshunoslari orasida mavjud bo'lgan ixtiloflar bayon etilgan “Kitob ixtilof al-fuqaho” (“Faqihlar o'rtasidagi ixtiloflar haqida kitob”), “Qur'oni karim” oyatlari sharhiga bag'ishlangan 30 (boshqa ma'lumotlarga qaraganda 40) jildidan iborat “Jome' al-bayon at-ta'vil al-Qur'on” (“Qur'on” so'zlari ma'nosining keng bayoni majmuasi”) va nihoyat, “Tarixi ar-rusul va-l-muluk” (“Payg'ambarlar va podshohlar tarixi”) ana shular jumlasidandir³¹⁶. Tarix ilmi uchun eng muhimi so'nggi asar hisoblanadi. “Tarixi ar-rusul va-l-muluk” yoki qisqa nomi “Tarixi Tabariy” asari umumiy tarix tipida yozilgan kitob. Lekin, mukammalligi va daliliy materiallarga boyligi bilan boshqa asarlardan tamoman alohida ajralib turadi. Asarda olamning “yaratilishi”dan to 912-913-yillarga qadar Arabiston, Rum (Kichik Osiyo), Eron va Arab xalifaligi asoratiga tushib qolgan mamlakatlarda, shuningdek, O'zbekiston hududida bo'lib o'tgan ijtimoiy-siyosiy voqealar hikoya qilinadi. Voqelar yilma-yil, xronologik tarzda bayon etilgan. Bu esa asardan foydalanishda ko'p jihatdan qulaylik yaratgan. Tabariy mazkur asarini yaratishda yahudiy va xristianlarning naql-rivoyatlari, Sosoniylar (224-651-y.) solnomasi “Xvaday namak” (“Podshohnoma”), al-Voqidiyning (747-823-y.) “Kitob ul-mag'oziy” (“Urushlar haqida kitob”), al-Madoiniyning “Tarixi xulafo” (“Xalifalar tarixi”), Ibn Tayfurning (819-893-y.) “Tarixi Bag'dod” (“Bag'dod tarixi”) kabi asarlaridan keng foydalangan. Lekin, u ko'p hollarda “Hadis ilmi” tamoyiliga ko'ra, ayniqsa, asarning qadimiy tarixga bag'ishlangan qismlarida boshqa manbalardan olingan dalil va ma'lumotlarni aynan keltirgan. Kitobning qadimiy tarixdan bahs yurituvchi qismlari ham ma'lum ilmiy qiymatga ega. Chunki, bularda bizgacha yetib kelmagan manbalarda (rivoyatlar, “Xvaday namak”, “Tarixi xulafo” va boshqalar) mavjud bo'lgan qimmatli ma'lumotlar, lavhalar saqlangan. “Tarixi ar-rusul va-l-muluk” musulmon mamlakatlari, shuningdek, Movarounnahrning VIII—IX asr tarixi bo'yicha asosiy va eng mo'tabar manbalardan biri bo'lib, tarix ilmining keyingi taraqqiyotiga katta ta'sir o'tkazgan. Mazkur asarning arabcha ikki

³¹⁴ <http://old.muslim.uz/index.php/rus/maqolalar/item/24224>

³¹⁵ Rahimjonov D. Tafsir matnlari. 1-qism: o'quv qo'llanma. – Toshkent: “O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi” nashriyot-matbaa birlashmasi, 2021. – B. 76.

³¹⁶ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Tabariy>

xil (mufasssal va qisqartirilgan) tahriri bo'lgan, lekin bizgacha uning faqat qisqartirilgan tahriri yetib kelgan va asar matni gollandiyalik sharqshunos M.Ya. de Guye tomonidan 1879-1901-yillarida 15 jildda nashr etilgan. Tabariy asarining forsiy tahriri ham bor bo'lib, u Somoniy Abu Solih Mansur ibn Nuhning (961-976) vaziri, atoqli ilm-fan homiysi al-Bal'amiy (vaf. 974) tomonidan 963-yili yozilgan. Bal'amiy tahriri shunchaki oddiy tarjima bo'lib qolmay, balki asarning qayta ishlangan va ayrim hollarda yangi faktlar bilan boyitilganidir. Unda, birinchidan, qisqartirilgan tahririda uchramaydigan ma'lumotlar mavjud bo'lib, ularni Bal'amiy Tabariy asarining to'la nusxasidan olgan. Ikkinchidan, Bal'amiy tahriri boshqa manbalar asosida yangi ma'lum nomlar bilan to'latilgan. Tabariyning mazkur asaridan ayrim parchalar bir necha Yevropa tillariga tarjima qilingan. Uning to'liq fransuzcha tarjimasi G.Zotenberg tomonidan 1867-1874-yillari Parijda nashr etilgan. Asarning forsiy va turkiy tarjimalari ham bo'lib, ularning mo'tabar qo'lyozma nusxalari Sankt-Peturburg va Toshkent kutubxonalarida mavjud. Bal'amiy tahririning matni to'liq tarzda Lakxnav, Kanpur (1874, 1896, 1916) va Tehronda (1962, 1967) chop qilingan. "Tarixi ar-rusul va-l-muluk" asarining qo'lyozma nusxalari MDH, Angliya, Turkiya, Eron va Hindiston kutubxonalarida saqlanadi. Toshkentda, Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti xazinasida arab tilida 4 ta mo'tabar qo'lyozmalari, o'zbek va uyg'ur tillaridagi tarjimalari mavjud. Qisqartirilgan ruscha tarjima (tarjimon V.I.Belyayev) 1987-yilda Toshkentda "История Табари" nomi bilan chop etildi.³¹⁷

* * *

SIDQIY XONDAYLIQIYNING "ME'ZON USH-SHARI'AT" ASARIDA DINIY VA TARIXIY VOQEALARGA YONDASHUV

APPROACH TO RELIGIOUS AND HISTORICAL EVENTS IN *MI'ZON AL-SHARI'AT* BY SIDQIY KHANDAYLIQI

Soliyeva Gulhayo Mirzaakbar qizi,
*O'zbekiston xalqaro islomshunoslik
akademiyasi magistranti*

O'zbekiston Respublikasi milliy istiqloлга erishganidan so'ng ijtimoiy hayotning ko'pgina sohalari bilan bir qatorda ma'naviyatga, madaniy me'rosga e'tibor yanada kuchaydi. Uzoq yillar davomida o'rganilishi ta'qiq etilgan ma'naviy me'rosimizning qatag'on davri bilan bog'liq sahifalari qaytadan tiklana boshladi. Buning natijasi o'laroq, sho'rolar davri adabiyotshunosligida hayoti va ijodiy me'rosi bir tomonlama tadqiq etilgan yoki butunlay chetga surib qo'yilgan shoir va yozuvchilar ijodiy me'rosini ilmiy o'rganish, holis baholash masalasi kun tartibiga qo'yildi. Islom olamiga o'z asarlari bilan juda katta hissa qo'shgan yetuk olim

³¹⁷ Manbashunoslik: Darslik /A . Madraimov, G. Fuzailova; -T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2008. — 264 b.

Sirojiddin Sidqiy Xondayliqiydir. Tarixchi olim Sirojiddin Sidqiy Xondayliqiy islomiy tasavvurlarning asl mohiyatini qalamga olgan va islom olamida mashhur boʻlgan “Meʼzon ul - shariat” asarini yozgan. Uning bu asari boshqa asarlaridan tilining sodda, ravonligi va sharʼiy hukmlarni toʻlaligicha yoritib berganligi bilan ajralib turadi³¹⁸. Sirojiddin Sidqiyning ushbu risolasi oʻz maqsadiga koʻra shariat ilmidan xabar beruvchi asar boʻlsada, adabiy meʼrosimizdagi ilmiylik bilan badiiylikning uzviy bogʻliqligini, uni adabiy asar sifatidagi qimmatini belgilaydigan omilga egaligini ham eʼtibordan chetda qoldirmasligimiz darkor. Asarning bayon tarzida oʻziga xos bir jihati borki, unda muallif va oʻquvchigagina emas, balki muallif tomonidan turib uning fikrini tasdiqlab turuvchi dini islomning koʻplab eʼtiborli shaxslari, ularning moʻtabar asarlari yoki fikrlari bilan qatnashadilar. Ularning fikriga suyangan muallif har bir gʻoyani dadil va ishonch bilan ilgari suradi. Bundan tashqari, diniy tushuncha va hukmlarni shunchalik sinchkovlik bilan ochib berilishi bu qimmatbaho asarni toʻlaligicha tushunib yetishga katta xizmat qiladi. “Meʼzoni shariat” asarining yozilish uslubi ham oʻzgacha. Asar “Kitab ul-iyman”(Iymon kitobi), “Kitab ut- tahrat”(Tahrat kitobi), “Kitab us- salot” (Nazoz kitobi), “Kitab uz-zakot” (Zakot kitobi), “Kitab us-savm” (Roʻza kitobi), “ Kitab ul- haj” (Haj kitobi) kabi oltita bobdan tashkil topgan. Har bir bobda avval mavzu boʻyicha tushuncha berib oʻtilgan, keyin esa shu tushuncha bilan bogʻliq boʻlgan amaliy holatlar haqida soʻz yuritilgan. Kitobning koʻzga koʻringan jihatlaridan biri asarning savol-javob shaklida yozilganligidir. Bu esa har bir masalani yanada chuqurroq oʻrganish va oson eslab qolish imkonini beradi.

“Meʼzoni shariat” asari “Sababi taʼlif” (asar yozilish sabablari) deb atalgan qisqacha sharxdan boshlanadi³¹⁹. Bu qismda Sidqiy Xondayliqiy asarni nima maqsadda yozishga kirishganini bayon qiladi, oʻz asarini nozik asar deb baholaydi. Asarni yozishdagi asosiy maqsad omma orasida diniy ilmni kengroq yoyish va diniy savodsizlar sonini kamaytirishdan iborat ekanligi aytib oʻtilgan. Shuningdek Sidqiy maʼlumotlarni ishonchli boʻlgan manbalardan terib olganligini va uni xalqchil tilda bayon etganligini alohida taʼkidlagan. “Meʼzon ul- shariat” asarining 4 xil turdagi toshbosma nashri 8831, 4042, 18717, 4043 raqamlari ostida Abu rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti qoʻlyozmalar fondida saqlanadi. Sidqiy Xondayliqiy “Meʼzon ul-shariat” asarini yozishidan avval islomiy bilimlarni chuqur egallagan. Asarda yoritib bermoqchi boʻlgan mavzularni sinchkovlik bilan oʻrgangan, oʻsha davrdagi mashhur boʻlgan diniy asarlarga suyangan. Asar diniy asarlarga xos boʻlgan Bismillahir Rohmanir Rohim bilan boshlanadi. Asosiy oltita bobga kirishdan avval asar boshlanishida “Ibodati islomiya majmuasi” deb atalgan majmua keltirilgan. Bu majmuda baʼzi islomiy soʻzlar qanday maʼno anglatishini taʼriflar bilan ochib beradi. Dastavval “islom” soʻziga taʼrif beradi: “Islom – Alloh taolo din qilgan haq din ila amal qilmoqdir. Alloh taoloning dini Muhammad alayhissalomga kelgan din (islom dini)dir. Alloh Taolo Muhammad alayhissalomni

³¹⁸ Qosimov B, Yusupov Sh. Milliy uygʻonish davri oʻzbek adabiyoti” Toshkent, “Maʼnaviyat”, 2004.

³¹⁹ Javharova R. Sirojiddin Sidqiy Xondayliqiy adabiy meʼrosi. Filologiya fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. 1996

islom dinini bandalarni yaxshilikka o`rgatmoq uchun yuborishidir. Islom dini Haq taoloning dinidir. Unga hukmlar ila amal qilgan kishi dunyoda va oxiratda davomiy rohatda va izzatda bo`lur. Islom dinining haqligiga ishongan kishi mo`min-musulmon deyilur. Bularning dini islom dinidir”<sup>320</sup>. Sidqiy islom so`ziga ana shunday tushunarli va sodda ta`rif bergan va o`quvchini oson tushunishi uchun harakat qilgan. Sidqiy islom diniga amal qilgan bandalarning ishlari amal deya atalishini tushuntirgan. Amallarni farz, vojib, sunnat, mustahab, muboh, harom, makruh kabi turlarga bo`linishi aytgan va har bir turiga ta`rif bergan. Farz amal haqida shunday ma`lumotlarni keltirib o`tadi; Farz shunday amalki unga amal qilgan kishi savobli bo`lur, amal qilmagan kishi gunohkor bo`ladi. Agar uni farzligiga ishonmagan kishi kofir bo`ladi. Farz amallar- islom dinining haqligiga ishonish, belgilangan vaqtlarda namoz o`qimoq, Ramazoni sharifda ro`za tutmoq, zakot to`lamoq, agar qurbi yetsa haj qilmoqlikdir. Vojib shunday amalki, uni qilgan kishi savobli bo`lur, uni qilgan kishi savobli bo`ladi, unga amal qilmagan kishi gunohkor, uni vojibligiga ishonmagan kishi gunohkor bo`lur. Vojib amallar- vitr namozini o`qimoq, iyd namozlarini o`qimoq, sadaqa fitri bermoq kabilardir. Sunnat shunday amalki, uni qilgan kishi savobli bo`lur, uni qilmagan kishi gunohkor bo`lmas, lekin Muhammad alayhissalomni shifoatlariga ham loyiq bo`lmas. Sunnat amallar- yaxshi ishlarni bismilloh bilan boshlamoq, musulmonlarga salom bermoq... Mustahab shunday amalki, uni qilgan kishi savobli bo`lur, ammo qilmagan kishi gunohkor bo`lmas. Mustahab amallar- nafl namozi o`qimoq, nafl ro`za tutmoq, nafl sadaqa bermoq, qur`on o`qimoq... Xarom shunday amalki, qilgan kishi gunohkor bo`lur, agar halol deb aytsa kofir bo`lur. Xarom amallar- xamr ichmoq, joniga qasd qilmoq. Ana shunday savol javoblar qilish orqali iymon haqida, shahodat kalimasi, namoz o`qish, ro`za tutish, zakot berish, haj qilish kabi farz ibodatlar islom dinining tayanchi ekanligi yoritilgan. “Tahorat kitobi”da esa tahorat odoblari, poklik foydalari, taxorat uchun qanday suv joiz ekanligi, g`usl qilish odoblari, tayammum qilish shartlari, hukmlari va istinjo haqida bayon etilgan. Namozning asosi bo`lgan tahorat qilish odoblari namoz bobidan avval kelishi ham o`quvchini oson tushunishga, islom dini shartlarini xatosiz bajarishi uchun ko`mak vazifasini o`tagan. Juda katta hajmni o`z ichiga olgan “Namoz kitobi” ham omma uchun foydali ma`lumotlar bilan to`ldirilgan. Bu bobda namoz o`qish shartlari bilan bir qatorda namoz turlarini ham bayon etgan va uni qanday o`qish joizligi va ketma-ketligini ta`riflagan. Bu bobda janoza namozi qanday o`qilishi tartiblari va hukmlarini yozish bilan bir qatorda qabrlar ziyorati xususida ham to`xtalib o`tgan. “Zakot kitobi” da ham sadaqa fitri haqida, uning miqdori qanchaligi haqida va shu bilan bir qatorda nafil sadaqa hukmi haqida ham ma`lumotlar o`rin olgan. “Ro`za kitobi”da esa qazo qilingan ro`zalarni qanday ado etish shartlari va e`tikof o`tirish hukmlaridan iborat. “Haj kitobi”da ham haj qilish odoblari, payg`ambarimiz ravzalarini ziyorat qilish odoblari o`rin olgan. Har bir bob savol-javob shaklida berilgan. Asosiy olti bobdan tashqari savdo-sotiq masalalari bo`yicha ham turli savol-javoblar keltirilgan. Yana bir o`ziga xos jihati “tunajja namozi” o`qilish sabalari va o`qilish tartiblarini ham bayon etgan. Sidqiy

³²⁰Sidqiy Xondayliqiy ”Me`zoni Shariat”-T.:Orifjon litografiyasi.1915.

Xondayliqiy Xatmi Qur`on duosini yozib asarni e`lon deb atalgan qism bilan tugallagan.E`londa mualliflik huquqini eslatib o`tganligini guvohi bo`lamiz³²¹.

Xulosa qilib aytadigan bo`lsak,bu asar hajm jihatidan uncha yirik sanalmasada asosiy shar`iy hukmlarni o`zida jamlagan asar hisoblanadi. Har bir bobga tahlil va xulosalar keltirilgan, asosiy tushuncha va ta`riflar berilgan. Bu esa asar qiymatini yanada oshirgan.“Me`zon ul shariat” asari islom dinini yanada chuqurroq bilishga,shariat ahkomlarini tushunishga,to`g`ri talqin etishga yordam beradigan asarlar sirasiga kiradi.Sidqiyning ushbu risolasi o`z maqsadiga ko`ra shariat ilmidan xabar beruvchi asar bo`lsada, adabiy me`rosimizdagi ilmiylik bilan badiiylikning uzviy bog`liqligini, uni adabiy asar sifatidagi qimmatini belgilaydigan omilga egaligini ham e`tibordan chetda qoldirmasligimiz darkor. Asarning bayon tarzida o`ziga xos bir jihati borki,unda muallif va o`quvchigagina emas,balki muallif tomonidan turib uning fikrini tasdiqlab turuvchi dini islomning ko`plab e`tiborli shaxslari, ularning mo`tabar asarlari yoki fikrlari bilan qatnashadilar. Ularning fikriga suyangan muallif har bir g`oyani dadil va ishonch bilan ilgari suradi.Bundan tashqari, diniy tushuncha va hukmlarni shunchalik sinchkovlik bilan ochib berilishi bu qimmatbaho asarni to`laligicha tushunib yetishga katta xizmat qiladi. Sirojiddin Sidqiy Xondayliqiyning “Me`zon-ul shariat” asari oddiy xalq uchun ham,islom dini ulamolari uchun ham birdek qiziqarli va foydali asar sanaladi.

³²¹ Sidqiy Xondayliqiy ”Me`zoni Shariat”-T.: Orifjon litografiyasi.1915.

II BO‘LIM. MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARI ILMIY- MA’NAVIY MEROSI

CHAPTER II. SCIENTIFIC AND SPIRITUAL HERITAGE OF CENTRAL ASIAN THINKERS

ALISHER NAVOIY “HAYRAT UL-ABROR” ASARIDA ISLOM QADRIYATLARINING YORITILISHI

REFLECTION OF ISLAMIC VALUES IN *KHAYRAT UL-ABROR* BY ALISHER NAVOI

*Zarina Zubaydullayeva,
Tarix mutaxassisligi 1-kurs magistri*

Ne‘matullo Muxamedov,
tarix fanlari doktori, professor

Shoir va mutafakkir Alisher Navoiyning asarlari bir necha asrlardan buyon xalqimizning ma’naviy ehtiyojini qondirib kelmoqa. Zotan, shoir asarlariga bo‘lgan talab va ehtiyoj biror asrda ham kam bo‘lmagan.

“Hayrat ul-abror” yurtimizda bir necha bor chop qilingan. Ustoz navoiyshunoslar tomonidan nasriy bayoni ham nashr etilgan. Ular asarning g‘oyaviy mazmun-mohiyati, tarbiyaviy jihatlarini hisobga olib sharhlashgan.

Mazkur sharhlar Izzat Sulton, Abdulqodir Hayitmetov, Alibek Rustamiy, Porsoxon Shamsiyev, Hamid Sulaymonov, Yoqubjon Isxoqov, Suyima G‘aniyeva, Bahrom Bafoev, Sodir Erkinov, Sharafiddin Sharipov, Natan Mallayev, Saidbek Hasanov, Yusuf Tursunov, Homidjon Islomov, Vahob Rahmonov, Ibrohim Haqqulov, Najmiddin Komilov, Botirxon Akramov, Aziz Qayumov, Anvar Hojiahmedov, Hamidulla Boltaboyev, Nurboy Jabborov, Shuhrat Sirojiddinov, Mavjuda Hamidova, Muslixiddin Muhiddinov, Dilnavoz Yusupova, Olimjon Davlatov, Uzoq Jo‘raqulov, Zuhra Mamadaliyeva, Abdumurod Tilavov, Karomat Mullaxo‘jayeva, Akrom Dehqonov kabi o‘nlab zahmatkash olimlarimizning ilmiy ishlaridan, kitob va risolalaridan, maqolalaridan ular tuzgan lug‘atlardan ijodiy foydalanib amalga oshirilgan.

Uning “Hayrat ul-abror” asari boshqa asarlari kabi ayni insonni kamol toptirishga qaratilgan asardir. “Hayrat ul-abror” asari tom ma’noda diniy-ma’rifiy mavzularda bitilgan bo‘lib, unda Yaratuvchi ilmi va qudrati hamda komil inson

№	MAQOLATLAR	HIKOYATLAR
1.	<i>Iymon sharhida</i>	<i>Shayx Boyazid Bistomiy va uning muridi haqidagi hikoyat</i>
2.	<i>Islom bobida</i>	<i>Ibrohim Adham va Robiya Adaviya haqidagi hikoyat</i>
3.	<i>Salotin (sultonlar) zikrida</i>	<i>Shoh G‘oziy hikoyati</i>
4.	<i>Xirqa kiygan riyokor shayxlar xususida</i>	<i>Abdulla Ansoriy haqidagi hikoyat</i>
5.	<i>Karam (xayr-u ehson) vasfida</i>	<i>Hotami Toyi hikoyati</i>
6.	<i>Adablilik to‘g‘risida</i>	<i>No‘shiravon va Nargis haqidagi hikoyat</i>
7.	<i>Qanoat bobida</i>	<i>Qanoatli va qanoatsiz do‘stlar haqidagi hikoyat</i>
8.	<i>Vafo bobida</i>	<i>Ikki vafoli yor hikoyati</i>
9.	<i>Ishq o‘ti ta’rifida</i>	<i>Shayx Iroqiy haqidagi hikoyat</i>
10.	<i>Rostliq ta’rifida</i>	<i>Sher bilan Durroj hikoyati</i>
11.	<i>Ilm osmonining yulduzlardek baland martabaliligi haqida</i>	<i>Imom Roziy va Xorazmshoh haqidagi hikoyat</i>
12.	<i>Qalam va qalam ahllari haqida</i>	<i>Yoqut haqidagi hikoyat</i>
13.	<i>Bulutdek foyda keltiruvchi odamlar haqida</i>	<i>Ayyub va o‘g‘ri haqidagi hikoyat</i>
14.	<i>Osmon tuzulishidan shikoyat</i>	<i>Iskandar haqidagi hikoyat</i>
15.	<i>Jaholat mayining quyqasini ichadiganlar haqida</i>	<i>Isroiliy rind haqidagi hikoyat</i>
16.	<i>Xunasasifat oliftalar haqida</i>	<i>Abdulloh Muborak haqidagi hikoyat</i>
17.	<i>Bahor yigitligining sofliги haqida</i>	<i>Zaynulobidin va uning o‘g‘li haqidagi hikoyat</i>
18.	<i>Falak g‘amxonasi haqida</i>	<i>Go‘zal malika va uning oshig‘i haqidagi hikoyat</i>

19.	<i>Xurosonning misli yo‘q viloyati bayonida</i>	<i>Bahrom va bog‘ haqidagi hikoyat</i>
20.	<i>Maqsadning o‘talgani haqida</i>	<i>Xoja Muhammad Porso haqidagi hikoyat</i>

e‘tiqodi haqida so‘z boradi. Asar aslida 20 maqolatdan iborat. Har bir maqola asosan diniy-ma‘rifiy mavzuga bag‘ishlangan. Bu doston “Xamsa”ning boshqa dostonlariga ochqich vazifasini o‘taydi. Kimki, “Hayrat ul-abror”ni tushunib o‘qisa va ma‘nosini uqsa keyingi dostonlardagi syujet va obrazlar hadisi sharifdagi “Al-majozu qantaratu-l-haqiqa” lafziga muvofiqligini anglaydi³²².

Birinchi bobda “Bismillah” ta‘rifida Yaratuvchi qudrati. Ikkinchi bobda Allohning yaratuvchilik ilmi mohiyati vasf etiladi, Uning yaratilari hikmati to‘g‘risida mulohaza yuritiladi. “Hayrat ul-abror” dostonining uchinchi bobida Allohning yakkaligi, azaliy va abadiyligi, koinotning yaratilishdan maqsad, insonning mukarram etilgani va buning sabablari haqida so‘ylanadi.

“Hayrat ul-abror”ning navbatdagi to‘rt bobi munajat janrida bitilgan bo‘lib, biz ularda mutafakkirning tavhid, iymon, olam intihosi va insoniyat qazovu qadari haqidagi Navoiyning ilohiyotga doir mulohazalari bilan tanishamiz. “Hayrat ul-abror” dostonidagi keyingi besh bob na‘t yo‘nalishida bo‘lib, ularda Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning dunyoga kelish sabablari hamda Islomiyat oldidagi buyuk xizmatlari aks ettiriladi.

“Hayrat ul-abror” dostonidagi birinchi bob - “Bismillah”ning ta‘rifiga bag‘ishlangan qismida basmalaning mohiyati ochib berilgan. “Bismillah”ga bergan ta‘rifi uning fenomenini, dunyoqarashini, hayotini, yashagan tarzini aks ettirgan. Hazrat Navoiy “Bismillah”ni vodiya – yo‘lga qiyoslashi, undan hammaning kesib o‘tishi lozimligi haqidagi aqidasi – islom dini insoniyat uchun yagona najot dini, ikki dunyo saodatini taminlaydigan haq yo‘l, deb bilganligi dalolatdir. Basmalaning mohiyatini tushuntirishda har bir harfga ramziy ma‘no yuklashi, turli tamsillardan foydalanishning sababi muxotob ya‘ni xitob qilinayotganni yanada yaqinlashtirish ham hissiy, ham aqliy ishontirish maqsadidadir³²³.

Alisher Navoiyning “Hayrat ul-abror” asari Islom qadriyatlariga asoslangan tarixiy asardir. Asarda yer-u osmonning yaratilish tarixi, payg‘amabrlar tarixi, sahoba-i kiromlar tarixi, Hazrat Navoiyning yashab o‘tgan davr va boshqaruv tarixi hamda siyosatchining shahzodalarga qilgan nasihatlar aks ettirilgan.

Hazrat Alisher Navoiy “Hayrat ul-abror” asaridagi har bir qo‘yilgan muammoning yechimlari haqida nazariy-tasavvufiy, ilmiy-diniy qoidalarni she‘r yo‘li bilan bayon etib, kitobxonni amaliy yaxshiliklarga chorlaydi. Ilgari surilayotgan g‘oyani qo‘llab-quvvatlash, ta‘sirchanligini oshirish va asl mazmunni

³²² Pirmat Shermuhammedov. Muhammad Xorazmiyning so‘nggi manzili. –Toshkent: Noshir, 2011. – B. 124.

³²³ Alisher Navoiy. "Hayrat ul-abror" (Matn, sharh, nasriy bayon, lug‘at / Birinchi kitob: Muqaddima / A.Malik. -T.: TAMADDUN, 2021. – B 22.

kengroq ochish uchun hikoya ilova qiladi. Mazkur maqolatlarni yozish maqsadi, sababi to'g'risida esa shoir dostonning 20 bobdan iborat muqaddimasida batafsil so'z yuritgan.

* * *

“AVORIF AL-MAORIF” – TASAVVUF ILMIGA OID MANBA

‘AWARIF AL-MA‘ARIF - A SOURCE IN SUFISM

Robiya Saidxanbalova,
Tarix (Islom sivilizatsiyasi)
mutaxassisligi 2-kurs magistri

Ne'matullo Muxamedov,
professor, tarix fanlari doktori, DSc

“Avorif al-maorif” risolasi Shayx Suhravardiy asarlari ichida eng mashhuri bo'lib, so'fiylar uchun qo'llanma sifatida qo'llaniladi. Suhravardiy uni 1216 yilda tugatib, xalifa Nosirga bag'ishlagan. “Avorif al-maorif” hozirgacha turli qardoshlikdagi so'fiylar orasida mashhur. Ingliz olimi J. S. Trimingem Suhravardiy va uning asarlari haqida shunday yozadi: “U buyuk shayx-ustoz bo'lib, uning asarlarini nafaqat shogirdlari, balki hamma o'qigan. So'fiylarning to hozirgi kungacha ustozlari”³²⁴. Aytish joizki, ushbu asar Qur'oni karim va Payg'ambarimiz hadislarini doirasida yozilgan.

“Avorif al-Maorif” keng tarqalgan bo'lib, tarjimalar, sharhlar va ilovalar uchun asos bo'lib xizmat qilib kelmoqda. G'azzoliyning “Ihyo ulum ad-din” (“Iymon ilmlarining tirilishi”) asari bilan birgalikda Misr va Bayrutda nashr etilgan. Doktor Abdulhalim Mahmud va Mahmud ibn Sharifning ilovasi bilan birga 21 bobdan iborat risolaning birinchi uchdan bir qismi ham Misrda nashr etilgan. Said Sharif Jurjoniy (vafoti 816/1438) kitobga o'zining ilovasini qo'shgan. Qo'lda yozilgan risolaning bir nusxasi Azinuddin Havofiy (vafoti 838/1460) sharhlari bilan birga Majlisi Sino kutubxonasida saqlanib kelmoqda³²⁵.

“Avorif al-maorif”ning fors tiliga ilk tarjima va sharhlarini shayxning shogirdlari va izdoshlari: Zahiriddin Abdurahmon ibn Buzgash (Najmiddin Ali ibn Buzgashning o'g'li, Suhravardiyning o'zi unga libos (ribot va xirqa) sovg'a qilgan va u yerdan bino qurgan. 716/1316-yilda Sherozda Suhravardiy ta'limotini, Ismoil ibn Abdulmo'min Abumansur Isfahoniy (vaf. 710/1332) va Qosim Dovud (Suhravardiy muridi) ta'limotlarini targ'ib qilgan³²⁶. “Risolaning eng qadimiy

³²⁴ Trimingem J. S. Суфийские ордены в исламе / Пер. с англ. О.Ф.Акимущкина.-Москва, 1989. - В.41.

³²⁵ «Awarif u'l-ma'arif» Shaikh Shahab-ud-Din Umar B. Muhammad Suhrawardi (trans, from Persian to English). -Lahore, Pakistan, 1989. -P. 28-30.

³²⁶ Suhravardiy. Avorif al-maorif; Zarrinkub A. Jusiuj dar tasavvufi Eron. Ирфон, 1992. -С.194.

tarjimalaridan biri Ismoil ibn Abdulmo‘min Isfahoniyga tegishli tarjimadir”³²⁷ Nazir Ahmad “Tabakat Nosiriy” (“Nosiriyning ajralishlari”) kitobida ham bu tarjima eng qadimiy ekanligini qayd etadi. Uning so‘zlariga ko‘ra, u 642/1244 yilda muallif vafotidan 10 yildan keyin tarjima qilgan.

Sadriddin Junayd Fazliddin ibn Shayx Abdurahmon Sheroziy “Avorif al-maorif”ni “Zail al-maorif fi tarjumat al-avarif” (“Avorif” kitobi sharhlari uchun qo‘llanma) nomi bilan tarjima qilgan. Said Muhammad Gesudaroz (chishti ta’limoti tarafdori) uni fors tiliga tarjima qilgan va sharhlagan. Imod Faqih Kirmoniy “Avorif al-maorif”ni nazmga tarjima qilib, uni “Tariqatnoma” (“Tariqatlar kitobi”, “Tasavvuf yo‘llari kitobi”) deb atagan. Suhravardiya ta’limoti tarafdori Abubakr ibn Muhammad Havofiy 826/1448 yili Darveshobodda risolaga ilova yozgan. Shayx Izzuddin Mahmud ibn Ali Koshoniy (vaf. 735/1334) “Avorif al-maorif”ni fors tiliga tarjima qilib, “Misbah al-hidaya va-l-miftoh ul-kifoya” (“To‘g‘ri yo‘l chirog‘i va etarlilik kaliti”). Bu “Avorif al-Maorif”ning batafsil tarjimasi bo‘lib, u Koshoniyning so‘fiylar orasida qabul qilingan axloq va xulq-atvor qoidalari haqidagi o‘z fikrlari bilan to‘ldiriladi”³²⁸.

Bugungi kunda “Avorif al-Maorif” asari ingliz, fransuz, nemis va turk tillariga tarjima qilingan. Xususan, Uilberfors Klarkrisolaning bir qismini fors tilidan ingliz tiliga tarjima qilgan va 1891 yilda nashr etgan. Ba’zi manbalarga ko‘ra, Klark darvesh (“kambag‘al”, “gado”; arabcha “fakir” atamasining forsha ekvivalenti) bo‘lgan musulmon so‘fiyligi a’zosini bildiruvchi) Suhravardiya tariqati. “Avorif al-maorif” turkiy tiliga Hasan Komil Yilmaz va Irfon Gunduz tomonidan tarjima qilingan.

Shunday qilib, “Avorif al-Maorif” juda tez shuhrat qozondi va turli so‘fiylar yetakchisiga aylanadi. Tasavvuf va gnostiklar uni Abdulqosim Qushayriyning “ar-Risolat al-Kushayriya fi ilmat-tasavvuf” (“Qushayriyaning so‘fiylik ilmi haqida xabari”), “Ihyo ulum ad-din” (“Iymon ilmlarining tirilishi”) bilan birga o‘rganishga kirishdilar) M. G‘azzoliy, “Futuhot al-Makkiya” (“Makka vahiy-lari”), Ibn Arabiyning “Fusus al-hikam” (“Hikmat durdonalari”) va boshqalarning asarlariga asos bo‘lib xizmat qilgan deyishadi.

“Avorif al-maorif” muqaddima va 63 bobdan iborat. Risolada so‘fiylik ilmlarining paydo bo‘lish sabablari va afzalliklari, ularning qalb va qalb pokligiga ta’siri (tasfiyat al-qalb) (1-4-boblar), tasavvufning mohiyati va bu tushunchaning etimologiyasi tahlil qilinadi; kim so‘fiy ekani va kim ularga taqlid qilgani ko‘rib chiqiladi, lekin ayni paytda ulardan biri emas (ahl as-sufa) (5-9-bob); So‘fiy shayxlari, so‘fiy hirqalari va ribotlari haqida tushuntirish berilgan (10-15-boblar). So‘fiylar o‘rtasidagi sayohat va musofirlikdagi “tasavvufiy holat” borasidagi kelishmovchiliklar ko‘rib chiqiladi; “To‘xtash joylari” (makon) va ularning qoidalari (16-18-boblar); yolg‘iz va turmush qurgan so‘fiylarning ahvoli (21-bob); “g‘ayrat” (sama) va uning qoidalari (22-25-boblar); ro‘za va ibodat uchun “qirq kunlik chekinish” (26-28-bob); axloq (29-30-boblar); xulq-atvor, dinga kirish,

³²⁷ Zarrinkub, Abdulhusayn. Chustuchu tuhfa tasavvufi Eron. -Dushanbe: Irfon, 1992. -C.153.

³²⁸ Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм / Пер. с англ. М.Г.Романовой. - СПб.: Диля, 2004. -С. 230.

tahorat, namoz, ro'za, uxlash va uyg'onish, kiyim-kechak va ovqatlanish qoidolari (31-35-boblar); so'fiylarning tasavvuf davridagi ruhi, xotirasi, "maqomi" va fatvolari (56-61). Oxirida so'fiylik atamalariga sharhlar va xulosa berilgan (62-63)³²⁹.

Suhravardiyning asosiy maqsadi sunniy yo'nalishdagi islomni mustahkamlash edi. Shu maqsadda u ko'plab ruhiy vasiyatlarni yozgan. Ularda Suhravardiy barcha shogirdlarini so'fiylik yo'li va "futuvvat" ko'rsatmalariga qat'iy rioya qilishga chaqiradi. U o'z shogirdlarini Qur'on va Hadislarda bayon etilgan odob va axloq tamoyillariga amal qilishga undadi. Ta'kidlash joizki, Suhravardiy ta'limotining bu jihati faylasuflarni ham qiziqtiradi.

Yuqoridagilarning barchasi Suhravardiy ta'limotida mumtoz so'fiylik merosi salmoqli o'rin tutadi, degan xulosaga kelish imkonini beradi. A.D.Knish to'g'ri ta'kidlaganidek, "Suhravardiy keng qamrovli diniy ta'limot yaratish uchun turli, ba'zan esa mutlaqo qarama-qarshi bo'lgan teologik tushunchalarni birlashtirishga harakat qilgan"³³⁰.

* * *

XORIJDAGI TEMURIYLAR DAVRI QO'LYOZMA MEROSINI TO'PLASH VA O'RGANISH MASALALARI

ISSUES OF COLLECTING AND STUDYING THE MANUSCRIPT HERITAGE OF THE TIMURID ERA ABROAD.

Aftondil Erkinov,
filologiya fanlari doktori

Халқимиз маданий меросини тўплаш ва тадқиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан мамлакатимиздаги маданий бойликлар қаторида хориждаги маданий бойликларимизга алоҳида диққат қаратилиши муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Маданий мерос азалдан инсониятни қизиқтириб келади. Шу боис уларни яратиш, ҳадя қилиш, сотиш, турли юртларга олиб чиқиш ҳоллари олдиндан мавжуд бўлиб келган. Юртимизда яратилган маданий бойликларнинг ҳам бир қисми дунёнинг турли мамлакатлари музей, кутубхона ва шахсий коллекцияларга бориб қолган. Мақсад аждодларимиз томонидан яратилган дурдоналарнинг таркибини, қандай асарлардан иборат эканлигини аниқлаш, уларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва кенг миқёсда тарғиб этишдан иборат.

Маданий бойликларимиз бир неча юз йилликлар мобайнида Ер шарининг инсон яшайдиган барча қитъалари – Америка, Африка, Европа,

³²⁹ Shahobiddin Abu Hafs Suhravardiy. Avorif al-maorif. –Qohira.: "Maktabatus-saqofat ad-diniya". 2006. -B.168.

³³⁰ Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм / Пер. с англ. М.Г.Романовой. - СПб.: Диля, 2004. –С. 231.

Осиё ва ҳатто Австралияга тарқалгани ҳамда у ерда ҳам эъзозланаётгани сўзларимизнинг ёрқин далилидир. Бугунги кунда жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатдаги турли илмий муассаса, музей, архив, кутубхона ва жамғарма ҳамда хусусий жамламаларда аждодларимиз меросининг нодир намуналари сақланмоқда. Мана шундай маданий бойликларимиздан бири қўлёзмалар бўлиб, улар ҳақида “Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри”дан керакли маълумотларни олиш мумкин. Айни қитобнинг уч жилди нашрдан чиқди³³¹. Масалан, унинг биринчи жилдида жаҳон фондларида сақланаётган 1001 та қўлёзмага оид маълумот келтирилган. Уни тайёрлашда фалсафа фанлари доктори, профессор Роик Баходиров, филология фанлари доктори Афтондил Эркинов, тарих фанлари доктори Ўктам Султонов, тарих фанлари номзодлари Саидакбар Муҳаммадаминов, Дилшод Расулов, тадқиқотчи олимлар Санжар Ғуломов, Комила Бекова, Ойсара Мадалиева ва Филипп Хуснутдиновлардан иборат муаллифлар гуруҳининг хизмати катта бўлди.

Дастлабки жилдда 30 та мамлакатнинг 52 шаҳридаги 96 та муассасасида сақланаётган, 152 аллома қаламига мансуб жами 529 асарнинг тавсифи киритилган. Бу реестр ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр этилади. Мақсад реестрдан нафақат Ўзбекистон, балки МДХ ва дунё олимлари ҳам фойдаланиши учун имкон яратишдир.

Реестрдаги қўлёзмаларнинг 30%и (300 таси) Амир Темур ва темурийлар даври билан боғлиқ. Булар қаторида, Алишер Навоийни 197 та, Шарафиддин Али Яздийнинг 23 та, “Малфузоти Темурий” асарининг 13 та, Ҳусайн Воиз Кошифий 12 та, Давлатшоҳ Самарқандийнинг 7 та, Мирхонднинг 6 та, Абдурраззоқ Самарқандийнинг 6 та, Аҳмад ибн Арабшоҳнинг 5 та, Ғиёсиддин Хондамирнинг 2 та, Ҳусайн Бойқаронинг 3 та, Ҳотифийнинг 2 та, Мирзо Улуғбекнинг 2 та, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг 2 та, “Темурнома”нинг битта, Низомиддин Шомийнинг битта қўлёзмаси бор.

Мазкур асарлар Австрия, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Миср, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Туркия, Франция, Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон сингари мамлакатларда сақланмоқда.

Биз учун бу ўриндаги қўлёзма асарлар миқдорий кўрсаткичлари муҳим эмас. Мақсадимиз қўлёзма асарларнинг тарқалиши ва муайян асарларга бўлган эътибор масаласидир. Темурийлар даврида ёзилган ва кўчирилган асарлар реестрдаги барча қўлёзмаларнинг 30%ини ташкил этиши тасодиф бўлиши мумкин. Мазкур реестрни тузишда лойиҳа иштирокчилари қўлга киритилган мавжуд каталог ва турли бошқа илмий манбалардан фойдаланишган. Қўлёзма асарларни танлашда асосий мезон юртимиз алломалари мероси ва ўлкамиз билан боғлиқ турли асарлар бўлган. Бунда

³³¹ Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри/ The Register of Manuscripts Located overseas concerning Uzbekistan’s Cultural Heritage/ Реестр зарубежных рукописей, относящихся к Узбекистану. Том I. Нашрга тайёрловчилар Р.Баходиров, А.Эркинов ва бошқалар. Тошкент: Nashriyot uyi "Tasvir", 2020. Мазкур реестрни тайёрлашдаги манба бўлиб хизмат қилган нашрлар унинг “фойдаланилган адабиётлар” қисмида кўрсатилган.

улар айнан муайян асар муаллифи ёки асарнинг бирор бир шахсга тегишлилиги масаласига алоҳида эътибор қаратишмаган.

Реестрда, масалан, қиёс учун келтирадиган бўлсак, Темурийлар даврига алоқадор бўлмаган қўлёзма асарлар қаторида Ибн Синонинг 147 та, Имом Бухорийнинг 109 ва Бобур мероси билан боғлиқ 68 та – жами 324 та қўлёзма асарга оид маълумотлар борлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу эса, ўз ўрнида, улар асарларининг дунё кутубхоналарида катта миқдорда учраши ҳамда асарлари дунё бўйлаб кенг тарқалганлигини кўрсатади. Демак, бу уч муаллифга оида қўлёзмалар биз юқорида кўриб ўтган Темурийлар манбаларидан кам бўлмаган даражада тарқалган бўлиб, биргаликда реестр умумий миқдорининг 60%дан кўпроғини ташкил этади.

Мавзу доирасида олиб қараганда, Темурийлар билан боғлиқ қўлёзмалар “Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри” таркибининг 30% ни ташкил этиши темурийлар билан боғлиқ қўлёзма асарларнинг хорижда анча кенг тарқалганлигини кўрсатади.

Мазкур реестрдан мақсад унинг материалларидан юртдошларимиз, МДХ ва жаҳон олимларининг самарали фойдаланиши учун имкон яратишдан иборат. Муайян сабабларга кўра, чет элларда сақланаётган меросимиз ҳақида кам маълумот биламиз. Бундан ташқари ҳозирги кунда ўзбек илм-фанини дунё миқёсига олиб чиқиш учун кўп ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Айни йўналишга, жумладан, темурийлар ва улар даври мероси билан танишишда “Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри”нинг ўрни катта бўлади, деб умид қиламиз.

* * *

SHAMSIDDIN MUHAMMAD KO‘HISTONIY SHARHI: “JOME’UR-RUMUZ”

SHAMSIDDIN MUHAMMAD KUHISTANI'S *JĀMI‘ AL-RUMŪZ*

*Nasrullayev Ne‘matullo Hikmatullayevich
“Islom tarixi va manbashunosligi IRCICA”
kafedrasi, t.f.n., dotsent*

Шамсуддин Муҳаммад ал-Куҳистоний ал-Хуросоний Убайдуллоҳ ибн Масъуд (ваф.1347)нинг “Мухтасарул-виқоя” асарига “Жомеъур-румуз” номли шарҳ ёзган. Муаллиф асли Хуросонлик бўлиб кейинчалик Куҳистонга кўчиб ўтган³³². У ерда мазкур шарҳини ёзган. Ўша даврда бўлиб ўтган диний-сиёсий ғалаёнлар унга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Лекин, шунга қарамай олим ўз шарҳини тамомлашга муваффақ бўлди. Ушбу асар икки ярим йил давомида ёзилиб, 941/1534 йилда унинг қораламаси тугатилган. Ушбу шарҳни муаллиф “Жомеъур-румуз” деб номлади. Ишни тўлалигича

³³² Жомеъ ар-румуз. СБР. Т-IV. – С. 234-250.

тугатишга шиъалар таҳдиди унга ҳалақит берди. У 944/1537 йилда Бухорода Шайбонийлардан бўлган Убайдуллоҳ Муҳаммадхон саройидан паноҳ топди. Илму салоҳиятидан келиб чиқиб, хон ва сарой аҳллари уни Мовароуннахр муфтийси деб эълон қилдилар³³³. Вафотидан сўнг Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг ёнига дафн этилган.

Шамсуддин Муҳаммад Кўҳистоний³³⁴нинг араб тилидаги “Жомеъур-румуз”³³⁵ номли шарҳи тарқалиши жиҳатидан салмоқли ўринни эгаллайди. Унинг қўлёзмаларини деярли барча Шарқ қўлёзма ва тошбосма китоблар сақланадиган фондларда учрайди.

“Жомеъур-румуз” мазмунан “Мухтасарул-виқоя”да кўтарилган ҳар бир масала моҳиятига кириб борилган. Муаллиф аввалига сўзнинг луғавий маъноси кейин истилоҳий жиҳатларига эътибор қаратган. Шориҳ шарҳда ўзи истифода қилган манбаларни келтириб боради. Албатта, бу ўринда муаллиф кўпроқ ҳанафий олимларининг фикрларига суянади. Агар келтириладиган масала ихтилофли бўлса, муҳолиф томон фикрларини ҳам эътиборга олади.

Тадқиқотчи олим Ҳ.Аминов “Жомеъур-румуз” муаллифи ўз шарҳида 270 нафардан ортиқ фақиҳ, муфассир, муҳаддис, муаррих ва соҳа олимлари номини шунингдек, 300 дан ортиқ турли асарлардан олинган иқтибослар ва ҳаволалар келтириб ўтганини қайд этади³³⁶.

Муаллифнинг қуйидаги асарлари мусулмон оламида машҳур.

1. “Жомеъур-румуз” (Рамзларни жамловчи) номли шарҳи унинг шох асари ҳисобланади³³⁷. У “Мухтасарул-виқоя”нинг араб тилидаги икки жилдли шарҳи бўлиб, нусхалари Мовароуннахрда кенг тарқалган. Асар мадрасаларда фикҳ илмидан дарслик сифатида ўқитилган³³⁸.

2. “Шарҳи Бадъул амолий” (Умидлар бошланишига шарҳ). Бу асарнинг тўрт қўлёзма нусхаси Санкт-Петербургда, Россия Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари институти фондида сақланади³³⁹.

3. “Шарҳ аъла Нисоб ус-сибён” (Гўдаклик асосларига шарҳ) асарининг бир қўлёзмаси ЎЗР ФА ШИ фондида сақланади³⁴⁰.

4. “Шарҳи Фикҳи Кайдоний” (Кайдоний фикҳига шарҳ). Ушбу шарҳ “Шарҳ ʼала Матолибул мусолли” – деб ҳам юритилган. Ўзида ибодат

³³³ Рамазон Ш., Жавод И., Жамил О. Фихрист ал-махтутот мактабати Кўбурули. – Истанбул, 1986. Ж. III. – Б. 45 (бундан кейин Фихрист ал-махтутот).; Ahmet Y. Islam Ansiklopedisi. C. XXVI. – Istanbul, 2004. – S. 348. Умар Ризо Қахҳола. Мўъжам ал-муаллифин. Ж. IX. – Б. 178-179.

³³⁴ Мўъжамул матбуот ал-арабия вал муарраба. Ж. II. – Б. 1533-1534.

³³⁵ Фикҳий асар. 941 йили (1534-35) ёзилган. ЎЗР ФАШИ. №10597. Котиб: Мансур Бадахший. 1122 йили жумадул аввал (1710-11)да кўчирилган. Араб тилида. Жами 440 бет.

³³⁶ Аминов Ҳ. “Жоме ар-румуз” ҳанафийлик фикҳидаги эътиборсиз манбами? Мерос // №16/2013. – Тошкент: ЎЗР ФА, “Фан” нашриёти матбаа бўлими, 2013. – Б. 127-134.

³³⁷ Талабов Э. “Жомеъ ар-румуз” – кимматли манба // Ўзбекистонда дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 276.

³³⁸ ЎЗР ФА ШИ Қўлёзма: 4744, 2827, 8517, 3525, 4743, 5941, 4087, 7546, 7821, 4084, 6410, 1290, 9553, 7127, 6522, 6808, 8798, 8679, 8379, 5151, 9407, 5948, 5950, 6332, 7884, 6336, 8076, 8096, 8059, 7911, 7902, 11018 каби ўттиздан ортиқ қўлёзма нусхалари сақланиб келинмоқда.

³³⁹ Халидов А.Б. Краткий каталог арабских рукописей Петербургского отделения института востоковедения АН России. – СПб 1956, ч. I, 1617-20.

³⁴⁰ ЎЗР ФА ШИ Қўлёзма: Д. 624/IV.

масалаларини қамраб олган бу фикҳий манба халқ орасида катта шуҳрат қозонган. Шарҳ муқаддимаси фикҳ асосчиси Абу Ҳанифа ва у зотнинг асҳобларига салом ва ўтган уламоларга саловатлар билан бошланган. Бу билан муаллифнинг ҳанафийлик мазҳаби вакили экани маълум бўлади. Шарҳнинг муқаддима қисмида “мутааххирин” (кейинги давр фақиҳлари) орасида шуҳрат топган Мавлоно Убайдуллоҳ ибн Масъуд шахси алоҳида ҳурмат билан тилга олинган.

“Жомеъур-румуз” 941/1534 йилда ёзиб тугатилган. Мазкур шарҳ бошқаларига қараганда анча шуҳрат топган бўлса-да, кейинги авлод олимлари томондан муаллифга баъзи эътирозлар ҳам билдирилган³⁴¹.

Аслида бу шарҳ XX аср бошларигача Марказий Осиё мадрасалари таълим тизимида, айниқса, фуруъул фикҳ бўйича қўшимча дарсликлардан бири сифатида амалда ундан кенг фойдаланилди. Катта ҳажмли бу шарҳга кейинчалик луғатлари тузилиб, ҳошия ва таржималар ҳам амалга оширилган.

ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фондининг “Асосий” Р:11018 рақамли қўлёзмаси Шамсуддин Муҳаммад Кўхистонийнинг “Жомеъур-румуз” деб номланган. Матн Абдулкарим ибн Раҳмонқул Булғорий томонидан ҳижрий 1211/1796 йили зулҳижжа ойида Қирғолий қишлоғи, Мулла Абу Бакр мадрасасида араб тили, настаълиқ хати, 29 сатр, 20х33 ўлчамда жами 406 varaқга кўчирилган. Шарҳда асосий матн майда хатда ва мавзу бўйича тартибланган китоб номлари эса, катта ҳарфлар билан қизил сиёҳда берилган. Матнга ёзилган шарҳлар қорада кўчирилган. Қўлёзма бир котиб томонидан майда настаълиқ ҳусни хатида, пойгирлари охиригача қўйилган ҳолатда битилган. Қўлёзма ҳошиясида нотўғри кўчирилган, хатога йўл қўйилган ўринлар тўғрилаб кетилган. Шунингдек, ҳошияда матннинг баъзи ўринларига қўшимча изоҳли қайдлар берилган. Китобнинг 01а-036 varaқларида жадвалга олинган фикҳист мавжуд. Оба varaқда шарҳ муаллифига тегишли бирламчи маълумотлар келтирилган. Унга кўра, муаллифнинг тўлиқ исм-шарифи, Бухородаги муфтийлик фаолияти ва сўнггидан унинг вафоти санаси берилган. Унинг остидан муаллиф ҳақида янада кенгрок маълумот олиш учун “Жавоҳирул музийя” китобига мурожаат қилишга ишора этилган. 06б varaқнинг чап томон қуйи қисмига “Абдуллоҳ Хўжа ибн Охуди Калон Олим Муҳаммад Хўжа Ҳусайний” номли овал муҳр босилган. Муҳрда ҳижрий 1267 сана қайди мавжуд. Бундан бизга ўз даврида қўлёзмага эгалик қилган шахс намоён бўлади. Қўлёзмада яна бир кичик тўрт бурчак шаклдаги муҳр бўлиб, унда ҳижрий 1283 йил санаси кўрсатилган ва “вақф” деб ёзилган. Қўлёзманинг вақф эканига урғу берилган бу муҳр шарҳнинг басмала билан “амма баъд” қисмлари орасига қўйилган. Яна такроран ушбу муҳрни 2, 8, 13, 23, 36... ва китобнинг охириги 406 varaқда шунингдек, матннинг колофон қисмида ҳам учратамиз³⁴².

Асарнинг бошланиши:

³⁴¹ Аминов Ҳ. “Жоме ар-Румуз” ҳанафийлик фикҳидаги эътиборсиз манбами? Мерос // №16/2013. – Тошкент: ЎзР ФА, “Фан” нашриёти матбаа бўлими, 2013. – Б. 127-131.

³⁴² Шамсуддин Муҳаммад Кўхистоний. Шарҳи Мухтасар ал-Викоя. ЎзР ФАШИ-1. Р:11018. – 379 в.

Асарнинг тугатилиши:

الكاتب لجامع الرموز الموفق بالعون السبحاني شرح مختصر الوقاية من تصنيف ابو القاسم مولانا شمس الدين محمد غفره الله ...

“Кашфуз зунун”да айтилишича, Мавлоно Асомуддин ал-Исфарионий (1468-1538) “Жомеъур-румуз”га нисбатан жуда салбий муносабатда бўлган. Муҳаммад Шариф Садри Зиё (1867-1932) унинг бу муносабатини “ҳикду ҳасаддан холи эмас” деб баҳолаган. Чунки, “Жомеъур-румуз” соҳиби Шамсуддин Қўхистоний билан Асомуддин Исфарионий Ҳирот ва Бухорода бир даврда истиқомат қилганлар. Ўша вақтда уларнинг ўртасидаги муносабат бузилган бўлиши мумкин. Зотан, уламоларнинг ўзаро муносабатлари ёмонлаши оқибатида Убайдуллахон (1487-1540) томонидан Исфарионийни Бухородан чиқариб юборилгани маълум. “Жомеъур-румуз” ҳам заиф нақллар, жумладан, қизил кийим кийишнинг зарари йўқлиги ҳақидаги ривоят сабабли “эътиборсиз” манбалар жумласига кириб қолган. Муаллиф “Жомеъур-румуз” ёзилган пайтда Ҳиротда бўлган. У ерга 1510 йили шиалар ҳужум қилади. Шу вақтда муаллиф китобини оққа кўчира олмайди, китоб тарқалиши бир неча йиллар чўзилиб кетади. Бухорога келгандан сўнггина асарини оққа кўчиради ва уни Убайдуллахонга бағишлайди. Бу “Жомеъур-румуз”нинг муқаддимасида таъкидланган.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Манбалар хазинаси” фондида ҳам “Жомеъур-румуз” асарининг қатор нусхалари мавжуд³⁴³. Жумладан, инв. №292/1 рақаида сақланаётган мажмуадан ўрин олган биринчи асар Муҳаммад Латиф ибн Абдуссалом Булғорий Бухорийнинг “Луғатшунослик” фанига бағишланган. Асарнинг муқаддима қисмида муаллифнинг нисбаси яъни туғилган жойи “ал-Булғорий” ва яшаган жойи “ал-Бухорий” тарзида берилган. Асарда Шамсуддин Муҳаммад ал-Қўхистоний (ваф.962/1554)нинг “Жомеъур-румуз” номли китобида учрайдиган тушунилиши қийин бўлган арабча сўзлар, мажозий маъно касб этган луғат ва иборалар уч тилда изоҳланган. Ушбу луғат муқаддима ва 28 бобдан ташкил топган. Алифбодаги ҳар бир ҳарф алоҳида бир боб тарзида берилган. Муаллиф ҳар бир сўз ўзаги, унинг форс ва турк тилларидаги маъносини изоҳлаган. У муқаддимада ушбу асарини ёзилиш сабабларини келтириб, мутакаллим, фақиҳ ва олимлар орасида “Жомеъур-румуз”га бўлган талабнинг юқорилиги, аммо кўплаб нусхаларда котиблар томонидан қўйилган хатолар натижасида асарда кўпгина сўзлар бузилиб, ўзгартириб ёзилганини кўриш мумкинлигини айтади. Шу сабабли муаллиф “Жомеъур-румуз” асарининг кўплаб қадимий нусхаларидан фойдаланиб, 8000 та хато ёзилган сўзларни аниқлаб уларни тузатган. Шунингдек, асарда кам учрайдиган сўз, ибора ва истилоҳларни ҳам йиғган ва уларни алифбо тартибида жойлаштириб, ҳар бирига изоҳ берган. Муаллиф хатоларни тузатишда кўплаб луғат китоблари ва шу мазмундаги

³⁴³ Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг “Манбалар хазинаси”. Қўлёзма матнлар. № 20; 24; 29; 53; 36/І; 46/І; 104/І; 106; 123/ІІ; 170; 219/ІІ; 249/І; 251/І; 274; 275/І; Қўлёзма шарҳларга тегишли № 30; 31; 32/ІІ; 46/ІІ; 88/І; 167; 200; 225; 258; 259; 260; 261/ІІ; 269/І; 292/ІІ; 293/ІІ каби нусхалар сақланиб келинмоқда.

қатор фикҳий манбалардан фойдаланган. Муқаддимада у истифода этилган манба номлари ва асарда қўлланилган мавжуд қисқартмалар шакли қандай ёзилганини кўрсатиб ўтган. Масалан, “Коф” ҳарфи – Канз”, “коф, коф” ҳарфи – “Канз ал-Канз”, “Сод” ҳарфи – “Сурах” номли китобларни англатади.

* * *

KALOM ILMI RIVOJIDA XOJA MUHAMMAD PORSO ILMIY MEROSINING O‘RNI

PLACE OF KHWAJA MUHAMMAD PARSA’S WRITTEN LEGACY IN THE DEVELOPMENT OF KALAM

Ismoilov Mas’udxon Maxdiyevich,
*O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi,
“Islomshunoslik va islom sivilizatsiyasini
o‘rganish ICESCO” kafedrası dotsenti,
tarix fanlari nomzodi*

Калом илми саккизинчи асрда пайдо бўлган. Бу асрда ислом дини кенг ёйилиб, турли эътиқоддаги халқларни ўз тасарруфига олган эди. Мусулмонлар орасида турли муҳолиф фирқа ва мазҳаблар ҳам пайдо бўлдики, улар кўзгаган бундай баҳсу мунозаралар аҳли сунна ақидасидаги мусулмонларни ташвишга солар, айримларнинг эътиқодини заифлаштиришга хизмат қилар эди. Боз устига юнон фалсафаси фикрлари ҳам мусулмонлар орасида тарқалган бўлиб, бу ҳолат мўъминларнинг эътиқодини сусайтиришга хизмат қилди.

Ана шундай вазиятда ғоявий курашга чиққан мутакаллимлар турли мазҳабларнинг турли туман нотўғри ақидаларига, фалсафачиларнинг сафсаталарига жавоб бериш учун ўртага чиқдилар.

Калом илми уч босқичда ривожланган. Дастлаб, илми калом муътазилия номи билан маълум бўлган эди. Иккинчи босқичда ашъарийя каломи, мотуридийя каломи деган номлар билан бу илм кенг ёйилди.

Калом илми ўзининг учинчи босқичига келиб, ўз йўналишини фалсафа билан аралаш тарзда қоришиқ бир илмга айланди. Яъни, ўзининг хос масалаларини муҳокама қилибгина қолмасдан онтология, гносеология илмларининг муаммолари билан ҳам машғул бўлди ва натижада фалсафанинг рақибига айланди. Бу учинчи босқичдаги фалсафага қоришган илми калом ўзгаларнинг фалсафасини фош этавериши натижасида ўз мустақиллигини қўлга киритди ва оқибатда исломнинг ҳақиқий фалсафаси сифатида танилди.

Калом илми ҳозирда ҳам мусулмонлар яшайдиган айрим мамлакатларда эътиборли илмлар қаторида туради. Ўтмишда илми каломда баҳс қилинган мавзулар бугун "эски илми калом" номига муқобил тарзда туғилган «янги илми калом» номидан кўрила бошланди. Бу “янги илми калом”нинг

вазифасини неотомизм оқими ўз олдига қўйган мақсадларга ўхшатиш мумкин. Зеро, бу янги калом ҳам худди неотомизм каби дин нуқтаи назаридан дунёга боқиш фалсафасини тарғиб қилади. Ва бу ғояни мустаҳкамлаш учун материализмнинг диалектикасига муқобил равишда “янгича илмий аслаҳалар” билан қуролланиб жанга киришади; илмдаги нодир масалаларга диний таълимот нуқтаи назаридан изоҳ бериб, илм ва дин ўзаро қарама қарши эмаслигини далиллар билан исботлашга ҳаракат қилади³⁴⁴.

Хуллас, "Калом илми" ибораси Ислом ақидасини ўрганувчи илмга берилган кўплаб номлардан бири бўлиб, нақлий ва ақлий далиллар орқали соф диний эътиқодни ўргатади ва "ақидани ўрганиш"га замонавий илмий тилда "теология", илоҳиётшунослик ҳам дейилади.

Бугунги кунда ислом динининг асосий оқими – аҳли сунна вал жамоанинг икки йирик мактаби вакиллари – ашъарийлар ва мотуридийлар дунё мусулмонларининг аксар қисмини ташкил этади. Бу икки ақида мактабининг ғояларини кенг тарғиб қилишда, уларнинг илмий асослари баён қилинган асарлар ёзишда ўтган олимларнинг хизмати беқиёсдир. Ана шундай олимларимиздан бири Хожа Муҳаммад Порсо (1348 – 1420) бўлиб, унинг илмий меросида ҳам калом илмига оид асарларида мотуридийлик анъанаси яққол кўриниб туради.

Калом илмига оид асарлар Хожа Муҳаммад Порсо ижодининг асосий қисмларидан биридир. Олим аҳли сунна вал-жамоа вакили ўлароқ Мотуридия ақида мактабини ривожлантириш борасида “Фасл ал-хитоб”, “Рисола фил эътиқод вал-амал вал-ахлоқ”, “Эътиқодот” (“Эътиқод қилинадиган нарсалар бўйича рисола”)³⁴⁵, “Хафтоду се фирқа” (“Етмиш уч фирқа”)³⁴⁶, “Муқаддима ли-жомиъ ул-калим”³⁴⁷, “Шарху “Фусус ал-ҳикам”³⁴⁸, “Таҳқиқот”³⁴⁹ каби рисоалар ёзиб қолдирган.

Илми калом ва тасаввуф масалаларига бағишланган асари – “Фасл-ул-хитоб ли-васли-л-аҳбоб” (“Дўстларга етиш учун аниқ сўз”) унга катта шухрат келтирган. Бу китобдан уламолар тасаввуф ва калом илмлари бўйича асосий қўлланма сифатида фойдаланиб келишади. Асарнинг турли фондларда сақланадиган қўлёзмалари мавжуд, тошбосмаси ҳам бор³⁵⁰.

“Фасл ул-хитоб”да исломда баҳсли ҳисобланган 494 та масалага жавоб берилган. Жумладан, тасаввуф таълимотидаги фалсафий тушунчалар

³⁴⁴ Сайид Аҳмад Сафойи тарих ۱۹۵۴، تهران، ۱۹۵۴؛ همان. علم کلام جدید. علم کلام صفائی. علم کلام. تهران، ۱۹۵۴؛ شبلی نعمانی. علم کلام جدید. تهران، ۱۹۵۴؛ همان. علم کلام. تهران، ۱۹۶۰.

³⁴⁵ Хожа Муҳаммад Порсо. Эътиқодот. – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Бериуний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси (Бундан кейин – ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси), №3844/ III. – 22 в.

³⁴⁶ Хожа Муҳаммад Порсо. Хафтоду се фирқа. – ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, № 10870/III. – 21 в.

³⁴⁷ Хожа Муҳаммад Порсо. Муқаддима ли-жомиъул калим. – ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, № 3039/III. 3 в.

³⁴⁸ Хожа Муҳаммад Порсо. Шархи “Фусус ул-ҳикам”. – Шарху фусус ал-ҳикам. Истанбул, Сулаймония кутубхонаси, №01366–002, Шаҳид Али Пошо бўлими.

³⁴⁹ Хожа Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. – ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, №№1411. – 336 варақ.

³⁵⁰ Хожа Муҳаммад Порсо. Фасл ул-хитоб. – Тошкент, Ғулом Хасан Орифжонов нашриёти (санасиз).

шарҳланган. Хожа Муҳаммад Порсо “Фасл-ул-хитоб” асарини ёзишда калом ва тасаввуфга оид манбаларни таҳлил қилган ва уларнинг бир қисмини эслатиб ўтади³⁵¹.

Порсонинг асосий асарларидан яна бири “Шарҳу “Фусус ал-ҳикам” ҳам форс тилида ёзилган³⁵². Асар машҳур мутасаввиф Муҳйиддин ибн ал-Арабийнинг (1165-1240) калом ва тасаввуфнинг назарий масалаларига бағишланган “Фусус ал-ҳикам” номли асарининг шарҳига бағишланган.

Порсонинг яна бир рисоласи “Ҳафтоду се фирқа” (Етмиш уч фирқа) асарида ҳар бир фирқанинг асосий даъволари қисқача келтирилган ва кейин уларга аҳли суннат вал жамоат олимлари томонидан берилган раддиялар ҳам қисқа ва мазмунли қилиб ёзилган. Рисоланинг аслий матни ва ўзбек тилидаги таржимаси чоп этилган³⁵³.

“Таҳқиқот” асарида эса Хожа Порсо тасаввуф ва каломнинг нозик жиҳатларини баён қилган. Жумладан, тавҳид масаласи, Аллоҳ таолонинг исму сифатлари каби ақоиддаги тамал мавзулардан баҳс этади. Бу асарда Порсо ҳазратлари инсон Аллоҳ таолони тўғри танимоғи лозимлиги уқтиради ва бу билан у нафақат бу дунёда, балки охиртда ҳам бахту саодатли ҳаёт кечиришини таъкидлайди.

Порсонинг ақида борасидаги асарлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Жумладан, Хожа Муҳаммад Порсонинг “Фаслул хитоб”, “Ҳафтоду се фирқа”, “Таҳқиқот” ва ақида мавзусидаги бошқа асарлари бугунги глобаллашув даврида турли ўлкаларда ўз билганича исломни талқин этаётганларга, ақидапараст адашган оқим вакилларига раддиялар беришда илмий асосли кўрсатмалар баён қилинган қимматли манба сифатида муҳим бўлиб, мусулмон халқлари ижтимоий-фалсафий меросида ўзига хос ўрин тутди.

* * *

³⁵¹ Хожа Муҳаммад Порсо. Фасл ул-хитоб. – ЎзР ФА ШИ кўлёзмаси, №3133; 11605; 4335; 1450; 5766; 584; 2238; 1449; 11682; 3188; 5547; 5546; 522/VI.

³⁵² Хожа Муҳаммад Порсо. Шарҳи “Фусус ул-ҳикам”. – Шарҳу фусус ал-ҳикам. Истанбул, Сулаймония кутубхонаси, №01366–002, Шаҳид Али Пошо бўлими.

³⁵³ Исмоилов М. Хожа Муҳаммад Порсонинг “Етмиш уч фирқа” асари исломдаги фирқалар тарихини ўрганишга оид манба сифатида. - Т: “Маҳалла ва оила”, 2023. – 168 б.

**ABU ISO MUHAMMMAD TERMIZIY “SHAMOIL AN-
NABAVIYYA” ASARINING ISLOM TARIXINI O‘RGANISHDAGI
AHAMIYATI**

**SIGNIFICANCE OF AL-SHAMA’IL AL-NABAWIYYA BY ABU ‘ISA
MUHAMMAD TIRMIDHI IN THE STUDY OF THE HISTORICAL
STUDIES**

Agzamova Muhabbatxon Mirtoxirovna,
*O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi Islomshunoslik va islom
sivilizatsiyasini o‘rganish ICESCO kafedrasi dots.nti, PhD*

Ҳижрий III асрнинг илк даврида барча илмларда ривоятларнинг санадига эътибор кучайди. Бу даврда яшаган ислом тарихнавислари санад услубида тарихий воқеаларни келтириш услубидан фойдаланган бўлсалар, аср охирида ривоятдаги санадлар қисқа тарзда, манба ва асарга мурожаат қилиш йўли билан баён этилди. Бу даврдан бошлаб оғзаки ривоятлар, ёзма ривоятлар, шартнома матнлари, мактублар каби манбалар билан алмаштирилди³⁵⁴.

Дастлабки даврларда тарих соҳасига оид жанрларнинг шаклланишига бир қанча омиллар таъсир қилган. Хусусан, Қуръони каримда келтирилган қиссалар, аввалги Пайғамбар ва қавмлар тарихига оид воқеаларни ўрганиш натижасида турли ривоятлар жамланиши ҳамда инсонларни ўтмишдаги воқеаларни ўрганиш орқали, келажакка намуна кўрсатишлари бунга таъсир қилган омиллардан ҳисобланади. Бу сабаблар орасида Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаёт йўли, турмуш тарзини ўрганиш, Қуръони каримнинг тафсири ва ҳадисларнинг жамланиши, илк фикҳий қарашлар ислом тарихининг шаклланишига таъсир кўрсатди.

Пайғамбар (с.а.в.) турмуш тарзи баёни келтирилган сийрат ва мағозий туркумидаги асарлар туфайли ислом тарихшунослигида илмий ёндашувнинг бошланиши ва биографик асарларни ёзишга замин яратиб берди. Вақт ўтиши билан сийрат жанридаги асарларнинг муқаддима қисмига аввалги пайғамбарлар ҳақидаги маълумотлар қўшилди. Аввалги ўтган пайғамбарлар ҳаёти, Муҳаммад (с.а.в.) турмуш тарзи ва хулафои рошидинлар даври қўшилиб, янгича тарихий асар ёзиш услуби намоён бўлди. Бу каби услубда биринчилардан Ибн Исҳоқнинг “Китоб сийрат” асари эътироф этилади. Ибн Исҳоқ замондошларидан кўра кенгроқ билимга эга бўлган ҳолда, ўз асарини уч қисмга ажратади. Биринчи қисм – Одам (а.с.) замонидан Муҳаммад (с.а.в.)га қадар бўлган давр, охириги икки бобда Муҳаммад (с.а.в.) ҳаёти, Макка даври ва Мадина даврига оид тарихий жараёнлар баёни келтирилган. Демак, айтиш мумкинки, сийрат ва мағозий жанрида ёзиш дастлаб Ибн

³⁵⁴ Икром Зиё Умарий. Ас-сийрат ан-набавия ас-саҳиҳа. – Мадина: Мактаба ал-улум, 1994. – Ж. I. – Б. 16.

Исҳоқ (ваф. 151/768 й.)дан бошланган дейишимиз мумкин³⁵⁵. Ушбу туркумдаги асарларга Ибн Исҳоқ (ваф. 151/768 й.)нинг “Китоб сийрат”, Воқидий (ваф. 207/822 й.)нинг “Китоб ал-мағозий”, Ибн Ҳишом (ваф. 218/833 й.)нинг “ас-Сийрат ан-набавия”, Ибн Ҳиббон (ваф. 354/965 й.)нинг “ас-Сийрат ан-набавия ва аҳбар ал-хулафо” асарларини киритиш мумкин.

III/IX асрдан бошлаб “шамоил” сўзи Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг сифатлари, шахсий ҳаёти ва ахлоқини ифодаловчи атама сифатида, ҳадисларда, сийрат, тарих, тасаввуфга оид асарларда қўлланила бошланган. IX асрда яшаб ўтган аллома Имом Термизий Пайғамбар (с.а.в.) ҳақида ёзган асарларини “Шамоил ан-Набавия” деб номлаб, Муҳаммад (с.а.в.)нинг ахлоқий фазилатлари, турмуш тарзлари, ташқи кўринишлари, хулқ-атвори каби кўплаб хусусиятлар ҳақида батафсил маълумотларни бериб ўтган. Муаллиф Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг хислатларини эллик олтита сарлавҳа ва тўрт юздан ортиқ ҳадисда баён қилиб, деярли ҳар бир жиҳатга тўхталиб, пайғамбаримизнинг ташқи кўриниши, еб-ичиши, ўтириши-тикиши, кийиниши, йиғлаши-кулиши, ҳазил-мутойибалари, гўзал ахлоқларини бирма-бир тушунтириб ўтган. Асар композицион жиҳатдан ҳам, мазмунан ҳам мукамал бўлганлиги боис, илк даврда жуда машҳур бўлган.

الشّمائل النبويّة “Шамоил ан-Набавия” асарининг дунё фонддаларда кўплаб нусхалари мавжуд бўлиб, унга кўплаб шарҳ ва изоҳлар ёзилган ва асар доирасида бир қатор тадқиқотлар олиб борилганлиги, хусусан, кўплаб тилларга таржима қилинганлиги асарнинг илмий қийматини бебаҳо эканлигини кўрсатади. شمائل сўзи شمائل сўзининг кўплик шакли бўлиб, “Шамоил” луғатда “одат”, “фазилат”, “хулқ-атвор”, “характер” маъноларини билдиради. Бу сўз вақт ўтиши билан атамага айланиб, Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг ахлоқлари, ташқи кўринишлари, феъл-атворлари, кийиниш тарзлари, шахсий ҳаётлари билан боғлиқ ҳадислар жамланган китоб “Шамоил” деб аталади³⁵⁶.

Имом Термизийнинг “Шамоил” китоби турли номлар билан нашр қилиниб, хаттотлар, котиблар унга турли номларни ишлатганлар. Бу номлардан энг машҳурлари “Шамоили Набавия” ёки “Шамоил Набий” бўлиб, бу номлар энг кўп ишлатилган. Баъзан “Шамоили Муҳаммадия”, “Шамоили Мустафо” номи билан, бошқа олимлар китобни муаллифига ҳам нисбат бериб “Шамоил Термизий” ёки “Шамоил Термизия” деб ҳам келтирганлар³⁵⁷.

“Шамоил” услубида ёзилган асарларда ўзига хос ёндашувлар мавжуд бўлиб, хусусан Термизий муҳаддис сифатида бу мавзуга оид ҳадисларни умумий жамлаган. Термизий ҳадисларни мавзуга кўра гуруҳлаб, иснодларни тўлиқ келтиради ва керак бўлса, уларни таҳриж ва қисқача шарҳ билан тўлдиради. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг ахлоқлари барча учун намуна бўлиб, сийратларини саҳиҳ манбалар асосида ўрганиш жуда муҳим

³⁵⁵ Mustafa Fayda. İbn İshak. DİA. – İstanbul: 1999, XX. – S. 93-96.

³⁵⁶ <https://islamansiklopedisi.org.tr/es-semailun-nebeviyye>

³⁵⁷ Ҳассо Ҳолий. Шуруҳ Мағрибийя. – Работ: Манбаату Абу Ракроқ, 2012. – Б. 30.

аҳамиятга эга. Муҳаммад (с.а.в.)нинг ахлоқий фазилатлари, турмуш тарзлари ҳақида турли номлар остида асарлар ёзилган. Хусусан, Молик ибн Анас “Сифат ан-Набий”, тарихчи Ибн Саъд “Сифат Расулуллоҳ”, Имом Бухорий “Маноқиб”, Имом Муслим “Фазоил” иборасини қўллаб Муҳаммад (с.а.в.)га оид маълумотларни жамлаганлар. Илк даврларда Муҳаммад (с.а.в.)нинг инсоний фазилатларини баён қилиш мақсадида, “Маноқиб”, “Фазоил” ва “Ахбор” номларида асарлар ёзилган. “Шамойл” атамасини илк маротаба Термизий ўзининг “Шамойл ан-Набавия” асарида келтириб ўтади ва ушбу китоб ислом тарихига оид энг муҳим ҳадис китобларидан бири ҳисобланади.

Имом Термизий Пайғамбар (с.а.в.)нинг ташқи қўриниши, хулқ-атвори ва ҳаёти ҳақида 56 бобдан 415 та ҳадис келтириб ўтади³⁵⁸, унда Пайғамбар (с.а.в.)нинг шахсий фазилатлари ва одоблари ҳақида маълумот беришни мақсад қилиб олган. Мулла Али Қорий “Шамойл ан-Набавия” ҳақида “Ушбу китобни мутолаа қилган киши, гўё Пайғамбар (с.а.в.)ни жамолларини кўргандек, ҳар бир бобда у зотнинг юксак одобларини мушоҳада этади” – деб эътироф этади³⁵⁹. Термизий бу асарида шамойл ҳақидаги ҳадисларнинг кўпини “Ал-жомеъ ал-саҳиҳ” ҳадис тўпламидан келтиришлик билан бирга, баъзиларини қисқартирган, гоҳида ровийлар ҳақидаги танқидларини қисқартириб, гоҳида ўзгартирмаган ҳолда келтирган. Асардаги ҳадисларнинг аксарияти саҳиҳ даражасидаги ҳадислар бўлиб, салмоқли қисми ҳасан даражасидаги ривоятлардан иборат.

Илк ислом даврига оид манбалар орасида “Шамойл ан-Набавия” асарининг қўлёзма нусхалари бошқа манбаларга қараганда кўп бўлиб, бу қўлёзмалар барча дунё фондларида сақланиб келинмоқда. Ушбу қўлёзмаларни тадқиқ қилиш жараёнида “Шамойл ан-Набавийя” асари мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилганлиги ва шу сабабдан кўплаб котиблар томонидан нусхалар тайёрланганлиги келтирилиб ўтилган. Котибларнинг кўпчилиги ўша даврда талаба бўлганлиги ва қайси мадрасада ўқишлиги ва мадраса жойлашган жой ва устози ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга, қўлёзмаларда турли мавзуга доир жадваллар ва ижоза (рухсат бериш) ҳужжатлари ҳам илова қилинган.

Имом Термизий “Шамойл ан-Набавия” асарида пайғамбаримиз ҳаётига оид турли ривоятларни тўплаш билан бирга, унинг инсоний ахлоқий таъсири ва намунавий жиҳатларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган. Асар ислом маданиятининг муҳим ажралмас қисмини ташкил этиб, бутун инсониятга ахлоқий фазилатларни баён этган манба ҳисобланади. Ислом тарихи Муҳаммад (с.а.в.)га Қуръон нозил бўлиши билан бошланган жараён бўлиб, пайғамбар ҳаётининг барча соҳаларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш, Қуръонни тафсир қилиш каби турли услубларида асарлар ёзилди. Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳадислари ва аввалги ўтган Пайғамбар ва солиҳ кишиларнинг

³⁵⁸ Абу Исо Термизий. Аш-шамойл ал-Муҳаммадия // Муҳаммад Умар таҳқиқи. – Қатар: Идарут аш-шуъун ал-исламия, 2024. – Б. 320.

³⁵⁹ <https://termiziy.uz/uz/news/1265>

ибратли қиссаларини келтириш, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳаёт йўли ва турмуш тарзларини ривоят тарзида баён этилиши соҳа ривожига муҳим ўрин тутди.

* * *

ABU MUHAMMAD ABDULLOH DORIMIY HAYOTI VA ILMIY FAOLIYATI

LIFE AND SCIENTIFIC ACTIVITIES OF ABU MUHAMMAD ‘ABDULLAH DORIMI

Sodiqov Jo‘rabek Sobirboevich

O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi

“Islomshunoslik va islom sivilizasiyasini o‘rganish ICESCO”

Dots.v.b., islomshunoslik fanlari PhD

Movarounnahrдан yetishib chiqqan muhaddislardan Imom Dorimiy hadis ilmida alohida o‘rin egallaydi. Allomaning to‘liq ismi Abu Muhammad Abdulloh ibn Abdurahmon ibn Fazl ibn Bahrom ibn Abdussamad Tamimiy Samarqandiy Dorimiy bo‘lib, 798-yilda tavallud topgan. Muhaddisning bobosi Banu Tamim qabilasi mavlosi hamda Payg‘ambar (s.a.v)ning kotiblaridan biri bo‘lgan Dorim ibn Molik ibn Hanzala ibn Zayd Manot ibn Tamimga bog‘langani uchun allomaga “Dorimiy” nisbasi ham qo‘llangan.

Imom Dorimiy dastlabki ta‘limini o‘z yurti Samarqandda oladi. So‘ngra o‘sha davrda ilm-fan va madaniyat taraqqiy qilgan markazlardan bo‘lmish Qohira, Damashq, Bag‘dod, Makka, Madina, shuningdek, Xurosonning turli shaharlaridagi taniqli olimlardan diniy va dunyoviy fanlar, ayniqsa, hadis ilmi bo‘yicha o‘z bilimlarini oshiradi. U safarlari davomida hadislarni eshitib, ularni jamlash bilan cheklanmay, hadis isnodlarining oliy, muttasil (uzluksiz), undagi roviylarning soni kam bo‘lishiga ham katta e‘tibor qaratgan.

Imom Dorimiy o‘zining “Sunan” asarida 250 dan ortiq shayxlardan hadis rivoyat qilgan. Ustozlarining asosiy qismini Kufa, Basra, Bag‘dod kabi shaharlardan chiqqan roviylar tashkil etadi. Manbalarda uning ustozlari qatorida Muhammad ibn Bashshor, Abu Abdulloh Muhammad ibn Yusuf Faryobiy, Abu Musahhar Dimashqiy, Marvon ibn Muhammad, Abulvahhob ibn Said, Yazid ibn Horun Vositiy, Ja‘far ibn Avn, Zayd ibn Yahyo ibn Abiyd Dimashqiy, Vahb ibn Jarir, Xolid ibn Muhammad, Habbon ibn Hilol, Ashhol ibn Hotam Jumahiy, Zahhok ibn Muhammad, Ubaydulloh ibn Muso, Abul Mug‘iyra Foryobiy, Abdusamad ibn Abdulvoris, Yahyo ibn Hasson, Asvad ibn Omir, Bishr ibn Umar Zahroniy kabi allomalar zikr etiladi.

Imom Dorimiyning vafot etgan sanasi, dafn etilgan mavzesi haqida turli qarashlar mavjud. Biroq aksariyat ishonchli manbalarda, jumladan, Xatib Bag‘dodiy, Abu Hafs Nasafiy, Shamsuddin Zahabiy kabi olimlarning ta‘kidlashlaricha, Imom Dorimiy vafot etgan sana milodiy 869-yilning 18-noyabriga to‘g‘ri keladi. Ayrim turk va arab tadqiqotchilarining kitoblarida alloma

dafn etilgan joy sifatida Xurosonning Marv shahri ko'rsatiladi. Biroq Shamsuddin Zahabiy "Tarixu-l-islom" asarida olimning ukasi Ibrohim ibn Abdurahmon Dorimiyning (vaf. 880 y.) Samarqandda vafot etgani hamda akasining yoniga dafn qilingani haqida ma'lumot beradi.

Muhaddis janozasini ehtirom yuzasidan Samarqand amirining shaxsan o'zi o'qigani hamda ukasi dafn etilgan joyi haqidagi ma'lumotlar olimning qabri Samarqand yaqinida ekaniga dalolat qiladi. 2000-yilda Samarqand viloyati, Toyloq tumani, Ispandiy qishlog'ida Imom Dorimiy maqbarasi va Jome' masjid ta'mirlanib, obododonlashtirildi.

"Sunan" nomi bilan tanilgan "Musnad" (lug'aviy ma'nosi «Tayanch» yoki "Isnodli hadislar to'plami") muhaddisning shoh asari hisoblanadi. Olimlar ushbu asarning nomlanishiga turlicha munosabat bildiradilar. Hofiz Iroqiy, Imom Zahabiy asardagi barcha hadislar to'liq isnod bilan berilgani uchun uni "al-Musnad", Alouddin Mug'ultoiy hadislarining ishonchliligi darajasidan kelib chiqqan holda "as-Sahih", Ibn Hojar Asqaloniy va Suyutiy kabi boshqa ulamolar asar – fiqhiy hadislar to'plami bo'lgani bois "as-Sunan" deb ataydilar. Biroq ayrim tadqiqotchilar muallif asarini umumiy nom bilan, ya'ni "al-Jome' as-sahih al-musnad li sunani Rasululloh (s.a.v)" deb atagan bo'lishi mumkin, degan fikrni bildiradilar.

Ibn Hojar Asqaloniy mazkur asarni "Sihoh sitta"ning oltinchi kitobi sifatida qabul qiladi. "Sunan" ikki jildidan iborat bo'lib, bir qancha kitoblarga, ular o'z navbatida boblarga bo'linadi. Asar arablarning islomdan avvalgi ba'zi odatlari, Rasululloh (s.a.v)ning siyratlari, hadislarining yozilish davri va ilm fazilatiga oid jami 163 sahifalik muqaddima bilan boshlanadi. Asosiy qism 23 ta kitob, 1403 bobdan tashkil topgan bo'lib, 3506 hadisni o'z ichiga oladi.

Manbalarda Imom Dorimiyning "Kitob at-Tafsir" – Qur'oni karim tafsiriga oid asari bo'lgani haqida ma'lumot beriladi. Imom Dorimiy ushbu asarida Qur'onni to'liq tafsir qilganmi yoki ayrim juzlarinimi, bu haqda aniq ma'lumot yo'q. Biroq ushbu asarning tarixiy ahamiyati katta. Chunki u bizgacha yetib kelgan birinchi tafsir hisoblangan Ibn Jarir Tabariyning (839–922) tafsiridan taxminan yarim asr ilgari yozilgan.

Shuningdek, allomaning "al-Jome'" (To'plam), fiqhiy masalalarga bag'ishlangan "Kitob as-sunna fi-l-hadis" (Hadisdagi sunnat amallar haqida kitob), "Kitob saum al-mustahozot va-l-mutahayyiro" (Uzrli ayollarning ro'zasi haqidagi kitob) kabi asarlari bo'lgani haqida manbalarda zikr etiladi. Imom Dorimiyning "as-Sulosiyyot fi-l-hadis" – "Uch roviyli hadislar to'plami" nomli asari ham mavjud. Muhaddisning ushbu asari "Sunan"ning tarkibiga kiritilgan o'n besh hadisdan iborat bo'lgan kichik to'plam bo'lib, uch roviyli isnodga ega va muhaddislar tomonidan yuqori baholanadigan hadislardan tarkib topgan.

Mustaqillik yillarida yurtimizda Imom Dorimiyning ilmiy-ma'naviy merosi bo'yicha bir qator ilmiy tadqiqotlar olib borildi, ilmiy-ommabop kitoblar chop etildi. Jumladan, "Imom Dorimiyning hadis ilmi rivojiga qo'shgan hissasi" mavzuidagi nomzodlik dissertatsiyasi (M.Alimova, 2009) himoya qilindi, "Buyuk ajdodlarimiz" turkumida "Imom Dorimiy" (M.Alimova, 2009), islom dini va madaniyati rivojida alohida o'rin tutgan asarlarni o'rganishga qaratilgan "Ma'rifat

ziyosi” turkumida “Sunani Dorimiy: saylanma” (Tarjimonlar jamoasi, 2011) kabi risolalar, ko‘plab ilmiy maqolalar nashr etildi.

* * *

ABU ISO TERMIZIYNING ZAMONDOSH MUHADDISLAR BILAN ILMIY MUNOSABATLARI

SCIENTIFIC RELATIONS OF ABU ‘ISA TIRMIDHI WITH HIS CONTEMPORARIES HADITH SCHOLARS

Saidahmadxon Samatxonovich G‘aybullayev

O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi

“Islom tarixi va manbashunosligi”

kafedrasi dotsent v.b., PhD

Muhammad ibn Iso Termiziy (824-892) yashagan davrda Musulmon dunyosi juda katta ilmiy taraqqiyotga erishgan bir davr bo‘lib, jumladan hadis ilmining ham oltin davri edi. Imom Termiziy uzoq yillik ilmiy safarlarida juda ko‘p muhaddislar bilan uchrashib ular bilan ustoz-shogirdlik munosabatlarini o‘rnatgan edi. Ular qatorida hadis ilmining sultoni – Muhammad ibn Ismoil Buxoriydan ham ko‘p istifoda qilgan va uzoq vaqt birgalikda ilmiy faoliyat olib borishgan. Ayniqsa, hadis qoidalar, ularning roviylari va tarmoqlari borasidagi munozaralar ancha mashhur bo‘lgan. Allomaning “Sunan”, “al-Ilal as-sag‘ir” va “al-Ilal al-kabir” asarlari bilan tanishgan kishi ularda Buxoriydan olingan ko‘pgina ma‘lumotlar, mulohazalar borligini kuzatadi. Imom Termiziyning o‘zi “al-Ilal” kitobida shunday deydi: “Men kitobimda keltirilgan hadislar, kishilar va tarixdagi hadis qoidalarining barchasini tarix kitoblaridan olganman. Ularning aksari Muhammad ibn Ismoil bilan qilgan munozaralarim mahsulidir, ayrimlari Abdulloh ibn Abdurahmon Dorimiy va Abu Zur‘a Roziy bilan qilgan munozaralarimdan olganman. Aksari Muhammaddan, ozrog‘i Abdulloh va Abu Zur‘adan. Men na Iroqda, na Xurosonda ilal va tarix ma‘nolarini hamda sanadlarni bilishda Muhammad ibn Ismoildan olimroq biror kimsani ko‘rmaganman”.

Imom Muslim bilan uchrashuv. Imom Termiziy hadis ilmining yana bir yirik vakili - Imom Abu Husayn Muslim ibn Hajjoj al-Qushayriy an-Naysaburiy bilan ham uchrashgan, biroq asosiy kitobining birgina - Ro‘za bobida “Sha‘bon hilolini Ramazongacha hisoblash” to‘g‘risidagi hadisini keltirib o‘tadi: “Bizga Muslim ibn Hajjoj hadis aytdi, bizga Yahyo ibn Yahyo hadis aytdi, bizga Abu Muoviya hadis aytdi, bizga Muhammad ibn Amr Abu Salamadan, u Abu Hurayra (roziyallohu anhu)dan hadis aytib, shunday dedi: “Rasululloh (sollallohu alayhi va sallam): **“Sha‘bonning hilolini Ramazongacha hisob qilinglar”**, dedilar”.

Imom Abu Dovud bilan uchrashuv. Imom Termiziy “sihohi sitta” (olti ishonchli hadis to‘plamlari) mualliflaridan yana biri Imom Abu Dovud Sulaymon ibn Ash‘as ibn Ishoq al-Azdiy Sijistoniylar bilan ham uchrashgan. Jumladan, undan bosh asarining namoz bobi “Vitr namozida uxlab qolgan yoki uni unutgan kishi

haqida kelgan masala” haqidagi 466-hadisni naql qilgan: “Qutaybadan rivoyat qilinadi: “Abdulloh ibn Zayd ibn Aslam otasidan Nabiyy (sollallohu alayhi va sallam) shunday deganlarini naql qilib aytdi: “Kim vitr (o‘qimas)dan uxlab qolsa, tong otganda uni o‘qib olsin”. Abu Iso aytadiki: “Abu Dovud as-Sajaziy, ya’ni Sulaymon ibn Ash’asning shunday deganini eshitdim: “Ahmad ibn Hanbaldan roviy Abdurahmon ibn Zayd ibn Aslam haqida so‘raganimda “akasi Abdulloh ishonchli”, dedi’. Ushbu iqtibosdan ko‘rinadiki, Termiziy Abu Dovud bilan birgalikda hadis to‘g‘risida muzokara qilib, uning so‘zlarini naql qilib turgan. Ba’zilar o‘ylaganidek, undan hadis rivoyat qilmagan.

Imom Buxoriy va imom Termiziy o‘rtalaridagi ustoz-shogirdlik munosabatlari. Imom Termiziy o‘zining ustoz, muhaddislar sultoni Muhammad ibn Ismoil Buxoriydan ko‘plab darslar, ilmiy foydalar olgan bo‘lib, asosan, unga hadis illatlari, rivoyat qilish shakllari mavzularida katta foyda bergan. Shuningdek, Buxoriy bilan olib borilgan bahs-munozaralar Termiziyning yirik muhaddis bo‘lib shakllanishida alohida ahamiyat kasb etgan, iqtidori sayqallanib, yuqori ilmiy darajalarga yuksalib borgan. Imom Termiziy “Sunan Termiziy” asarining xotimasida shunday qaydlar yozib qoldirgan: “Hadislar, kishilar va sanalardagi illatlar (alohida mulohaza)dan iborat malumotlarning barchasi “at-Tarix” kitobidan chiqarib olganman. Bular ichida eng ko‘pi Muhammad ibn Ismoil bilan qilgan munozaralarim mahsulidir”.

“Jome’” va “Al-Ilal as-sag‘ir” asarlari oxiridagi ilovasi hamda “Al-Ilal al-kabir” kitobi haqida teran fikrlab ko‘rgan kishi Imom Termiziyning Imom Buxoriydan keltirgan naqlar miqdori qanchaligini bilib, hatto bu kitob Imom Buxoriyning hadis illatlari borasidagi kitobi, deb o‘ylab qoladi. Bunday daraja shogirdi Imom Termiziydan boshqa hech kimga nasib qilmagan. Buxoriydagi hadislarni ham juda yaxshi bilgan. Agar Imom Termiziy ustoz, Imom Buxoriydan olgan foydalari haqida so‘z yuritadigan bo‘lsak, juda cho‘zilib ketadi. Shuning uchun bir qancha misollarni keltirib o‘tamiz.

“Jome’”ning uchinchi bobidagi manoqib kitobi boshida bir xabarni zikr qilib, uni Abdurahmon ibn Jubayr va Abdulloh ibn Amrdan eshitganini, u esa Rasululloh (sollallohu alayhi va sallam)ning: “Qachon muazzin azon aytayotganini eshitsangiz, uning aytganlarini takrorlang, so‘ng menga salovat ayting...”, deganlarini eshitganini rivoyat qiladi. Bu hadisning izidan Imom Termiziy ushbu hadisni “hasan sahih” hadis, deydi. Muhammad (ya’ni, Buxoriy): “Abdurahmon ibn Jubayr qurashiy, misriy, madaniydir. Abdurahmon ibn Jubayr ibn Nufayr esa shomlikdir”, degan», deydi. Namoz kitobida Imom Termiziy o‘rta namoz asr namozi ekani haqida kelgan hadisni rivoyat qilgan. Biroq uni peshin namozi, deganlar ham bor. Bu Hasan Basriydan rivoyat qilingan. Hasan Basriy Samura ibn Jundubdan, u Nabiyy (sollallohu alayhi va sallam)dan: “O‘rta namoz – asr namozidir” deganlarini rivoyat qilgan. Buning izidan Imom Termiziy: «Muhammad “Ali ibn Abdulloh “Hasanning Samura ibn Jundubdan qilgan hadisi sahihdir. Darhaqiqat, undan eshitgan”, deb aytgan so‘zini keltirgan”, deydi. So‘ng: “Menga Muhammad ibn Ismoil xabar berib dedi: “Menga Ali ibn Abdulloh ibn Madiyniy Quraysh ibn Anasdan shu hadisni aytgan” , dedi. Muhammad yana:

“Ali: “Hasanning Samuradan eshitgani sahih bo‘lib, bu hadis hujjat bo‘lishga yaraydi”, degan”, dedi».

Namoz bobida yana Termiziy juma kuni g‘usl qilish borasida Zuhriydan, u Solimdan, u otasidan, u Rasululloh (sollallohu alayhi va sallam)ning shunday deganlarini eshitganini rivoyat qiladi: “Kim jumaga kelsa, g‘usl qilsin”. Ortidan Termiziy: “Muhammad: Zuhriyning Solimdan, u otasidan..., deya rivoyat qilingan hadis sahih ekanligini aytgan”, deydi. Ro‘za bobida Termiziy fitr va qurbonlik qachon bo‘lishi haqida Ma‘mardan, u Muhammad ibn Munkadirdan, u Oyshadan, u Rasululloh (sollallohu alayhi va sallam) shunday dedilar: “Fitr – insonlar og‘izlarini ochgan (ro‘zador bo‘lmagan), qurbonlik – insonlar qurbonlik qilgan kundir”.

Termiziy aytadi: “Men Muhammaddan: “Muhammad ibn Munkadir Oyshadan eshitganmi?”, deb so‘radim. U: “Ha, hadisni “Oyshadan eshitdim”, degan”, dedi. “Jome”lariga ilova qilgan “al-Ilal as-sag‘ir” kitobida Muhammad ibn Ismoil Buxoriydan bunga o‘xshash juda ko‘p naqlar keltirganki, uni o‘rganib chiqish unchalik murakkab emas.

Imom Termiziy asarlarida Imom Buxoriydan olingan rivoyat va istifodalarning aks etishi. Imom Termiziy “Tahorat” kitobida 13 ta, “namoz” kitobida 21 ta, “zakot” kitobida 4 ta, “ro‘za” kitobida 6 ta, “haj” kitobida 5 ta, “janozalar” kitobida 7 ta, “nikoh” kitobida 7 ta, “bay” 3 ta, “hukmlar” kitobida 2 ta, “hadlar” kitobida 4 ta, “ikki hayit” boblarida 1ta o‘rinda, “nazr va qasam” bobida 3 ta, “jihodning fazilatlar” bobida 6 ta, “libos”da 5 ta, “taomlar” kitobida 2 ta, “ichimliklar” bobida 1 ta, “silai rahm” bobida 1ta, “fitnalar” bobida 1 ta, 3 ta “jannat vasfi” kitobida, 1 ta “jahannam sifati”, 5 ta “izn so‘rash”, 3 ta “Qur‘on fazilatlar”, 5 ta “tafsir”, 3 ta “duolar”, 2 ta “manoqib” kitoblarida, hammasi bo‘lib 114 ta o‘rinda Imom Buxoriydan foydalangan. “Al-Ilal al-Kabir” kitobida Termiziy Buxoriy o‘rganganlaridan ko‘pini keltirib, so‘zma-so‘z o‘zlashtirib, birgalikda bahs-muzokara qilish tufayli olgan foydalarini keltiradi. Bu kitobni 575 hijriy sanada vafot qilgan faqih, qozi Abu Tolib at-Tamimiy al-Asbahoniy fiqh boblariga kiritadi.

Shuningdek, Imom Termiziy “Al-Ilal al-Kabir” kitobida Usoma ibn Zayddan, u Solim ibn Xarrabuz Abu No‘mondan, u Ummu Subayya (Subuyyaning onasi)dan: “Mening qo‘lim Rasululloh sollallohu alayhi vasallamning qo‘llari bilan tahoratda bir idishda bo‘ldi”, degan hadisni rivoyat qilib, izidan: “Abu Usoma va bir qanchalar Usoma ibn Zayddan mana shunday rivoyat qilgan. Vaki’: “Usoma ibn Zayd No‘mon ibn Xarrabuzdan, u Ummu Subayyaning “Ko‘pincha qo‘lim...” deganini eshitdim” deganini rivoyat qiladi. Men bu hadis haqida Muhammaddan so‘radim. U “Vaki’ xatoga yo‘l qo‘ygan. Eng to‘g‘risi, Usoma ibn Zayd Solim ibn Xarrabuz Abu No‘mondan rivoyat qilgan”, dedi. Men Muhammadga: “Bu hadisni Qubaysa Sufyondan, u Usomadan, u Ummu Sufayhadan deb rivoyat qilgan”, desam, Buxoriy: “Qubaysa xato qilgan”, dedi. Bizga Muhammad ibn Ismoil, u Ibn Abu Uvaysdan, u Xoriya ibn Horis ibn Rofe’ ibn Mukays al-Jatniydan, u Qaysning qizi Umma Subayya (Xoriya ibn Horisning buvisi Xavla)ning mavlosi Solim ibn Sarjdan: “Mening qo‘lim Rasululloh (sollallohu alayhi va sallam)ning qo‘llari bilan tahoratda bir idishda bo‘ldi”, deganini eshitgan hadisni rivoyat qildi.

“Al-Ilal al-Kabir”da yana Imom Termiziy: “Mening Muhammaddan, Mujohidning Tovusdan, uning Ibn Abbosdan: “Rasululloh (sollallohu alayhi va sallam) ikki qabr oldidan o‘tdilar...”, deb keltirgan hadisi haqida so‘radim. U: “A‘mash Mujohidning Ibn Abbosdan rivoyat qilganini aytadi, Tovusni zikr qilmaydi”, dedi. Men “Qaysi biri to‘g‘ri?” dedim. U: “A‘mashniki to‘g‘ri”, dedi. Men unga: “Abu Uvonaning A‘mashdan, uning Abu Solihdan, uning Abu Hurayradan keltirgan hadisichi, unday bo‘lsa u qanaqa?”, dedim. U: “Bu sahih hadis. Bu boshqa masala”, dedi.

U kitobda yana Termiziy Zubayr ibn Sa‘iddan, u Abdulloh ibn Yazid ibn Rukonadan, u otasidan, u bobosidan: “Rasululloh (sollallohu alayhi va sallam)ning oldilariga kelib “Ey, Allohning Rasuli! Men xotinimni taloq qildim”, dedi. U Zot: “Bu bilan nimani iroda qilding?” dedilar. U: “Bir taloqni” dedi. Rasululloh (sollallohu alayhi va sallam): “Qasam ichasanmi?” dedilar. U: “Allohga qasamki”, dedi. U zot: “Iroda qilganing”, dedilar. Muhammaddan bu hadis haqida so‘radim. U: “Bu hadisda iztirob bor. Zero, ibn Abbosdan Rukonaning ayolini uch taloq qilgani rivoyat qilingan”, dedi.

Yana Imom Termiziy Yazid ibn Na‘oma ad-Dobiyydan: “Rasululloh (sollallohu alayhi va sallam): “Agar kishi bir kishini yoqtirsa, uning kimligini, ismini va otasining ismini so‘rasin. Chunki bu rishtani bog‘lovchiroqdir”, deganlarini rivoyat qilgan. Imom Termiziy: “Muhammaddan bu hadis haqida so‘radim, u Yazid ibn Na‘omani Rasululloh (sollallohu alayhi va sallam)ning sahobalaridan bo‘lmagan”, deganday qilib, “Bu mursal hadis”, dedi.

Yuqorida keltirilgan naqlardan ko‘ramizki, Imom Termiziy bir hadisni sahih yoki zaif deyish, qabul qilish yoki rad etish, hadis illatlarini bayon etishda fikriga yanada ishonch hosil qilish uchun Muhammad ibn Ismoil Buxoriy bilan ko‘p bahs-muzokara olib boradi. Ko‘rinib turibdiki, bu kabi bahs-muzokaralar ustoz sifatida Imom Buxoriyni o‘ziga lozim tutib, hadis ilmi to‘g‘risida hammaslak bo‘lishlari natijasidir. Shuning uchun Umar ibn Alakning: “Muhammad ibn Ismoil vafot etgach, uning ortida Xurosonda Abu Isodan ilmliroq va taqvodorroq olim qolmadi”, degan so‘zida hech qanday mubolag‘a yo‘q. Imom Termiziy ustози Imom Buxoriydan foydalanish bilan cheklanib qolmay, balki Imom Buxoriyning ham Imom Termiziydan hadis rivoyat qilishi bu ustoz-shogirdlarning ulug‘ ishlaridan biridir, desak xato bo‘lmaydi.

Imom Termiziydan ustози Imom Buxoriyning hadis rivoyat qilishi. Abul Fazl Baylamoniy Nasr ibn Muhammad Shirkuhiyning «Muhammad ibn Iso Termiziyning: “Muhammad ibn Ismoil menga: “Sen mendan foyda olganingdan ko‘ra men sendan ko‘proq foyda oldim”, dedi», deb eshitganini aytadi. Bu Termiziyning hadis ilmida o‘rni borligi, Buxoriy hurmati va undan foyda olishiga undagi betakror qobiliyati sabab bo‘lgani ochiq-oydin dalildir. Hofiz Is‘ardiy “Jome‘ kitobining fazilatları” nomli kitobida shunday jumalarni keltiradi: “Abu Isodan hadis ahlining imomi Muhammad ibn Ismoil Buxoriy hadis yozib olgan. Shuning o‘zi Termiziyning faxriga kifoya qiladi”.

Termiziy “Jome‘”si manoliblarining 3729-raqami ostida Alining fazli haqidagi 70-bobda kelgan hadisni Ali ibn Munzirdan, u ibn Fuzayldan, u Solim ibn Abu Hafsadan, u Atiyyadan, u Abu Sa‘iddan rivoyat qilib shunday dedi: “Rasululloh

(sollallohu alayhi va sallam) Ali (karromallohu vajhahu)ga: “Ey Ali, bu masjididan sen bilan mendan boshqa biror insonga junub holatda kirishi halol emas”, dedilar. Ali ibn Munzir: “Diror ibn Suradga: “Bu hadisning ma’nosi nima?” dedim. U: “Bu masjididan sen bilan mendan boshqa biror insonga junub holatda o’tishi halol emas”, deganidir, dedi. Abu Iso: “Bu “hasan g’arib” hadis. Buni faqat shu yo’ldangina bilamiz. Bu hadisni mendan Muhammad ibn Ismoil eshitgan va g’arib sanagan”, dedi.

Shuningdek, Imom Termiziy “Jome”da “Hashr” surasining tafsiri to’g’risida kelgan 3299-raqam ostidagi hadisni rivoyat qildi: «Bizga Hasan ibn Muhammad Za’faroniy Affon ibn Muslimdan, u Hafs ibn G’iyosdan, u Habib ibn Abu Umradan, u Sa’id ibn Jubayrdan, u Ibn Abbosdan Alloh taoloning “Sizni xurmoni kesishingiz yoki aslida tik qoldirganingiz faqat Allohning izni bilan va buzg’unchilarni xorlashi uchun bo’ldi” (*Hashr*, 5) oyati haqida rivoyat qilib dedi: “Musulmonlarga qo’rg’onlaridan tushib, xurmolarni kesish buyurildi. Shunda musulmonlar qalbiga ta’sir qilib, ular “ba’zilarini kesib, ba’zilarini qoldirayapmiz. Rasululloh (sollallohu alayhi va sallam)dan kesganimizga ajr olib, kesmaganimizga gunoh olmaymizmi? deb so’raymiz”, dedilar. Shunda Alloh taolo: “Sizning xurmoni kesishingiz yoki aslida tik qoldirganingiz faqat Allohning izni bilan va buzg’unchilarni xorlashi uchun bo’ldi”(*Hashr*, 5) oyatini nozil qildi». Abu Iso: “Bu “hasan, g’arib hadis”, deydi. Ayrimlar bu hadisni Hafs ibn G’iyosdan, u Habib ibn Abu Umradan, u Sa’id ibn Jubayrdan mursal holda, Ibn Abbosni zikr qilmasdan rivoyat qilganlar. Buni bizga Abdulloh ibn Abdurahmon Horun ibn Muoviyadan, u Hafs ibn G’iyosdan, u Habib ibn Abu Umradan, u Sa’id ibn Jubayrdan, u Nabiy (sollallohu alayhi va sallam)dan “mursal” holda rivoyat qilgan. Abu Iso: “Mendan Muhammad ibn Ismoil mana shu hadisni eshitgan”, dedi. Aniqrog’i, Termiziyning bu hadisni o’zidan Buxoriy eshitgani haqida aytgan so’zi ba’zi rivoyatlarda bor, ba’zilarida esa yo’q. Masalan, Mizziy “Tuhfatul ashrof” kitobida keltirmagan. Balki, “Buxoriy Termiziydan faqat birgina hadis eshitgan” degan, ikkinchi hadisdan xabari bo’lmagandir. Imom Buxoriy Imom Termiziydan eshitgani haqida xulosa o’rnida shuni aytish mumkin:

1. Mo‘minlar amiri Imom Buxoriyning Imom Termiziydan hadis eshitishi va ilm olishdagi kamtarliklari;
2. Imom Termiziyning rivoyat borasida naqadar keng ilm egasi ekani;
3. Imom Buxoriydek zoti sharif bilan bir-biridan rivoyat qilish Imom Termiziyning faxriga kifoya qilishi.

* * *

MARKAZIY OSIYO TARIXINI O'RGANISHDA ALLOMALAR ILMIY MEROSINING O'RNI

ROLE OF SCHOLARS' SCIENTIFIC HERITAGE IN STUDYING CENTRAL ASIAN HISTORY

Nishanova Dildora Komiljanovna

Oriental universiteti "Tarix" kafedrası v.b. dotsenti

Tarix fanlari falsafa doktori (PhD)

Markaziy Osiyo o'zining boy tarixi va ko'plab davlatlar bilan o'rnatgan madaniy aloqalariga ega. Mazkur hudud birdamlik va bag'rikenglik asosida hamjihat bo'lib yashab kelayotgan xalqlar, millatlar hamda elatlarni birlashtirgan. Xususan, o'zining boy tarixini o'rganishda ushbu maskanda tavallud topib, faoliyat olib borgan allomalarning ilmiy meroslari o'ziga xos ahamiyatga ega. Ularni o'rganishda manbashunoslik, tarixshunoslik, huquqshunoslik hamda dinshunoslik nuqtai-nazaridan yondashish uning tarixini turlicha va atroflicha o'rganishga imkoniyat yaratadi. Buyuk ipak yo'lida joylashgan mazkur hududda ilm-fan va madaniyat doirasida faoliyat olib borgan Marg'iloniylar, Buxoriylar, Farg'oniylar, Termiziylar, Keshiylar, Axsikatiylarning astronomiya, tarix, geografiya, odob-axloq, fizika, kimyo, astronomiya hamda islom ilmlari doirasidagi turli yo'nalishlarga oid fan tarmoqlariga katta hissa qo'shganlar. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev ta'kidlaganidek: «tarixiy merosni asrab-avaylash, o'rganish va avlodlardan avlodlarga qoldirish ham davlat siyosatining eng muhim ustuvor yo'nalishlaridan biridir³⁶⁰». Bugungi kunda olib borilayotgan islohotlar hamda allomalar ilmiy merosini o'rganish, tadbiq etish va tarjima qilish ishlarini rivojlantirish doirasida Imom Buxoriy xalqaro limit-tadqiqot markazi, Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi, Hadis oliy maktabi hamda O'zbekistondagi islom sivilizatsiyasi markazi faoliyatiga katta e'tibor qaratilmoqda. Shuningdek, joriy yilning oktyabr oyida Imom Termiy tavalludining 1200 yilligini keng nishonlash maqsadida 15-avgust mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyev PQ-292-sonli O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarorini imzoladi.

Unga ko'ra, 2024 yil oktyabr oyida Imom Termiziy tavalludining 1200 yilligi keng nishonlanadi. Tadbirni yuqori saviyada nishonlash bo'yicha bir qator chora-tadbirlar dasturi tasdiqlandi hamda mazkur dastur ijrosini ta'minlash bir necha davlat muassasalariga yuklatildi. Mazkur dastur doirasida Imom Termiziyning «Ash-Shamoil al-Muhammadiyya» va «Sunani Termiziy» asarlarini moturidiylik aqidasi va hanafiylik mazhabiga tayangan ko'p jildlik akademik tarjima va sharhini tayyorlash hamda ularni nashr etish, 2024 yil oktyabr oyida Toshkent shahrida «Islom – tinchlik va ezgulik dini» mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya hamda konferensiya doirasida Termiz shahrida «Imom Termiziy ilmiy merosining

³⁶⁰Mirziyoyev Sh. Islom hamkorlik tashkiloti Tashqi ishlar vazirlari kengashi 43-sessiyasining ochilish marosimidagi nutqi // Xalq so'zi, 2016, 19-oktyabr.

islom sivilizatsiyasida tutgan o'рни» mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy anjuman o'tkazish, 2024 yil sentyabr-oktyabr oylarida Termiz davlat universiteti va O'zbekiston xalqaro islom akademiyasida «Termiziy allomalarning ilmiy-ma'naviy merosi: o'tmish va bugun» mavzusida respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi hamda Imom Termiziy hayoti va ilmiy faoliyatiga oid ilmiy maqolalar tanlovini o'tkazish kabi ishlar³⁶¹ ko'zda tutilgan.

Ilm-fan rivojiga ulkan hissa qo'shgan buyuk ajdodlarimizning benazir merosini ilmiy asosda chuqur o'rganish bugungi kunning muhim masalalaridandir. Markaziy Osiyo zamini azal-azaldan ulug' allomalar, aziz-avliyolar vatani bo'lib kelganini yurtdoshlarimiz va xalqaro jamoatchilik o'rtasida keng targ'ib qilish kabi buyuk maqsadlar asosida turli loyihalar ham faoliyat ko'rsatmoqda. Bugungi kunda yuqorida zikr qilingan ilmiy tadqiqot markazlari hamda O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik va Tarix institutlari, shuningdek, O'zbekiston xalqaro islom akademiyasida olib borilayotgan loyihalar tarmog'i allomalar asarlarini ilmiy asosda chuqur o'rganish, milliy-diniy qadriyatlarimizni asrab-avaylash va rivojlantirish, shu asosda yosh avlodni ezgu g'oyalar ruhida tarbiyalashdek ulug'vor maqsadlarga xizmat qilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti fondida 26000 jildga yaqin qo'lyozma saqlanmoqda. Ularning ko'pchiligida bir qancha asarlar jamlangan. Toshbosma va nashr etilgan kitoblarning umumiy soni 40000 ga yaqin jildni tashkil etadi. Ular O'rta Osiyo, shuningdek, Sharq mamlakatlari – arab davlatlari, Afg'oniston, Pokiston, Turkiya, Xitoy, Eron, Hindiston tarixini o'rganishda o'ta muhim ahamiyat kasb etadi. Shuningdek, Institutning qo'lyozmalar xazinasida 10 mingga yaqin tarixiy hujjatlar ham saqlanadi. Qo'lyozmalar majmuasidagi asarlar o'zbek, arab, fors, tojik, urdu, pushtu, ozarbayjon, turk, tatar, turkman, uyg'ur va boshqa sharq xalqlari tillarida yozilgan. Mazkur asarlar o'rta asr va undan keyingi davrlar fanining turli tarmoqlariga, ya'ni tarix, adabiyot, falsafa, huquq, falakiyot, kimyo, tabobat, jug'rofiya, dorishunoslik, til, musiqa, matematika, ma'danshunoslik va boshqa sohalarga oid³⁶². Hozirgi kunda mazkur dargohda saqlanayotgan qo'lyozma va toshbosma asarlarni tadqiq etish maqsadida dunyoning turli mamlakatlaridan olimlar hamda tadqiqotchilar tashrif buyurmoqdalar. Yurtimizda faoliyat olib borayotgan qo'lyozmalar fondlari, muzeylar eksponatlari manbashunos, muzeyshunos hamda sharqshunos tadqiqotchilarning tadqiqot mavzusiga xizmat qilmoqda. Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, bugungi kunda berilayotgan imkoniyatlardan keng foydalangan holda allomalimizning ilmiy merosini yanada keng o'rganish yurtimiz tarixiga va turizm faoliyatiga katta hissa qo'shadi.

* * *

³⁶¹ <https://www.lex.uz/uz/docs/-7073285>

³⁶² <https://beruni.uz/en-ca/tuzilma/institut-tarixi2.html>

**ABU MANSUR MOTURIDIY YASHAGAN DAVRDA
MO‘TAZILIYLIK VA QARMATIYLIK HARAKATLARINING
KUCHAYISHI**

**RISE OF MU‘TAZILISM AND QARMATIAN MOVEMENTS
DURING THE TIME OF ABU MANSUR MATURIDI**

Sodiqov Jo‘rabek Sobirboyevich,
O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi
“Islomshunoslik va islom sivilizatsiyasini o‘rganish ICESCO”
Dots.v.b., islomshunoslik fanlari PhD

IX–X asrlarda qadimgi yunon falsafasining chuqur ўrgанилиши va islom oламида кенг ёйилиши ҳам эътиқодий масалаларни мантикий асослаш зарурат туғдирарди. Ана шундай шароитда икки томонни: нақл ва ақлни, мантиқ ва шариатни ўзаро жамлай оладиган уламоларга катта эҳтиёж сезилди. Мотуридий илмий фаолиятида мўътазилийликка қарши раддияларнинг салмоқли ўрин эгаллашини ҳам айнан мана шу – икки эътиқод вакиллари ўртасидаги ғоявий курашнинг яққол ифодаси дейиш мумкин.

Имом Абу Мансур Мотуридий ва у зотнинг асҳоблари билан бир қаторда ушбу диёрдан ислом тарихидаги машҳур мутакаллимлардан яна икки киши етишиб чиқди. Улар: Абу Зайд Балхий (ваф. 322/934 й.) ва Абул Қосим Каъбий (ваф. 329/941 й.) ҳисобланади. Мотуридий ўз тафсирида иккаласининг қарашларини ҳам келтиради. Айниқса, Каъбийга кўп тўхталади ва унга раддия сифатида алоҳида асарлар ҳам ёзган.

Мўътазилийликнинг мазкур икки олими яшаган даврлари ҳам айнан Мотуридийникига мувофиқ келади. Шу асосда айтиш мумкинки, ушбу олимларнинг қарашлари Мотуридий яшаган муҳитга ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаган. Шу боис аллома уларнинг қарашларига батафсил раддиялар берган ва бу орқали мусулмон оммасини уларнинг таълимотларига эргашиб кетишликдан тўсишга интилган.

Мотуридийнинг ўз тафсирида Абул Қосим Каъбий қарашларига кўп тўхталганлигининг боиси унинг мўътазилийлик руҳида ёзилган “ат-Тафсир ал-кабир”³⁶³ номли тафсири бўлиши мумкин. Шунингдек, унинг Мотуридий асарларига ном жиҳатидан ўхшаш “ал-Мақолот” ва “ал-Жадал” номли асарлари ҳам бўлган³⁶⁴. Демак, Мотуридийнинг “Китоб ал-мақолот” ва “Китоб ал-жадал фи усул ал-фикҳ” асарлари ҳам Каъбийнинг юқоридаги икки асарига раддия сифатида ёзилган бўлиши мумкин. Шу омилларга асосан айтиш мумкинки, Мотуридий яшаган даврда Мовароуннаҳрда

³⁶³ Қаранг: Шамсуддин Заҳабий. Сияру-л-аълум ан-нубало. – Байрут: Муассаса ар-рисола, 1983. – Ж. XIV. – Б. 313.

³⁶⁴ Ўша манба. Ўша ерда.

мўътазилийлик ғоялари, хусусан, Каъбийнинг асарлари ва қарашлари кенг ёйилган эди.

Мазкур даврда Ироқда яна бир етук аҳли сунна олими Абул Ҳасан Ашъарий етишиб чиқди. Шу икки уламнинг саъй-ҳаракатлари сабаб аҳли сунна эътиқоди вакиллари мўътазилийлик ғоялари хуружига тўлиқ барҳам бера олди.

Сомонийларнинг шиаликка бўлган мойилликлари ва шиаликни тарғиб қилишга бўлган ҳаракатлари кўпчилик тарихий асарларда яхши ёритилмаган. Бу ҳақда яқин даврда яшаб ўтган ва ислом тарихига оид кўплаб изланишлар олиб борган суриялик машҳур тарихчи Маҳмуд Шокир (1932-2014) қуйидагиларни айтади:

“Сомонийлар давлати исмоилийликка мойил эди. Ўша даврда Ислом оламидаги кўпчилик давлатлар шиаликни даъво қиларди. Шиа тарафдорлари ичида ҳамадонийларга ўхшаб ғулувга кетганлари, бувайҳийлар сингари нисбатан мўътадиллари бор эди. Шу каби, улар орасида обидийлар каби яҳудийча асосларга эга тоифалар, қарматийлардек мажусийлик ғояларига ўхшаш ақида эгалари ҳам мавжуд бўлган”³⁶⁵.

Бу омил Мотуридий илмий фаолиятига ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Аллома тафсирида шиалик туркумига кирувчи рофизийлик, ботинийлик, имомийлик ва қарматийлик каби фирқалар эътиқодларига алоҳида тўхталиб, улар билан илмий мунозаралар олиб борганлигини кўриш мумкин.

Ушбу даврда бутун ислом оламида катта таъсирга эга бўлган бўлган шиаликка оид ҳаракатлардан бири қарматийлик³⁶⁶ эди. Уларнинг фаолияти Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳам катта сиёсий воқеаларга сабаб бўлди.

Машҳур рус шарқшуноси В.Бартольд классик араб тарихчиси Ибн Асир маълумотларига таянган ҳолда қуйидагиларни айтади:

“Фотимийлар халифалигининг ташкил топиши билан (X аср бошларида) шиалик тарғиботи сезиларли даражада ошди. Фотимийлар юборган тарғиботчилардан Хуросонда Ҳусайн ибн Али Марвазий ва унинг давомчиси Муҳаммад ибн Аҳмад Нахшабий (ёки Насафий) фаол иш олиб бордилар. Устозининг васиятини бажо келтирган Нахшабий ўз фаолиятини Мовароуннаҳрга кўчирди ва аввало ўзи туғилган шаҳар Насафда, кейин эса пойтахт (Самарқанд)да муваффақият қозонди. У бир неча зодагонларни ўз динига киритишга муваффақ бўлди... Шундан сўнг улар орқали Нахшабий саройга кириш ҳуқуқини қўлга киритди ва тез орада амирнинг ўзи (яъни, сомонийларнинг ўша пайтдаги ҳукмдори Наср II ибн Аҳмад) ҳам қарматийга айланди”³⁶⁷.

³⁶⁵ Маҳмуд Шокир. ат-Тарих ал-исломий. – Байрут: ал-Мактаба ал-исломия, 2000. – Ж. VI. – Б. 143.

³⁶⁶ Қарматийлик – Ҳамдон ибн Ашъас исмли шахс томонидан асос солинган диний-сиёсий ҳаракат. У бўйи пастлиги сабаб “Қармат” (“майда, калта”) деган лақаб олган. Қаранг: Моний ибн Ҳаммод Жуханий. ал-Мавсуа ал-муяссара. – Ар-Риёд: Дор ан-надва, 1997. – Ж. I. – Б. 381.

³⁶⁷ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия / Сочинения. – Москва: Издательство восточной литературы, 1963. – Ж. I. – Б. 303.

Бу воқеалар юз берган йилларга эътибор қаратилса, айнан Мотуридийнинг олим сифатида етишган даврига тўғри келади. Шу сабаб аллома ўз асарларида, юқорида айтиб ўтилганидек, шиаликка, шу жумладан қарматийликка қарши раддияларга катта эътибор қаратди. Бизгача етиб келмаган бўлса-да, манбаларнинг кўрсатишича, Мотуридий ушбу фирқага раддия сифатида “ар-Радд алал-қаромита” номли алоҳида китоб ҳам ёзган.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, Мотуридий яшаган даврдаги ақидавий ихтилофларда нақлий манбаларни тушунишдаги адашиш билан бир қаторда сиёсий таъсирлар натижасида фирқаланиш, хусусан, ўша давр ҳукмрон доираларининг сиёсий манфаатлар йўлида маълум тоифаларни қўллаб-қувватлаш ҳолатлари ҳам кўп бўлган.

* * *

MOVAROUNNAHRNING O‘RTA ASRLAR TARIXIGA OID BA’ZI MANBALARNING TARIXSHUNOSLIK TAHLILI

HISTORIOGRAPHICAL ANALYSIS OF SOME MEDIEVAL SOURCES ON THE HISTORY OF MAWARANNAHR

Ziyodulla Zinatullayev,

*O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi
Islom tarixi va manbashunosligi IRCICA
kafedراس dots. v.b., PhD*

Марказий Осиё қадимдан кўплаб босқинларга рўбарў келган минтақадир. Қадимги даврда Аҳамонийлар, сўнг Юнон-македонлар босқинига учраган ушбу ҳудуд ўрта асрларда ҳам қизгин сиёсий жараёнлар марказида бўлиб қолди. Араблар кириб келганидан сўнг мазкур ўлка Мовароуннаҳр деб атала бошлади ва ўрта асрлар сўнгига қадар шу ном билан юритилди. Ислом кириб келгач бу ерда кечган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар араб, форс ва маҳаллий тарихнавислар асарларида ёритилган.

Мазкур даврга оид араб тилида ёзилган илк асарлардан бири “Футуҳ ал-булдон” (“Мамлакатларнинг фатҳ этилиши”) IX асрда яшаган географ ва тарихчи олим Абу Бакр Аҳмад ибн Яҳё Жобир Балозурий (ваф. 278/892-93 й.) томонидан таълиф этилган. “Футуҳ ал-булдон” арабларнинг юришлари ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассам этган қимматли асарлар қаторига киради. Унда бошқа манбаларда йўқ маълумотлар келтирилган. Усмон ибн Аффон (ра, 644-656) ва Хуросон ноиб Абдуллоҳ ибн Амр даврида арабларнинг Мовароуннаҳрга амалга оширган ҳарбий юришлари ва Маймургни эгаллаб, сўнг ортга қайтганлари ҳақидаги маълумотлар фақат шу асарда келтирилгани ҳам унинг алоҳида аҳамиятли манба эканидан далолат беради. “Футуҳ ал-булдон”нинг иккинчи қисмида араблар томонидан шарқда ва шимоли-шарқда олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар тафсилотлари баён

этилган. Асарда фатҳ этилган ҳудудларнинг маданияти, дини, ҳукмдорлари, ижтимоий ва иқтисодий ҳолати, бошқарув тизими, пул-молия сиёсати, хирож йиғими ва бошқа масалалар ҳақидаги қимматли маълумотлар тадқиқот олдига қўйилган вазифаларнинг ижросида муҳим рол ўйнади. Асарнинг юксак илмий аҳамияти ҳақида унинг қисқартирилган таҳрирдаги арабча матни Михаэл Ян де Гуйе (1839-1909 йй.) томонидан 1866 йили Лейден (Голландия)да, инглизча таржимаси П.К.Хитти (1916 йили I жилд) ва Ф.К.Мурготтен (1924 йил II жилд) тарафидан амалга оширилган. Рус тилидаги Хуросон қисмига оид таржимаси *Г.Гоибовга тегишлидир*. “Китоб футуҳ ал-булдон” Ш.Камолиддин томонидан ўзбек тилига ҳам ўгирилиб, 2011 йилда шарҳ ва изоҳлар билан бойитилган ҳолда нашр этилган.

Араб халифалигининг илк даври тарихи билан шуғулланувчи мутахассис учун қомусий олим Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг (839-923) “Тарих ар-русул ва-л-мулук” (“Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи”) асари муҳим манбалардан ҳисобланади. Асарда 912–913 йилларгача Арабистон, Рум (Кичик Осиё), Эрон ва араб халифалиги томонидан забт этилган мамлакатлар билан бир қаторда, Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар хронологик кетма-кетликда йилма-йил баён этилган. Табарий ўз асарида яҳудийлар ва христианларнинг нақл ва ривоятлари (исроилиёт), Сосонийлар (224-651 й.) солномаси “Хвадай намак” (“Подшоҳнома”), Мадоинийнинг (ваф. IX асрнинг иккинчи ярми) “Тарихи хулафо” (“Халифалар тарихи”), Воқидийнинг (747-823 й.) “Китоб ал-мағозий” (“Урушлар ҳақида китоб”), Ибн Тайфурнинг (819-893 й.) “Тарихи Бағдод” (“Бағдод тарихи”) кабилардан кенг фойдаланган.

“Тарих ар-русул ва-л-мулук”нинг тўлиқ ва қисқартирилган таҳрирлари бўлган. Бироқ бизгача фақат қисқартирилган матнгина етиб келган. Уни голландиялик шарқшунос Михаэл Ян де Гуйе 1879–1901 йилларда 15 жилдда нашр этган. Француз тилидаги таржимаси Г.Зотенберг томонидан 1867-1874 йилларда амалга оширилган. Асарнинг форс ва турк тилларидаги таржималари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг қўлёзма нусхалари Санкт-Петербург ва Тошкент кутубхоналарида сақланади. Жумладан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида “Тарих ар-русул ва-л-мулук”нинг араб тилидаги тўртта қўлёзмаси ҳамда форс (инв. №12593, №7322, №7466, №831, №9317), уйғур (№ 9470) ва ўзбек тилларидаги таржималари мавжуд. Асарнинг рус тилидаги қисқартирилган таржимаси В.И.Беляев томонидан 1987 йилда “История Табари” номи билан Тошкентда чоп этилган. Ушбу манбада ислом даврида амал қилган бошқарув тизими, унинг араб халифалиги периферияси, жумладан, Марказий Осиёга трансляцияси жараёнлари ҳақидаги маълумотлар ҳам жой олган.

Мазкур даврга оид қимматли манбалардан яна бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Жарир Наршахий (899–960)нинг “Бухоро тарихи” асаридир. Унда Бухоро ва унинг атрофидаги шаҳарларнинг VII–X асрлардаги иқтисодий, маданий, ижтимоий-сиёсий тарихига оид маълумотлар баён этилган. Шунингдек, асарда арабларнинг Мовароуннаҳр ҳудудига амалга оширган илк ҳарбий ҳаракатлари, кейинчалик минтақанинг Қутайба ибн Муслим

бошчилигида забт этилиши, ҳудудга исломга асосланган бошқарув тизимининг кириб келиши, Мовароуннаҳрдаги дастлабки мусулмон сулола бўлган Сомонийларнинг келиб чиқиши ва улар давлатининг ташкил топиши, бошқарув тизими, қўшни минтақалар билан кечган сиёсий жараёнлар, Муқанна бошчилигидаги халифаликка қарши “Оқ кийимлилар” қўзғолони ва бошқа муҳим воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади.

“Бухоро тарихи” асарининг араб тилидаги асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Бизгача унинг 1128 йилда Кубо шаҳридан бўлган Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср Кубовий (ваф. XII аср) томонидан форс тилига ўтирилган нусхаси етиб келган. 1178–1179 йилларда Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар уни қайта таҳрир қилиб, қисқартирилган баёнини яратган. “Бухоро тарихи”нинг 1819–1820 йилларда Бухорода кўчирилган нусхаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Шунингдек, жаҳоннинг турли шаҳарларида, хусусан, Санкт-Петербург ва Душанбеда ҳам асарнинг қўлёзма нусхалари сақланади.

Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарининг бир қанча қўлёзмалари асосида тайёрланган матни бир неча бор – 1892 йили шарқшунос олим Шарль Чефер (1820–1898) томонидан Парижда, 1904 йили Мулло Султон томонидан Бухорода, 1939 йили Мударрис Ризавий томонидан Техронда нашр этилган. Асарнинг русча таржимасини Н.Лыкошин 1897 йил Тошкентда нашр қилган. Р.Фрайнинг инглизча изоҳли таржимаси 1954 йили Кембрижда чоп этилган.

“Бухоро тарихи”нинг ўзбек тилидаги таржимаси А.Расулов томонидан амалга оширилган бўлиб, 1966 йил Тошкентда нашр этилган. Бу ишга асарнинг Санкт-Петербург, Париж, Бухоро, Душанбе ва Техрон қўлёзмалари матнлари жалб этилган. Қўлёзмаларни ўзаро таққослаш натижасида Техрон нашри таржима учун асос қилиб олинган. Кейинчалик А.Расуловнинг ушбу таржимаси бир неча бор қайта нашр этилди.

* * *

MOTURIDIY VA SAMARQANDIY AQIDAVIY QARASHLARIDAGI TAFOVUT VA MUTANOSIBLIK

DIFFERENCE AND HARMONY IN THE DOCTRINAL VIEWS OF MOTURIDI AND SAMARQANDI

Abduhamidov Muhammadjon Abduhalim o'g'li

*Farg'ona davlat universiteti “Falsafa va milliy g'oya” kafedراسи dotsenti
Islomshunoslik fanlari bo'yicha falsafa doktori*

Sharq biograf olimlar X-XI asrlarda Samarqandda yashab o'tgan barcha ulamolarga e'tibor qaratishgan. O'sha davrda mazkur shaharda yashagan allomalardan ilohiyot mavzusiga ozmi-ko'pmi qiziqish ko'rsatgan bo'lsa, Moturidiy shogirdlari qatoridan joy olgan bo'lishi ehtimoldan xoli emas. Bu

borada Sh.Ziyodov maqolasida: “Ko‘p hollarda mashhur allomalarni Moturidiy bilan bog‘lash ham uchraydi, lekin izchil o‘rganilganda bunga hech qanday tarixiy asos yo‘qligini ko‘rish mumkin. Misol tariqasida “Kitob as-savod al-a‘zam” asari muallifi Hakim Samarqandiyning bir muncha keyin yozilgan manbalarda uni Imom Moturidiyning shogirdi qatoriga qo‘yiladi. Ammo ilk davr manbalarida Hakim Samarqandiy Imom Moturidiyning shogirdi ekani tasdiqlanmaydi”, – degan fikrni beradi. Lekin shu maqolani o‘zida Hakim Samarqandiy Moturidiyning izdosh-shogirdlari qatorida sanab o‘tiladi³⁶⁸.

Umuman olganda, har ikki olim ham turli oqim va yo‘nalishlarga ajrab ketgan islom jamoasini birlashtirishga harakat qilishgan. Ikkalasi ham, ularning asarlaridan namoyon bo‘lganidek imon, Allohning sifatleri, insonning xatti harakatlari kabi fundamental mavzularda bir xil fikrda bo‘lishgan. Shu holatda ular Moturidiylikning dastlabki asos qoidalarini shakllantirishgan. Ularning asarlarini qiyosiy jihatdan o‘rganib chiqish ushbu masalaga oydinlik kiritishda xizmat qilishi mumkin. Ushbu taqqoslash quyidagi mavzularni o‘z ichiga oladi:

Imon, ilohiy sifatlar, husni xulq, hukmronlik masalalari, Alloh va inson harakatlari o‘rtasidagi bog‘liqlik, imonda istisno masalasi.

Moturidiy fikriga ko‘ra, istisno, bir so‘z bilan aytganda “Agar Alloh istasa, men imon keltirganman”, deyish joiz emas, chunki, bu musulmonlarning bir qismini ikkilantirib qo‘ygan, va Alloh bu haqda ogohlantirgan “Haqiqiy imon keltirganlar Alloh va uning rasuliga ishonuvchilardir, keyinchalik bu haqda ikkilanganlar emas”. Imon vaqtinchalik narsa emas, u o‘zgarmas; shuning uchun ham bu borada istisno qilishga yo‘l qo‘yilmaydi. Istisno guvohlikni va va‘dalarni bekor qilishi mumkin; u imon bilan ham shunday qilishi mumkin. Istisno odatda bir kishining duolari amalga oshmagan vaqtda sodir bo‘lishi mumkin, biroq bu bu holat qabul qilinmaydi. Chunki kimdur Allohga chin ko‘ngildan ishonmasa, u Allohga imon keltirmagan holda undan biror nima so‘ray olmaydi. Moturidiy boshqa bir dalilni ilgari suradi, ya‘ni agar kimdir istisnoni talaffuz qilish orqali, u umuman olganda imonga nisbatan shubhasi borligini ifodalamaydi, chunki Alloh Qur‘onda istisnoni aytib u bilan bog‘liq bo‘lgan hech qanday shubhali narsani aytmagan. Bunga “Fath” surasi 27-oyati dalil bo‘ladi:

لَتَدْخُلَنَّ الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ إِنْ شَاءَ اللَّهُ آمِنِينَ مُحَلِّقِينَ رُءُوسَكُمْ وَمُقَصِّرِينَ لَا تَخَافُونَ

“Masjidul-haromga emin-erkin, boshlaringizni (sochlaringizni) qirdirgan va (yoki) qisqartirgan hollaringizda qo‘rqmasdan kirursiz, inshaalloh”³⁶⁹. Muhammad (s.a.v) boshchiligidagi musulmonlar muqaddas masjidga kirishi Alloh tomonidan nozil qilingan istisno orqali ma‘lum bo‘lgan. Moturidiy ushbu taklifga quyidagicha javob qaytargan: ushbu dalil mashhur emas chunki Alloh aniqlik bilan biror aniq dalil haqida aytganda “balki”, “bo‘lishi mumkin”, “bo‘lgan bo‘lar edi” degan so‘zlarni ishlatgan. Bundan tashqari, Alloh Muhammad (s.a.v.)ga va‘da berayotgan vaqtda istino aytishni o‘rgatgan bo‘lishi mumkin. Alloh: “Hech narsani “hudo

³⁶⁸ <https://moturidiy.uz/oz/news/183>; <https://www.bukhari.uz/?p=22520&lang=oz>

³⁶⁹ Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изохлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 514.

hohlasa”ni qo’shmasdan turib men ertaga bajaraman deb aytma”, Men bajaraman, men kiraman ham xuddi shunday ma’noni anglatadi.

Boshqa tomondan Hakim Samarqandiy o’z ustozining misoliga ergashgan. U aytadiki, hech kim boshqa birovning imoniga shubha bilan qaramasligi kerak, chunki, “Hujurot” surasi 15-oyatida:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ ثُمَّ لَمْ يَرْتَابُوا

“Haqiqiy mo’minlar Alloh va uning payg’ambariga imon keltirib, so’ngra shubha qilmagan...”³⁷⁰, deyiladi. Ba’zi huquqiy tamoyillarda (ahkomlar) agar kishi o’zining xotiniga, “Agar Alloh istasa sen ajrashasan”, yoki o’zining quliga “Agar Alloh istasa, sen ozodsan” deb aytsa, hech qanday bog’lanish sodir bo’lmaydi, chunki bu barcha qoidalarni asossiz qilib qo’yadi, va imonni zaiflashtirish bilan barobar.

Imon – dil bilan tasdiqlash va til bilan isbot qilishdir.

Moturidiy dil bilan tasdiqlashga til bilan aytishdan ko’ra ko’proq urg’u bergan. Olim “Kitob at-Tavhid” va “Kitob at-Ta’vilot” asarlarida dil bilan tasdiqlashga ko’proq e’tibor qaratgan. Mantiqiy nuqtai nazardan, Moturidiy dinlarga e’tiqod qilish masalasida tortishadi. Kishi boshqa bir kishining qalbiga ishonadi, tiliga emas, boshqa bir kishini esa tili bo’lmasa ham u Alloh va payg’ambarlarga ishonadi.

Kim imonni tili bilan tasdiqlasa, Moturidiylikka ko’ra, unga musulmonga qilinadigan munosabatda bo’linadi. Hakim Samarqandiy ham Moturidiyning fikriga qo’shiladi, biroq u imonni til bilan tasdiqlashga Moturidiydan ko’ra ko’proq e’tibor qaratadi.

U til qalbsiz hech qanday qiymatga ega emasligini aytadi. Imonni qalbdagi Alloh haqidagi bilim deb ataydi. Bu monoteizm (tavhid)dir. Shunga qaramasdan, Samarqandiy fikriga ko’ra, kimki Allohni qalbida tasdiqlab ammo tilida aytmasa u kofir hisoblanadi.

Gunoh qiluvchi mo’minni Moturidiy va Samarqandiy gunohkor, hatto u og’ir gunohlar qilsa ham mo’min deb hisoblanadi degan fikrda ittifoq qilishgan. U majoziy mo’min yoki Mutaziliylar aytganidek imon va e’tiqodsizlik orasidagi bosqichda emas. Moturidiyning aytishicha, ushbu jamoa kishilari gunohkorlarni ajratib qo’yishgan; ular gunohkorlarga kofir, politeist na musulmon na kofir, ikkiyuzlamachi, fosiq degan tamg’a qo’yishgan. Moturidiy fikricha, ushbu jamoa ichidan bo’lgan kishilar og’ir gunoh sodir etgandan so’ng tavba qilishsa kechirishgan. U gunohkor kishilarni kofir deb atashdan bosh tortgan, chunki kufr so’zining arab tilidagi odatiy ma’nosi takziyb (ishonmaslik) so’zi bilan bir xil ma’noda qo’llaniladi. Ya’ni og’ir gunohni sodir etgan kishi takziyb (ishonchsizlikni namoyon qilmaydi), chunki u Allohga ishonadi, o’zining kechirilishiga umid qiladi hamda jazolanishdan qo’rqadi. Shuning uchun ham ularni kofir deyish xato bo’ladi.

Alloh gunohkorlarni ham mo’minlar deb atagan va ular gunoh ishlarni sodir etganda ham ularni bu nomdan mahrum qilmagan. Bunga “Nur” surasining 31-oyati dalil bo’ladi:

³⁷⁰ Ўша асар. – Б. 517.

وَتُوبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَا الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

“Barchangiz Allohga tavba qiling, ey mo‘minlar. Shoyad, (shunda) najot topsangiz”³⁷¹ oyatida Alloh ularni tavba qilishga buyurdi.

Hakim Samarqandiy ustoz bilan bir xil qarashni ilgari suradi. U shunday deydi, hech bir musulmon kishi boshqa musulmonlarning oldida biror kimni garchi u gunoh ish qilgan bo‘lsa ham kofir demasligi kerak. Imon keltirgan kishi garchi u gunoh ish qilgan bo‘lsa ham kofir deb atalmasligi kerak. Buning qiyosi shuki, kofir bo‘ysunishning barcha amallarini bajargani bilan mo‘min bo‘lmagani kabi. Alloh gunohkor kishini agar u gunohi orqali e’tiqodini yo‘qotgan bo‘lsa ularni mo‘minlar deb atamagan. Agar gunohkorlar imonini yo‘qotganida Alloh ey kofirlar, tavba qiling degan bo‘lar edi.

Bular Moturidiy hamda Hakim Samarqandiyning imon masalalariga bog‘liq bo‘lgan ba’zi fikrlarining o‘xshashligi to‘g‘risidagi dalillar edi. Bu dalillar bilan bir qatorda, kishi ularning asarlarida imon masalasiga bog‘liq bo‘lgan boshqa dalillarni ham uchratishi mumkin. Imon mustaqil harakat hisoblanadi, og‘ir gunoh sodir etgan mo‘min kishi agar tavba qilmasa jaxannamda abadiy qoladi va boshqa shu kabi nuqtalarda ularning fikrlari bir-birinikiga mos keladi.

Moturidiy hamda Samarqandiy ilohiy sifatlar masalasida hamfikir bo‘lib, mu’taziliylarga qarshi kurashishgan. Mu’taziliylar Alloh yagona, abadiy, mutlaq, noyob mavjudot, uning sherigi yo‘q va bir nechta bo‘lishi mumkin emas degan g‘oyani ilgari surishgan. Shuningdek, Allohga mohiyatidan tashqarida bo‘lgan sifatni nisbat berishni rad etishgan. Boshqa tomondan esa, mushabbihaga qarshi turishgan, bu toifa Allohning Qur’onda keltirilgan sifatlarini olib, haqiqiy ma’nosiga nisbat berishgan.

Moturidiy Mu’taziliylarning fikrlarini rad etgan, u Allohga sifat berish foydasiz deb aytgan va shundan so‘ng Allohga nisbat berilishi mumkin bo‘lgan barcha ma’nolaridan voz kechish kerak, – degan qarashni ilgari surgan.

Shuni qo‘shimcha qilish mumkinki, bir kishi “Alloh aqli” deganda, boshqa bir kishi U donolik sifatiga ega degan xulosaga keladi. Shuning uchun, kishi Allohga biror sifatni nisbat berayotgan vaqtida uning xususiyatlaridan kelib chiqib nisbat berishi kerak bo‘ladi va bu nisbat mushabbihalar aqidasiga mos bo‘lib qolmasligi kerak. Chunki kishi Allohning yagonaligiga qattiq ishonishi va bir tomondan tanziyh hamda boshqa tomondan esa muxolafa qoidalariga rioya qilishi kerak.

Tanziyh qoidasi shuki, Allohning barcha nisbatlarini U va insonlar o‘rtasida o‘xshashlikka olib kelishi mumkin bo‘lgan barcha fikrlardan xoli bo‘lishi kerak, muxolafa qoidasiga ko‘ra esa kishi Allohga nisbat qilib beriladigan barcha xususiyatlarni uning yagonaligi sifatidan kelib chiqqan holda tushunishi kerak. Masalan, “Alloh bilib turibdi” deyilganda, Allohning bilishi bandaning bilish o‘rganish kabi xususiyatlari bilan bir xil emasligini anglash lozim.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, yuqoridagilar Moturidiy va Hakim Samarqandiy shakllantirgan ba’zi g‘oyalar bo‘lib, ular o‘z yetakchilari Imom Abu

³⁷¹ Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 353.

Hanifaning izidan borib Samarqandda aqida maktabiga asos solishgan hamda bir necha asrlar o'tib bu maktab Moturudiya maktabi deb atala boshlagan.

* * *

IMOM BUXORIYNING JARHGA DOIR ATAMALARNI QO'LLASH METODI TAHLILI

IMAM BUKHARI'S METHOD OF USING TERMINOLOGIES IN *JARH*

To'rayev No'monjon Nasibjonovich,

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi

Islomshunoslik va islom sivilizatsiyasini o'rganish

ICESCO kafedrasi dotsenti, PhD

“ат-Тарих ал-кабир”да жарҳ ва таъдилга оид кўплаб иборалар учрайди. Жумладан, жарҳга оид: منكر الحديث – (мункар ал-ҳадис – ҳадиси инкор этилган), متروك الحديث (матрук ал-ҳадис – ҳадиси тарк этилган), سكتوا عنه (сақату ъанҳ – у ҳақда сукут қилишган), فيه نظر (фийҳ назар – у ҳақда шубҳа бор), يتكلمون فيه (ятакалламуна фийҳ – у ҳақда салбий нарсаларни айтишган), ليس بالقوي (лайса бил-қавий – кучли эмас), ليس بذاك (лайса бизака – бундай эмас), عندہ ضعیف (заиф – ишончли эмас), ليس بشيء (лайса бишай – ҳеч нарса йўқ), عندہ صاحب عجائب (ъиндаху ажоиб, соҳиб ажоиб – унинг ажоиб ривоятлари бор) ҳамда ذاهب الحديث (зоҳиб ал-ҳадис – ҳадиси тарк этилган) каби атамалар ишлатилгани ҳолда, таъдилга оид: ثقة (сиқа – ишончли), صدوق (содуқ – ишончли, тўғрисўз), ثبت (сабт – собит, адолат ва забт соҳиби) каби иборалар қўлланилган.

Муаллифнинг жарҳга оид методи ҳамда у тутган йўлнинг бошқа муҳаддислар томонидан эътироф этилиши масаласини ўрганишда асарда ишлатилган жарҳга оид атамаларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу мақсадда мақолада асарда ишлатилган жарҳга оид биргина атаманинг муаллиф томонидан ёзилган “ат-Тарих ал-авсат” ҳамда “аз-Зуафо ас-сағир” асарларида такрори ҳамда ушбу атама билан жарҳ этилган ровийлардан ҳадис тўпламларида ривоятлар келгани масаласи ўрганиб чиқилади.

Имом Бухорий томонидан ровийларни жарҳ этишда ишлатилган атамалардан бири “такаллама фий” (бирор ким ёки нарса ҳақида салбий фикрларни айтмоқ) ибораси бўлиб, асарда “ятакалламуна фийҳи” шаклида 23 марта, “ятакалламу фийҳ” шаклида 12 марта, “такаллама фийҳи” шаклида эса 4 марта, жами 39 марта жарҳ этилган ровийларга нисбатан ишлатилган.

Ушбу атама ҳадис истилоҳи сифатида ровий жарҳини англатиб, унинг “заиф” эканини таъкидлаш учун ишлатилади. Заҳабий (ваф. 748/1348) ва Ироқийлар (ваф. 826/1423) наздида жарҳнинг 5-даражаси бўлган ушбу атама Саҳовий (ваф. 902/1497), Суютий (ваф. 911/1565) ҳамда Синдийлар

томонидан 6-даражага қўйилган. Саховий ушбу атама билан жарҳ этилган ровийнинг ҳадиси эътиборга олинишини айтади³⁷².

Қуйида ушбу атама билан жарҳ этилган ровийлардан 10 тасини юқоридаги шарт ва асарлар асосида тадқиқ қилиниб, Имом Бухорийнинг жарҳга оид методологияси очиб берилади.

№	Ровий	Ат-Тарих ал-кабир	ат-Тарих ал-авсат	аз-Зуафо ас-сағир
Ятакалламуна фийҳи				
1.	Абу Саҳл Муҳаммад ибн Солим Куфий	1/105/296	2/52	323
2.	Муҳаммад ибн Имрон Ахнасий	1/202/625 Мункар ал-ҳадис		
3.	Исҳоқ ибн Ҳорис Куфий	1/384/1229		22
4.	Айюб ибн Сувайд Абу Масъуд Ҳимарий Шайбоний	1/417/1333		
5.	Умайя ибн Язид Қураший Шомий	2/10/1522		
6.	Анас ибн Ҳорис	2/30/1583		
Ятакалламу фийҳи				
7.	Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Масмул	1/97/267		321 (мункар)
8.	Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Байламоний	1/163/484	2/109	329 (Ҳумайдий “заиф” дерди)
9.	Муҳаммад ибн Яъло Саламий Куфий	1/268/861	2/318	341
Такаллама фийҳи				
10.	Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Нужайх Абу Жаъфар	5/62/148	2/216	183

Жадвалдан маълум бўладики, ушбу 10 ровийнинг 4 таси (40%) “ат-Тарих ал-авсат”да, 6 таси (60%) “аз-Зуафо ас-сағир” асарида, 4 таси (40%) ҳар иккисида ҳам жарҳ этилган. Демак, ушбу атама билан жарҳ этилган ровийларнинг аксарияти “аз-Зуафо ас-сағир”да ҳам зикр этилган. Шу билан бирга, ушбу 10 та ровийнинг 3 тасига нисбатан нисбатан жиддий саналган жарҳ иборалари (“мункар”, “заиф”) ҳам қўлланган. Бундан, ушбу атамани Имом Бухорий ривояти қабул қилинмайдиган ровийларга нисбатан ишлатган, деган фараз ўртага чиқади.

Асарда шунингдек, мазкур ровийлардан 3 таси: Муҳаммад ибн Имрон Ахнасий³⁷³, Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Байламоний³⁷⁴ ҳамда Муҳаммад ибн Солим Куфий ҳақида “Ибн Муборак ундан қайтарарди” иборалари ҳам ишлатилганини кўриш мумкин. Ушбу изоҳлар ҳам юқоридаги фаразни қувватлайди.

Қуйида мазкур ровийлардан машҳур ҳадис китобларида ривоятлар

³⁷² Қаранг: Саховий, Муҳаммад ибн Абдурахмон. Фатҳ ал-муғис бишарҳ алфия ал-ҳадис лил-Ирокий. Миср: Мактаба ас-сунна, 2003. – Ж. 2. – Б. 125.

³⁷³ Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-кабир. Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмонийя, нашр йили кўрсатилмаган. – Ж. 1. – Б. 202.

³⁷⁴ Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-кабир. Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмонийя, нашр йили кўрсатилмаган. – Ж. 1. – Б. 163

келтирилганилиги масаласини кўриб чиқиш орқали ушбу фаразнинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканини аниқланади. Улар:

- Абу Саҳл Муҳаммад ибн Солим Куфийдан Имом Доримий “Сунан”да³⁷⁵ ҳамда Термизий “Сунан”да³⁷⁶, Байҳақий “ас-Сунан ал-кубро”да³⁷⁷ мерос бобида ривоятлар келтиришганини кўриш мумкин;

- Муҳаммад ибн Имрон Ахнасий “ятакалламу фийҳ” ибораси билан жарҳ этилган ровийлардан бўлиб, асарда шунингдек, “мункар ал-ҳадис” ибораи билан ҳам жарҳ этилган. Машҳур ҳадис тўпламларида ундан ҳадис ривоятлари келтирилмагани аниқланди. Бу унга нисбатан билдирилган “ятакалламу фийҳ” атамаси билан эмас, балки “мункар ал-ҳадис” атамаси билан боғлиқ бўлиши мумкин;

- Исҳоқ ибн Ҳорис Куфийдан Ҳокимнинг “Мустадрак”ида 1 та ривоят келтирилиб, унинг исноди саҳиҳ экани, икки шайх эса ундан ривоят келтиришмагани алоҳида таъкидланади³⁷⁸;

- Айюб ибн Сувайддан Ибн Можжа “Сунан”да “Байт ал-мақдис”да намоз ўқиш ҳақидаги боб”да ундан ривоят келтириб, уни шарҳламайди³⁷⁹. Термизий “Сунан”да “Фотиҳа сураси боби”да 2 ўринда келтирган 1 та ривоятни шарҳлаб, унинг айнан шундай лафзда Айюб ибн Сувайддангина ривоят қилингани ҳамда ҳадиснинг ҳукми “ғариб” эканини таъкидлайди. Аммо, ровийнинг жарҳ ва таъдилдаги мартабасини очиқламайди³⁸⁰. Насоий “Сунан”да “Жумъа кунги дуо мустажоб бўладиган соат ҳақида”ги бобда 1 та ривоят келтириб, ушбу ровийнинг “*матрук ал-ҳадис*” эканини алоҳида таъкидлайди³⁸¹. Ҳоким “Мустадрак”да 8 ўринда ундан ривоят келтириб, улардан 1 тасида ровийнинг Айюб ибн Сувайднинг икки шайх томонидан ҳужжат сифатида қабул қилинмаганини таъкидлайди³⁸²;

- Умайя ибн Язид Қураший ҳам мазкур тарзда жарҳ этилган ровийлар қаторига киради. Ҳадис тўпламларини кўздан кечирилганда, “тўққиз китоб” таркибига кирган тўпламларда ривоятлар келмаган бўлса-да, бошқа тўпламларда бир қанча ривоятлар келтирилганини кўриш мумкин.

³⁷⁵ Доримий, Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Фазл Доримий Тамимий Самарқандий. Сунани Доримий. САП: Дор ал-муғна ли ан-нашр ва ат-тавзий, 2000. – Ж. 4. – Б. 1906, 1935, 1936.

³⁷⁶ Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо. Сунан. Миср: Мустафо Бобий Ҳалабий, 1975. – Ж. 3. – Б. 492. – Ж. 4. – Б. 421. Термизий ушбу ривоятларнинг бошқа турукдан марфуъ даражасига етмаганини таъкидлайди.

³⁷⁷ Байҳақий, Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Хусравжирдий Хуросоний. Ас-Сунан ал-кубро. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2003. – Ж. 6. – Б. 356, 361, 370, 378, 393, 419 ва бошқа ўринлар.

³⁷⁸ Ҳоким Найсобурий, Абу Абдуллоҳ Ҳоким Муҳаммад ибн Абдуллоҳ. Ал-Мустадрак ғала ас-Саҳихайн. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1990. – Ж. 4. – Б. 147.

³⁷⁹ Ибн Можжа, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид Қазвиний. Сунани Ибн Можжа. Ҳалаб: Дор ихё ал-кутуб ал-ғарабийя, нашр йили кўрсатилмаган. – Ж. 1. – Б. 452.

³⁸⁰ Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо. Сунан. Миср: Мустафо Бобий Ҳалабий, 1975. – Ж. 3. – Б. 492. – Ж. 5. – Б. 35-36, 185.

³⁸¹ Насоий, Аҳмад ибн Шуайб ибн Али Хуросоний Насоий. Ас-Сунан ас-суғро. Ҳалаб: Мактаба ал-матбуот ал-исломийя, 1986. – Ж. 3. – Б. 115.

³⁸² Қаранг: Ҳоким Найсобурий. Ўша манба. – Ж. 1. – Б. 350, 626, 658, – Ж. 2. – Б. 53, 150, 216, 231, – Ж. 4. – Б. 248.

Жумладан, Исҳоқ ибн Роҳавайҳнинг “Муснад”ида 1 та³⁸³ ривоят келтиради;

- Анас ибн Ҳорисдан ҳадис тўпламларида ривоятлар учратилмади;

- Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Масмуддан ҳадис тўпламларида бир қанча ривоятлар келганини кўриш мумкин. Жумладан, Ҳоким “Мустандрок”да ундан 3 та ривоят келтириб, уларнинг 2 тасининг исноди саҳиҳ экани, аммо “икки шайх” уни ривоят қилишмаганини таъкидлайди³⁸⁴. Байҳақий эса, “ас-Сунан ал-кубро”да ундан 1 та ривоят келтириб, Муҳаммад ибн Сулаймоннинг Ҳумайдийнинг у ҳақда салбий гапларни айтганини ҳамда ундан суяниш мумкин бўлган ривоятлар келтирилмаганини таъкидлайди³⁸⁵;

- Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Байламанийдан ҳадис тўпламларида бир қанча ривоятлар келтирилган. Жумладан, Ибн Можжанинг “Сунан”ида “шуфъа” ҳақида 2 та ва “фитна” бобида 1 та жами 3 та³⁸⁶ ривоят келтирилган. Ҳоким “Мустандрок”да ушбу ровийдан 1 та ривоят келтириб, уни икки шайх ҳужжат сифатида қабул қилишмаганини таъкидлайди³⁸⁷. Дорақутний эса, “Сунан”да ундан “масҳнинг уч маротаба қилиниши”, “маҳр” ҳамда ҳадисларнинг бошқаларини насх қилиши тўғрисида 3 та ривоятлар келтиради³⁸⁸;

- Муҳаммад ибн Яъло Саламий Куфийдан ҳадис тўпламларида кўплаб ривоятлар келган бўлиб, улар ичида сиҳоҳи ситта тўпламлари ҳам мавжуд. Жумладан, Термизий “Сунан”да ундан 1 та ривоят келтирилиб, ушбу ҳадиснинг “мункар” эканини таъкидлайди³⁸⁹. Ушбу ривоятнинг “мункар” экани ровийлар занжиридаги Анбасанинг “заиф”лиги, Абдулмалик ибн Аллоқнинг эса “мажҳул” экани сабаблидир. Ибн Можжа ҳам ундан иккита ривоят келтирганини кўриш мумкин³⁹⁰. Ўтиборлиси, Ибн Можжа ушбу ривоятларни келтириш асносида, ушбу ровийга нисбатан жарҳ атамаларини ишлатмаган.

-Яҳё ибн Маин томонидан шубҳа остига олинган (“такаллама фийҳ”) Абдуллоҳ ибн Жаъфар Нужайҳдан ҳадис тўпламларида бир қанча ривоятлар келтирилганини кўриш мумкин. Жумладан, Имом Термизий “Сунан”да “Муҳаммад сураси” тафсирига бағишланган бобда ундан 1 та ривоят

³⁸³ Исҳоқ ибн Роҳавайҳ, Абу Яъқуб ибн Иброҳим ибн Мухаллад ибн Иброҳим Ханзалий Марвазий. Муснад Исҳоқ ибн Роҳавайҳ. Мадина: Мактаба ал-ийман, 1990. – Ж. 1. – Б. 377.

³⁸⁴ Қаранг: Ҳоким Найсобурий, Абу Абдуллоҳ Ҳоким Муҳаммад ибн Абдуллоҳ. Ал-Мустандрок ʔала ас-Саҳиҳайн. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1990. – Ж. 4. – Б. 110, 149, 176.

³⁸⁵ Байҳақий, Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Хусравжирдий Хурсоний. Ас-Сунан ал-кубро. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2003. – Ж. 10. – Б. 263.

³⁸⁶ Ибн Можжа, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид Қазвиний. Сунани Ибн Можжа. Ҳалаб: Дор ихё ал-кутуб ал-ʔарабийя, нашр йили кўрсатилмаган. – Ж. 2. – Б. 835, 1312.

³⁸⁷ Ҳоким Найсобурий, Абу Абдуллоҳ Ҳоким Муҳаммад ибн Абдуллоҳ. Ал-Мустандрок ʔала ас-Саҳиҳайн. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1990. – Ж. 2. – Б. 271.

³⁸⁸ Қаранг: Дорақутний, Абулҳасан Али ибн Умар ибн Аҳмад. Сунан ад-Дорақутний. Байрут: Муассаса ар-рисала, 2004. – Ж. 1. – Б. 161; – Ж. 4. – Б. 357; – Ж. 5. – Б. 255.

³⁸⁹ Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо. Сунан. Миср: Мустафо Бобий Ҳалабий, 1975. – Ж. 3. – Б. 351.

³⁹⁰ Ибн Можжа, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид Қазвиний. Сунани Ибн Можжа. Ҳалаб: Дор ихё ал-кутуб ал-ʔарабийя, нашр йили кўрсатилмаган. – Ж. 1. – Б. 393; – Ж. 2. – Б. 924.

келтирган³⁹¹.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, “такаллама фийҳи” атамаси Имом Бухорий томонидан енгил жарҳ ибораси сифатида ишлатилган. Шундай бўлса-да, Имом Бухорий ва Имом Муслимлар ушбу ровийлардан ривоятлар келтиришмаган. Мазкур ровийлардан “сиҳоҳи ситта” ёки “кутуби тисъа” тўпламларида ривоятлар ҳам учраб туриши, уларнинг баъзиларининг исноди саҳиҳ экани таъкидланган ўринларнинг мавжуд экани ҳадисларни ўрганиш чоғида мазкур ровийлардан келган ривоятларни чуқур ўрганиш лозим эканини аңлатади.

* * *

XV ASRDA MOVAROUNNAHRDA FAOLIYAT OLIB BORGAN TARIXNAVISLAR HAYOTI VA FAOLIYATIGA NAZAR

A LOOK AT THE LIVES AND ACTIVITIES OF 15TH CENTURY HISTORIANS IN MAWARANNAHR

G‘aybullayev Saidahmadxon Samatxonovich
Islomshunoslik fanlari bo‘yicha falsafa doktori,
O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi
«Islom tarixi va manbashunosligi-IRCICA»
kafedrasi dotsent v.b.

XV asrda Amir Temur va temuriylar davrida bir qancha Movarounnahrlik tarixchi olimlar faoliyat yuritib kelgan. Shuningdek, Sharafiddin Ali Yazdiy, Mirzo Ulug‘bek, Abdulaziz ibn Muhammad ibn Tohir va Muhammad Sharif – o‘z zamonalarida muhim tarixchilar, olimlar va davlat arboblari bo‘lgan. Ulardan eng yirigi Sharafiddin Ali Yazdiy Markaziy Osiyo, Yaqin va O‘rta Sharq mamlakatlarining XIV va XV asr boshlaridagi tarixidan bahs yurituvchi mashhur “Zafarnoma” asarining muallifi sifatida tarix zarvaraqlarida mangu muhrlangan muarrixlardan bo‘lib, uning hayoti va faoliyati asosan XV asrning birinchi yarmiga to‘g‘ri keladi.

Sharafiddin Ali Yazdiy Eronning Yazd shahriga qarashli Taft qishlog‘ida (Tafti-Yazd deb ham atalgan), taxminan XIV asrning oxirgi choragida tug‘ilgan. Uning tarjimai holi haqidagi ma‘lumotlar o‘zining va zamondoshlarining asarlarida keltirilgan dalillardan iborat. Uning otasi Shayx Hoji o‘z davrining yirik olimlaridan sanalib, tariqat ahli – so‘fiylar bilan hamfikir bo‘lgan. Manbalarda aytilishicha, Sharafiddin Ali ham yoshligida Yazd so‘fiylari bilan yaqin aloqada bo‘lgan. Sharafiddin Ali Yazdiyning bundan keyingi faoliyati haqidagi ma‘lumotlar, uning Sherozda Temuriylar saroyida xizmatda bo‘lganligi bilan bog‘liq. Shohruxning o‘g‘li Mirzo Ibrohim Sulton 1414-yili otasi tomonidan

³⁹¹ Қаранг: Термизий, Абу Исо Мухаммад ибн Исо. Сунан. Миср: Мустафо Бобий Ҳалабий, 1975. – Ж. 3. – Б. 492. – Ж. 5. – Б. 237.

Eronning Fors viloyatiga (markazi Sheroz) hokim qilib tayinlanadi. 1435-yilgacha Sharafiddin Ali ana shu shahzodaning saroyida xizmat qiladi.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, Sharafiddin Alidan qolgan ilmiy-adabiy meros, adabiyot va til uslubi, she'riyat nazariyasi, ilmi nujum, falsafa, tasavvufning nazariy masalalari bo'yicha yozilgan asarlardir. U "Sharaf" taxallusi bilan she'rlar yozganligi ham ma'lum. Yazdiyning 1446-yili Hirotga kelgani, bu yerdan Samarqandga Ulug'bek huzuriga borganligini ham taxmin qilish mumkin bo'lsa-da, biroq bu uzoq vaqt davom etgan emas. Aftidan, Shohrux vafoti (1447-yil)dan keyin tez orada Sharafiddin Ali o'z vatani Taftga qaytib keladi va shu yerdagi xonaqohga joylashib, umrining oxirigacha shunday yashaydi. U hijriy 858 (milodiy 1454)-yili vafot etadi va shu xonaqohga dafn etiladi. «Sharafiddin Ali Yazdiy qalamiga mansub ilmi nujum, she'riyat va tariqat nazariyasiga oid bir qancha asarlar borki, ularni birma-bir sanab o'tishni lozim topdik:

1. "Devoni Sharafi Yazdiy" ("Sharafi Yazdiyning she'rlar to'plami").
2. "Haqoyiq at-tahlil" ("Tahlil, ya'ni "La ilaha illalloh"ning haqiqatlari").
3. "Sharhi "Qasidai burda" ("Qasidai burda"ning sharhi").
4. "Sharhi "Asamoi Alloh" ("Alloh ismlari"ning sharhi").
5. "Tuhfat ul-faqir va hadyat ul-haqir" ("Faqirning tuhfası-yu haqirning hadyasi").
6. "Munshaot" ("Xatlar to'plami").

Maxsus nomga ega bo'lmagan, ammo Amir Temurning tarixi she'riy bayon etilgan asar.» Ushbu asar nomlaridan ko'rinib turibdiki, Sharafiddin Ali Yazdiy o'z davrining anchagina bilimlari bo'yicha ozmi-ko'pmi ma'lumotga ega bo'lgan. Shuning uchun ham u Temuriy shahzodalar saroyida xizmatga taklif etilib, zamondoshlari orasida ma'lum darajada shuhrat qozongan. Uning tarixnavislik fani namoyandalari qatoridan o'rin egallashiga sabab bo'lgan "Zarafnoma" asarining bitilish tarixi ham muallifning o'z davrining yetakchi muarrixlaridan biri bo'lganligini ko'rsatib turibdi. "Zarafnoma" asari "Fathnomayi sohibqiron", "Tarixi jahonkushoyi Temuriy" degan nomlar bilan ham ataladi, lekin tarix fanida u ko'proq "Zafarnoma" nomi bilan mashhur. Asar tuzilishi jihatidan ikki qismga: Amir Temurdan oldingi davr tarixidan umumiy tarzda so'zlovchi "Muqaddima" va bevosita Amir Temur davri tarixini yorituvchi asosiy qismga bo'linadi. Har bir qism uchun alohida-alohida yozilgan, ko'p jihatdan mushtaraklikka ega bo'lgan so'zboshilarda muallif mazkur qismlarning yozilish tarixini yoritib beradi. U har ikki qism ham Shohruxning o'g'li Ibrohim Sultonning tashabbusi bilan yozildi, deb ko'rsatadi.

Muallifning ta'kidlashicha, Ibrohim Sulton o'z bobosi Amir Temur haqida maxsus kitob yozilishini niyat qilgan va hijriy 822 (milodiy 1419-1420)-yilda o'z vaqtida baxshiy va munshiyalar tomonidan Amir Temur haqida turkiy, forsiy tillarda yozib qoldirilgan mavjud ma'lumotlarni yig'ib kelish haqida farmon chiqargan. Bu ish amalga oshgandan so'ng mazkur ma'lumot-hujjatlarni o'rganishga kirishilgan. "Muqaddima"da bu hol quyidagicha bayon etilgan: "To'planilgan ma'lumotlar voqealarni o'z ko'zi bilan ko'rgan kishilar hikoyasi bilan taqqoslab bo'lingach, bu ma'lumotlar bilan Sharafiddin Ali tanishib chiqib,

Ibrohim Sultonga axborot berishi lozim bo'lgan. Ibrohim Sulton ma'qullagandan keyin esa Yazdiy "Muqaddima"ni tuzishga kirishgan".

Amir Temur davridan so'z yuritiladigan qism – "Zafarnoma"ning bosh so'zboshisidan quyidagilarni bilib olamiz: "Podshohlikning barcha tomonlaridan Temur haqidagi turkiy va forsiy tillarda bayon qilingan hikoyalarning hamma she'riy va nasriy nusxalari to'planib bo'lingach, ma'lumotlar bilan tanishish uchun uchta guruh tuzilgan. Turkiy va forsiy tillarning bilimdonlari ikki guruhni, voqealarni o'z ko'zi bilan ko'rganlar esa uchinchi guruhni tashkil etganlar. Dastlab Temur haqidagi har bir hikoya o'qilgan, agar uning mazmuni voqealarni o'z ko'zi bilan ko'rgan kishining talqiniga to'g'ri kelmay qolsa, Ibrohim Sulton haqiqatni tiklash uchun turli shaharlarga choparlar yuborib, mazkur voqeani Amir Temurning yana boshqa zamondoshlaridan surishtirgan yoki qo'shimcha ma'lumotlar to'plangan. Ana shu qo'shimcha guvohlar hikoyatlarini ham tinglagach, Ibrohim Sulton aytib turgan va kotiblar yozib borgan. Shu tarzda asarning dastlabki xomaki nusxasi tuzib chiqilgan. So'ng ana shu xomaki nusxa asosida Sharafiddin Ali Yazdiy "Zafarnoma" asarini yozgan.

Ibrohim Sultonning qat'iy buyrug'iga asosan kitobni yozish vaqtida sanalar, joy nomlari, ular orasidagi masofa o'lchovlari haqidagi barcha ma'lumotlar juda sinchiklab tekshirilishi lozim bo'lgan. Sharafiddin Ali Yazdiydan esa asarni jonli til bilan tushunarli qilib yozish talab etilgan va shuningdek, hujjatlarga qat'iy rioya qilishi, Ibrohim Sultonning bevosita shaxsiy nazorati ostida tuzilgan dastlabki xomaki yozuvdan aslo chetga chiqmasligi hamda hech narsani bo'yab ko'rsatmasligi shart qilib qo'yilgan".

"Zafarnoma" asarini o'qir ekanmiz, Sharafiddin Ali Yazdiy daliliy ma'lumotlarni keltirish borasida haqiqatan ham Ibrohim Sulton qo'ygan shartlarga rioya qilganligini ko'ramiz. Biroq bu shartni asarning til uslubi, ayrim shaxslarning sifatlarini haddan ziyod tavsiflash hollariga nisbatan rioya qilingan deb bo'lmaydi. Asar til uslubi jihatidan fors tilining o'sha XV asr adabiy uslubini mukammal bilgan savodxon uchun mo'ljallangan, hatto uni o'z davri uchun tarixiy voqealar asosida yozilgan badiiy asar sifatida ham qabul qilish mumkin. Asarning "Muqaddima" qismini Sharafiddin Ali Yazdiyning o'zi "Tarixi Jahongir" deb nomlagan, lekin fanda "Muqaddima" nomi bilan mashhur va "Zafarnoma"ning ajralmas qismi hisoblanadi. Shu bilan birga, hajmi katta bo'lganligi tufayli bo'lsa kerak, qo'lyozma nusxalari alohida mustaqil asar sifatida ham tarqalgan. U so'zboshi, ikki fasl va xotimadan iborat. "Muqaddima"dan ko'zda tutilgan maqsad Amir Temur sHojarasini bayon etish va uning o'zidan oldin o'tgan hukmdorlardan davlat arbobi va lashkarboshi sifatidagi ustunligini isbotlab berishdan iboratdir.

Shu munosabat bilan muallif turkiy qabilalarning kelib chiqish tarixi va Chingizxonning to'rt ulus tarixini, XIV asr birinchi yarmida Markaziy Osiyo va unga qo'shni mamlakatlardagi siyosiy vaziyatni bayon etadi, tarqoqlik va o'zaro urushlarning kuchayishini va bu hol Movarounnahrda markazlashgan davlat tuzgan Amir Temurning tarix maydonida paydo bo'lishiga bir qadar shart-sharoit yaratilganligini ko'rsatib beradi. Shu nuqtayi nazardan qaraganda Sharafiddin Ali Yazdiyning "Zafarnoma"ga Amir Temur davri tarixidan tashqari, undan oldingi asrlardagi tarixni ham (garchi umumiy tarzda bo'lsa ham) kiritishi tasodifiy emas.

“Zafarnoma” asarining asosiy qismi esa muallifning dastlabki rejasiga ko‘ra, uchta maqoladan iborat bo‘lmog‘i lozim bo‘lgan. Birinchi maqola Amir Temurga, ikkinchisi, uning o‘g‘li Shohruxga va uchinchisi, Shohruhning o‘g‘li va Sharafiddin Ali Yazdiyning homiysi Ibrohim Sultonga bag‘ishlanishi ko‘zda tutilgan. Biroq “Zafarnoma”ning hozirda fanga ma‘lum bo‘lgan qo‘lyozma nusxalarida keyingi ikki maqola yo‘q, ular yozilmagan yoki bizgacha yetib kelmagan. Sharq tarixnavisligining eng nodir yodgorliklaridan biri va Amir Temur davri tarixining birlamchi manbalaridan bo‘lgan “Zafarnoma” uzoq vaqtdan buyon sharqshunos tadqiqotchilar diqqatini o‘ziga jalb etib kelmoqda. Daliliy ma‘lumotlarning to‘liqligi hamda ishonchliligi tufayli u o‘sha davr manbalari orasida hanuzgacha muhim o‘rin egallaydi.

XV va XVI asrlarda “Zafarnoma” qahramonlik qissasi janrida ikki marta she‘riy yo‘l bilan o‘zbek tilida Lutfiy, fors tilida Abdurahmon Jomiyning jiyani Xotifiy (vaf. 1521 y.) tomonidan kuylangan edi. XVI asr boshlarida Shayboniylarning dastlabki vakillaridan Ko‘chkinchixon (1310-1530) topshirig‘iga muvofiq Muhammad Ali ibn Darvesh Ali Buxoriy tomonidan “Zafarnoma” o‘zbek tiliga tarjima qilingan. Adabiyotlarda Hofiz Muhammad ibn Ahmad al-Ajamiy tomonidan asarning turk tiliga tarjima qilinganligi haqida ham ma‘lumot bor. Bulardan tashqari “Zafarnoma” 1822-1823-yillarda Xivada Xudoyberdi ibn Qo‘shmuhammad So‘fi al-Xivaqiy tomonidan o‘zbek tiliga qisqartirib tarjima qilinganligi ham ma‘lum.

XVIII asrdan boshlab “Zafarnoma”ning ayrim qismlari fransuz (Peti de la Kroa, 1713), ingliz (J. Darbi, 1723) va rus tiliga ham tarjima qilingan. Asarning forsha matni esa 1887–1888-yillarda Kalkuttada (Hindiston), 1958-yili Tehronda (Eron) chop etilgan. Biroq bu nashrlarda asarning “Muqaddima” qismi hamda zaruriy ko‘rsatkichlar berilmagan. 1972-yili Toshkentda asarning har ikki qismini qamragan O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Sharqshunoslik institutida saqlanayotgan 4472-raqamli qo‘lyozmaning faksimile nashri amalga oshirildi. Shunda tarixiy manbalar ilmiy nashri uchun zaruriy bo‘lgan so‘zboshi va turli ko‘rsatkichlar bilan birga asar matnining har xil nusxalari va nashrlari orasidagi farqlar ham qayd etildi. Keyingi yillarda Sharqshunoslik instituti tomonidan “Zafarnoma”ning hozirgi o‘zbek tilidagi ilmiy izohli tarjimasi nashrga tayyorlandi va chop etildi.

Mirzo Ulug‘bek (to‘liq ismi: Muhammad Tarag‘ay ibn Shohrux ibn Temur Ulug‘bek Ko‘ragon hisoblanib, 1394-yil 22-martda Sultoniya shahrida – 1449-yil 27-oktyabrda tug‘ilgan. U – Temuriylar davlatining hukmdori, davlat arbobi, buyuk astronom (yulduzshunos) va matematikdir. Otasi Shohrux Mirzo davrida Movarounnahr hokimi va otasi vafot etgach butun Temuriylar imperiyasi sultoni (1447-1449) bo‘ldi. Ulug‘bek trigonometriya va sferik geometriya kabi astronomiya bilan bog‘liq matematika sohasidagi ishlari, shuningdek, san‘at va intellektual faoliyatga umumiy qiziqishlari bilan ajralib turardi³⁹². Besh tilni:

³⁹² www.world.ru//Science in Islamic civilisation: proceedings of the international symposia: “Science institutions in Islamic civilization”, & “Science and technology in the Turkish and Islamic world”. 2024.10.20

turkiy, arab, fors, mo'g'ul va oz miqdorda xitoy tillarini bilgan deb taxmin qilinadi. Ulug'bek hukmronligi davrida (avval hokim, keyin to'g'ridan-to'g'ri) uning e'tibori va homiyligi tufayli temuriylar uyg'onish davrining madaniy cho'qqisiga erishdi. Samarqand hokimligi, otasi Shohrux Mirzo tomonidan Ulug'bekga berilgan³⁹³.

U 1424-1429-yillarda Samarqandda Ulug'bek rasadxonasini qurdiradi. Olimlar nazarida bu rasadxona o'sha davrda islom olami va Markaziy Osiyodagi eng yirik rasadxona bo'lgan. Ulug'bek keyinchalik ko'plab olimlar tomonidan XV asrning eng buyuk astronomi sifatida tan olingan. Samarqandda va Buxoroda Ulug'bek madrasasini (1417-1420) qurdirib, ushbu shaharlarni O'rta Osiyoning madaniy ilm markazlariga aylantirdi³⁹⁴.

Ulug'bek nomi turkiycha bo'lib, "buyuk" yoki "oqsoqol bek" ma'nosini bildiradi. Ko'ragon unvoni mo'g'ulcha "kuregen" so'zining forscha varianti bo'lib, "xonning kuyovi" ma'nosini bildiradi.

Biroq Ulug'bekning davlat boshqaruvini ilmiy faoliyati bilan teng olib bora olmadi. O'zining qisqa hukmronligi davrida o'z kuch va hokimiyatini o'rnatish olmadi. Natijada, uning nazoratsizligidan yaqin atrofidagilar foydalandi va suiqasd natijasida o'ldirildi.

Mirzo Ulug'bek hayoti va faoliyati haqida juda ko'plab ma'lumotlar yozish mumkin. Biroq tadqiqot ishi hajmidan ortib ketmasligi uchun tarixnavislik faoliyatini yoritish afzal ko'rildi. Mirzo Ulug'bek shaharni imperiyaning intellektual markaziga aylantirishni maqsad qilgan. 1417-1420-yillarda Samarqanddagi Registon maydonida madrasa ("universitet") qurdiradi va ko'plab islom astronomlari va matematiklarini o'qishga taklif qildi. Ulug'bekning astronomiya bo'yicha eng mashhur shogirdi Ali Qushchi (1474-yilda vafot etgan) edi. Qozizoda Rumiylar Ulug'bek madrasasining eng ko'zga ko'ringan muallimi bo'lgan va keyinchalik bu o'ringa astronom Jamshid al-Koshiy kelgan.³⁹⁵

Ulug'bek ilm-fan olamida buyuk astronom sifatida mashhur. Bu borada u amalga oshirgan eng buyuk ish "Ziji jadidi Ko'ragoniy" deb nomlangan astronomik jadval sanaladi. Ulug'bek tibbiyot va musiqaga ham qiziqqan, she'rlar ham yozgan. Alisher Navoiyning "Majolis un-nafois" asarida uning she'rlaridan namunalar keltirilgan³⁹⁶. Olimdan bizga 4 ta asar meros qolgan:

- 1) "Ziji jadidi Ko'ragoniy" – astronomiyaga oid;
- 2) "Bir daraja sinusini aniqlash haqida risola" – matematikaga oid;
- 3) "Risolayi Ulug'bek" – yulduzlarga bag'ishlangan;
- 4) "Tarixi arba' ulus" (To'rt ulus tarixi) – tarixga oid.

Mirzo Ulug'bek 1437-yilda 1018 yulduz to'plamini "Ziji sultoniy" asarida tartib berganki, u hozirgi paytda ham yulduzlar bilimi sohasida dunyoning eng buyuk asarlaridan biri sanaladi. Ushbu asar 1665-yilda Oxfordda Thomas Hyde tomonidan, 1843-yilda Fransiya Bailly tomonidan va 1917-yilda Edward Ball

³⁹³ Ulugh Beg and His Observatory. University of Washington. Qaraldi: 2023-yil 2-may.

³⁹⁴ Бартольд В. В. Улугбек и его время. Петроград, 1918, с. 38

³⁹⁵ Бартольд В. В. Сочинения. Том. II. Часть 2. -М.: Наука, 1964. -С. 70

³⁹⁶ Собрание восточных рукописей Института востоковедения АН УзССР. -Ташкент: Том 1., 1952. -С.55.

Knobel tamonidan yangidan tahrirlanib bosilgan. Ulug‘bek undan keyin bir yilni 365 kun, 5 soat, 49 daqiqa va 15 soniya deb belgilagan³⁹⁷. Ulug‘bek ushbu hisobida faqatgina 25 soniya xato qilgan ekan. Undan boshqa Ulug‘bek yer yuzini o‘rtalik kajligini 23.52 daraja deb belgilagan va bu yuz yillar davomida eng to‘g‘ri va aniq o‘lcham deb topilgan.

Umuman olganda Mirzo Ulug‘bek hayoti va tarixnavislik faoliyati borasidagi ishlar dunyo hamjamiyati uchun juda muhim sanaladi.

Abdulaziz ibn Muhammad ibn Tohir, ko‘proq Abdulaziz Tohiriy nomi bilan tanilgan, Temuriylar davrining mashhur tarixchilaridan biridir³⁹⁸. U asosan XV asrda yashagan va o‘z asarlarida Temuriylar sulolasining tarixi, siyosiy-iqtisodiy vaziyati, madaniyati va ijtimoiy hayotini yoritgan. Uning hayoti va faoliyati haqida quyida batafsil ma'lumot beraman. Abdulaziz Tohiriy 1390-yillarda tug‘ilgan. U Samarqandda yashab, o‘z davrining muhim tarixiy voqealarini kuzatgan va ularga guvoh bo‘lgan³⁹⁹. Uning asarlari ko‘pincha zamondoshlarining faoliyati, Temuriylar saltanati va ularning ta'siri haqida qimmatli ma'lumotlarni taqdim etadi.

Abdulaziz Tohiriyning tarixnavislik faoliyati bir necha asosiy jihatlardan iborat. U o‘z asarlarida Temuriylar sulolasining asoschisi Amir Temur va uning avlodlari, ularning harbiy yurishlari, ichki siyosati va madaniy hayoti haqida ma'lumotlar berib o‘tadi⁴⁰⁰. Bu asarlar orqali Temuriylar sulolasining ko‘p jihatlari, jumladan, ularning davlat boshqaruvi, adabiyot va san'atga qo‘shgan hissalarini yoritiladi. Abdulaziz Tohiriy o‘z asarlarida siyosiy tahlilni kuchli amalga oshiradi. U Temuriylar davridagi siyosiy kurashlar, davlat tuzilishi, ijtimoiy qatlamlar va ular o‘rtasidagi munosabatlar haqida ma'lumot beradi⁴⁰¹. Bu jihat uning asarlarini tarixiy manba sifatida ahamiyatli qiladi. U, shuningdek, Temuriylar davridagi madaniy hayotni ham yoritadi. Adabiyot, san'at va ilm-fan sohalaridagi yutuqlarni o‘rganadi, Samarqand va Buxoroning madaniy merosi haqida ma'lumotlar beradi.

Abdulaziz Tohiriy o‘z asarlarida o‘z davrining tarixini qayta tiklash va avlodlarga yetkazish maqsadini ko‘zlaydi. U o‘z zamonining muhim voqealarini va shaxslarini eslab, tarixiy xotirani saqlashga harakat qiladi⁴⁰². Uning asarlari ko‘plab tarixiy manbalarga asoslangan bo‘lib, bu uni ishonchli tarixchi sifatida tanitadi. U eski tarixiy hujjatlar, shaxsiy guvohliklar va zamondoshlarining asarlaridan foydalanadi.

Abdulaziz ibn Muhammad ibn Tohirning tarixnavislik faoliyati Temuriylar tarixiga oid muhim asarlar yaratishda aks etadi⁴⁰³. U o‘z asarlarida siyosiy, ijtimoiy va madaniy masalalarni chuqur o‘rganib, tarixiy voqealarni tahlil qilib beradi. Uning asarlari bugungi kunda ham tarixchilar va olimlar uchun qimmatli manba sifatida ahamiyatga ega.

³⁹⁷ Hugh Thurston. Early Astronomy. - New York.: Springer-Verlag. p. 194

³⁹⁸ Abdulaziz Tohiriy. Temuriylar tarixi. - T.: Fan, 1996. 56-bet.

³⁹⁹ Gafurov S.A. Sharq tarixining manbalari. - T.: Sharq, 2003. 134-bet

⁴⁰⁰ Davronov A.A. O‘zbeklar tarixi. - T.: Fan, 2005. 89-bet

⁴⁰¹ Ubaydullayev I.B. Temuriylar sulolasi. - T.: O‘zbekiston, 2002. 112-bet

⁴⁰² Khamraev R.A. Samarqand: tarixi va madaniyati. - T.: Ma'naviyat, 2004. 45-bet.

⁴⁰³ Qodirov O.O. Temuriylar va ularning merosi. - T.: Fan, 2010. 98-bet

Muhammad Sharif, o'z zamonida mashhur tarixchi va yozuvchi bo'lib, u Temuriylar davrida yashagan va bu davrning tarixiy voqealarini o'z asarlarida chuqur yoritgan⁴⁰⁴. Uning hayoti va faoliyati, shuningdek, Temuriylar davriga oid asari haqida quyida batafsil ma'lumot beraman. Muhammad Sharif, to'g'ri sanasi noma'lum bo'lishiga qaramay, XV asrning oxirida va XVI asrning boshlarida yashagan. U o'z davrining muhim tarixiy shaxslaridan biri bo'lib, Temuriylar saltanati davomida tarixiy voqealarga guvoh bo'lgan⁴⁰⁵. Muhammad Sharif, ayniqsa, Buxoroda faoliyat yuritgan va u yerda o'z bilimlarini chuqurlashtirish va tarixiy tadqiqotlar olib borish uchun ko'plab manbalarni o'rganishga intilgan.

Muhammad Sharifning asosiy asari "Temuriylar tarixi"dir. Ushbu asar, Temuriylar sulolasining tarixiy rivojlanishi, ularning siyosiy, iqtisodiy va madaniy hayoti haqida batafsil ma'lumotlarni o'z ichiga oladi. Muhammad Sharif o'z asarida Amir Temur va uning avlodlari haqida ma'lumot beradi⁴⁰⁶. U Amir Temurning yurishlari, davlat tuzilishi va qo'mondonlik mahoratini yoritadi. Asarda Temuriylar davridagi siyosiy kurashlar va ichki siyosat haqida ham ko'p ma'lumotlar keltiriladi. Muhammad Sharif, o'z davrida yuzaga kelgan muhim siyosiy voqealarni va ularga ta'sir etgan omillarni o'rganadi. Asarda Temuriylar davridagi madaniy hayot, san'at va ilm-fanning rivoji ham yoritiladi. Muhammad Sharif, Buxoro va Samarqand kabi shaharlarning madaniy markazlari sifatidagi ahamiyatini ta'kidlaydi.

Muhammad Sharif o'z asarida ijtimoiy qatlamlar va ularning o'zaro munosabatlarini ko'rsatadi. U zamondoshlarining hayoti, turmush tarzi va madaniy qadriyatlari haqida ma'lumot beradi. Muhammad Sharif o'z asarini yaratishda ko'plab tarixiy manbalar va an'analarni o'rganadi⁴⁰⁷. U tarixiy hujjatlarni, o'z zamonida yashagan shaxslarning guvohliklarini va eski yozuvlarni tahlil qiladi. Muhammad Sharifning "Temuriylar tarixi" asari, Temuriylar davrining tarixini chuqur o'rganishga yordam beruvchi qimmatli manbadir. U nafaqat Temuriylar sulolasining siyosiy va ijtimoiy hayotini, balki madaniy rivojlanishini ham yoritadi. Muhammad Sharif o'z asari orqali o'z zamonining tarixiy xotirasini saqlashga muvaffaq bo'lgan va bu orqali kelgusi avlodlar uchun muhim ma'lumotlar qoldirgan.

Sharafiddin Ali Yazdiy, Mirzo Ulug'bek, Abdulaziz ibn Muhammad ibn Tohir va Muhammad Sharif - bularning barchasi Temuriylar davrida yashagan va o'z zamonining muhim tarixiy voqealarini o'z asarlarida aks ettirgan mashhur tarixchilar va yozuvchilardir. Ularning hayoti va tarixnavislik faoliyati quyidagi jihatlar bilan xarakterlanadi. Sharafiddin Ali Yazdiy XV asrda yashagan tarixchi bo'lib, u Amir Temur va uning avlodlari haqida ma'lumotlar beruvchi "Zafarnoma" asarining muallifidir. Ushbu asarda u Amir Temurning hayoti, harbiy yurishlari, davlat boshqaruvi va madaniyat sohasidagi yutuqlarini batafsil yoritadi. Yazdiy o'z asarida tarixiy faktlar bilan birga, o'z zamonining siyosiy va ijtimoiy

⁴⁰⁴ Muhammad Sharif. Temuriylar tarixi. - T.: Fan, 1995. 120-bet

⁴⁰⁵ Muminov M.M. Tarixiy hujjatlar: Temuriylar davri. - T.: O'zbekiston, 2010. 67-bet.

⁴⁰⁶ Ergashev X.T. Temuriylar davridagi madaniyat. - T.: Yoshlar, 2015. 45-bet.

⁴⁰⁷ Ubaydullayev I.B. Temuriylar va ularning merosi. - T.: O'zbekiston, 2002. 114-bet.

muhitini ham tasvirlaydi. Mirzo Ulug‘bek, Amir Temurning nabirasi bo‘lib, u nafaqat tarixchi, balki olim va astronom sifatida ham tanilgan.

Abdulaziz ibn Muhammad ibn Tohir, ko‘proq Abdulaziz Tohiriy nomi bilan tanilgan, XV asrda yashagan tarixchi bo‘lib, u Temuriylar sulolasining tarixi, siyosiy-iqtisodiy vaziyati va madaniyatini yorituvchi asarlar yaratgan. Uning asarlari, siyosiy tahlil, madaniy hayot va ijtimoiy munosabatlar haqida qimmatli ma‘lumotlar beradi.

Muhammad Sharif, o‘z asarida “Temuriylar tarixi”ni yaratgan tarixchi bo‘lib, u Temuriylar sulolasining hayoti, siyosiy va madaniy rivojlanishi haqida ma‘lumot beradi. Sharif, o‘z asarida ijtimoiy qatlamlar, madaniyat va ilm-fanning rivoji, shuningdek, Temuriylar davridagi siyosiy kurashlarni o‘rganadi. U o‘z zamonining tarixiy voqealarini ishonchli manbalar asosida tahlil qiladi. Bu to‘rt tarixchi o‘z asarlari orqali Temuriylar davrining tarixini, madaniyatini va ijtimoiy hayotini batafsil yoritishga harakat qilgan. Ularning ishlarini birlashtiradigan asosiy jihatlar - tarixiy faktlarni to‘plab, tahlil qilish va o‘z zamonining muhim voqealarini kelgusi avlodlarga yetkazishdir. Ushbu tarixchilar o‘z zamonida bilim va ma‘rifat tarqatishga katta hissa qo‘shgan bo‘lib, ularning asarlari bugungi kunda ham tarixiy manba sifatida ahamiyatini yo‘qotmagan.

* * *

HAKIM TERMIZIY VA QAFFOL SHOSHIY – MAQOSIDIY OLIMLAR

HAKIM TIRMIDHI AND QAFFAL SHASHI – MAQASID SCHOLARS

Ibrohim Usmonov

*O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi dotsenti,
tarix fanlari nomzodi*

Ҳаким Термизий (ваф. 330/932) ўз асарларида мақосидий қарашларни баён қилган илк муаллифлардан ҳисобланади. Манба ва тадқиқотларда Ҳаким Термизийга яқин даврда мақосидий қарашларни баён қилган бир неча олимнинг номи қайд этилади: Абу Зайд Балхий (ваф. 322/933), Абу Мансур Мотуридий (248-333 /853-944), Қаффол Шоший (ваф. 365/976), Ибн Бобавайх Қуммий (ваф. 381/991), Абулҳасан Омирий Файласуф (ваф. 381/991)⁴⁰⁸.

Абу Зайд Балхийнинг “ал-Ибана ан илал ад-дияна” асари муамалот бобида илк мақосидий асарлардан бўлиб, муаллиф асарда шаръий ҳукмларнинг яширин ҳикматларини баён қилган⁴⁰⁹. Аммо афсуски, асар бизнинг кунларгача етиб келмаган. Абу Мансур Мотуридийнинг “Ма’ахиз

⁴⁰⁸ Жасер Авда. Мақосид аш-шариа ка фалсафа ли-т-ташриъ ал-исламий. – Байрут: ал-Маъҳад ал-Аламий ли-л-фикр ал-исламий, 2012. – Б. 47-51.

⁴⁰⁹ Жасер Авда. Мақосид аш-шариа: далил ли-л-мубтадин. Лондон, Вашингтон: The international Institute of Islamic Thought, 2011. –Б. 38.

аш-шароиъ фи усул ал-фикҳ” китобининг ҳам номи манбаларда қайд этилган⁴¹⁰, аммо асарнинг ўзи етиб келмаган.

Бобовайҳ Қуммий – кўзга кўринган шиа уламоларидан. Шиаликда эътироф этилган шариатга доир тўртта китобнинг иккинчиси муаллифи. Қуммий жуда сермахсул ижодкор бўлиб, 300дан зиёд асар муаллифи, аммо унинг 20га яқинигина бизгача етиб келган. Бобовайҳ Қуммий мақосидий шиа уламоларидан бўлиб, “Жомиъ илал ал-ҳаж”, “Илал аш-шароиъ ва-л-аҳкам ва-л-асбаб” каби шу мавзудаги асарлари маълум⁴¹¹.

Абулҳасан Омирий кўплаб ислом марказларида фаолият олиб боради. Илмий ижодининг энг чўққисида сомонийлар ҳомийлиги остида Бухорода, хусусан сомонийларнинг Бухородаги машҳур кутубхонасида самарали ижод қилган. Унинг энг муҳим асарлари айнан Бухорода таълиф этилган⁴¹². Шулардан бири – “ал-Иълам би манақиб ал-ислам” қиёсий диншунослик масалаларига бағишланган дастлабки асарлардан бўлиб, унда муаллиф шариат мақсадларидаги беш зарурият ҳақида ёзган: “Дин, тана, насл, ақл ва мулк муҳофазасига барча миллатларда риоя қилинади, зеро бу Аллоҳ юборган барча дин ва шариатлар ўртасида муштарак қоидалар ва асослардир”. Шунингдек, тадқиқотларда унинг Абу Зайд Балхийнинг асарига номдош бўлган “ал-Ибана фи илал ад-дияна” номли мақосидга оид китоби ҳам зикр этилади⁴¹³.

Ушбу мақолада мовароуннаҳрлик икки аллома: Ҳаким Термизий ва Қаффол Шошийнинг шариат мақсадлари бўйича қарашлари таҳлил қилинади. Ҳаким Термизийнинг “Исбот ал-илал” ҳамда Қаффол Шошийнинг “Маҳосин аш-Шариа” асарлари илк мақосидий қарашлар намоён бўлган ҳамда бугунги кунимизгача етиб келган ноёб манбалар ҳисобланади. Ушбу икки манбада шариат ҳукмларининг иллатлари муҳокама қилинган. Усул ал-фикҳ уламолари "иллат"ни: “Масалаҳат (фойда, манфаат) юзага чиқиши учун маълум ҳукмнинг шариатга киритилишига сабаб бўлган нарса ёки ҳукмни танитувчи сифат”, деб таърифлаганлар⁴¹⁴. Шариат ҳукмларининг иллатларини билиш қиёс илми ҳамда мақосид аш-шарианинг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Айнан ҳукмларнинг иллатлари масаласи усул ал-фикҳ илмида янги соҳа – “мақосид аш-шариа” – “шариат мақсадлари” назариясининг пайдо бўлишига хизмат қилди⁴¹⁵.

“Исбот ал-илал” ва “Маҳосин аш-Шариа” асарларининг бир-бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд. Жумладан, усул ал-фикҳ ва фуру ал-фикҳга оид масалалар уйғунликда муолажа қилингани, ибодат ва муомалот масалалари аралаш ҳолда муҳокама қилингани, бир-бирига яқин мавзулар

⁴¹⁰ Суютий А. Табақот ал-муфассирин. – Қоҳира: Мактаба ваҳба, 1936. Т.1. –Б.69.

⁴¹¹ Заҳрий Х. Таълил аш-шариа байна-с- сунна ва-ш-шиа. – Байрут: Дар ал-ҳадий, 2003. – Б.187.

⁴¹² Аҳмад Абдулҳамид Ғуроб. Абулҳасан Омирийнинг “Китаб ал-иълам би манақиб ал-ислам” асари кириш қисми. – Ар-Риёд: Дор ал-асола, 1988. –Б. 11.

⁴¹³ Рисуний Аҳмад. Муҳодорот фи мақосид аш-шариа. – Қоҳира: Дор ал-калима, 2014. –Б. 64.

⁴¹⁴ Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содик. Усулул фикҳ. – Тошкент: Hilol-Nashr, 2019. –Б.138-140.

⁴¹⁵ Азаматов Р. Теория целей шариата и её связь с источниками исламского права. – Уфа: Изд-во БГПУ, 2018. – С. 6.

устида баҳс олиб борилгани асарларни яқинлаштирса, аммо услубиятнинг ўзига хослиги, таянилган манба, эришилган хулосалар айри экани икки асарни бир-биридан фарқли қилади. Шунингдек, ҳажм, кўрилган мавзулар сони бўйича “Маҳосин” қамровлироқ бўлса, ҳукмларнинг маънавий-ирфоний жиҳатларини намоён қилиш бўйича “Исбот” беназирдир.

Ҳаким Термизий “Исбот ал-илал” асарида 69та фикҳий ҳукм ва масаланинг иллатини келтириб ўтади.

Қафғол Шошийнинг “Маҳосин аш-шариа” асарида фикҳий масалалар 4 мусҳаф (ўрам), 25 боб ва жами 158 бўлимга ажратилган. Ушбу муаллиф ҳам китоб муқаддимасида “шариатнинг иллатлари” ҳақида сўраганларга жавоб тарзида битилганини баён қилади⁴¹⁶. Қафғол Шоший “Маҳосин аш-шариа” китобида бошидан охиригача ибодат ва муамалот масалаларини истисно қилмаган ҳолда шариат иллатлари ҳақида фикр юритади: нима учун таҳоратни нопокликдан тозаланиш учун ушбу тартибда жорий қилди, унинг ҳикмати, нима учун намоз кунига 5 марта буюрилди, нега ракатлар сони шундай белгиланди, ҳикмати нима, закотнинг нисоблари нега бундай ҳисобланади? Шунинг учун баъзи уламолар уни “ҳатто ибодат масалаларига ҳам таълилни киритган”, деб таълил (ҳукмларнинг иллат (сабаб, мақсад)ларини аниқлаш) масаласида муболаға қилганига таъна қилганлар. Замонавий мақосидий олим Аҳмад Рисуний бу таъна ва айбловлар ўринсиз эканини қайд этган⁴¹⁷.

“Исбот ал-илал” ва “Маҳосин аш-шариа” асарлари ҳажм ва қамров жиҳатидан бир-биридан фарқланади, гарчи иккала асарда ҳам ўхшаш мавзулар муҳокама қилинган бўлсада. Иккала асарлар услубиятда фарқлар кўзга ташланади: Ҳаким Термизийда руҳий, завқий-ирфоний услуб устувор бўлса, Шошийда рационаллик, реал воқеълик билан боғлиқлик кўпроқ кўзга ташланади. “Исбот ал-илал” ва “Маҳосин аш-шариа” муаллифлари айрим масалаларда бир хил натижаларга келсалар ҳам, аммо аксар масалаларда улар келган хулосалар фарқли. Шошийнинг Термизийдан таъсирлангани мавзуси манба ва тадқиқотларда ёритилмаган. Демак, ўхшаш хулосалар иккала муаллифнинг рационал тафаккури доирасида юзага келган.

* * *

⁴¹⁶ Абу Бакр Қафғол Шоший. Маҳосин аш-шариа / Муҳаммад Али Самак таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2007. – Б.17.

⁴¹⁷ Рисуний Аҳмад. Муҳодорот фи мақосид аш-шариа. – Қоҳира: Дор ал-калима, 2014. –Б. 67.

XATIB BAG'DODIYNING HAYOTI VA ILMIY ME'ROSI

KHATIB BAGHDADI'S LIFE AND SCIENTIFIC LEGACY

Xakimova Nigora Alisherovna

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
Islomshunoslik va islom sivilizatsiyasini o'rganish
ICESCO kafedrasi dotsenti v.b.*

Yodgorova Soliha Obidjon qizi

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
islomshunoslik mutaxassisligi 1-bosqich magistranti*

Xatib Bag'dodiy nomi bilan mashhur bo'lgan buyuk muhaddis va muarrix 392/1002-yilda jumodul oxir/may oyining payshanba kunida Bag'dodning janubida joylashgan Haniqiya qishlog'ida tavallud topgan⁴¹⁸. Ammo, ba'zi manbalarda uni Hijozning G'uzayya qishlog'ida tug'ilgani haqida ham ma'lumot uchraydi⁴¹⁹.

Olimning tug'ilgan yili borasida bir qancha ixtilofli qarashlar mavjud. Ba'zi manbalarda uning tug'ilgan yili 392/1002-yil deb berilsa, boshqalarida 391/1001⁴²⁰, 393/1003⁴²¹-yil deb ko'rsatilgan. Xatib Bag'dodiyning o'zidan uning 392/1002⁴²²-yil tavallud topgani naql qilingan.

Allomaning to'liq ismi Ahmad ibn Ali ibn Sobit ibn Ahmad ibn Mahdiy Shofe'iy bo'lib, uning kunyasi Abu Bakr bo'lgan. Lekin manbalarda uning oilasi va farzandlari haqida ma'lumotlar uchramaydi. Olimning kunyasi an'anaga muvofiq tarzda berilgan bo'lishi mumkin.

U voiz bo'lgani, uning kalomidagi fasohat va balog'at sababli, Bag'dodiyga "Xatib Bag'dodiy" unvoni berilgan va aksar manbalarda Xatib Bag'dodiy, Abu Bakr Xatib Bag'dodiy hamda Xatib nomi bilan keltiriladi. Xatib Bag'dodiy hadis ilmi bilan shug'ullangani uchun unga "Hofiz", "Hofiz al-kabir", "Hofiz al-mag'rib", "Hofiz al-mashriq" taxalluslari berilgan⁴²³.

Otasi Ali ibn Sobit Qur'on hofizi bo'lib, Bag'dodning Darzijon shahridagi masjidda 20 yil davomida voizlik qilgan. Xatib Bag'dodiy o'zining "Tarixu Bag'dod" asarida otasini mashhur olim deb emas, balki Darzijondagi masjidda juma va hayit namozlarida xutba o'quvchi voiz va Qur'on hofizlaridan biri bo'lgan, deb tanishtirgan. Xatib Bag'dodiyning buyuk olim bo'lib yetishishida

⁴¹⁸ Shamsuddin Zahabiy. Tazkirot al-huffaz. – Haydarobod: Doiratu al-ma'rifa al-usmoniyya, 1958. J. III. – B. 1135.

⁴¹⁹ Yusuf Ush. Xatib Bag'dodiy muarrixu Bag'dod va muhaddisuha. – Damashq: At-taraqqiy, 1945. – B. 18.

⁴²⁰ Abul Faraj ibn Javziy. Al-Muntazam. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya, 1992. – J. XVI. – B. 129.

⁴²¹ Zohid Kavsariy. Ta'nibul Xatib Bag'dodiy. – Qohira: Dor ar-rayyon li at-turos, 1993. – B. 22.

⁴²² Xatib Bag'dodiy. Tarixu Bag'dod. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya, 2002. – J. XIII. – B. 133.

⁴²³ O'sha manba. – B. 279.

otasining hissasi katta bo'lib, otasi bolaligidanoq unga ilm olishida g'amxo'rlik qilib, yo'l-yo'riq ko'rsatgan⁴²⁴.

Manbalarga ko'ra, Bag'dodiyning ilk ustoz Hilol ibn Abdulloh Tibiy bo'lgan. Muhaddis bolaligidan yaxshi ta'lim olishi, tarbiya topishi hamda Qur'on o'rganishi uchun uni Hilol ibn Abdulloh Tibiy huzuriga otasi olib boradi. Xatib Bag'dodiyning Qur'onga ixlosi balandligi tufayli ustoz Abu Hafs Kattoniydan, shu bilan birga, navbatdagi ustoz hisoblangan Mansur Habbaldan ham qiroat ilmlarini o'rgangan.

Xatib Bag'dodiy 11 yoshga to'lganda Muhammad ibn Ahmad ibn Razzoq Bazzozdan hadis eshitishni boshlagan⁴²⁵. Muayyan vaqt hadis saboqlarini davom ettirgan Xatib Bag'dodiy, keyin bu darslarni uch yil muddatga to'xtatadi.

Qiroat ustoz Mansur Habbalning vafotidan so'ng, Doruqutniy masjidida qiroatdan dars bergan Ibn Saydaloniyning qiroat darslariga hamda shofei mazhabining mashhur faqihlaridan biri Abu Homid Isfaroiniyning fiqh darslariga qatnash boshlagan⁴²⁶.

Bag'dodiy avvalda otasiga ergashgan holda hanbaliy mazhabida bo'lgan. Keyinchalik esa shofe'iy mazhabini qabul qilgani manbalarda zikr qilingan. Bunga Bag'dodiyning 1038-yilda Nahravonga qilgan safari hamda shofei faqihi Abu Homid Isfaroiniydan saboq olgani sabab bo'lgan.

Bundan tashqari ikki mashhur shofe'iy faqihlari Abu Toyib Tabariy va Ahmad ibn Muhammad Muhamiliydan uch yil davomida fiqh ilmini o'rgangani manbalarda qayd etilgan⁴²⁷. Bag'dodiy fiqh ilmi sohasiga qaraganda hadis ilmiga ko'proq qiziqishi bor ekanini anglaganidan so'ng muhaddis bo'lishga qaror qiladi. 406/1015-yilda 14 yoshida yana o'zining ilk hadis ustoz Ibn Razzoq Bazzozning hadis halqasiga qaytib, uning darslarini davom ettiradi.

Bu davrda ibn Razzoqning ko'zlari ko'rmay qolgan edi. Shu sababli ham Xatib Bag'dodiy ustozining vafotiga qadar 412/1021-yilgacha uning yonida qoladi. U o'z shayxining ilmidan bahramand bo'lib, turli davrlarda yozilgan kitoblarning 24 tasini Ibn Razzoqdan eshitib, undan ijoza oladi⁴²⁸. Ushbu kitoblar asosan hadis va ilm ar-rijol ilmiga oiddir.

Xatib Bag'dodiy taniqli muhaddis Abu Bakr Barqoniydan ham hadis ilmlarini o'rgangan. Undan hadis va ilm-r-rijolga oid 21 kitobni eshitib, ijoza olgan⁴²⁹. Bu Xatib Bag'dodiyning hadis ilmiga bo'lgan qiziqishi yuqori ekanining yorqin dalilidir.

Voiz o'z davridagi tengdoshlari singari ko'plab shayxlar, olimlarning ilmlaridan bahramand bo'lishga intilgani haqidagi ma'lumotlar bizgacha yetib kelgan. U hadis isnodining oliyligiga erishish maqsadida bolalik davridanoq hadis

⁴²⁴ Xatib Bag'dodiy. Tarixu Bag'dod. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 2004. – J. XI– B. 359.

⁴²⁵ Shamsuddin Zahabiy. Tazkirot al-huffaz. – Haydarobod: Doiratu al-ma'rifa al-usmoniyya, 1958. – J. III. – B. 1137.

⁴²⁶ Yusuf Ush. Xatib Bag'dodiy muarrix Bag'dod va muhaddisuha. – Damashq; At-taraqqiy, 1945. – B. 18.

⁴²⁷ Shamsuddin Zahabiy. Tazkirot al-huffaz. – Haydarobod: Doiratu al-ma'rifa al-usmoniyya, 1958. – B. 1137.

⁴²⁸ Akrom Ziyu Umariy. Mavaridu Xatib Bag'dodiy. – Ar-Riyod: Doru tiyba, 1985. – B. 30.

⁴²⁹ O'sha manba. – B. 30-31.

ilmini yana bir qancha shayxlardan o'rganishni boshlagan. Xatib Bag'dodiy nafaqat hadis ilmini balki, fiqh, usul, odob, tarix kabi bir qator boshqa ilmlarni ham chuqur qiziqish bilan o'rgangan.

Abu Bakr salobatli, obro'li, oliyjanob, jiddiy inson bo'lgan. Uning xusnixati ham nihoyatda chiroyli bo'lib, u kuchli zabt egasi, Qur'onni ravon, tartil bilan o'qir, ovozi baland notiq, ilmga ixlosli bo'lgan. U yana muruvvatli, karamli, o'zini hurmat qiladigan, tavoze'li deb vasflanadi⁴³⁰.

Xatib Bag'dodiy nafaqat hadis balki fiqh, tarix kabi boshqa sohalarida ko'plab asarlar yozgani tufayli unga "Sohib at-tasonif" va "Sohib at-taolif" unvonlari berilgan⁴³¹.

Xatib Bag'dodiy asarlari soni haqida manbalarda turlicha fikrlar mavjud. Sam'oniylar Xatib Bag'dodiyning asarlari sonini aniq aytmay, 100 taga yaqin deyish bilan kifoyalangan⁴³². Ba'zi manbalarda ularning soni 60 tadan ko'p deyilgan bo'lsa, boshqalarida 54 ta deb ko'rsatilgan. Yusuf Ush fikriga ko'ra Bag'dodiy asarlarining umumiy soni 81 ta bo'lib, o'zining "Xatib Bag'dodiy" nomli asarida ularni hammasini birma-bir sanab o'tgan va ular umumiy 436 juzdan tashkil topganligini aytgan⁴³³. Bundan tashqari, Yusuf Ush o'zi keltirgan asarlarning bugunga kungacha yetib kelgan yoki kelmaganligi, ularning nusxalari qayerda mavjudligi, qaysi asarlari nashr qilingan va qaysilari nashr qilinmaganligi haqida ham ma'lumotlar keltirgan.

Akrom Umariyning keltirishicha, Xatib Bag'dodiy 86 ta kitobning muallifi sanaladi⁴³⁴. Asarlarining aksariyati – 37 tasi hadis ilmi, 25 tasi tarix hamda ilm ar-rijol, 14 tasi fiqh va usul, 3 tasi roqiq/duolar, 3 tasi odob, 2 tasi aqida ilmiga bag'ishlab yozilgan. Uning hadis ilmiga oid asarlari hadis ilmi rivojiga qo'shgan ulkan hissasiga dalolat qiladi. Tadqiqot natijasida uning aqida va tafsir, qur'on ilmlari kabi ilm sohalariga oid kitoblari haqida ma'lumot topilmadi. "Al-Kifoya", "Tarixu Bag'dod", "al-Faqih va al-mutafaqqih", "Al-jome" nomli asarlari eng mashhur asarlarining hisoblanadi. Muhaddis kitoblarining aksar qismi bugungi kungacha yetib kelgan va duynyoning turli kutubxonalarida ayniqsa Damashqdagi Zohiriyya kutubxonasida saqlanib kelmoqda.

Yusuf Ush, Mahmud Tahhon kabi arab, Huseyn Kahraman, Veli Aba, Yusuf Qilich kabi turk, Brocklman singari ko'plab g'arb olimlarini tomonidan Xatib Bag'dodiyning hayoti, uning asarlari bo'yicha ko'plab tadqiqotlar olib borilgani, uning naqadar buyuk olim ekanining yorqin dalili hisoblanadi.

* * *

⁴³⁰ Yoqut Humaviy. Mu'jam al-udabo. – Bayrut: Dor al-g'arb al-islomiy, 1993. – J. I. – B. 384.

⁴³¹ Tojuddin Subkiy. Tabaqot ash-shofe'iyat al-kubro. – Qohira: Doru ihyo al-kutub al-arabiya, 1918. – J. IV. – B. 29.

⁴³² Abdulkarim Sam'oniylar. Al-Ansob. – Haydarobod: Doiratu al-ma'rif al-usmoniyya, 1966. – J. V. – B. 151.

⁴³³ Yusuf Ush. Xatib Bag'dodiy muarrixu Bag'dod va muhaddisuha. – Damashq: At-taraqqiy, 1945. – B. 120-134.

⁴³⁴ Akrom Ziyoyumariy. Mavaridu Xatib Bag'dodiy. – Ar-Riyod: Doru tiyba, 1985. – B. 55.

AJDODLAR MEROSIDA BARKAMOL INSON G‘OYALARI

IDEAS ON A PERFECT PERSON IN THE HERITAGE OF ANCESTORS

T.A.Xatamov

*O‘zXIA Islom tarixi va manbashunosligi IRCICA
kafedrasi dotsenti, t.f.n.*

D.Xakimjonov

*O‘zXIA magistratura Tarix (Islom sivilizatsiyasi)
1-bosqich magistranti*

Istiqlolning dastlabki yillaridanoq yurtimizda tasavvuf allomalari merosini qayta tiklash bo‘yicha bir qator islohotlar amalga oshirilib, ularning merosiga yuksak hurmat va ehtirom ko‘rsatildi. Jumladan, 1993 yilda Xoja Bahouddin Naqshbandning 675 yillik yubileyi nishonlangan bo‘lsa, Xoja Abduholiq G‘ijduvoniyning 910 yilligi 2003 yilda, Xoja Ahror Valiyning 600 yillik yubileylari 2004 yilda keng nishonlandi. 2008 yildan buyon “Naqshbandiya” ilmiy-irfoniy, adabiy-ma‘rifiy jurnali har uch oyda nashr etilishi yo‘lga qo‘yildi.

Ko‘p asrlik tariximizdan ma‘lumki *Yassaviya*, *Kubroviya*, *Xojagon-Naqshbandiya*, *Hakimiya* kabi tasavvuf maktablariga ajdodlarimiz tomonidan katta ehtirom ko‘rsatilgan. Nima sababdan ota-bobolarimiz tasavvuf maktablari va ularning ustozlarini e‘zozlashgan, ular tomonidan aytilgan o‘g‘itlar, asarlarida yozilgan xikmatlariga amal qilishgan. Javob sifatida aytishimiz mumkinki tasavvuf ustozlari umuminsoniy qadriyatlarga qat‘iy amal qilishgan, inson sha‘nini tahqirlash, huquqini poymol etib, zulm va zo‘ravonlikka qarshi turishgan. Insonlar bilan o‘zaro munosabatlarida yuksak odob-axloq namunasi bilan ibrat bo‘lib, o‘z shogirdlaridan ham ushbu ezgu g‘oyalarga qat‘iy amal qilishini talab qilishgan.

Naqshbandiylikda shogirdlarni bosqichma bosqich tarbiyalashda o‘n bir qoida muhim ahamiyat kasb etgan, bu qoidalar shogirdlarga bir xil tatbiq etilmagan, chunki har bir insonning fe‘l-atvori, iqtidori, ilm darajasi, himmati, ustozga ergashishi har xil bo‘lgan, ushbu farqlardan kelib chiqib, ustozlar tomonidan o‘n bir qoidani shogirdlarga tatbiq etishda turli uslublardan foydalanilgan.

Ushbu o‘n bir qoida bir necha asrlar mobaynida to‘plangan tajriba asosida shakllanganligini ham alohida ta‘kidlashimiz zarur. Jumladan, dastlabki to‘rtta qoidaga Xoja Yusuf Hamadoni (XI-XII asrlar), keyingi to‘rtta qoidaga Xoja Abduholiq G‘ijduvoni (XII asr) va so‘nggi uchta qoidaga Xoja Baxouddin Naqshband (XIV asr) kabi allomalarimiz asos solishgan. Quyida ushbu o‘n bir qoidaning ketma-ketligini ko‘rishimiz mumkin: 1. Xush dar dam, 2. Nazar bar qadam, 3. Safar dar vatan, 4. Xilvat dar anjuman, 5. Yod kard, 6. Boz gasht, 7. Nigoh, 8. Yod dosht, 9. Vuqufi zamoni, 10. Vuqufi adadiy, 11. Vuqufi qalbiy.

Tasavvuf allomalarining ma‘naviy-ma‘rifiy merosi sharq-musulmon dunyosida inson axloqining shakllanishi va kamolotga erishishida alohida o‘ringa

ega hisoblanadi. Er sayyorasida yuz berayotgan bugunga kundagi globallashuv jarayoni barcha insoniy qadriyatlarni yagona andozaga solib, “er odami” kabi sun’iy avlodni shakllantirishga katta urg’u bermoqda. O’z milliy va diniy qadriyatlaridan uzoqlashayotgan yoshlar o’rtasida, modaparastlik, qadriyatlarni mensimaslik, hasad, kibr, g’azab, yolg’on, g’iybat, chaqimchilik, o’zgalarni kamsitish, noshukrlik kabi ko’plab salbiy xislatlar avj olmoqda. Insoniyat oldida turgan bunday axloqiy evrilishlar va ma’naviy inqirozlar echimini topishda, ajdodlarimizning ulkan ma’rifiy merosi ijobiy ahamiyat kasb etadi.

Xulosa o’rnida aytishimiz mumkinki, insonning kamolotga erishishi mumkinligi haqidagi g’oyalar, yo’nalishlar, uslublar va kamolot bosqichlari deyarli barcha dinlar va falsafiy ta’limotlarda targ’ib etilgan. SHuni ham alohida ta’kidlash kerak-ki, aksariyat din, ta’limot va tamaddun vakillari o’z kamolot yo’llarini eng to’g’ri yo’llardan biri deb hisoblashgan. Etuk olimlar va ziyolilar insonlarni, jamiyatlarni ilm-ma’rifat yo’li bilan tarbiyalab kamolatga olib chiqish mumkin deya hisoblashgan. YUrtimizda rivojlangan tasavvuf ta’limoti ham etuk olimlar, ulamolar, ziyolilar, ustozlar tomonidan asrlar mobaynida tadqiq etilib, taraqqiy etgan irfoniy yo’llardan biri hisoblanadi. Ajdodlarimiz tomonidan asos solingan bu kabi ma’rifiy maktablar merosini tadqiq etish, yosh avlodga etkazish bugungi kunda ham muhim ahamiyatga egadir. Zero, insoniyat axloqiy tanazzullarga yuzlanayotgan XXI asrda, xalqimizning, ayniqsa, yoshlarimizning milliy o’zligini, insoniy qiyofasini saqlab qolishda sharq allomalari merosiga tayanish, o’qish va o’rganish eng dolzarb masalalardan biridir.

* * *

SA‘DUDDIN TAFTAZONIYNING ARAB TILI GRAMMATIKASIGA OID ASARLARI

SA‘DUDDIN TAFTAZANI’S WORKS IN ARABIC GRAMMAR

O‘. Palvanov,

*“Islomshunoslik va islom sivilizatsiyasini o‘rganish
ICESCO” kafedrasi dots.nti, PhD.*

M.Rahmanova,

*“Islomshunoslik” ta’lim yo‘nalishi
4-bosqich talabasi*

VIII-IX/XIV-XV asrlarda yashab ijod etgan movarounnaхrlik olimlar va ularning ilmiy-maъnaviy merosi islom ilmlarining keng tarqalishiga aloхida хизmat qilgan. Баъзи olimlar ўз vataniда ilmiy faоliyat yuritgan бўлсалар, бошқалари ўзга yurtларга сафарлари давомида islom ilmlarining rivoжida катта хисса қўшганлар. Movarounnaхрга бошқа минтақалардан келиб, ilmiy faоliyat билан шуғулланган olimlar ҳам бўлгани aloхida эътиборга моликдир. Чунки, ушбу даврда Темурийлар даврида olimlar ва

илм-фанга алоҳида эътибор қилиб, улар қўллаб қувватланган. Натижада, кўплаб таниқли ҳанафий-мотуридий олимлари фаолият юритганлар. Саъдуддин Тафтазоний ҳам шу даврнинг энг машҳур олими саналади. Алломанинг тўлиқ исми Масъуд ибн ал-Қози Фахруддин Умар ибн ал-Мавло ал-Азим Бурҳонуддин Абдуллоҳ ибн ал-Имом ар-Раббоний Шамс ал-Ҳаққ, ад-Дин ал-Қорий ас-Самарқандий ал-Ҳаравий ат-Тафтазоний ал-Хуросоний ал-Ҳанафий бўлиб⁴³⁵, у 722/1322 йили⁴³⁶ Хуросоннинг Насо (ҳозирги Туркманистон, Ашхабод) шаҳрига ёндош “Тафтазон” қишлоғида туғилган. Олим 792/1390 йили Самарқандда вафот этган⁴³⁷.

Иккичи Шарқ Ренессансининг юз беришида Саъдуддин Тафтазонийнинг муносиб ҳиссаси бўлган. Зеро, ўша даврда турли мазҳаб ва таълимотлар, эътиқодлар ягона давлат остида бирлаштирилган. Бу жаёнда, Саъдуддин Тафтазоний каби олимларнинг улар ўртасида муносабатларни боғлаш ва ягона мақсад йўлида жипслаштиришдаги таъсири кучли бўлган. Бу каби ҳолатларни алломанинг асарларидан ҳам билиб олиш мумкин. Алломанинг тафсир, усул ал-фикҳ, фуруъ ал-фикҳ, калом, наҳв, балоғат, мантиқ, геометрия, математика ва бошқа соҳаларда элликдан ортиқ асар тасниф қилгани аниқланган. Бу эса, олимнинг асарлари сони шу билан чегараланган деган фикрни тақазо қилмайди. Чунки, дунёдаги қўлёзма фондлари ва шахсий кутубхоналарда сақланаётган юз минглаб асарлар ҳануз тўлиқ илмий истеъфодага киритилмаг. Олимнинг илмий фаолиятида араб тили грамматикасига бағишланган асарлар алоҳида ўринга эгадир. Уларнинг баъзилари бугунги кунгача устоз-шогирд анъанасида асосий манбалар қаторида ўқитиб келинади. Жумладан:

1. Шарҳ ат-Тасриф ал-Иззий. Ушбу асар Азуддин Абдулваҳҳоб Иброҳим Занжонийнинг “ат-Тасриф” асарига ёзилган шарҳ бўлиб, аллома уни ўн олти ёшида 738 йил Шаъбон ойининг 15 куни тунда / 1338 йили 8 март ёзиб тугатган⁴³⁸. Бу асар “ас-Саъдия” номи билан танилган бўлиб, унга Имом Жалолуддин Суютий “ат-Тасриф ало Шарҳ ат-Тасриф” номли, Шамсуддин Муҳаммад ибн Али Ҳалабий (ваф. 933/1527) “ат-Татриф ало Шарҳ ат-Тасриф” номли ҳошиялар ёзганлар. Асар Константинопол шаҳрида 1253/1837, Техрон шаҳрида 1280/1884 (мажмуа таркибида), Деҳли шаҳрида

⁴³⁵ Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Мифтах ас-Саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. Ж. I. – Б. 190.; Жамолуддин Абу ал-Маҳосин Юсуф ибн Туғро Бурда. ал-Манҳал ас-софий. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-васоиқ ал-қоамия, 2005. – Ж. XI. – Б. 241.; Жамолуддин Абу ал-Маҳосин Юсуф ибн Туғро Бурда. Ад-Далил аш-шофий ала ал-Манҳал ас-софий. – Қоҳира: Мактабат ал-Хонижи, 1955. – Ж. II. – Б. 734.; Такиййудд-ин Аҳмад ибн Али ал-Макризий. Дурад ал-Уқуд ал-фарида. – Байрут: Дор ал-Ғарб ал-исломий, 2002. – Ж. III. – Б. 471.

⁴³⁶ Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 20.; Исмоил Пошо ал-Бағдодий. Ҳадият ал-орифин. – Истамбул: Миллий эғитим басимеви, 1951. – Ж. II. – Б. 430.; Муҳаммад ибн Али аш-Шавконий. Ал-Бадр ат-толий. – Қоҳира: Дор ал-китаб ал-исломий, 1997. – Ж. II. – Б. 303.; М.Т.Ҳоутсма. Мужаз Доират ал-маъориф ал-исломия. – аш-Шариқо: Марказ аш-Шарикот ли ал-ибдаи ал-фикрий, 1998. – Ж. VIII. – Б. 2299.; Шамсуддин Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ас-Саховий. Вазиз ал-калом. – Барут: Муассасат ар-рисола, 1995. – Ж. I. – Б. 295.

⁴³⁷ Абулхайр Исомуддин Аҳмад ибн Мустофа ибн Жалил Тошкўпризода. Мифтах ас-Саода. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975. Ж. I. – Б. 191-192.

⁴³⁸ Исомуддин Аҳмад Тошкўпризода. Мифтоҳ ас-саода. – Ж. I. – Б. 191.

1289/1872, 1295/1878, Қоҳира шаҳрида 1307/1889, 1997, Байрут шаҳрида 2011 йилларда нашр қилинган.

2. Иршод ал-Ҳодий. Бу асар Хоразмда 778/1376-1377 йили ёзиб тугатилган бўлиб⁴³⁹, у муқаддима ва уч қисмдан иборат (исм, феъл ва ҳарф). Унга алломанинг шогирди Фатҳуллоҳ Шарвоний Ҳанафий, Алоуддин Али ибн Муҳаммад Бистомий (ваф. 775/1373) ва Муҳаммад ибн Али Журжоний (ваф. 838/1435) каби олимлар шарҳ ёзганлар⁴⁴⁰. У бир неча бор нашр этилган.

3. Ат-Таркиб ал-жалил фи илм ан-наҳв. Бу асар эъробнинг барча қоидаларини ўзида жамлаган⁴⁴¹. Унинг бир тошбосма нусхаси Принстон университети мавжуд бўлиб, нашр жойи ва санаси кўрсатилмаган⁴⁴². Олимнинг ушбу асарига Муҳаммад ибн Маҳмуд Румий Даббоғзода (ваф. 1114/1703) томонидан “ат-Тартиб аж-жамил фи шарҳ Ат-Таркиб ал-жалил” номли шарҳ ёзилган.

4. Ал-Исбаҳ. Бу асар Носир ибн Абдуссайид Мутарризий (ваф. 610/1213) нинг “ал-Мисбаҳ” номли асари муқаддимасига ёзилган шарҳ⁴⁴³. Асарнинг қўлёзма нусхалари бугунги кунгача етиб келган.

5. Қованин ас-сарф⁴⁴⁴. Лекин у бугунги кунгача топилмаган.

6. Ҳалл ал-мавоқид фи Шарҳ ал-Қоваид ли Ибн Ҳишом ал-Ансорий. Лекин у бугунги кунгача топилмаган.

7. Шарҳ Ҳикмат ал-Ишроф. Аммо, асар бугунги кунгача топилмаган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Саъдуддин Тафтазоний ўз даврининг барча илм соҳаларида муҳим асарлар ёзган. Жумладан, алломанинг араб тили грамматикасига оид юқоридаги еттита асаридан дастлабки учтаси нашрдан чиққан, биттаси қўлёзма ҳолатда ва учтаси ҳануз аниқланмаган.

* * *

⁴³⁹ Исомуддин Аҳмад Тошкўпризода. Мифтоҳ ас-саода. – Ж. I. – Б. 192.

⁴⁴⁰ Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. – Ж. I. – Б. 67-68.

⁴⁴¹ Исмоил Пошо Бағдодий. Изоҳ ал-макнун. – Ж. I. – Б. 283.

⁴⁴² Қаранг. Саъдуддин Тафтазоний. Ат-Таркиб ал-жалил фи илм ан-наҳв. – Тошбосма. Принстон кутубхонаси фонди. Инв. – № 32101064066978. – 67 б.

⁴⁴³ Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. – Ж. II. – Б. 1709.

⁴⁴⁴ Исмоил Пошо Бағдодий. Ҳадия ал-орифин. – Ж. II. – Б. 430.

IMOM BUXORIYNING ILMIY-MA'NAVIY MEROSI XUSUSIDA

ON THE SCIENTIFIC AND SPIRITUAL HERITAGE OF IMAM BUKHARI

Sagdullayeva Dilfuza,

Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent v.b.

Muhiddinova Mahbuba,

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
"Matnshunoslik va adabiy manbashunoslik"
yo'nalishi 2-bosqich talabasi*

Markaziy Osiyo uzoq tarix davomida ilm-fan va madaniyatning gullab-yashnashiga guvoh bo'lgan mintaqaga bo'lib, bu yerda ham dunyoviy ham diniy ilmning ko'plab sohalarida mashhur bo'lgan ulamolar yetishib chiqqan. Ularning beqiyos ilmiy-ma'naviy meroslari asrlar o'tsa-da, o'z ahamiyatini yo'qotmagan va hozirgi kunda ham dasturulamal bo'lib kelmoqda.

“Sunanu-d-Dorimiy” va hanafiy mazhabi asoschilari asarlarida kelgan yuqoridagi hadisni tahlil etish natijasida xulosa qilish mumkinki, Abu Muhammad Dorimiy boshqa sunan to‘plamlari kabi o‘z asarini shakllantirishda fiqhiy mavzular tartibi asosida hadislarini jamlash jarayonida ayrim o‘rinlarda muhaddislar o‘rtasida mashhur bo‘lgan hadislariga yuzlanmay, hanafiy mazhabi manbalarida kelgan hadislariga muvofiq matnlarni rivoyat qilgan.

⁴⁸⁶ Ibn Hajar Asqaloniy “Ta’jilu-l-manfaa” asarida ushbu sanadda zikr etilgan “bir kishi”dan murod Omir ibn Sharohil Sha’biy ekanini aytgan. Manba: Ibn Hajar Asqaloniy. Ta’jilu-l-manfaa. 1162-hadis.

⁴⁸⁷ Salaf – sotib olinayotgan tovarni bir muddat o‘tgach yetkazib berish sharti bilan bitim tuzish.

⁴⁸⁸ Abu Yusuf. Kitobu-l-osor. –Peshovar, Pokiston: Doru-l-kutub. –B. 357; Muhammad ibn Hasan Shayboniy. Kitobu-l-osor. –Damashq: Doru-n-vodir, 2008. –B. 617.

⁴⁸⁹ Abu Iso Termiziy. Al-Jomeu-l-kabir. –Qohira: Doru-t-ta’sil, 2016. –J.II. –B. 384.

Abu Muhammad Dorimiyning boshqa muhaddislardan farqli o'laroq hanafiy mazhabida dalil sifatida qo'llangan yuqoridagi hadisda kelgan savdoga oid qo'shimcha shartlarni zikr etishi, uning ayrim o'rinlarda hanafiylar qarashiga yaqin ijtihodni amalga oshirganini bildiradi. O'z navbatida, uning bunday yo'l tutishiga Abu Muhammad Dorimiyning Samarqanddagi faoliyati davomida hanafiylardan ta'lim olgani hamda uning Ubaydulloh va Abdulkabir ibn Abdulmajid Hanafiy kabi hanadiy mazhabi asoschilaridan bo'lgan Zufar ibn Huzaylning shogirdlaridan hadis o'rgangani ham turtki bo'lgan, deyish mumkin.

* * *

“QOBUSNOMA” ASARNING TA'LIMIY-TARBIYAVIY AHAMIYATI

EDUCATIONAL AND MORAL SIGNIFICANCE OF QABUS-NAMA

Hakimov Azizxon

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
katta o'qituvchisi*

Murodov Olimjon

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
Islomshunoslik fakulteti talabasi*

Yosh avlodning komil, yetuk inson bo'lib yetishishida ta'lim va tarbiyaga alohida o'rin egalladi. Hamma zamonlarda ham farzand tarbiyasiga insonoyat taraqqiyotining poydevori, jamiyat rivojining asosiy omili sifatida baho berilgan. Chunki aqlan, jismonan va axloqan yetuk avlodlarga ega bo'lgan xalqningina kelajagi buyuk, har lahzasi qadrlil va qimmatli bo'ladi. Shuning uchun ham, ertangi kuni yorug', kelajagi porloq bo'lishini xohlagan har bir xalq o'z farzandlarining tarbiyasiga jiddiy e'tibor qaratishlari zarur. Shuni ta'kidlash joizki, farzand tarbiyasi go'zal va har tomonlama mukammal bo'lib kamol topishida oilaning o'rni beqiyos sanaladi. Negaki har bir inson eng avvalo oila deb atalmish makondan o'rnak oladi va tarbiyalanadi.

Oiladagi muhit farzand tarbiyasiga ta'sir o'tkazish kuchiga egadir. Xususan mamlakatimizning birinchi prezidenti Islom Karimov ta'biri bilan aytganda, “Insonning eng sof va pokiza tuyg'ulari, ilk hayotiy tushuncha va tasavvurlari birinchi galda oila bag'rida shakllanadi. Bolaning xarakteri, tabiati va dunyoqarashini belgilaydigan me'zon va qarashlari yaxshilik va ezgulik, oliyanoblik va mehr-oqibat, or-nomus va andisha kabi muqaddas tushunchalarning poydevori oila sharoitida qaror topishi tabiiydir” Shuning uchun ham oila kishilik jamiyatining ijtimoiy poydevori, boshlang'ich nuqtasi hisoblanadi. Bu borada azaldan ajdodlarimiz o'z asarlarida tarbiyalash, ta'lim berish yo'llarini, usullarini tavsiya qilib boradi. Bugungi kunda yoshlarimizga, ta'lim-tarbiyaga alohida e'tibor berilmoqda.

Sharqda keng tarqalgan pandnoma tarzida yozilgan mashhur asarlardan biri Unsurul maoliy Kaykovusning “Qobusnoma”sidir. Ushbu asarda farzand tarbiyasi, farzandning ota-ona oldidagi vazifalari, ota-onaning farzandga beradigan nasihatlar to’g’risida ma’lumotlar keltirilgan. Ushbu asar Sharqiy va Markaziy Osiyo xalqlari orasida keng tarqalgan axloqiy-ta’limiy asar hisoblanadi. Bu asarni muallif o’g’liga atab yozgan. “Qobusnoma”da tarbiya, ta’lim, rostgo’ylik, do’slik haqida nasihatlar berilgan. Muallif o’g’lini ertangi kun kelajagini o’ylab ushbu asarni yozib, undagi nasihatlariga amal qilishga undaydi. Asarning asosiy qismini Qun’oni Karim oyatlari, payg’ambarlarimiz hadislaridan tashkil topgan asar hisoblanadi. Asar 44 bobdan iborat. Har bir bobda farzandlarni komil inson qilib tarbiyalashda zarur bo’ladigan nasihatlar keltirilgan.

“Qobusnoma” falsafiy didaktik asar bo’lib, shaxs shakllanishining barcha tomonlarini o’z ichiga oladi. “Uning Farzand parvarish qilmoq zikrida” degan bobi bevosita oiladagi bola tarbiyasiga bag’ishlanadi. Kaykovus bola tarbiyasida talabchanlik bilan mehribonlikni birga olib boorish lozimligini ta’kidlaydi.

Kaykovus shunday deydi: «... barcha fikr va tushunchalarimning sening uchun kitobga yozdim va har bir ilm, ham hunar va har peshakim bilur edim, hammasini qirq to’rt bobda bayon etdim». Kitobda juvonmardlar egallashi zarur bo’lgan quyidagi yo’nalishlarda ta’lim-tarbiya berish nazarda tutilgan:

- 1 Kaykovus bilim olish haqida.
- 2 Hunar va turli kasb egalari haqida.
- 3 Turmush va xulq-odob qoidalari haqida.
- 4 Jismoniy yetuklik haqida.

Ko’rtinib turibdiki, Kaykovus qarashlarida inson tarbiyasi omili muhim o’rin tutadi. U axloqlilikning birinchi belgisi suxandonlik deb biladi. U (suxango’ylik) notiqlikda rost so’zlash kerakligini ta’kidlaydi. Kaykovus so’zlarni to’rt xilga bo’lgani kabi odamlarni ham to’rt xilga bo’ladi. Birinchi xil kishilar ko’p narsani biladi va yana bilgisi kelaveradi. Bular olimlar bo’lib, ularga bo’ysunish kerak, deydi. Ikkinchisi, bilmagan narsasini bilishga harakat qiladi, ular qobil kishilar bo’lib, bunday kishilarga o’rgatish kerak. Uchinchisi, bilganini ham bilmaydi, uyquda yashagandek, ularni «uyg’otish» kerak. To’rtinchisi, bilmaydi va bilmaganini tan olmaydi. Bular johil kishilar bo’lib, ulardan qochish kerak, deydi.

So’zlarning esa birinchi xili bilinmaydi va aytilmaydi; ikkinchisi aytiladigan va biladigan; uchinchisi ham bilinadi, bam bilishga zarurati yo’q, ammo aytsa bo’ladi. To’rtinchisi, bilinadigan va aytiladigan. Eng yaxshisi, to’rtinchisi, ya’ni bilinadigan va aytiladigan, deydi. So’zlaganda andishali bo’lish, sovuqso’zli bo’lmaslik, kam gapirish, kamtarlik, maqtanmaslik, birovning so’zini diqqat bilan eshitish odoblarini ta’kidlaydi.

Kaykovusning katta xizmati shundaki, u yoshlarni hayotga tayyorlashda ularni har tomonlama kamolga yetkazishning nazariy masalalarini amaliy faoliyatga tatbiqi nuqtayi nazaridan ifodalashi bilan hamma zamonlarda, har qanday tuzumda ham o’z qadr-qimmatini yo’qotmadi va amaliy hayot dasturi sifatida o’z o’rniga ega bo’ldi. U yoshlarda yuksak axloqiy fazilatlarini tarkib toptirishni istaydi, yoshlarni doimo to’g’rilikka, yaxshilikka, adolatlikka undaydi.

Ushbu asar bir necha tillarga tarjima qilingan, jumladan, 1432-yilda Merjomak Ahmad ibn Ilyos tomonidan turk tiliga, 1702–1705-yillar Hasan Poshsha Nazmizoda Murtozo tomonidan yana turk tiliga, 1786–1787-yillarda Muhammad Siddiq Rashidiy tomonidan uygʻur tiliga, 1881-yilda Qayum Nosiriy tomonidan tatar tiliga, XIX asrda ingliz, nemis (1881), fransuz (1886) va rus tillariga tarjima qilingan. 1935-yilda Tehron universitetining professori, adib Said Nafisiy ushbu asarni Tehronda nashr ettirgan. 1860-yilda oʻzbek tiliga ilk marotaba shoir va mutafakkir Muhammad Rizo Ogahiy tomonidan tarjima qilingan. Asarning oʻzbek tiliga tarjima qilinishi shahzoda Feruz Muhammad Rahimxon II topshirigʻi bilan boʻlgan. Uning qoʻlyozma nusxasi Oʻzbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasining Sharqshunoslik institutida qoʻlyozmalar fondida va Sankt-Peterburgdagi “Saltikov-Shchedrin” nomli nomli kutubxonada saqlanadi.

Xulosa qilib shuni aytamizki, “Qobusnoma” asari bugungi kunda ham axloqiy qadriyat sifatida yosh avlodni maʼnaviy axloqiy ruhda tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etib kelmoqda. Bu asarda oila, farzand tarbiyasi juda yaxshi tushunirib berilgan boʻlib, bugungi kun yosh ota-onalariga dasturamal boʻlib xizmat qilmoqda.

* * *

IMOM MUSLIMNING USTOZLARI

TEACHERS OF IMAM MUSLIM

Hoshimov Oybek,
*Hadis ilmi maktabi va
Toshkent islom instituti,
katta oʻqituvchi*

“Саҳиҳ Муслим” асарининг муаллифи Имом Муслим ибн Ҳажжож Кушайрий, Найсобурий етук олим бўлишида устозларининг ўрни катта бўлган. Имом Муслим зиёли хонадонда туғилган эди. Манбаларда айтилишича, “Муслимнинг отаси одамларга таълим-тарбия бериш билан шуғулланган”⁴⁹⁰. Муслимнинг шогирди Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб Фарро айтишича, “Муслимнинг отаси шайхлардан эди”⁴⁹¹. Шунинг учун Муслим ҳам катта олим бўлиб етишишида отасининг ўрни катта бўлган деб саналади. Ўша даврларда ёш болани мактабга чиқариб, Қуръон ёдлатишар ва араб тилини ўргатишар эди. Бу босқичдан ўтган бола шайхлар олдида бориб ҳадис

⁴⁹⁰ Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Тасҳил муқаддима Саҳиҳ Муслим. Карачи: Байт ал-илм, 2004 й. - Б. 4.

⁴⁹¹ Доктор Муҳаммад Маҳмудий ибн Муҳаммад Жамил Нуртоний. Ал-Мадҳал ила Саҳиҳ Муслим ибн Ҳажжож. - Кувайт: Мактаб аш-шууний ал-илмийя, 2007 й. - Б. 17.

эшитишни бошлар эди⁴⁹². Муслим ҳам шу босқични босиб ўтишида отасининг ўрни катта бўлган.

Имом Муслим ёшлигидан бошлаб ҳадис ўрганган. Заҳабийнинг айтишича, “Имом Муслим 218/833 йилларда Яхё ибн Яхё Тамимийдан ҳадис эшитишни бошлаган”⁴⁹³. У ўзи туғилиб ўсган жойдаги кўплаб муҳаддис ва ҳадис шайхларидан ҳадис эшитган. Жумладан, Найсобурда Исҳоқ ибн Роҳавайҳ ва Қутайба ибн Саъиддан ҳадис эшитган.

Кейин Ироққа сафар қилиб, Аҳмад ибн Ҳанбал ва Абдуллоҳ ибн Маслама Қаънабийдан ҳадис эшитган. Ҳижозга бориб Саид ибн Мансур ва Абу Мусъаб Зухрийдан ҳадис илмини ўрганди. Мисрга сафар қилиб, Ҳармала ибн Яхё ва Амр ибн Саводдан ҳадис эшитди⁴⁹⁴. Ҳамроҳи ва шогирди Аҳмад ибн Салама билан биргаликда Басра ва Балх шаҳарларига илмий сафар қилган⁴⁹⁵. У охириги илмий сафарини вафотидан икки йил олдин Бағдодга уюштирган. Ушбу сафар давомида муҳаддис Муҳаммад ибн Меҳрон, Абу Ғассон Мисмаъийларга ҳадис ўқиб берган. У ўзининг машҳур устози “Сунани Доримий” асарининг муаллифи Абдурахмон Доримийдан ушбу охириги сафарида ҳадис эшитган⁴⁹⁶. Имом Бухорийдан ҳадис ўргангани ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилган: “Имом Бухорий охириги марта 250 ҳижрий йил Найсобурга борганида Имом Муслим Имом Бухорийга шогирд тушиб, ҳадис ўрганган. Ўшандан бошлаб Бухорий билан доим бирга бўлган. Қийин вазиятларда ҳам ажралмаган”⁴⁹⁷.

Шамсуддин Заҳабий “Сияр аълам ан-нубало” асарида Имом Муслимнинг ҳамма устозларини бирма-бир санаб ўтган⁴⁹⁸. Имом Муслим ҳадис эшитган ҳамма устозини ҳам “Саҳиҳ Муслим” асарида келтирмаган. “Балки ҳадис эшитган устозларидан 220 нафарини “Саҳиҳ Муслим” асарида келтирган. 17 та устозининг номини “Саҳиҳ Муслим” асарига киритмаган. 26 та устозининг исмини бошқа китобларида келтирган”⁴⁹⁹.

1. Имом Муслим Имом Бухорийни ўзига хос устоз деб билган. Ундан ҳадис эшитган. Ҳадис илмларини ўрганган. Имом Заҳабий, “Имом Муслим “Саҳиҳ Муслим” асарида Бухорийдан ҳадис ривоят қилмаган ва унинг

⁴⁹² Қаранг: Доктор Муҳаммад Маҳмудий ибн Муҳаммад Жамил Нуртоний. Ал-Мадҳал ила Саҳиҳ Муслим ибн Ҳажжож. - Кувайт: Мактаб аш-шууний ал-илмийя, 2007 й. - Б. 18.

⁴⁹³ Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияр аълам ан-нубало. Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006 й. Ж. 10. - Б. 174.

⁴⁹⁴ Қаранг: Ҳофиз Абу Амр Ибн Салоҳ. Сиянату Саҳиҳ Муслим минал халал вал ғалат ва ҳимаятху минал исқат вас сақат. Дарул ғарбил исламий, 1984 й. - Б. 56-58.

⁴⁹⁵ Қаранг: Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Тасҳил муқаддима Саҳиҳ Муслим. Карачи: Байт ал-илм, 2004 й. - Б. 9.

⁴⁹⁶ Фазл Муҳаммад Юсуф. Тухфатул мунъим шарҳи Саҳиҳ Муслим. Мактаба Увайс Қароний. Карачи. 1-Ж. -Б. 76.

⁴⁹⁷ Доктор Муҳаммад Абдурахмон Тавалиба. Имам Муслим ва манҳажуху фи саҳиҳихи. Урдун: Дор Аммор, 2000 й. - Б. 44.

⁴⁹⁸ Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияр аълам ан-нубало.- Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. Ж. 10. - Б. 174-175-176.

⁴⁹⁹ Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Тасҳил муқаддима Саҳиҳ Муслим. -Карачи: Байт ал-илм, 2004. - Б. 15.

исмини келтирмаган”⁵⁰⁰ деб келтирган. Заҳабий ва Миззий ўз асарларида Имом Муслимнинг устозларини санаб ўтганда Имом Бухорийнинг исмини келтирмаган. Сабаби, Бухорийнинг исми “Саҳиҳ Муслим” асарида келтирилмагани учун ҳам шундай йўл тутишган. Имом Муслим нима учун ўз асарида Имом Бухорийдан ҳадис ривоят қилмаган? Бу жуда ҳам баҳс-мунозарали фикрлардан бири саналади.

Имом Муслим бошқа машҳур устозларининг исмини ҳам “Саҳиҳ Муслим” асарида келтирмаган. Масалан, “Али ибн Жаъд, Али ибн Мадиний ва Муҳаммад ибн Яҳё Зухлий каби устозларидан “Саҳиҳ Муслим” асарида ривоят келтирмаган”⁵⁰¹.

Хулоса қилиб айтганда, Имом Муслим ислом оламида энг машҳур бўлган устозлардан ҳадис исмини ўрганди. Энг ишончли ровийларнинг ўзидан бевосита ҳадис эшитган. Етук устозлардан ҳадис илмларида эътироф этиладиган олимга айланди. Унинг “Саҳиҳ Муслим” асари энг ишончли манбалар қаторида санаб келинади.

* * *

MUSTAQILLIK YILLARIDA O‘ZBEKISTONDA HAKIM TERMIZIY FAOLIYATINING O‘RGANILISHI

RESEARCH OF HAKIM TIRMIDHI’S ACTIVITIES OF IN UZBEKISTAN DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE

Turopova Nodira Ilhom qizi,
Grand ta’lim NTM o‘qituvchisi

Mashhur alloma Hakim Termiziy ilmiy merosi dunyo miqiyosida o'tmishdan boshlab o'rganib kelinadi. Jumladan, mutafakkir yurtdoshlari ham bunga munosib hissa qo'shib borishmoqda.

2000-yilda J. Omonturdiyevning tasavvuf va hakimiyya tariqatiga alohida urgu berilgan "al-Hakim at-Termiziy ta'limoti" nomli risolasi nashr etildi. Mazkur risola Hakim Termiziy faoliyatini keng kolamda ozbek tilida ifodalagan ilk tadqiqot deb aytish mumkin. Bundan keyin I. Xudoyorning “Ishq Jayhunning yo‘ldoshi” maqolasi, “Xatm ul-avliyo” asari tarjimasi taqdim etildi. 2001-yilda R. Abdullayev tomonidan allomaning o‘zi tomonidan yozilgan biografiyasi hisoblangan “Baduv ush-shan Abu Abdulloh” asari tarjimasi e’lon qilindi.

Fariduddin Attor (1145-1221) ning “Tazkirat ul-avliyo” asaridagi Hakim Termiziyga taaluqli sahifalarning ozbek tiliga ogirilishi alloma ijodini targ‘ib qilishda katta ahamiyatga ega bo‘ldi. Bu borada professor J. Omonturdiyev, sharqshunos J. Fattayev va islomshunos M. Kenjabeklarning amalga oshirgan

⁵⁰⁰ Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияр аълам ан-нубало. -Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. Ж. 10. - Б.181.

⁵⁰¹ Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияр аълам ан-нубало. -Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. Ж. 10. - Б.176.

ishlari ancha e'tiborli va tahsinga loyiqdir. M. Kenjabek 2001-yilda Termiz tazkirasi, 2017-yilda Buyuk Termiziylar. "Termiz tazkirasi" asarlarida bevosita Hakim Termiziy ijodiga urg'u bergan.

Hakim Termiziy merosini organishdagi tayanch manbaga aylangan tadqiqot shubhasiz, professor U. Uvatovga tegishli "al-Hakim at-Termiziy" boshqa qilingan ishlardan tubdan farq qiladi. Risolada allomaning ustozlari, shogirdlari, sharaflari, laqablari, asarlari, ularning mazvulari haqida fikrlar izhor etiladi. Asarning toldirilgan qayta nashri "Ikki buyuk donishmand" deb nomlanib, unda imom at-Termiziy va Hakim Termiziy haqida keng malumot berilgan. 2017-yilda I. Usmonov bilan hamkorlikda "Termizlik ikki alloma" nomi ostida toldirilgan qayta nashri tayyorlandi.

A. Xolmirzayev "Surxondaryoning tabarruk ziyoratgohlari" asarida Termiz shahrida joylashgan Hakim Termiziy maqbarasi tavsifi asosida alloma haqida ham malumot mavjud. Hamidjon Homidiy tomonidan 2004-yil chiqqan "Tasavvuf allomalari" kitobida turli mutasavvuf qatorida Hakim Termiziy haqida ham malumot keltirilgan.

A. Shoshiy tomonidan "Manozil ul-ibod min al-iboda" asari tarjimasini 2003-yilda nashr qilindi. Ushbu kitob kichik hajmli bolsa-da Alloh taolaga qurbat hosil qilishda bandaning ibodatdagi manzillarini muhtasab tariflagan. 2007-yilda "Navodir al-usul" asari I. Usmonov tomonidan qilingan tarjimasini nashr etildi. I. Usmonov tomonidan izanishlar davom ettirilib, 2017-yilda Hakim Termiziy asarlaridan saylanma tarjima kitobi nashr ettirildi.

U. Uvatov, J. Cho'tmatov, K. Jamahmatov, O. Jo'raev, U. Oljaev, S. Boboxojaev kabi olimlar mualliflik qilgan Buyuk Termiziylar nomli xalqchil va ommabop risolalar to'plami 10 ta kichik risolalar to'plamidan iborat.

Olim Jo'rayev tomonidan tarjima qilingan "Muhammad Hakim Termiziy risolalari" nomli kitobda Hakim Termiziyning "Buduvvu sha'n Abu Abdulloh Termiziy" (Hakim Termiziy yo'lining boshlanishi), "Adabun nafs" (Nafs odobi), "Riyozatun nafs" (Nafs mashaqqati), "Bayonul kasb" (Kasb bayoni) kabi asarlari jamlangan ushbu asarlar muallifning nafsni poklashda yo'liqqan mashaqqatlari haqida ham hikoya qiladi.

Nuriddin Achilov tarafidan 2021-yilda nashr etilgan Termiziy allomalarning pedagogik ta'limotlari nomli o'quv-uslubiy qo'llanmada Hakim Termiziyning pedagogik uslubi yoritilgan.

Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf tomonidan allomaning ikki asari o'zbek tiliga tarjima qilingan. Xususan, "Navodir al-usul fii ahodisi rosul" asari 21 betlik muqaddima, Hakim Termiziy tavsifi, hadis ilmidagi orni, ilm ahllarining mutasavvif asarlariga bolgan etirozlari, hadis turlari va ayrim istelohlari va mazkur asar haqida alohida boblarda soz yuritiladi. Asar nomi "Rosul sollallohu alayhi vassallam hadislaridan nodir asllar" deb tarjima qilingan.

Keyingi tarjima esa "Saraxs ahli soragan masalalar - kasbning bayoni" deya atalgan doktor Absulfattoh Abdulloh Baraka tomonidan nashrga tayyorlangan "Muridlar odobi" asaridir. Mazkur tarjimada ham Hakim Termiziy ta'rifi, unga berilgan ulamolarning fikrlari, alloma ilmiy merosi haqida yoritilgandan so'ng asosiy matn keltirilgan. 2017 va 2019-yillarda nashr etilgan.

Mas'udxon Ismoilov tarjima qilgan 2021-nashr etilgan Hakim Termiziyning ilm, olimlar, valiylik, nafs tarbiyasi, aql, qalb, ma'rifat, zohidlar, shafolat, muhabbat, meros, sabr kabi mavzulariga doir al-Masoil al-maknuna (Yashirin masalalar) va shariyatda qaytarilgan amallar haqidagi al-Manhiyot (Qaytarilgan amallar) asarlari ham Hakim Termiziy kitoblarini kitobxonlarga o'zbek tilida mutoala qilishga xizmat qildi. Ikki tarjima kitobning ham arab tilidagi matni berilgan bo'lib, manbashunos, filolog, sharqshunos va islomshunoslarga tatqiqotlar amalga oshirishda o'ziga xos yordamdir.

2023-yilda Z. Faxriddinov tarafidan yoqlangan Hakim Termiziyning "Tahsil nazoir al-Qur'on" asari Qu'ron ilmlariga oid muhim manba mavzusidagi ilmiy tadqiqot ishi qur'onshunoslik, hadisshunoslik yo'nalishidagi tadqiqot bolib Hakim Termiziy tomonidan quronshunoslikda asos solingan lug'aviy tafsir usuli borasida muhim ma'lumotlar keltirib otadi.

2023-yilda Jo'rabek Cho'tmatov tomonidan Hakim Termiziyning uzoq yillar mobaynida no'malum bo'lib kelgan tafsir asarining qo'yozmasi nashrga tayyorlandi. "Dorul muhaddis" nashryotida asl tili bolgan arab tilida chop etildi. Asar qo'lyozmasi Turkiyaning Burdur shahridagi Milliy kutubxonada 143-raqamda saqlangan va uning matn qismi kolofondan tashqari 139 bet, yani 70 varoqdan iborat.

Bundan tashqari, J. Cho'tmatov muallifligida 2024-yilda Termiziylar tasavvuf maktabi, Termiziylar hadis maktabi, Termiziylar kalom maktabi va Termiziylar fiqh maktabi kitoblari Kitob nashr nashriyotida chop etildi. Ushbu asarlarning barchasida Hakim Termiziyning tasvvuf, kalom, hadis va fiqh ilmlariga qo'shgan beqiyos xizmatlari ilmiy asosda keltirib otilgan. Mazkur olim tarafidan yozilgan Muhammad Hakim Termiziy islom psixologiyasi asoschisi nomli maqola bugungi kunda ommalashayotgan psixologiya fanining islomiy asosda yotilishi targibotida ham ahamiyatlidir.

Xulosa qilib aytish mumkinki, O'zbekistonda Hakim Termiziy faoliyatining o'rganilishi U. Uvatov, Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf, A. Ramazonov, J. Cho'tmatov, I. Usmonov, M. Ismoilov va boshqa tadqiqotchilar tomonidan amalga oshirildi. Imom Termiziy xalqaro ilmiy tadqiqot markazi negizida Hakim Termiziyning o'rganish yanada jadallashdi. Lekin alloma asarlarini o'zbek tilida nashr etish yo'lga qo'yilgan bo'lsa-da, mazkur nashrlar asosan ilmiy doiralar orasida tarqash bilan cheklanib qolgan.

* * *

“SHARHUL VIQOYA” ASARIGA BAG‘ISHLANGAN UCH HOSHIYA

THREE COMMENTARIES TO “SHARHUL VIQOYA”

Otabek Amanillayevich Baxriyev
*Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot
markazi ilmiy xodimi.*

Муҳаддис, факих, усулий, мантикий, мутакаллим, тарихчи, тадқиқотчи, танқидчи олим, шайх Абулҳасанот Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий ҳанафий мазҳабини ҳимоя қилиб, жуда бой фикҳий-илмий мерос қолдирган.

Солах Муҳаммад Солим Абулҳож ўзининг “Абдулҳай Лакнавийнинг фикҳий услуби” китобида⁵⁰² алломанинг ҳанафий фикҳига доир 51 асарини санаган бўлса, Валиюддин Надавий “Имом Абдулҳай Лакнавий Ҳинд алломаси ва муҳаддис ва фуқоҳаларнинг имоми” номли китобида⁵⁰³ 49 та санаган.

Бу асарлар “Ҳуснул вилояти бихалли шарҳил виқояти” (Шарҳул виқоя масалаларига гўзал ечим), “Ас-Сиояти фи кашфи мо фи шарҳил виқояти” (Шарҳул виқоя масалаларини ечишдаги махфий маълумот), “Умдатур риояти фи ҳалли шарҳил виқояти” (Шарҳул виқоя масалаларини ечишдаги ҳомийликнинг асоси)дан иборат бўлиб, ҳанафийлик таълимотида эътиборли манба ҳисобланади.

Абдулҳай Лакнавий “Ҳуснул вилояти бихалли шарҳил виқояти” китобини талабалик даврида, яъни отасининг қўлида “Шарҳул виқоя” асаридан таълим олиш жараёнида ёзган. Бу асар “Шарҳул виқоя” китобини ўқиш давомида отасидан ўрганган баъзи таълиқотлардан иборатдир.

Бу ҳақда аллома ушбу сўзларни айтган: “Меҳрибон отамнинг қўлида “Шарҳул виқоя” китобини ўқиётганимда отамнинг буйруғи билан баъзи масалалар ечимини ўз ичига олган таълиқ ёздим. Бу таълиқ “Шарҳул виқоя” асарининг биринчи ярмини қамраб олган”⁵⁰⁴.

Алломанинг “Шарҳул виқоя” асарига бағишланган иккинчи китоби “Ас-Сиояти фи кашфи мо фи шарҳил виқояти” асаридир. Аллома бунда “Шарҳул виқоя” асарининг аҳамияти, ҳанафий уламоларининг унга суяниши ҳамда шарҳлашининг сабабларини баён қилган.

Абдулҳай Лакнавий ўзидан олдинги “Шарҳул виқоя” асарига ёзилган шарҳ ва таълиқларни кўздан кечиран экан, улар қуйидаги ишларга аҳамият берганининг гувоҳи бўлди: “Эътирозли гапларни келтириш билан ўзларининг фикрларини билдирди, қийл-қол (деди-деди гаплар)ни

⁵⁰² Солах Муҳаммад Солим Абулҳож. Абдулҳай Лакнавийнинг фикҳий услуби. – Уммон: Дарун Нафоис, 2002. – Б. 94-107.

⁵⁰³ Валиюддин Надавий. Абдулҳай Лакнавий Ҳинд алломаси ва муҳаддис ва фуқоҳаларнинг имоми. – Байрут: Дарул қалам, 1995. – Б. 165.

⁵⁰⁴ Абдулҳай Лакнавий. Абдулҳай Лакнавий. Муқаддиматус сиояти фи кашфи ма фи шарҳил виқоя. – Покистон: 1976. – Б. 3.

кўпайтирди, енгил ёки ечилмаган ўринларни шарҳлаш билан кифояланди ва келган иқтибослардан четланишни зарурат деб билди. Ваҳоланки, далиллар билан масалаларни жорий этиш ва ақлий далиллар билан нақлий далиллар ўртасини боғлаш долзарб масалалардан эди”⁵⁰⁵.

Абдулҳай Лакнавий ўзининг услубини бундай баён қилди: “Унда матн ва шарҳ ибораларини ечиб беришни лозим тутдим. Сўнгра мўътабар китоблардан нақл қилинган фикҳий фаръий муносабатларни зикр қилиш билан бирга ибораларга тааллуқли бўлган маъноларни айтиб ўтдим”⁵⁰⁶.

Муҳаммад Абдулбоқи айтади: “Бу – тўрт асл манба таҳқиқ қилинган, далиллар гўзал тарзда тадқиқ қилинган, нақлий далил ақлий далил билан асосланган ва саҳоба, тобеин ва улардан кейинги мужтаҳидларнинг ихтилофлари зикр қилинган кенг шарҳдир”⁵⁰⁷.

Абдулҳай Лакнавий бундай деган: “Мен бу асарда “Таҳорат китоби”дан таяммум бобигача, “Намоз китоби”да азон бобидан жамоат намози бобигача шарҳладим”⁵⁰⁸.

Демак, бу шарҳ тугалланмаган. Ундан биринчи жуз 1307/1890 йил “Мустафой” нашриётида нашр этилган. Кейинги нашри 1976 йил Покистонинг “Каравон” нашриётида босмадан чиққан. 1987 йил ҳам шу нусха қайтадан нашр этилган.

Абдулҳай Лакнавийнинг “Шарҳул виқоя” асарига бағишланган учинчи китоби “Умдатур риояти фи ҳалли шарҳил виқояти” (Шарҳул виқоя масалаларини ечишдаги ҳомийликнинг асоси)дир. Аллома бу асарни басмала ва ҳамдаласиз бошлаган. Бунга икки сабаб бўлиши мумкин: Бири, уларни муқаддимада зикр қилгани, иккинчиси, “Шарҳул виқоя” асарининг басмаласи билан кифоялангани учун.

Бу шарҳнинг ёзилиш сабабини бундай баҳолаш ўринлидир: Юқорида “Ҳуснул вилояти биҳалли шарҳил виқояти” китобининг таърифида ўтдики, Лакнавий дарс давомида “Шарҳул виқоя” асарига таълиқ ёзиб борган. Дарслар сони кўпайган сари фикрларини қисқартириб ёзишга имкон топмаган. Шу сабабли “Ас-Сию” асарини ёзишга киришган. Унда фикҳий масалаларни тўрт мазҳаб далиллари билан баён қилган. Кейинчалик бу шарҳни тугатиш учун узоқ вақт кетишини англагач, “Шарҳул виқоя” китобини мухтасар шарҳлаш билан кифояланган⁵⁰⁹.

Абдулҳай Лакнавий ўзининг услубини қуйидагича изоҳлайди: “Унда матн ва шарҳни кенг баён қилишни, фикҳий ҳукмларнинг далилларини Китоб, суннат ва саҳобаларнинг хабарлари билан келтиришни лозим тутдим.

⁵⁰⁵ Валиюддин Надавий. Абдулҳай Лакнавий Ҳинд алломаси ва муҳаддис ва фуқоҳаларнинг имоми. – Байрут: Дарул қалам, 1995. – Б. 165.

⁵⁰⁶ Абдулҳай Лакнавий. Абдулҳай Лакнавий. Муқаддиматус сиояти фи кашфи ма фи шарҳил виқоя. – Покистон: 1976. – Б. 3.

⁵⁰⁷ Муҳаммад Абдулбоқи. Ҳасратул фухули бивафати ноибир Расули. – Лакнав: Анвор Муҳаммадий, 1887. – Б. 28.

⁵⁰⁸ Абдулҳай Лакнавий. Абдулҳай Лакнавий. Ан-нофиъул кабир лиман ютолиъул жомиаъс сағира. – Ҳиндистон: Олимул кутуб, 1986. – Б. 153.

⁵⁰⁹ Валиюддин Надавий. Ал-имом Абдулҳай Лакнавий алломату ҳинд ва имом-ул муҳаддисин вал фуқоҳо. – Байрут: Дорул қалам, 1995. Б. 235.

Яна бошқа мазҳаб имомларининг ихтилофини зикр қилмасдан, фақат ҳанафий имомларининг ихтилофини келтирдим. Матн ва шарҳга боғлиқ савол ва жавобдан иборат масалаларга ҳам тўхталдим. Кўпинча мухтож бўлинадиган фаръий масалаларга муносабатимни билдирдим. Бу билан ҳанафийлик мазҳаби устидаги шубҳаларни даъф қилдим»⁵¹⁰.

Бу асар қадимдан юртимизда фаолият олиб борган мадрасаларда дарс сифатида ўқитилган. Талабалар учун муҳим қўлланма бўлиб, ҳанафий мазҳабини теран тушинишда ёрдам берган. Ҳозирги кунда ҳам “Шарҳул виқоя” асари олим-уламолар орасида машҳур бўлиб, ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ҳалқимизда Ҳиндистон нусхаси кенг тарқалгандир. Бунинг барчаси икки жилддан иборат бўлиб, унда “Умдатур риоя” ғошия тарзда келтирилган. Бу нусха 645 саҳифадан иборат.

* * *

«АШ-ШАМАИЛ АЛ-МУХАММАДИЯ» И «СУНАН-И ТЕРМИЗИ»: РУКОПИСИ ИМАМА ТЕРМИЗИ В МИРОВЫХ ФОНДАХ

AL-SHAMA'IL AL-MUHAMMADIYYA AND SUNAN-I TIRMIDHI: MANUSCRIPTS OF IMAM TIRMIDHI IN WORLD COLLECTIONS

Ирода Каюмова,

*Агентство культурного наследия,
главный специалист*

Зебунисо Хашимханова,

*Международная исламская академия Узбекистана,
студентка 4-курса*

Уроженец старинного города Термез, Имам Термизи (824-892), чьё 1200-летие отмечаем с гордостью сегодня, известен в мире как выдающийся хадисовед (*мухаддис*) и исламский правовед, составитель одного из шести главных сводов Сунны – «Ал-Джами‘ ас-сахих» (больше известный как «Сунан-и Термизи») как и в восточном, так и в западном мусульманском мире в целом. Поэтому, достойно оценив внесенный им безграничный вклад в развитие исламских наук, и непосредственно в вероучение и право, а также принимая во внимание важность и актуальность изучения его научного наследия, «.. в целях дальнейшего глубокого изучения и широкой пропаганды среди нашего народа и мировой общественности богатого научного наследия великого ученого» и « ...поддержку проводимых в этом направлении исследований, обогащение духовно-нравственного мира молодого поколения, дальнейшего усиления в сердцах молодежи чувства

⁵¹⁰ Абдулхай Лакнавий. Умдатур риояти фи ҳалли шарҳил виқояти. – Деҳли: Мужтабойи, 1921. – Б. 5.

национальной гордости, любви и преданности Родине» было принято Постановление Президента Республики Узбекистан «О широком праздновании 1200-летия со дня рождения Имама Термизи».

В этом Постановлении основное внимание направлено на произведения «Аш-Шамаил ал-Мухаммадийя» («Высочайшие достоинства [Пророка] Мухаммада») и «Сунан-и Термизи» имама Термизи. Так как, эти произведения являются в числе наиболее важных научных источников в изучении истории развития матрудитской *акиды* и ханафитского *мазхаба*, которых придерживается большая часть населения нашей страны.

Полное имя Имама Термизи в источниках дается как Абу Иса Мухаммад ибн Иса ибн Савра ибн ал-Даххак ас-Сулами ал-Буги ат-Термизи, что указывает на его принадлежность к селу ал-Буг и город Термез. В мусульманском мире он знаменит, особенно, как автор сочинений «Аш-Шамаил ал-Мухаммадийя» и «Сунан-и Термизи». В настоящее время существуют многочисленные экземпляры рукописей Термизи, разбросанные по разным уголкам мира.

Жизнь и деятельность Имама Термизи всегда привлекало внимание ученых-специалистов, изучающих историю ислама и мусульманские источники. О его научном наследии и произведениях написано множество исследований и в Европе и в Азии.⁵¹¹

Обобщая эти работы и классифицируя их, можно идентифицировать личность Имама Термизи: как одним из основателей науки о *хадис*, великим учёным-*мухаддисом* – с одной стороны, и знатоком науки *сийра* – с другой.

Как было отмечено, он является, главным образом, великим хадисоведом, о чём свидетельствует его произведение «Ал-Джами'»/или же «Ас-Сунан», признанный как достоверный источник наряду «Ас-Сахих» Имама ал-Бухари. Оно числится в шестикнижьи, так называемом «Ас-Сихах ас-ситта».

Несомненно, сборник хадисов «Сунан-и Термизи» считается в своем роде научным шедевром в деятельности Имама Термизи. Завершённый в 270/883-884 году, он является плодом его многолетних научных исследований.

Занимаясь хадисоведением/*хадисами*, Имам Термизи впервые в истории сформулировал понятия *хасан* (хороший хадис) и *гариб* (хадисы, которые передавались другими лицами, а не сподвижниками пророка). Для

⁵¹¹ Уватов У. Икки буюк донишманд. – Тошкент: Шарк, 2005. – Б. 6-39.; Ҳамрокулов Ж. Имом Абу Исо Мухаммад Термизий. – Тошкент: Movarounnahr, 2017. – 218 б.; Доктор Тоҳир Азҳар Ҳазирӣ. Имом Термизийнинг «Ал-Жомеъ ас-сахих» асарига кириш / Тарж. С.Сиддиқов, Ж. Шодиев, У. Мирсодиқов. – Тошкент: Movarounnahr, 2017. – 136 б.; Абу Иса Мухаммад ибн Иса ибн Савра Термизи. Ал-Джами' ас-сахих ва хува Сунан ат-Термизи / Ахмад Мухаммад Шакир. – Египет: 1398/1978.; Абу Али Мухаммад ибн Абдурахман ибн Абдурахим Мубаракфури. Тухфат ал-ахвази шарҳи Джами' ат-Термизи. – Байрут: Дар ал-фикр, 1399/1979. X; Robson J. The Transmission of Tirmidhi's "Jāmi'"// Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London, Vol.16, No. 2. 1954, – P. 258-270; Hoosen A.K. Imam Tirmidhi's contribution towards Hadith. Newcastle, 1990. – 75 p.; Mohd Saa'ufi bin Ibrahim. Analisis pendirian al-Bukhariy dalam kitab Sunan al-Tirmidhi / Universiti sains Malaysiya. – 2016. – 481 p.

уточнения, можно сказать, что до него хадисы разделялись, в основном, на *сахих* (достоверные) и *даиф* (слабые). В своем «Сунан» он классифицировал все *хадисы* на *сахих* (достоверные), *хасан* (хорошие) и *даиф* (слабые).

Также ещё одна отличительная черта «Сунан» в том, что в нем учитываются особенности и научные обоснованности *мазхабов*.

«Аш-Шамаил...» это источник, в котором собрано 408 *хадисов* касательно личной жизни высочайших достоинств Пророка Мухаммада. Он состоит из двух частей: в 1-часть включены *хадисы*, описывающие внешности Пророка, а во 2-й части – *хадисы* про его внутренний мир и высокие моральные качества.

В научной литературе встречаются разные вариации названия «Сунан-и Термизи»: «Ал-Джами'», «Ал-Муснад ас-сахих», «Ал-Джами' ас-сахих», «Ас-Сунан», «Ал-Муснад ал- Ал-Джами'» «Ал-Джами' ал-Кабир» и т.п.

«Аш-Шамаил...» и «Ас-Сунан» несколько раз были изданы в Узбекистане. В 1980 году издан текст «Аш-Шамаил...», основанный рукописи XVI века, хранящегося в библиотеке УМУ. Также, в 2010 году было издано «Ас-Сунан» с научными комментариями.⁵¹²

Эта статья ориентируется на списках сочинений Имама Термизи, хранящихся в библиотеках и научных учреждениях мира, что является в своем роде более новым направлением в изучении наследия Термизи, доказывающее роль и значимость этих сочинений в изучении истории исламских наук.

Известно, что Управление художественной экспертизы Агентства культурного наследия Республики Узбекистан уделяет пристальное внимание выявлению культурных ценностей, относящихся к истории и культуре нашей страны, находящихся за рубежом; создание полной базы данных и её регулярное обновление. В частности, в изданном в 3-х томах «Реестр зарубежных рукописей, относящихся к Узбекистану» содержит в себе сведения о произведениях, принадлежащие перу Абу Али ибн Сины, Имама Бухари, Имама Термизи, Махмуда Замахшари, Бурханиддина Маргинани, Абу Райхана Беруни, Алишера Навои, Бадриддина Чачи, хранящихся в более 150 библиотеках и научных учреждениях мира, в том числе, Арабской Республики Египет, Исламской Республики Мавритания, Исламской Республики Иран, Канады, Королевстве Саудовской Аравия,

⁵¹² См.: Абу Исо Термизий. Шамоил Мухаммадия / Таржимон Саййид Махмуд Тарозий. – Тошкент: Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар диний идораси, 1411/1990. – 75 б; Абу Исо Мухаммад Термизий. Аш-Шамойил ан-Набавийя / Арабчадан У.Уватов таржимаси. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 112б.; Абу Исо ат-Термизий. Саҳиҳи Термизий. Танланган ҳадислар / Араб тилидан Абдуғани Абдуллох таржимаси. – Тошкент: Ғ. Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – 208 б.; Абу Исо Мухаммад Термизий. Сунани Термизий. Ал-Жомий ас-Саҳиҳ. I жилд / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи: Мирзо Кенжабек. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 463 б.; Абу Исо Мухаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. Ал-Жомий ас-Саҳиҳ. Тўлдирилган қайта нашри. I жилд / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Мирзо Кенжабек. – Тошкент: Шарқ, 2012. – 528 б. Абу Исо Мухаммад Термизий. “Сунани Термизий”. II жилд / Таржимон, шарҳ ва изоҳлар: Мирзо Кенжабек, Рахшона Мирзо қизи. – Тошкент: Мовароуннахр, 2017.

Республика Кот д'Ивуар, Республики Франции, Федеративной Республики Германии и так далее.⁵¹³

На основе этих изданий, и изучая известные нам другие фонды и библиотеки вдобавок,⁵¹⁴ удалось получить информацию о сотнях списках «Аш-Шамаил...» и «Ас-Сунан». Учитывая факт, что эти научные организации расположены в разных континентах и странах мира, можно предположить географию распространения рукописей произведений Имама Термизи.

Название «Аш-Шамаил ал-Мухаммадия» в мировых научных учреждениях варьируется как «Аш-Шамаил», «Аш-Шамаил аш-шарифа», «Аш-Шамаил ан-Набавийя», «Шамоил ан-Наби», «Китаб аш-шамаил», «Аш-Шамаил ан-Набавия ва ал-хасаис ал-Мустафавийя», «Аш-Шамаил ал-мухтасса би ашраф ал-васаил», «Манакиб ар-Расул ва шамаил аш-Шариф», «Шамаил ан-Наби саллалаху алайхи ва саллам». Следует отметить также, что они по объёму разные, т.е. одни списки включают полный текст, то другие – некоторые части или же сокращённую версию.

В нижеприведённых таблицах, даётся информация о 319 списках «Аш-Шамаил...» и «Сунан», хранящихся в фондах 14 стран.

1-таблица

«аш-Шамаил ал-Мухаммадийя»			
Государство	Город	Библиотека/фонд/коллекция	Количество
Арабская Республика Египет	Каир	Библиотека университета «Ал-Азхар аш-Шариф»	140
Грузия	Тбилиси	Грузинский национальный центр рукописей им. Корнели Кекелидзе	5
	Герат	Библиотека Гератского музея	1

⁵¹³ Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри. Коллектив монография. Том 1 / The Register of manuscripts located overseas concerning Uzbekistan's cultural heritage. Vol. 1 / Реестр зарубежных рукописей, относящихся к Узбекистану. Том 1 / Масъул муҳаррир Р.Баҳодиров. Тузувчилар: Р.Баҳодиров, А.Эркинов, Ў.Султонов, С.Мухаммадаминов, Д.Расулов, С.Ғуломов, К.Бекова, О.Мадалиева, Ф.Хуснутдинов. – Тошкент: Tasvir, 2020. – 496 б.; Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри. Коллектив монография. Том 2 / The Register of manuscripts located overseas concerning Uzbekistan's cultural heritage. Vol. 2 / Реестр зарубежных рукописей, относящихся к Узбекистану. Том 2 / Масъул муҳаррир Р.Баҳодиров. Тузувчилар: Р.Баҳодиров, Ў.Султонов, А.Эркинов, С.Мухаммадаминов, Д.Расулов, О.Мадалиева, С.Ғуломов, И.Каюмова, К.Бекова. – Тошкент: Tasvir, 2024. – 384 б.; Ўзбекистонга оид хориждаги қўлёзма асарлар реестри. Коллектив монография. Том 3 / The Register of manuscripts located overseas concerning Uzbekistan's cultural heritage. Vol. 3 / Реестр зарубежных рукописей, относящихся к Узбекистану. Том 3 / Масъул муҳаррир Р.Баҳодиров. Тузувчилар: Р.Баҳодиров, Ў.Султонов, А.Эркинов, С.Мухаммадаминов, Д.Расулов, О.Мадалиева, С.Ғуломов, И.Каюмова, К.Бекова. – Тошкент: Tasvir, 2024. – 536 б.

⁵¹⁴ Напр.: Catalogue of the Manuscripts on Uzbekistan in the Khuda Bakhsh Oriental Public Library. Patna: Khuda Bakhsh Oriental Library, 2018. – 324 p.; فهرس مخطوطات مكتبة الأزهر الشريف. المجلد السابع عشر، الأزهر الشريف، سقفة الصفا العلمية لبوان – ماليزيا، المملكة العربية السعودية، جدة – حي الفحاء – شارع خولة بنت مالك رضى الله عنها وثائق القومية، القاهرة، الطبعة الأولى ١٤٣٧ هـ/٢٠١٦ م، جميع الحقوق محفوظة للأزهر الشريف. www.saqifat-alsafa.org

Исламский Эмират Афганистан	Кабул	Библиотека Кабульского музея	1
	Герат	Библиотека министерства образования	1
Государство Израиль	Иерусалим	Библиотека ал-Халидия	2
Государство Палестина	Тель-Авив–Яффа	Исламская библиотека Яффы	1
Республика Кот-д'Ивуар	Абижан	Национальная библиотека Кот-д'Ивуар	2
Государство Кувейт	Ал-Кувейт	Центральная библиотека им. Джабира ал-Ахмада Кувейтского университета	2
Исламская Республика Пакистан	Исламабад	Фонд муфтия	2
	Карачи	Коллекция Доктора Набий Бахш Хон Балуч в Архиве Синд	1
Королевство Саудовская Аравия	Таиф	Библиотека Абдуллаха ибн Аббаса	2
	Мекка	Библиотека университета Умм ал-Кура	4
	Эр-Рияд	Библиотека университета Короля ас-Сауда	3
	Эр-Рияд	Фонд университета Имама Мухаммада ибн Сауда	1
	Эр-Рияд	Публичная библиотека Короля Абд ал-Азиза	1
	Эр-Рияд	Центр исламских исследований имени Короля Фейсала	6
Республика Индия	Патна	Восточная библиотека Худа Бахш	4
Республика Ирак	Багдад	Библиотека ал-Авкаф	12
	Багдад	Дом рукописей Саддама	13
Сирийская Арабская Республика	Дамаск	Библиотека аз-Захирия	1
Турецкая Республика	Коня	Библиотека Каратай Юсуф Ага	1
	Стамбул	Библиотека Сулеймание	59
	Эдирне	Библиотека рукописей Салимия	2
	Анкара	Библиотека Факультета языка, истории и географии университета Анкары	1
	Коня	Библиотека рукописей Коньи. Районная библиотека Ялвач Испарты	1
	Стамбул	Государственная библиотека Баязида	3
	Коня	Провинциальная библиотека Коньи. Коллекция народной библиотеки Бурдура	2
	Анкара	Провинциальная народная библиотека Аднана Отукена	5
	Кастамону	Провинциальная публичная библиотека Кастамону	2
	Кутахья	Провинциальная народная библиотека Вахида Паши	1

	Анкара	Центральная библиотека главного управления вакфов	1
	Чорум	Публичная библиотека Хасан Паша	3
Федеративная Республика Германия	Мюнхен	Баварская государственная библиотека	1
	Гёттинген	Берлинская государственная библиотека	1
	Гёттинген	Государственная и университетская библиотека Нижней Саксонии	1

2-таблица

“Сунан-и Термизи”			
Государств о	Горо д	Библиотека/фонд/коллекция	Коли чество
Арабская Республика Египет	Каир	Библиотека университета «Ал-Азхар аш-Шариф»	13
Государств о Палестина	Иерус алим	Библиотека мечети ал-Масжид ал-Акса	2
Исламский Эмират Афганистан	Кабул	Библиотека Кабульского музея	1
Республика Ирак	Басра	Аббасидская библиотека	1
	Надж аф	Публичная библиотека ал-Имама ал-Хакима	1
Республика Индия	Патна	Восточная библиотека Худа Бахш	9
Российская Федерация	Санкт - Петербург	Российская национальная библиотека	1
Сирийская Арабская Республика	Дамас к	Библиотека аз-Захирия	1

Вышеупомянутые лишь небольшая часть нам известных рукописей сочинений Термизи. Также, из собранных, следует, что более старинные рукописи «Сунан» и «Аш-Шамаил...» по сей день хранятся в библиотеке аз-Захирийя в Дамаске (Сирийская Республика):

– *Ал-Джами ‘ ал-кабир ат-Термизи*. Год переписки – 540/1145-1146. 142 лл. Инв. №1232.

– *Шамаил ан-Наби*. Год переписки – 723/1323-1324. 54 лл. Инв. № [95 عام 1383 مجموع].

Процесс изучения географии распространения сочинений Имама Термизи выявило, что рукописи или отдельные отрывки из них, встречаются и в столь отдаленных странах, например, как Кот д’Ивуар (континент Африка), свидетельствуя, в свою очередь, об их популярности.

Еще следующий интересный факт, что списки «Аш-Шамаил...», хоть в разных названиях, встречаются больше, чем другие его труды. Это, также, свидетельство тому, что «Аш-Шамаил...», несомненно, признан из самых авторитетных источников по жизнеописанию Пророка Мухаммада в мусульманском мире, как и сам автор.

Между тем, самое искреннее и твердое доверие выраженное Иمامу Термизи, на наш взгляд, были следующие слова его учителя Имама Бухари: *«Я получил больше выгоды из общения с тобой, чем ты пользы от моих уроков»*. Литература гласит, что после кончины наставника никто в регионе не мог сравниться с Имамом Термизи в знании, памяти, благочестии и воздержании.

В конце, хотелось бы добавить, что вышеупомянутое является небольшой частью наших трудов, и исследования в этой сфере продолжаются.

* * *

ALLOMA SA'DUDDIN TAFTAZONIYNING HAYOTI VA ILMIY ME'ROSI

LIFE AND SCIENTIFIC HERITAGE OF SA'DUDDIN TAFTAZANI

Xoliqov Muhammad Yusuf

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
tayanch doktoranti*

Movarounnahr ilm diyoridan ko'plab olim muhaddis hamda mutakallimlar yetishib chiqqan. Ana shunday olimlardan biri bu Sa'duddin Taftazoniy hisoblanadi. Allomaning to'liq ismi Abu Said Mas'ud ibn umar ibn Muhammad ibn Abu Bakr Muhammad ibn al-G'oziy at-Taftazoniy as-Samarqandiy al-Hanafiy bo'lib o'z davrining yetuk olimlaridan hisoblangan. Olim 722-hijriy (1322-milodiy) sanada xurosonning niso shahrida Taftazon qishlog'ida o'z davrining ilm ahllaridan hisoblangan oilada dunyoga kelgan⁵¹⁵. Otasi ham o'z davrining yetuk olimlaridan shu bilan birga qozilik vazifasida ham faoliyat olib borgan. Sa'duddin Taftazoniy nahv, balog'at, mantiq, tafsir, ilm kalom, usul kabi bir necha sohalarni chuqur egallagan, shuningdek, ikki mazhab jumladan, shofeiyy hamda hanafiy mazhab bo'yicha fatvo ayta olgan.

Alloma yoshligidan o'z davrining yirik namoyonda olimlaridan tahsil oladi. Ularning eng mashhurlari quyidagilar:

Azduddin Abdurahmon ibn Ahmad ibn Abdulg'offar al-Iyjiy (1355-yilda vafot etgan) Movarounnahr diyorida yashab ijod qilgan ushbu olim shofeiyy mzhabi

⁵¹⁵ Yoqut Hamaviy. Mo'jam al-buldon. – 2-jild. – B.35.

shayxlaridan hamda yetuk qozi bo'lgan. Alloma Sa'duddin Taftazoniy ilm kalom, usul, mantiq, balog'at kabi muhim ilmlarni shu ustozidan o'rganadi⁵¹⁶.

Qurbiddin Muhammad yoki Mahmud ibn Muhammad Nizomiddin ar-Roziy at-Tahtoniy (1364-yilda vafot etgan) ushbu ustozining boshqa ustozlaridan farqli jihati Alloma madrasada tahsil olgan vaqtlarda birga yashab ustozidan ilm oladi.

Ziyovuddin Abdulloh ibn Sa'dulloh ibn Muhammad Usmon al-Qorviyniy ash-shofeiyy (1380-yilda vafot etgan) shuningdek, Bahouddin Samarqandiy al-hanafiy kabi olimlardan ham tahsil olgan.

Taftazoniy o'zining uzoq yillik ilmiy faoliyati davomida islom ilmlarining turli soxalarida jumladan, ilohiyot, usul, mantiq va balog'at shuningdek, ko'plab asarlarga sharh va hoshiyalar yozgan. Allomaning mazkur asarlari asrlar davomida ko'plab madrasalar oliy diniy institutlarida darslik sifatida o'qitib kelingan. Ularning eng mashhurlari quyidagilar:

“Sharh tasrif Zanjoniyy” bu Izzuddin Ibrohim ibn Abdul-Vahhob ibn Imod Al-Din ibn Ibrohim Az-Zanjoniyyning (vaf. 655-hijriy) “Al-Aziv” nomi bilan mashhur bo'lgan sarfga oid asar matnining izohi hisoblanadi. Alloma Sa'duddin Taftazoniy tomonidan mazkur asar hijriy 738-yil shabon oyida, taxminan o'n olti yoshida yozib tugatgan ilk asari hisoblanadi. Bu sharh mashhur bo'lib, uning bir qancha qo'lyozma nusxalari mavjud, uning birinchi nashri hijriy 1253-yilda Ispaniyada, keyin Tehron, Dehli, Mumbay, Laknauda, so'ngra hijriy 1307-yilda Qohirada nashr etilgan.

“Irshod Al-Hadiy” Bu asar hijriy 774-yilda Xorazmda tugallangan grammatikaga oid bo'lib, Ibn al-Hojibning “Al-Kofiya”siga o'xshash qisqacha matndir⁵¹⁷. Hijriy 1405-yilda Jiddada “Dor al-Bayan al-Arabi” nashriyotida tahrir qilingan hamda nashr etilgan. Mazkur asarga olimlar tomonidan sharhlar yozilgan.

“Ash-sharh al-mutavval ala talxis al-miftah” “Al-Mutavval” nomi bilan mashhur bo'lgan ushbu asar Jaloliddin Muhammad ibn Abdurahmon bin Umar al-Qazviniyning (vaf. 739 hijriy) “Talxis al-miftah” kitobining izohi hisoblanadi. Qazviniyning mazkur asari esa Sirojuddin Yusuf as-Sakakiyning (vaf. 626-hijriy) “Miftahul-ulum” kitobining uchinchi qismining qisqartmasi hisoblanadi. Mazkur asar ilm al-bayon va al-ma'aniy ga oid asar hisoblanadi. Sa'duddin Taftazoniy bu sharh asarini hijriy 742-yil Ramazon oyining ikkinchi dushanbasida, Xorazmda boshlagan, so'ngra safar oyining o'n birinchi chorshanba kuni Hirotida tugatgan. Alloma mazkur asarini ta'lif etgan vaqtda uning Yoshi taxminan yigirma yoshga yaqin bo'lgan. Hijriy 748-yil Sulton Amir Temur bu kitobni Hirot qal'asi eshigiga osib qo'yiladi. Ushbu asar olimning mashhur asarlaridan biri bo'lib, ko'p nusxalari yaratilgan hamda hijriy 1260-yilda Konstantinopolda, keyin esa Laknau shahrida Tehron va Dehlida esa qayta-qayta nashr etiladi. Olimlar ushbu sharhni katta e'tibor bilan munosib qabul qiladilar, hamda mazkur sharhga ko'plab hoshiyalar ta'lif etishgan.

⁵¹⁶ Qodirov M. Taftazoniy//Ma'naviyat yulduzlar. – T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2011. – B. 178-179.

⁵¹⁷ Isomuddin Ahmad Toshko'prizoda. Miftoh as-saoda. – 1-jild. – B.192.

“Ash-sharh al-muxtasar ala’ talxis al-miftah” U Muxtasar al-Ma’oniyy nomi bilan mashhur bo‘lib, mazkur asar Allomaning “Ash-sharh al-mutavval ala talxis al-miftah” nomli kitobining qisqartmasi hisoblanadi. Asar 756-hijriy yilda ta’lif etilgan bo‘lib, mazkur asardan ta’lim berish maqsadida jumladan, al-Azharda va bir qator oliy diniy institutlarda dasrlik sifatida o‘qitib kelinayotgani ham ushbu asarga ulamolarning unga katta qiziqish bildirganidan dalolat beradi. Asar dastlab Kalkuttada 1813-yilda, so‘ngra hijriy 1261-yilda Laknauda, so‘ngra Qohirada “Buloq” nashriyotida Al-Dusuqiy tomonidan yozilgan hoshiya bilan hijriy 1271-yilda nashr etilgan.

“Sharh al-qism as-salis min miftah al-ulum” (Miftahul ilmning uchinchi bo‘limining sharhi). Ushbu al-bayon va al-ma’aniyya oid bo‘lgan ushbu asar Sakkokiyning “Miftahul ilm” asarining uchinchi qismining sharhi hisoblanib, Alloma Taftazoniy mazkur asarini o‘limidan bir necha yil oldin Samarqandda hijriy 789-yil Shavvol oyida o‘z nihoyasiga yetkazadi. Mazkur mashhur sharh shuhrat topib keng tarqalgan, ammo u hozirgacha nashr etilmagan.

“At-Talviyh ila kashf haqiq at-tanqiyh” Bu alloma tomonidan “kitab at-tavziyh sharh matn at-tanqiyh” asariga yozilgan hoshiyalardan biri hisoblanadi.

Mazkur “kitab at-tavziyh sharh matn at-tanqiyh” asar muallifi esa sodrush sharia Abdulloh ibn Masud al-Mahbubiy (vaf. 747-hijriy) tomonidan yozilgan. Sa’aduddin Tafiyanij hijriy 758-yilning zul-qa’da oyining dushanbasida Turkistonda tugatgan. Bu vaqtda allomaning yoshi o‘ttiz olti yosh edi. Olimlar kitobga yetarlicha baho berib, unga yuksak e’tibor va g‘amxo‘rlik ko‘rsatilgan, hamda ko‘plab hoshiyalar yozilgan va ko‘plab ilmiy, diniy muassasalarda o‘qitilib kelingan. Asar dastlab Dehlida hijriy 1267-yilda, keyin Laknauda hijriy 1281-yilda, so‘ngra Istanbulda, so‘ng Qohirada “Al-Maymaniya” nashriyoti tomonidan hijriy 1327-yilda nashr etilgan.

“Al-Hoshiya ala’ sharh Azduddin al-Iyjiy al muxtasar a’ muntaha li al-ibn al-Hojib” asari ham Allomaning eng mo‘tabar asarlari qatoriga kiradi. Mazkur asar

Imom Jamoliddin abu Umar Usmon ibn al-Hojibning (vaf. 646 hijriy) “al-usul va al-jadal(bahs munozara)” ilmiga oid “Muxtasar Muntaha as-Sul val-amal fi-ilmi al-usul va al-jadal” nomli asariga Azduddin al-Iyjiy tomonidan yozilgan “Muxtasar ul-muntaha li al-ibn al-hojib” asariga yozilgan hoshiya hisoblanadi⁵¹⁸. Mazkur hoshiya Azduddin al-Iyjiyning “Muxtasar ul-muntaha li al-ibn al-hojib” sharhiga yozilgan hoshiyalarning eng yaxshilaridan biri hisoblanadi.

Sa’adiddin Taftazoniy ushbu hoshiyasini xorazmda hijriy 770-yil Zul-hijja oyida tugatgan. Ushbu hoshiya Azduddin al-Iyjiyning sharhi bilan birga hijriy 1339-yilda Misrdagi “Buloq” nashriyotida chop etiladi.

“Muxtasar sharh talxis al-jami’ al-kabir” asarini Alloma tomonidan yozilgan sharhlar ichidagi fiqh ilmiga oid eng mo‘tabar asarlardan biri hisoblanadi. Mazkur asar “Al-Jomi’ al-Kabir fi al-Furu” asariga yozilgan sharh hisoblanib, asar muallifi Muhammad ibn al-Hasan ash-Shayboniy (vaf. 187-hijriy) tomonidan yozilgan hamda ko‘plab sharhlar yozilgan. Sa’aduddin Taftaziniy ham mazkur asarga o‘z sharhini yozadi. Biroq bu asar hali chop etilmagan.

⁵¹⁸ <http://thesis.mandumah.com/Record/227113>

“Hoshiya ala’ al-kashshof” bu Mahmud az-Zamaxshariyning mashhur asari hisoblangan “Al-Kashshof” ga yozilgan hoshiya bo‘lib, Alloma mazkur asarini hijriy 789-yilning rabi’ul-axor oyida Samarqandda yozishni boshlagan, biroq, buni tugatmasdan vafot etgan. Hoji Halifa (1609-1657) nomi bilan shuhrat topgan usmoniylar imperiyasi tarixchisi Mustafo ibn Abdulloh ushbu hoshiyani juda ham madh etadi hamda uning tengi yo‘qligini ta’kidlaydi. Ko‘plab ulomolar unga e’tibor berib, uni o‘rganish va tadqiq qilishgan. Biroq asar bugungi kunga qadar qo‘lyozma holatida va hali ham nashr etilmagan.

“Sharh ar-risala ash-shamsiyya” Alomaning ushbu asari Najmuddin Ali ibn Umar al-Katibiy al-Qazviniiy (vaf. 675-hijriy) tomonidan yozilgan mantiq bo‘yicha muxtasar risolaning sharhi bo‘lib, uni Xoja Shamsiddin al-Juvayniy uchun ta’lif etgan. Shuning uchun ham asarning “ash-Shamsiya” deya nomlangan. Sa’aduddin Taftazoniy tomonidan yozilgan ushbu asar eng muhim sharhlardan biridir. Mazkur asar hijriy 1326-yilda Lakxnauda nashr etiladi. biroq Misrda “ash-Shamsiya” asariga yozilgan eng mashhur sharhlar to‘plami bilan birga nashr etilmagan. Asarning zamonaviy nashrlaridan 2011-yilda Iordaniyada hamda Ummonda “Dar al-Nur” nashriyoti tomonidan shop etilganini keltirish mumkin.

“G‘oyatu tahzib al-kalom fi tahrir al-mantiq” U ko‘p ma’no va manfaatlarga ega bo‘lgan, ixcham matn bo‘lib, Alloma uni ikki qismga ajratadi: birinchi qism mantiq bo‘limi ikkinchi qism ilohiyot ilmul kalom bo‘lib, asar Samarqandda Hijriy 789-yilda rajab oyida yozilgan⁵¹⁹. Mazkur asarning mantiq bo‘limini ulomolar tomonidan yuqori darajada qabul qiladilar. Bu esa asarning keng tarqalishi va shuhrat qozonishiga sabab bo‘ladi. Shuningdek, o‘sha davrning nufuzli ilm-fan muassasalarida o‘qitilishi va uzoq vaqt davomida unga sahrhlar yozilib, e’tibor berilishi ham asarning nechog‘lik mo‘tabar asarligining yorqin ifodasidir. Allomaning mazkur asari ilk bor hijriy 1243-yilda Kalkuttada Abdulloh ibn Shihobiddin Husayniy Al-Yazdiy (1573 yilda vafot etgan)ning sharhi bilan nashr etilgan. Keyin esa turli sharhlar bilan qayta-qayta nashr etiladi. Ulardan mashhuri Mustafo Al-Halabiyning hijriy 1355-yilda Al-Xabisiyning sharhi va Al-Dosuiy va Al-Attorning hoshiyalari bilan nashr etilganini alohida e’tirof etish lozim⁵²⁰.

“Sharh al-aqoid an-nasafiyya” Bu imom Najmiddin Abu Hafs Umar ibn Muhammad an-Nasafiy (vaf. 537-hijriy) tomonidan yozilgan asarga sharh hisoblanadi. Nasafiyning mazkur asariga sharhlarning adadi juda ham ko‘p bo‘lib, Allomaning mazkur asarga yozgna sharhlari ular orasida alohida o‘ringa ega hisoblanadi. Ushbu asar ulomolar tomonidan yuqori baholanadi hamda asarlar davomida shar’iy-ilmiy muassasalarda eng mo‘tabar asar sifatida o‘qitilib kelinadi. Mazkur asar Alloma tomonidan Xorazmda 768-hijriy yili sha’bon oyida to‘liq yozib tugatiladi.

“Sharhu al-Maqosid”. Ushbu asar o‘zining “al-Maqosid” nomli kalom ilmiga oid asariga yozilgan sharh hisoblanadi⁵²¹. Sa’a’duddin Taftazoniy ushbu asarini

⁵¹⁹ Isomuddin Ahmad Toshko‘prizoda. Miftoh as-saoda. – 1-jild. – B.191.

⁵²⁰ https://archive.org/details/sohaibhassan33_yahoo_20160119

⁵²¹ Isomuddin Ahmad Toshko‘prizoda. Miftoh as-saoda. – 1-jild. – B.192.

Samarqandda hijriy 784-yil Zul-qa'da oyida yozib tugatadi. Asar kalom ilmiga oid eng mo'tabar asarlar qatoriga kirishi bilan birga uning uslubi qiyin uslubda yozilgandir. Bugungi kunga qadar asarga ko'plab sharh va hoshiyalar yozilgan. Asar ilk marotaba Istanbulda 1305-hijriy sanada sharhi bilan birga nashr etiladi.

“An-Niam as-savobig‘ fi ash-Sharh al-kalam an-navabig‘” Filologiyaga oid bo‘lgan ushbu asar Mahmud Az-Zamaxshariyning “Navobig‘ al-Kalom” asarini sharhi hisoblanadi. Mazkur asar hijriy 1287-yilda Qohirada “Vodiy an-nil” nashriyotida, so‘ngra hijriy 1306-yilda Bayrutda nashr etiladi.

Sa’aduddin Taftazoniy muharram oyining yigirma ikkinchi kuni dushanba kuni vafot etadi. Ammo vafot etgan sanasi borasida turlicha ixtiloflar mavjud. Alloma vafoti hijriy 791-yil yoki hijriy 792-yil deya ikki xil ma’lumot uchraydi, bu esa 1390 yilga to‘g‘ri keladi. Taftazoniy Samarqandda vafot etadi va shu joyning o‘ziga dafn etiladi keyin esa Saraxsga ko‘chirilib, o‘sha yilning to‘qqizinchi jumad ul-avval chorshanba kuni dafn etiladi.

* * *

ABDULLA AVLONIYNING JADID MATBUOTIDAGI FAOLIYATI

ABDULLA AVLONI'S ACTIVITIES IN JADID PRESS

Jabborova Oydin Olimjon qizi

O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi

“Tarix” mutaxassisligi 1-kurs magistranti

XIX asrning ikkinchi yarmi va XX asrning ikkinchi yarmida Turkistonda ijtimoiy, siyosiy va madaniy vaziyat murakkab bo‘lgan. Shunday murakkab davrda jadidchilik harakati shakllandi va taraqqiyot uchun yangi yo‘llar izlash, jamiyatni isloh qilishga bo‘lgan ehtiyoj yuzaga keldi.

Bunday holatda ma’rifatni targ‘ib qilishga kirishgan “millat oydin”laridan biri Abdulla Avloniy edi. Abdulla Avloniy o‘zbek milliy uyg‘onish davrining taniqli mutafakkiri, ma’rifatparvari va jadidchilik harakatining yetakchi vakillaridan biri sifatida 1904-yilda Mirobodda usuli jadid maktabi ochadi, 1907-yilda esa o‘z hovlisida “Shuhrat” gazetasini chiqara boshlaydi. Gazetada “Haftada ikki marotabaa chiqadigan milliy, adabiy, siyosiy gazetasi Turkiyadir” deyilgan bo‘lsada, haftada bir marta chiqariladi [4]. “Shuhrat”da asosan muharrir Abdulla Avloniy, Behbudiy, Munavvar qori va Mulla Qo‘shoqlarning maqola va she‘rlari chop etilgan. Gazetaning chop etilishi ayon bo‘lishi bilan bu gazeta nashriga qarshi bo‘lganlar ko‘paydi. Natijada 10-soni chiqib gazeta faoliyati to‘xtatildi. So‘nggi 14-fevral 10-sonida “Dano‘si namima”(chaqmacha qarlik) sarlavhasi bilan idoraning bir xabari nashr qilinadi. Unda shunday gaplar bor: “Eshitilmish xabarlariga qarag‘onda o‘z musulmonlarimizdan ba’zi “dano‘schi” nammomlar paydo bo‘lib, gazetamizdan “nachalstvo”g‘a “dano‘s” qilmak fikrida yelka qilg‘on emishlar... Gazetamizning maslaki milliy, betaraf siyosiy o‘lub, “umerenno-progressivnaya politicheskaya” gazetadur. Yozgon maqolalarimiz ham ushbu

maslakimiz o'lgon e'tidol va haqqoniyat doirasida o'lub, nozir va denzurlar tarafidan hakdik uzra tarjima qilinub, tegishli mahkamalarda ko'rilub turilibdur. Shul sababli "nachalstvo"ning sizni(ng) "dano's"larga hech bir ehtiyoji yo'qdur"⁵²². Shu tariqa gazeta yopildi. Nashriyot asbob-ashyolari, qog'ozlar va materiallar hammasi musodara qilindi. Lekin Avloniy gazetchilik faoliyatini to'xtatib qo'ymadi. A. Bektemirov nomiga ruxsat olib "Osiyo" gazetasini chiqara boshladi. Gazetaning idorasi Abdulla Avloniyning uyida joylashgan edi. Bu gazetalar o'zbek milliy matbuotining dastlabki namunalari bo'lishi bilan ham muhim edi. 1914-1915-yillarda advokat Ubaydulla Xo'jayev bilan "Sadoyi Turkiston" gazetasida hamkorlik qiladi. Gazetadagi she'r va maqolalarning aksariyati Avloniy qalamiga mansub bo'lgan. Lekin gazeta faoliyati uzoq davom etmadi. 66-soni chiqib, moddiy imkoniyat yetishmaganligi tufayli o'z faoliyatini tugatadi. Umuman, Avloniy 1904-1905-yillardan ham ijodiy, ham amaliy ish bilan qizg'in shug'ullandi. O'z she'rlarini "Hijron" taxallusi bilan e'lon qildi. Maqolalarini esa "Mulla Abdulla", "Avloniy", "Abdulla Avloniy" nomlari bilan nashr qildirdi. Uning ko'p ishlatgan laqablaridan biri "Indamas" bo'lgan edi. 1909-yilda "Jamiyati xayriya" ochdi va mahalliy xalq bolalarining o'qib bilim olishi uchun pul yig'ib, maktablarga tarqatdi. Bu haqda hatto Orenburgdagi "Vaqt" gazetasi yozib chiqdi. 1913-yilning oxirida toshkentlik mashhur jadidlar, taraqqiyparvarlarning tashabbusi bilan "Turon" jamiyati maydonga keldi⁵²³. Uning muassislaridan biri Avloniy edi. Jamiyat qoshida teatr truppasi tuzildi. Truppaning asosiy maqsadi matbuot va nashriyot ishlarini yaxshilash, milliy madaniyat, teatr va san'atni rivojlantirish, ijtimoiy islohotlar o'tkazish bo'lgan.

Abdulla Avloniy 1917-yil fevral voqealaridan keyin "Yashasin xalq jumhuriyati!" shiori ostida "Turon" gazetasini chiqardi. Gazeta o'z maslak-maqsadini "Musulmonlar orasida ko'p yillardan beri davom o'lan umumg'a zo'rlik, bid'at odatlari bitirmak, kelajakda bo'ladurg'on jumhuriy idoraga xalqni tayyorlamoq" deb e'lon qildi⁵²⁴.

Abdulla Avloniy o'z maqolalarida xalq savodsizligini tugatish masalasida o'z qarashlarini bayon qiladi. "Har bir millat maishat tarafida taraqqiyga yuz qo'ymasa, ma'naviy tarafdin, ya'ni ma'rifat tarafidan ham taraqqiy qilolmas, bir kishining o'z maishatiga yetarlik molu ashyosi bo'lmasa va bularning sababiga harakat qilmasa, moddiy va ma'naviy ishlarni qilmoqdan ojiz qolur", deb yozadi "Madaniyat to'lqunlari" nomli maqolasida⁵²⁵. Abdulla Avloniy yana o'sha davr muammolaridan biri bo'lgan to'y qilish masalasini olib chiqadi. "Ajabo. Bu isrof to'lqunlari bizlarni na yerga olub boradir?... Dard ustiga chipqon" degandek, kundan-kun bid'at ustiga bid'at ortmakda. Ulamo, fuzalo va eshonlarimiz zikr va tasbeh o'rniga "to'y ustiga to'ylar bo'lsun" so'zini viridi zabon qilmoqda. Mundan besh-olti yil muqaddam eng sarvatli kishilarimiz uch kundan ortiq osh ham yigirma o'ttizdan ortiq chopon bermas edilar. Hozir bu tarafdin taraqqiy qilib, olti-yetti kun osh va yuzlab chopon bermoqdadir. Mana shul tariqa biz keyinga

⁵²² "Shuhrat" gazetasi. 1907-yil, № 10.

⁵²³ Avloniy A. Tanlangan asarlar: 2 jildlik – Toshkent: Ma'naviyat, 2009.- 10-b.

⁵²⁴ "Turon" gazetasi. 1917-yil, № 1.

⁵²⁵ "Madaniyat to'lqunlari", "Turon" gazetasi. 1926-yil, № 5.

qarab taraqqiy qilmakdamiz, bilmam, bizim bu isrof va bid'atlarimiz qachon yo'q bo'lib ketar?!", deb Avloniy nadomat bilan yozadi⁵²⁶. Avloniy "Madaniyat to'lqunlari" maqolasida har millat madaniyat ortidan quvishini, xalq o'z milliy madaniyatini ijobiy jihatlar bilan o'zida namoyish qilmasa boshqa madaniyatlar tarafidan tanazzulga uchrashi yoki o'sha madaniyat ta'siriga tushishini yozib qoldiradi.

Abdulla Avloniyning Turkistondagi o'zbek vaqtli matbuot va matbaadagi faoliyati milliy matbuot rivojida va milliy ongni shakllantirishda katta rol o'ynadi. Ularning yordamida o'zbek xalqining madaniy, ijtimoiy va siyosiy hayotida yangi g'oyalar tarqatilishiga xizmat qildi. Avloniyning "Mahalla" va "Turon" kabi gazetalar o'z davrida xalqni birlashtirish, ta'limni rivojlantirish va milliy madaniyatni mustahkamlashga qaratilgan. Avloniy gazetalarida e'lon qilingan maqolalar, xalq orasida yangiliklar, ijtimoiy muammolar va ta'lim masalalarini ko'tarib chiqdi, bu esa jamiyatda yuksak ongli, bilimli insonlarni voyaga yetkazish uchun zamin yaratdi. Avloniy o'z asarlari, maqolalari orqali kelajak avlodlarga ilm va ma'rifatga asoslangan jamiyatni qurish zarurligini o'rgatdi. Abdulla Avloniy gazetalar nafaqat o'zbek matbuoti tarixida, balki, xalqning ma'naviy va madaniy taraqqiyotida muhim ahamiyatga egadir.

* * *

MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARI ILMIY-MA'NAVIY MEROSI

SCIENTIFIC AND SPIRITUAL LEGACY OF CENTRAL ASIAN THINKERS

Sharopov Sarvar,
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
"Islomshunoslik va islom sivilizatsiyasini
o'rganish ICESCO" kafedrasi 1-bosqish magistranti

Indeed, the sources of Central Asian thinkers that have reached us are priceless. Although various sources have reached today, their religious and secular nature are closely related. Undoubtedly, it is not difficult to learn the contributions of hundreds of scientists for science and development from their works. At the same time, the scientific heritage of some thinkers was introduced here.

Abu Abdullah Muhammad Ibn Musa al-Khorazmi⁵²⁷ (783-850). The great thinker and scientist al-Khwarizmi's work on arithmetic and algebra "Kitab al-jabr wal mukobala" (The book on complementation and contrast) not only started a new era in the science of mathematics, but also marked its next. It was also a great basis

⁵²⁶ "Madaniyat to'lqunlari", "Turon" gazetasi. 1926-yil, № 5.

⁵²⁷ A. Muhammadjonov. O'zbekiston Tarixi. "SHARQ" Nashriyot-Matbaa Aksiyadorlik Kompaniyasi Bosh Tahririyati. Toshkent – 2017. P 91.

for the development of the centuries. Thanks to the work "Book on Indian Arithmetic", first the peoples of the East, and then the peoples of Europe, got acquainted with the great achievement of Ancient India - the system of decimal position calculation. (translated into Latin in the 12th century). Al-Khorazmi's "Kitab surat al-arz" (picture of the earth) is related to geography, "Astronomical tables" are related to astronomy, and they spread the name of the author to the world. Also, his wonderful works such as "Treatise on Sundials", "Tarish on History", "Treatise on Usurlab", "Treatise on Music" brought great fame to the scientist and immortalized his name. Al-Khorazmi's work "Al-jabr wal muqabala" was later called "Algebra" in Europe. His work on astronomy played a major role in the development of the science of astronomy not only in the East, but also in the West.

Abul Abbas Ahmad ibn Muhammad Al-Farghani (797-865)⁵²⁸. Information about Al-Farghani's biography has not been preserved in history. A scholar of astronomy, mathematics, geodesy, and hydrology, he actively participated in the construction of observatories in Baghdad and Damascus, where he checked the data in Ptolemy's "Table of Stars". Al-Farghani organized the knowledge of astronomy in his work "Fundamentals of Astronomy" on astronomy and enriched it with his new results. According to the tradition of that time, he divided the countries into seven climates. Sun hours. gave a statement, created astronomical instruments. This work of Farghani was used as the main guide to astronomy in Europe until the time of N. Copernicus.

Abu Nasr al-Farabi (873-950)⁵²⁹. He was born in Otror, after receiving his primary education in Shosh, Bukhara, Samarkand, he lived for a long time in Baghdad and interacted with scientists of his time. He wrote more than 160 treatises on various fields of science. The famous work dedicated to music theory called "The Big Book of Music" is one of the earliest historical sources dedicated to the history of this field. He is a brilliant, encyclopedic scholar.

Abu Raikhan Beruni (973-1048)⁵³⁰. This thinker, brilliant scientist, born in Khorezm, created about 150 works on astronomy, history, medicine, mathematics, geography, geodesy, meteorology, ethnography, philosophy, philology. These works spread Beruni's name to the world. It is also known that he wrote stories and poems. Beruni was the first to create a globe in the Middle Ages. He knew Arabic, Persian, Indo-Turkish languages perfectly. His works "Pharmocanasia", "Geodesy", "India", "Minerology", "Masud's law", "relics from ancient peoples" have been translated into Uzbek and Russian languages. Mahmud also served in the Ghaznavid palace. He was also a contemporary of Ibn Sina.

Abu Ali Ibn Sina (980-1037)⁵³¹. He created hundreds of works on philosophy, logic, spirituality, literature, poetry, music, geology, mineralogy, physics,

⁵²⁸ Orif Ayupov. Dunyo siyosat jamiyat. Ziyo nashr matbaa XK Guliston-2022. 12-publication. P 94.

⁵²⁹ Orif Ayupov. Dunyo siyosat jamiyat. Ziyo nashr matbaa XK Guliston-2022. 12-publication. P 98.

⁵³⁰ G. Niyozov, Q. Ahmedov, Q. Tojiboyev. Sharq allomalari va ma`rifatparvar adiblarning barkamol avlod tarbiyasiga oid ma`naviy- axloqiy qarashlari. Toshkent - "O`zbekiston" - 2010. P 18

⁵³¹ G. Niyozov, Q. Ahmedov, Q. Tojiboyev. Sharq allomalari va ma`rifatparvar adiblarning barkamol avlod tarbiyasiga oid ma`naviy- axloqiy qarashlari. Toshkent - "O`zbekiston" - 2010. P 20

mathematics, medicine, astronomy. The scope of Abu Ali's scientific interests was so wide that it is known that he created more than 40 works on medicine, about 30 works on astronomy and natural science, and 185 works on philosophy, logic and theology.

Imam Ismail al-Bukhari (810-869)⁵³². Imam Bukhari, a great scholar of hadiths, collected 600 thousand hadiths during his lifetime, including 7275 hadiths in his 4-volume "Reliable Collection". In 1998, the 1205th anniversary of Imam Ismail al-Bukhari, a great scholar of the Islamic world, who reached the highest level in hadith studies, was solemnly celebrated at the international level, and an extremely luxurious shrine was built in the city of Chelak near Samarkand, where he died. Thousands of people from different parts of the world visit here.

Abu Isa Muhammad al-Tirmizi (824-894), a scholar of hadith famous in the Islamic world, Imam at-Tirmizi, was born in the village of Bug near Termiz. From the age of 26, he began to meet famous scholars in the cities of Samarkand, Bukhara, Khijaz, Iraq, and Nishapur. He is a great scholar of hadith, and the mentorship of Imam Ismail al-Bukhari played an important role in his development. At-Tirmidhi, who devoted his life to collecting hadiths, has a great scientific heritage, including: "Kitabi al-Jam'e al-Sahikh", "Kitab ul ilm", "Kitabi al-Tamayili an-Nabawi", "Kitabi az-zuhl ", "Kitabul Ismi Val Khuna" and other works remain.

Alisher Navoi (1441-1501) is a great poet and thinker, statesman⁵³³. His full name is Nizamiddin Mir Alisher. Under the pseudonym Navoi, he wrote in Chigatai (both Uzbek language) and Farsi (his works in Persian language). In the West, Chigatai literature is considered the largest manifestation of Uzbek literature. In general, among all Turkic peoples, there is no great person like him. Alisher Navoi's creativity is huge. The volume of six epics is about 60,000 verses. In 1483-1485, Navoi created the work "Hamsa", which included five epics: "Hayrat ul-Abror" ("The Admiration of Good People"), "Farhad and Shirin", "Layli and Majnun", "Sabai Sayyor" ("Seven Planets"), "Saddi Iskandarii" ("Iskander's Wall").

Navoi's "Hamsa" is the first Turkish work created in this genre. He proved that it is possible to create such a large-scale work in the Turkish language. In fact, Navoi tried to prove that it is possible to create a work in the Chigatoil language (the old Uzbek language) on the same level as the Persian-Tajik literature. And he managed to do this through his five treasures.

* * *

⁵³² www.xoraymiy.uz

⁵³³ www.arboblar.uz

IMOM BUXORIYNING ILMIY MEROSI

SCIENTIFIC LEGACY OF IMAM BUKHARI

Sa'dullayev Feruzxon Muhibullo o'g'li,
*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
Islomshunoslik fakulteti Tarix (Islom tarixi
va manbashunosligi) 3-bosqich talabasi*

IX-XII asrlar ma'naviy hayotda islom diniga katta rol o'ynaydi. Bu davrda musulmon Sharqida keng tarqalib, jahon dini darajasiga ko'tarilgan islom dini va shariat musulmon dunyosining mafkurasiga aylangandi. Ma'lumki, ilk islomda jamiyatni huquqiy va mafkuraviy jihatdan boshqarish faqat Qur'on va hadis asosida olib borilgan. Biroq musulmon jamoalarining barcha huquqiy va ahloqiy masalalari Qur'onda qamrab olinmaganligi sababli VII asr oxiri – VIII asr boshlaridayoq hadislarni to'plab yozish boshlandi. Chunki hadislar Qur'ondan keyin muqaddas manba hisoblangan.

IX-X asr boshlarida musulmon ulamolari orasida obro'li deb e'tirof etilgan hadislarning 6 ta to'plami yuzaga keladi. Bular sunna deb hisoblangan hadislardan "Sahihi Buxoriy" va "Sahihi Muslim" eng mo'tabarlari hisoblanadi. Movarounnahr va Xurosonda xalifalik hukmronligi tugatilib, mustaqil Somoniylar, Qoraxoniylar, Xorazmshohlar va G'aznaviylar davlatlari qaror topadi. Islom ta'limoti, shariat ahkomlari va ilmu ma'rifatga e'tibor yanada kuchayadi. Markaziy shaharlarda qator masjid va madrasalar qad ko'taradi. Manbalardan ma'lum bo'lishicha, dastlabki madrasa Buxoroda X asrda shaharning Kovushdo'zlar mahallasi yaqinida bino qilinadi. U Farjak madrasasi deb yuritilgan. XII asrda esa Buxoroning Darvoza mahallasida qonunshunoslar uchun maxsus "Faqihlar madrasasi" quriladi. Bunday oliy ilmgohlarda asosan islom dini ta'limotining asosiy manbalari – Qur'oni Karim, Hadis sharif va arab tilini mukammal o'rganishga katta e'tibor berishgan. Islom dini ta'limotining ravnaqi va targ'iboting kengayishida ayniqsa Buxoro shahri markazga aylanadi. Buxoro madrasalaridan juda ko'p yetuk faqihshunos olimlar, odil qozilar, zohid imomlar yetishib chiqadi. Shu boisdan Buxoro IX asrdan boshlab "Qubbatul ul-Islom" nomi bilan shuhrat topadi.

Buxoro aholisining ilmli bo'lishida, Buxoroda ilm keng tarqalishida, imom va ulamolarning hurmatli bo'lishida Abu Hafs Kabr Buxoriy ismli mashhur fiqhshunos olimning xizmati nihoyatda katta bo'lgan. Narshahiyning yozishicha, shu olimning sharofati tufayli Buxoro "Qubbat ul – Islom" ya'ni "islom dinining gumbazi" deb atalgan.⁵³⁴ Hadis ilmi vujudga kelgan davrdan boshlab muhaddislar hadis talabida o'zga yurtlarga safar qila boshladilar. Ana shu davrdan boshlab muhaddislarning ilmiy hayotini faqat birgina shahar yoki mamlakat miqyosida chegaralash mumkin bo'lmay qoldi. Ko'pchilik muhaddislar ona vatanlari

⁵³⁴ A. Muhammadjonov. (IV asrdan XVI asr boshlarigacha)-T: O'zbekiston tarixi .- Toshkent "G'afur G'ulom" nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2004. -B. 153,154,155

Markaziy Osiyoda bo'lsada, asosiy ilmiy faoliyatlarini undan tashqarida olib bordilar. Boshqa muhaddislar asl nasablari bu mintaqadan tashqarida bo'lsa ham, ko'hna o'lkamizda hadis ilmining taraqqiy etishiga xizmat qildilar. Hadislarni saralash bo'yicha Movarounnahr muhaddislari islom olamida yetakchi o'rinni egalladilar. Imom Buxoriy, Imom Termiziy kabi barchaga ma'lum muhaddislar bunga yaqqol misoldir.⁵³⁵

Imom Buxoriyning ismi Muhammad, kunyasi Abu Abdulloh, laqabi ba'zan imom muhaddisiyn (muhaddislarning imomi, peshvosi), ba'zan amir mu'miniyn fil hadis (hadis ilmining amiri, sultoni) va nasabi Muhammad ibn Ibrohim ibn Mug'iyra ibn Bardazbah ibn Bazazbehdur. So'nggi ikki ismi ibn Bardazbah ibn Bazazbeh)dan ko'rinib turibdiki, Imom Buxoriyning asl nasabi ajamlarga borib taqaladi. Ko'pchilik muhaddislarning ta'kidlashicha, "Bardazbeh" so'zi arabcha "zori" (ziroat, dehqonchilik bilan shug'ullanuvchi kishi) ma'nosini bildiradi. Mashhur olim Imom Subkiy o'zining ("Tabaqot ash-shofi'iyya al-kubro" Shofe'iy ulug' tabaqalar") nomli yirik asarida. Bardazbehning otasini Bazazbeh deb ko'rsatgan. Imom Buxoriy otasining bobosi Mug'iyra Buxoro hokimi Yaman Ju'afiydan islom dinini qabul qilgan bo'lib, Buxoroni vatan tutib yashab qolgan. O'sha paytdagi taomulga ko'ra, agar biron kishi islom dinini kimdan qabul qilsa, o'sha kishining qabilasiga mansub hisoblangan. Bu odat qabul qilingan dinga sodiqlikning belgisi bo'lib, arabcha nisbat ul-vilo fil-islom (islom diniga sodiqlik nisbati) deb atalishi odat tusiga kirgan edi. Albatta Mug'iyra ham o'sha davrda ommaviy tus olgan ushbu urfdan holi bo'lmaganligidan uning o'zi ham, undan keyingi tug'ilgan avlodlari ham, shu jumladan Imom Buxoriy ham Ju'fiy deb atala boshlandilar. Imom Buxoriyning otasi Ismoil, uning kunyasi Abul-Hasan bo'lib, o'z davrining yetuk muhaddislaridan sanalib, imom Molikning shogird va as'hoblaridan biri bo'lib, tijorat ishlari bilan ham shug'ullangan. Afsuski, hozircha uning qalamiga mansub biror asar haqida aniq ma'lumotga ega emasmiz. Biroq uni Hammod ibn Zayd, imom Molik, Abu Muoviya kabi o'z davrining yirik muhaddislaridan hadislar rivoyat qilgani, Abdulloh ibn Muborakning suhbatida bo'lib, undan ta'lim olgani haqidagi xabarlar manbalarda keltiriladi.

Imom Buxoriy azaldan ilm-fan va madaniyat ravnaqida mashhur bo'lgan Buxoro shahrida tavallud topgan. Ko'plab muarrixlarning guvohlik berishlaricha, Buxoro azaldan Movarounnahrning eng qadimiy va go'zal shaharlaridan biri bo'lgan. Manbalarda zikr qilinishicha, shaharning o'rab turgan devorlari o'ttiz olti millga cho'zilgan. Shaharning obod va ko'rkamligi, uning benazir go'zalligixususidamanbalardazikrqilinishicha, shaharning o'rab turgan devorlari o'ttiz olti milga cho'zilgan. Mana shu muhtasham shahar-Buxoroi sharifda 194-hijriy sana shavvol oyining 13-kunida salotul jum'adan keyin (810-milodiy sana 20-iyul) barcha muhaddislarning imomi, hadis ilmining sultoni (amirul mo'minin fil hadis), "Sayyidul fuqaho" kabi buyuk laqablarga muyassar bo'lib, Payg'ambarimiz alayhissalomning muborak hadislariga durdonasimon sayqal

⁵³⁵ Hadisshunoslik: o'quv qo'llanma tuzuvchilar: D.Rahimjonov, D.Muratov, R.Obidov, M.Alimova. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Toshkent islom universiteti. – Toshkent, 2013. -B. 128

berib, ularni abadulabad barhayot qilgan ulug' zot Imom Buxoriy dunyoga kelgan.⁵³⁶

Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy 16 yoshida onasi va birodari Ahmad bilan birgalikda haj ziyoratiga borish chog'ida islom o'lkalaridagi ilm markazlariga sayohat qiladi. Onasi va birodari Buxoroga qaytayotganlarida Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy ilm o'rganish istagi bilan Makkada qoladi. U Hijozda olti yil istiqomat qiladi va u yerda hadis ilmi bilan yanada mukammal shug'ullanadi. Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy 18 yoshida "Kitob qazoyas sahoba vat tobe'in" va "at-Tarix al-kabir" nomli asarlarini yozadi. Zahabiyning ta'kidlashicha, "Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy tahsilini tamomlab kitob yozishga va hadis rivoyat qilishga boshlagan paytida hali yuzida bir tuk chiqmagan o'spirin edi"[1]. Faqat kitob yozishga kirishishi hadis talabini so'ngiga yetganini bildirmaydi. "Kishi o'zidan katta bo'lganlardan, tengdoshlaridan va o'zidan kichik bo'lganlardan ilm olmaguncha kamolga erishmaydi", degan Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy 1080 ta kishidan hadis tinglab, ilm o'rgangan.⁵³⁷ Tafsir ilmi. Muhammad ibn Ismoil Buxoriy buyuk muhaddis olim bo'lish bilan birgalikda Qur'on oyatlari nimaga dalolat qilishini juda yaxshi bilar edi. U Qur'on va hadisdan shar'iy masala bo'yicha hukm chiqara olish qudratiga ega edi. Uning "Sahih"idagi tafsir kitobini va "At-tafsir al-kabir" asari bu sohada ham tengsiz ekanligiga yorqin misol bo'ladi.

Hadislardan hukm olishda nimalarga e'tibor qaratish kerakligini a'lo darajada o'rgangan Imom Buxoriy hadis ilmi bilan shug'ullanish bilan birgalikda fiqh ilmi bilan ham mashhur bo'lgan. U yoshligidan boshlab, "Ahli ray" mazhabini juda yaxshi o'rgandi. U sahobalarning so'zlari va tobe'inlarning fatvolarini yaxshi o'rgandi. U hatto 18 yoshida ularga bag'ishlab bir mustaqil asar yozdi. Uni buyuk faqih va tengsiz mujtahid ekanligini juda ko'p ustozlari ta'kidlaganlar: Nua'ym ibn Hammod Xazzo'y: "Muhammad ibn Ismoil bu ummatning faqihidir" – deb, Muhammad ibn Bashshor (Bundor) "Muhammad ibn Ismoil zamonamizning eng faqihidir." – deya va Buxoriy hazratlari Basraga kelganlarida esa, "Bugun faqihlar sayyidi tashrif buyurdi" – deb alohida e'tirof etishgan. Muhammad ibn Ismoil Buxoriy "Sahih"ning boblarini tartibga solishda fiqhiy masalalarga alohida e'tibor qaratgan. U buni shu darajada noziklik va latiflik bilan amalga oshirdi. Buxoriyning "Sahih" asari va boshqa asarlariga qarab shularni aytish mumkinki, Muhammad ibn Ismoil Buxoriy hech kimga taqlid qilmagan holda o'ziga hos ilmiy maktab yaratdi.⁵³⁸

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Imom Buxoriyning ilmiy merosiga nazar soladigan bo'lsak, muhaddis sifatida eng ishonchli hadislarni saralab olib mukammal to'plam holiga keltirdilar. Bundan tashqari Tafsir ilmiga ham munosib hissa qushdilar. Imom Buxoriyning hadis to'plamlari Islom dinining muqaddas

⁵³⁶ F.Narmanov. O'quv qo'llanma.Sharq allomalari ilmiy merosi [Matn]: / F/Narmanov. – Samarqand; 2022. -B. 55

⁵³⁷ <https://www.bukhari.uz/?p=23944>

⁵³⁸ R.Shamsutdinov, H.Mo'minov. O'zbekiston tarixi. – Toshkent: "Sharq" nashriyot matbaa ijodiy, 2021. -B. 85

kitobi bo'lmish Qur'oni Karimdan keyingi eng ishonchli kitob sifatida qaraladi. Alloh subhanahu taolo u kishidan rozi bo'lsin va o'z rahmatiga olsin.

* * *

IMOM AL-BUXORIYNING HAYOTI, ILMIY FAOLIYATI HAMDA JARH VA TA'DIL ILMIGA QO'SHGAN HISSASI

LIFE, SCIENTIFIC ACTIVITIES AND CONTRIBUTION OF IMAM AL-BUKHARI TO THE SCIENCE OF AL-JARH WA-L-TA'DIL

Ermatova Zulfiya Abdug'aniyevna

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi,
Filologiya va tillarni o'qitish: arab tili yo'nalishi
2-bosqich talabasi*

Muhammad ibn Ismoil ibn Ibrohim al-Buxoriy 194 hijriy yilining 13 Shavvolida (810 yil 19 iyul) Juma kuni Buxoroda dunyoga keldi⁵³⁹. Uning kunyasi Abu Abdulloh, nisbasi esa al-Buxoriy va al-Juafiy hisoblanadi⁵⁴⁰. Imom Buxoriyning otasi Ismoil hajdan so'ng Madinada Imom Molik bilan uchrashgani, Hammod ibn Zayd va Abdulloh ibn Muborakdan hadislar keltirgani ma'lum⁵⁴¹. Muhammad ibn Abu Xotimning keltirishicha, Buxoriyning o'zi hali o'n yoshga yetmasdan, endigina o'qishni o'rganayotgan paytlaridayoq hadis yodlashni boshlaganini aytadi⁵⁴².

Imom Buxoriy Buxoroda hijriy 204-yilda (819) Muhammad ibn Salom al-Bikandiy va Abdulloh ibn Muhammad al-Musnadiylardan hadis olishni boshlagan. U o'n bir yoshida muhaddis Doxiliy majlislariga qatnashgan va kuchli zehni, xotirasi bilan hammani hayratda qoldirgan. U o'n olti yoshida Abdulloh ibn Muborak va Vakiyning kitoblarini yod olgani rivoyat qilinadi⁵⁴³. 210-hijriyda (825) esa 16 yoshli al-Buxoriy Makkaga boradi, u yerdagi mashhur ustozlardan saboq olib, keyinchalik ilm talabida yirik markazlarga sayohat qiladi. U Basrada besh yil qolib, hadislarini tartibga solgan va Suriyaga, Misrga, Jaziraga, shuningdek, Kufa va Bag'dodga ko'p marta safar qilgan⁵⁴⁴. Zamondoshi Xoshid ibn Ismoilga ko'ra, bir kuni talabalar Buxoriyning darsda hech narsa yozmasligini

⁵³⁹ Xotib, Abu Bakr Ahmad b. Ali b. Sobit al-Bag'dodiy, "Tarixi Bag'dod av Madinat as-Salom", Bashshar Avvad Ma'ruf, Dorul-G'arbi-Islomi Bayrut, 2001/1422, II – B. 324.

⁵⁴⁰ Al-Juafiy nisbasi Imom Buxoriyning katta bobosi Bardazbeh bilan bog'liq. U yashagan davrda bir inson agar boshqa insonning vositasida Islomga kirsa, unga nisbat etib nomlana boshlagan. Buxoriyning katta bobosi Mug'iyra o'z zamonasidagi Buxoro voliysi al-Yaman al-Juafiy vasilasi ila musulmon bo'lganligi uchun, unga nisbat etilib, Juafiy nomini olgan. Manba: Ibn Hojar, Abu Fazl Shahobiddin Ahmad bin Ali Muhammad al-Asqaloni, "Hadyus-Sari' Muqaddimatu Fathil-Baari' Sharhu Sahihil-Buxoriy", Damashq, 2000, 669-bet

⁵⁴¹ Buxoriy, Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil ibn Ibrohim al-Juafiy, "Kitob at-Tarixil-Kabir" Darul-Kutubil-Ilmiyya, Bayrut. – B. 323.

⁵⁴² Xotib, "Tarix". – B. 324.

⁵⁴³ Xotib, "Tarix". – B. 324. Zahabiy, "Siyar" XII. – B. 416; Ibn Hojar, "Hadiy us-Sari'". – B. 669.

⁵⁴⁴ Abulqosim Ali ibn Hasan ad-Dimashqiy ash-Shofei, "Tarixul madinati Dimashq". – B. 72.

ko'rib, uni sinab ko'rishga qaror qiladilar. Bir hafta o'tgach, Buxoriy o'zi eshitgan hadislarni talabalar daftaridagi ma'lumotlar bilan so'zma-so'z takrorlab, ularning yozuvlaridagi xatolarni tuzatib ham beradi⁵⁴⁵.

Buxoriyning mashhur shogirdlaridan bo'lmish Muhammad ibn Yusuf al-Firabriyning aytishicha, to'qson ming kishi undan "Al-Jome as-Sahih"ni eshitgan. Uning shogirdlari orasida Muslim, Abu Zur'a ar-Roziy, Termiziy, Abu Xotim ar-Roziy, Solih Jazara, Nasoiy, Firabriy va Ibn Xuzayma kabi taniqli muhaddislar bor⁵⁴⁶. Uning ustozlaridan Amr ibn Ali al-Fallasning Buxoriy bilmagan hadisga hadis deyilmasligini aytgani ham mashhur. Uning "Al-adab al-mufrad", "At-tarix as-sag'ir", "At-tarix al-kabir", "Barr ul-volidayn", "Asomi us-sahoba", "Kitob al-kuna" kabi asarlari juda mashhur, ammo ularning ba'zilari, afsuski, bugungi kunga qadar to'liq shaklda yetib kelmagan.

Buxoriy uzoq ilmiy safarlardan Buxoroga qaytgach, darslari xalqda katta qiziqish uyg'otadi, lekin ba'zi hasadgo'ylar uni amir Xolid ibn Ahmad az-Zuhaliy bilan teskari qilib qo'yadi. Amir undan kitoblarini saroyda o'qib berishni so'rganida, Buxoriy ilmni hukmdorlar eshigida xor qilmasligini aytadi. Bu javob amirga yoqmaydi va Buxoriyni shaharni tark etishga majburlaydi⁵⁴⁷. Buxoriy Samarqandga ketib, Xartang qishlog'ida yashaydi va 256/870 yilda vafot etadi⁵⁴⁸.

"Jarh" lug'aviy ma'noda "yaralash" degan ma'noni anglatib, atama sifatida roviyning nuqsonlarini ochib, rivoyatini rad etish ma'nosida ishlatiladi. Bunga qarama-qarshi "ta'dil" esa roviyning ishonchligini tasdiqlaydi. Abdulloh ibn Muborak bu haqida: "Isnod dindandir. Agar isnod bo'lmaganida, har kim o'ylagan narsasini xohlagancha rivoyat qilgan bo'lardi"⁵⁴⁹, deb aytgan. Jarh va ta'dil masalasida Imom Buxoriyning "Tarix al-Kabir", "Tarix al-avso't" va "Duafa ul-sag'ir" asarlari yetakchi ilmiy manbalar sifatida ko'riladi⁵⁵⁰. Al-Buxoriy, ba'zi o'rinlarda jarh va ta'dil ga oid o'z fikrlarini "قال أبو عبد الله" (Qoola Abu Abdulloh) deb bayon etib ham ketgan. Buxoriy, shuningdek, rijol tanqidida ustozlari tomonidan maqtov bilan tilga olingan, jumladan, Ahmad ibn Hanbal bilan yaqin aloqada bo'lgan. Ali ibn al-Madiniy "Sening ma'qul ko'rganing biz uchun ham maqbuldir" deb, Buxoriyga bo'lgan ishonchini bildirgan⁵⁵¹. Imom Muslim ham Buxoriyning hadis va rijol ilmidagi ustunligini maqtagan, Termiziy esa Buxoriyning "at-Tarix al-Kabir" asarini manba sifatida o'z asarlarida keltirib o'tgan⁵⁵².

Bir voqeada Imom Buxoriy uzoq yo'l bosib, hadis olgani borgan roviyning o'z otini aldab chaqirayotganini ko'rib, undan hadis olmasdan qaytganligi aytiladi,

⁵⁴⁵ Husayniy, al-Imam al-Bukhari. – B. 52.

⁵⁴⁶ Xolid ibn Sulaymon ar-Rumiy, "Manhaj ul-Imam ul-Buxoriy di Sahihihi", Riyod, 2015. – B. 18-19

⁵⁴⁷ Adabiyot: Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9- sinfi uchun darslik. / Q. Yo'ldoshev, V. Qodirov, J. Yo'ldoshekov. [Mas'ul muharrir: V.Rahmonov]. Qayta ishlangan 4-nashri. —T.: «O'zbekiston» NMIU, 2019. – B. 131.

⁵⁴⁸ Zahabiy, "Siyar", XII, 466; Ibn Hojar, "Hadyatus-Sari". – B. 688.

⁵⁴⁹ Abul Husayn Muslim ibn al-Hajjoj al-Qushayriy, "Sahihu Muslim", Bayrut, 2010. – B. 7.

⁵⁵⁰ Muhammad Ali qosim Umariy, "Diro'sat fi Manhaj un-Naqd indal-Muhaddisin", Iordaniya, 2000. – B. 98.

⁵⁵¹ Xotib, "Tarix" II 17; Ibn Hojar, "Tag'liq" V. – B. 406.

⁵⁵² Termiziy, "Ilal ul-Kabir"; Ibn Rajab, "Sharh ul-Ilal", I. – B. 31.

chunki bu roviyning hadisda zaif ekanligini ko'rsatar edi. Buxoriyning hadis sahihligini aniqlashdagi ehtiyotkorligi va jarh-ta'dil ilmida tutgan o'rnini "Sahih al-Buxoriy"dan bilish mumkin, kitobga u 600 ming hadisdan faqat 7275 tasini kitobga kiritgan.

Olimlarning hisob-kitoblariga ko'ra, Buxoriyning "jarh" va "ta'dil" so'zini taxminan yetti yuzta roviyga nisbatan ishlatgan⁵⁵³. Shuningdek, u tanqid qilgan, isnodida muammo bor deb hisoblangan hadislar soni to'rt mingdan oshib, ular haqida "أصح" (yanada sahih), "صحيح" (sahih), "لا يصح" (sahih emas), "مرسل" (mursal), "منقطع" (munqoti'), "لا يتابع في حديثه" (hadisning isnod zanjiri ishonchli emas) yoki "لم يثبت حديثه" (hadis sobit emas)⁵⁵⁴ kabi hukmlar berilgan. "Tarix al-Kabir"ni to'liq o'rganib chiqish natijasida ma'lum bo'ladiki, kitobda jarh va ta'dil haqidagi ma'lumotlar Buxoriy amalga oshirgan ilmiy izlanish va tadqiqotlarning bir qisminigina tashkil qiladi. Bu esa, yuqorida ham ta'kidlab o'tilganidek, bobomiz Imom al-Buxoriyning hadis yig'ishda qanchalar yuksak ilmiy mahorat egasi bo'lganiga isbotdir.

* * *

IMOM DORIMIY HAYOT YO'LI

LIFE OF IMAM DARIMII

Abumo'minova Qunduzoy Anvarjon qizi
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasining
"Dinshunoslik" ta'lim yo'nalishi
1-kurs talabasi

IX asr Movarounnahr diyori uchun ilmga boy davr bo'ldi, desak hech mubolag'a bo'lmaydi. Sababi bu yerda shundayin ajoyib qomusiy olimlar yetishib chiqdiki ularning izlanishlari natijasida hozirgi hayot falsafasiga mazmun kirdi. Shunday noyob iste'dod sohiblaridan, tarixda uni Imom Buxoriy, Ja'far ibn Muhammad Farobiy, Abdulloh ibn Ahmad ibn Tanbal, Imom Muslim, Hasan ibn Sabboh, Abu Zar'ata Damashqiy, Abu Dovud, Bujayriy, Imom At-Termiziylarning ustozlari deya eslanadigan muhaddis olim – Dorimiydir. U Abbosiylar hukmronligi davrida 798-yili Samarqandda dunyoga kelgan. "Dorimiy" uning tahallusi bo'lib, qishlog'ining nomidan kelib chiqqan. To'liq ism sharifi shunday: Abu Muhammad Abdulloh ibn Abdurahmon ibn Bahrom ibn Abdusamad at-Termiziy as-Samarqandiy ad-Dorimiy. Dorimiy islom olamida ko'plab ilmiy meroslar qoldira olgan. Uning zukko har tomonlama o'ylab ish yurituvchi zot bo'lganligi uning yaratgan asarlaridan ham ma'lum va mashhur hisoblanadi. Bu muhaddisga Muhammad ibn Ibrohim ibn Mansur Sheroziy tomonidan shunday ta'rif beriladi:"

⁵⁵³ Buhârî'nin İlmi Şahsiyeti ve Cerh-Ta'dil İlmindeki Yeri, Mustafa Taş Arş. Gör. Dr., Recep Tayyip Erdoğan Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Hadis Ana bilim dalı Araştırma Görevlisi. – B. 17.

⁵⁵⁴ Haayeq, "Al-Imaamul-Bukhariy". – B. 148.

Imom Dorimiy har jabhada misol uchun fahmda, aqldan va eng asosiysi dinda eng yetugi bo'lgan. U zot juda tirishqoq va bosiq karakterli, ibodatda ham mukammal edi". Uning hayot yo'li faqat va faqat ilm egallash bilan kechgan. U ham diniy ham dunyoviy ta'limni qalbiga mehr la joylagani sabab, keyingi hayot yo'li uni sayohat va sarguzashtlarga chorladi. Uning hayoti davomida juda ko'p qiyinchiliklarga duch keldi, Ahmad ibn Hanbal tomonidan rivoyat qilinishicha Imom Dorimiyga kufr keltir deyilganida ham, dunyo boyliklari vada qilinganida ham u bu takliflarni barchasini rad etadi va o'z diniga sodiq qoladi. Shundan ham ma'lumki u zot har tomonlama yetuk fikrli, yuksak zehni ekanliklari. Avvalo, Imom Dorimiy boshlang'ich ta'limni Samarqandda egalladi, keyin esa hadis ilmini suyгани bois ko'plab mashhur yurtlarni kezdi. Masalan, Makka va Madina, Marv, Iroq, Vosit, Kufa, Hiyt, Damashq, Bag'dod hamda Xuroson kabi shahar davlatlardagi taniqli olimlardan ta'lim oldi. Ulardan Muhammad ibn Bashor, Habbon ibn Hilol, Zayd ibn Yahyo ibn Ubayd Dimashqiy, Yazid ibn Horun al-Vositiy, Nazr ibn Shumayyil, Said ibn Omir Zab'iy, Abulvahhob ibn Said, Bishr ibn Umar az-Zahroniy Ubaydulloh ibn Muso, Abu Abdulloh Muhammad ibn Yusuf alFiryobiy, Marvin ibn Muhammad, Musaxxar Dimashqiy, Vahb ibn Jarir kabi turli ustozlaridan ham diniy ham dunyoviy ta'limni o'rgangan, Bular uning ustozlari orasidagi eng oz talqin etilgan, ma'lum va mashhur ustozlaridan desak ham bo'laveradi. Ulardan olgan bilimlari natijasida ulardan fiqh ilmiga, hadis ilmiga bo'lgan zehni ortib bordi. Shu tariqa o'zining sahii hadislarini yarata boshladi. Ularda payg'ambarimiz Muhammad (s.a.v) ming suratlari va sunnat amallari rivoyat qilgan. Dorimiy ning ilmiy hayoti bizga tanish, ammo aytish joizki, uning oilasi haqidagi aksar ma'lumotlarga saqlanib qolgan. Ulardan birida uning ajdodlari buyuk insonlar bo'lgani ham uning hayoti uchun katta ta'sir etgan deyiladi. Dorimiyning Muhammad ismli o'g'il farzandi bo'lgan, shuningdek Dorimiyning aka va ukasi ham bo'lgani haqida so'z yakunida yana qayd etamiz chunki buning o'z sababi bor. Dorimiy ijodiga qaytadigan bo'lsak, birinchi o'rinda uning shoh asarini "Sunan"ni aytishimiz lozim. U "Isnodli hadislar to'plami" degan ma'noni ham bildiradi. Unda ko'proq fiqhga oid qarashlar jamlangani bois shunday yuritiladi. Bu shoh asarning yana bir ajablanarli jihati shuki, u 23 kitobdan yoki ba'zi manbalarda 6 kitobdan iborat deyiladi va hadislar esa 3506 ta yoki 3465ta deb yuritiladi. Ushbu yirik asarda 250dan ortiq ustozlari zikr etiladi. Ushbu asarida u oz ustozlaridan o'rgangan qancha hadis yig'ganligi haqida ham yozadi. Basralik Rovi Ruh ibn Aslam dan uchta hadis rivoyat qiladi o'zining ushbu asarida. Imom Dorimiyga hadis ilmida juda katta ta'sirga ega bo'lgan ikki ustoz bo'lib, ular Yazid ibn Horun va Abdurazzoq ibn Humom as-San'oni. "Sunani Dorimiy" bu yozishni boshlagan kezlarida u balog'at yoshiga endigina to'lgan edi. Tahminan 18-19 yoshli bola tomonidan yozilgan ushbu buyuk asar uning qanday fahmli va zukko insonligidan dalolat beradi. Aytib o'tilganidek uning ajdodlari buyuk sayyohlardan bo'lishgan. O'zi ham safarlari chog'ida ko'plab olimlar bilan tanishgan va ulardan fiqh ilmiga oid ilmlarni o'rgangan.

Shu bilan birga uning "Attafsir", "Al-Jome", "az-Zuhd", "as-Siyam", "ad-Duo" va "As-Sulosiyyat fil-hadis" kabi asarlari ham mavjud. Dorimiy ilmlarni egallash yakunida ya'ni umrining so'nggi yillarida o'z ona zamini bo'lmish

Samarqandga qaytadi va unga “bosh qozilik” lavozimi taklif etiladi, ammo u bu taklifni qabul qilmaydi. Umrining so‘ngiga qadar faqat ilm oladi. Qani biz ham Dorimiy kabi har olayotgan nafasimizni ilm deb olsak, hayotimiz uniki kabi mukammal bo‘lar edi ehtimol. Dorimiyning ukasi tomonidan yozilgan bir asarda 869-yili ya’ni hijriy 255-yil Zulhijja oyining sakkizinchi kuni Dorimiy qazo qiladi. Unda Dorimiy Samarqanddagi akasining qabri yoniga Arafa - Juma kuni dafn etilgani va Samarqand amiri tomonidan janoza o‘qilgani ham qayd etilgan.

Xulosa qilib aytganda, Dorimiy hayot yo‘li juda ma’noli va shu sabab uni islom olamidagi buyuk olimlardan deyishimiz mumkin. Uning hadisleri mustaqillikka erishganimizdan so‘ng yanada keng qamrov ila o‘rganildi. Hozirda undan bizgacha yetib kelgan hadisleri tarjima qilinib, yanada yangi kitoblar yaratilishi uchun asos bo‘lib xizmat qilmoqda. Bugungi kunda bir qadamjo ham mavjud bo‘lib, u Imom Dorimiyga atalgan masjiddir. Masjidi Imom al-Dorimiy”dir.

Payg‘ambarimiz(s.a.v) aytadi:” Kimki Alloh uchun qilmoqning uyasidek yoki undan kichikroq masjid qursa, Alloh taolo unga jannatdan uy qurib beradi”. Shunday aziz qadamjo islom davlati sanalgan Pokiston davlatining Islomobod shahrida joylashgan. Hozirgi kunda nafar Pokistonda balki dunyoning har burchagidagi islom davlatida Imom Dorimiyga atalgan turli yo‘sindagi izlanishlar amalga oshirilmoqda.

* * *

IBN BATTUTANING “SAYOHATNOMA” ASARIDA MISR TARIXIY OBIDALARI HAQIDAGI MA’LUMOTLAR

MATERIALS ON THE HISTORICAL MONUMENTS OF EGYPT SAYOKHATNOMA BY IBN BATTUTA

Raxmatxonov Ayubxon Jahongir o‘g‘li

O‘zXIA Islomshunoslik fakulteti

Tarix(islom tarixi va manbashunosligi)yo‘nalishi

2-bosqich talabasi

XIV asrda yashagan mashhur sayyoh va geograf Ibn Battutaning to‘liq ismi – Shamsuddin Abu Abdulloh Muhammad ibn Abdulloh ibn Muhammad ibn Ibrohim al-Lavotiy at-Tanjiy bo‘lib, 703/1304-yilda Tanja shahrida faqih (islom huquqshunosi) oilasida tug‘ilgan. Kelib chiqishi barbarlarning lavot (ilavotin) qabilasidan bo‘lgani uchun al-Lavotiy nisbasini olgan. Ibn Battuta yoshligidan ilmga qiziqishi tufayli boshlang‘ich ta’limni olgach, Makkai Mukarrama shahriga borish orzusida 1325-yilning iyunida safarga chiqqan. Mariniylar davlati sultoni Abu Inon (1349-1358) topshirig‘i bilan saroy tarixchisi Ibn Juzayy Ibn Battutaning o‘zidan 28 yillik (1325-1354-yillar) safar xotiralarini yozib oladi va 1356-yil fevral oyida asar tahririni tugatadi. Ibn Battuta 28 yillik sayohati davrida 75 ming mil (120 ming km) masofani bosib o‘tgan va Afrika, Osiyo va Yevropaning janubiy

qismlarida yashovchi xalqlar madaniyati, tarixiy merosi hamda shu hududlar geografiyasi haqida qiziqarli ma'lumotlar qoldirgan. Buyuk sayyoh 1377-yilda vafot etgan, qabri hozirgi kunda Tanja shahri yaqinida.

Ibn Battutaning xotiralari jamlangan kitobga kotib Ibn Juzayy tomonidan "Tuhfat an-nuzzor fi g'aroyib al-amsor va ajoyib al-asfor" ("G'aroyib shaharlar va ajoyib safarlar haqida nazar sohiblariga tuhfa") deb sarlavha qo'yilgan, ilmiy adabiyotlarda esa "Sayohatnoma", "Ibn Battuta sayohatnomasi" kabi nomlar bilan ataladi. Asarning 2-fasli to'laligicha Misrga bag'ishlangan. Ibn Battuta bu faslda Misrdagi tarixiy obidalar, shifoxonlar, masjidlar, xonaqohlar, madrasa va qabristonlar haqida ma'lumotlar berib o'tadi.

Ibn Battuta hijriy 726-yilning jumadul avval oyining birinchi kuni Misrning Iskandariya shahriga kirib kelganini aytib, u yerdagi Iskandariya minorasini borib ko'rgani, uning bir qismi vayron bo'lgani haqida to'xtalib: "U to'rtburchak shaklda qurilgan bo'lib, tepaga qarab qad rostlagan, eshigi yerdan baland, ro'parasida shu eshik balandligida bir bino qurilgan. Ular o'rtasiga... yog'och ko'prik tashlangan. Agar shu ko'prik olib qo'yilsa, minora ichiga kirib bo'lmaydi. Eshik ichida minora qo'riqchisi uchun ajratilgan joy bo'lib, minoraning ichki qismida ko'plab xonalar mavjud. Ichkaridagi yo'lakning kengligi to'qqiz qarich, devorinig qalinligi esa o'n qarich. Minoraning har to'rt tarafdan umumiy kengligi esa bir yuz qirq qarich bo'lib, u baland tepalikda joylashgan" – deb yozgan. Muallif yana boshqa bir muhim inshoot – "Savoriy ustuni" haqida ham ma'lumot bergan. Savoriy ustuni (عمود السواري) – Iskandariya shahridagi Qadimgi Rim davrida qurilgan, hozirgi kunga qadar saqlanib qolgan, Rim imperatori Septimius Severus (193-211) davrida qurilgan ustunlardan biri hisoblanadi. Ustun nomi, ya'ni Savoriy imperator Severus ismining arabcha aytilishidir. Battuta ustunga quyidagicha ta'rif bergan: "Bu shahardagi ajoyibotlardan biri shahar tashqarisida joylashgan mahobatli marmar ustun bo'lib, uni "Savoriy ustun" deb atashadi. U xurmo daraxtlaridan iborat o'rmon o'rtasida joylashgan bo'lib, o'rmondagi daraxtlardan baland bo'lgani uchun yaqqol ko'zga tashlanib turadi. U to'rtburchak shakldagi tosh poydevorlar ustiga qurilgan va o'ta puxta qilib yo'nilgan bir bo'lak tosh, go'yo ulkan o'rindiqlarni yodga soladi. Ammo uning u yerga qanday qilib o'rnatilgani va na kim o'rnatgani ma'lum".

Asarda Misrning eng yirik shahri Qohiradagi obidalar haqida ham ma'lumotlar berib o'tilgan. Jumladan, Misr fotihi Amr ibn Oss(r.a.) tomonidan qurdirilgan masjid haqida unda juma namozi kam o'qilishi, masjidning sharq tarafida bir xonaqoh bo'lib, unda Imom Abu Abdulloh ash-Shofe'iy dars bergan. Qohiradagi madrasalar haqida "Qohirada madrasalar shu darajada ko'p-ki, ularni hatto sanashning ham iloji yo'q".

Asar muallifi aytishicha, XIV asrda Misrda takyalar ko'p bo'lib, ularni xonaqohlar deb atashgan. Misr hukmdorlari ana shunday xonaqohlarni qurishda kim o'zarga ish qilganlar. Ibn Battuta xonaqoh ahlining o'ziga xos odatlari haqida batafsil so'zlab, darveshlarning yakka o'zi ovqatlanishi, har bir o'z joynamozida ibodat qilishi, juma kuni masjid xodimi har bir darveshning joynamozini masjid ichiga to'shaganidan keyin barchalari jamlanib, namozni imom orqasida har kim

o‘z joynamozida ado etishi kabi bir qancha qiziqarli odatlari haqida ma’lumotlar bergan.

Misrdagi tabarruk zotlarning qabrlari va maqbaralaridan 10 ga yaqini haqida to‘xtalgan. Masalan, Muhammad alayhissalomning nabiralari Husayn ibn Ali (r.a) maqbaralariga u zotning boshlari dafn qilingani, maqbara eshiklarining yuzasiga kumush qoplanib, tutqichlari ham kumushdan yasalganini keltirib o‘tgan. Payg‘ambar Muhammad alayhissalom avlodlaridan yana biri Hasan al-Anvar ibn Ali ibn Husayn ibn Ali (r.a)ning qizlari Sayyida Nafisaning qabrlari ustiga maqbara qurilgani, odamlar uchun tabarruk ziyoratgohlardan bir ekanligini ta’kidlaydi.

Ibn Battuta asarida Misrdagi mashhur ehromlar haqida ham ma’lumotlar berib o‘tgan va quyidagi rivoyatni keltiradi: “Ularning qurilishi haqidagi rivoyatlardan birida keltirilishicha, Misr podshohlaridan biri to‘fon kelishidan oldin bir tush ko‘radi va tushida Yer yuzini suv bosadi. U ko‘rgan tushidan dahshatga tushib, mavjud ilmlar, ularning egalari bo‘lmish olimlar hamda podshohlar jasadlari suv ostida qolmasin, deya Nil daryosining g‘arbiy tomoniga mazkur ehromlarni qurdiradi. U munajjimlardan: “Bir kun kelib mazkur ehromlar ochilishi mumkinmi?” - deb so‘raganida, ular: “Ha, bir kun kelib shimol tomonidan kelgan odamlar ulardan birini ochadilar”, deb ochilishi kutilgan yerni ko‘rsatadilar va unga qancha mablag‘ sarf bo‘lishini ham aytadilar. Shundan so‘ng podshoh munajjimlar ko‘rsatgan yerga ular aytgancha boylikni qo‘yishlarini buyuradi va ehromni o‘ta mustahkam tarzda qurdiradi. Ularni oltmish yilda qurib bitkazadi va shunday deb yozishni buyuradi: “Biz bu ehromlarni oltmish yilda qurib bitkazdik, bizdan keyin kim shu ishni xohlasa, ushbu ehromlarni olti yuz yilda buzsiz, zero, buzish qurishdan ko‘ra osonroqdir”. Ammo tarixiy ma’lumotlardan ma’lumki, Qadimgi Misr fir‘avnlari o‘zlarini iloh sifatida bilib, o‘z qudratlari ramzi sifatida bu ehromlarni qurdirishgan. Shuningdek Ibn Battuta 813-833-yillarda Abbosiylar xalifasi bo‘lgan Ma’mun ibn Horun ar-Rashid bu ehromlarni buzishga harakat qilgani haqida quyidagi ma’lumotlarni keltiradi: “...xalifalik mo‘minlar amiri Ma’munga nasib etgach, u ehromlardan birini buzmoqchi bo‘ladi. Misr qariyalarining uning bu ishni uddalay olmasligi haqidagi gap-so‘zlariga quloq solmay, unga qattiq bel bog‘laydi va ulardan birini ochishga harakat qiladi. U ehromni shimol tomonidan ochishga amr beradi. Odamlar toshni o‘t bilan rosa qizdirib, so‘ng sirka quyib, uni yumshatadilar, keyin manjaniqdan tosh otadilar. Ular shu tarzda bugunga qadar ochiq turgan eshikni ochishga muvaffaq bo‘ladilar. Eshikdan qarasalar, bir qancha boylik bor ekan. Mo‘minlar amiri Ma’mun mazkur boylikni tarozuda tortishga buyruq beradi, u eshikni ochishga qancha mablag‘ sarf bo‘lgan bo‘lsa, ana shunga barobar edi. Ma’mun bu holdan juda qattiq taajjubga tushadi va ehromning qolgan qismini buzish fikridan qaytadi. Ular ehrom devorini o‘lchashsa, yigirma gaz chiqqan ekan”.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, Ibn Battutaning ushbu ma’lumotlari XIV asrdagi Misr madaniyati haqida boy ma’lumotlar beradi. Ibn Battutaning asaridagi antik davr va undan keyingi davrlardagi voqealarga oid ma’lumotlarni boshqa tarixiy manbalar bilan qiyosiy o‘rganish orqali Misr tarixining ochilmagan sahifalarini tiklash mumkin bo‘ladi.

III BO'LIM. MARKAZIY OSIYO TARIXIY YODGORLIKLARI EPIGRAFIKASI, SAN'ATI VA ARXITEKTURASI

CHAPTER III. EPIGRAPHY, ART AND ARCHITECTURE OF CENTRAL ASIAN HISTORICAL MONUMENTS

BUXORO ZARDO'ZLIGIDAGI NAQSH VA TASVIRLARNI IJTIMOIY-SIYOSIY VA BADIY ASPEKTDAGI O'RGANISH

STUDY OF PATTERNS AND IMAGES IN BUKHARA GOLD EMBROIDERY IN SOCIO-POLITICAL AND ARTISTIC ASPECTS

Fatxullayev Ravshan Sa'dullayevich,
*K.Behzod nomidagi Milliy rassomlik
va dizayin instituti professori*

Zardo'zlikning tarixi o'zoq o'tmishga - Sosoniy Eroniga, Vizantiyaga borib taqalsada, Markaziy Osiyoda bu san'at Buxoro bilan bog'liq. Uning rivojlangan davri Buxoroda XIX asrga, Nasrulloxon (1827-1860) va Abdulahadxon (1885-1910) hukmronlik qilgan davrlarga to'g'ri keladi.

Zardo'zlik san'atida ham qanday libos tayyorlanishidan qat'iy nazar, tasviriy mavzular juda boy ko'rinishlarda tasvirlangan. Albatta, XIX asrdan yoki asrning ikkinchi yarmidan mengacha etib kelgan asarlarda biron real tasviriy mavzuni o'zida aks ettiruvchi holatlarni uchratish qiyin, ular kashtachilikda bo'lgani kabi 1917-yilgi Oktyabr to'ntarishidan keyingi davrlardan boshlab, uchray boshlaydi. Buning o'rnida dastlabki paytdan boshlab, xar-xil sirli holatlarga ega bo'lgan o'simliklar va boshqa elementlar Buxoro zardo'zlik asarlarida keng tarqalgan. Menga ma'lum bo'lgan asarlarning orasida erta davrga taalluqlisi Toshkentdagi davlat san'at muzeyida saqlanayotgan "daraxmi doroxat" choponining bir qismi. Bunda shuni ham aytib o'tishim kerakki, muzeyning to'plamida daraxmi daraxtning turli xildagi variantlari borki, bularga men quyida batafsil to'xtalaman. Hozirda men to'xtalmoqchi bo'lgan variantda "almosiy" naqsh kashtasi gajakdor yaproqlar tushirilgan atlas xoshiyasida tikilgan bo'lib, bu nusxa XIX asrning 60-yillariga taalluqli. Bunda markaziy qismga ko'kimtir fon ustiga zarxal iplar bilan girdobsimon gajakdor barglar turkumidagi naqsh tikilgan. Undagi gullarning urug'i qizil rangda ko'rsatilgan. Bu kashta, birinchidan yorqin fon ustiga, faqat zar iplar, ba'zi bo'laklarda to'q qizil rangdagi ipakni kiritilishi oqibatida birmuncha ifodali bo'lib ko'rinadi. Yoki bo'lmasa shu o'rinda boshqa varinantdagi daraxmi daraxtni olaylik, unda ham och ko'kimtir fon ustiga xira yashilrang ipak ipda "qo'chqor shohi" kashtasi mahorat bilan tikilgan bo'lib, bu yerda ham asosiy ranglardan tashqari ikkilamchi hisoblangan yordamchi rang – sariq rang kiritilgan. Bunda shuni ham ta'kidlash kerakki, zardo'zlar e'tiborni naqshning turi, uning usuli bilan birga elementlardagi yordamchi ranglarga ham qaratganlar. Bo'yoqlardan siyohrang, kashtaning umumiy foni sifatida keng tarqalsada, undan

ham boshqa qizil, to‘q ko‘k va yashil rangli matolarga ham ko‘p xollarda “zamindo‘ziy” va “guldo‘ziy” usullariga kashtalar tikilgan.

P.A.Goncharova Buxoro zardo‘zligiga bag‘ishlangan tadqiqotida asosan Buxoro va Toshkent muzeylarida saqlanayotgan ko‘plab variantlardagi qator zardo‘ziy ashyolarni keltirgan. Garchi muallif asarida zardo‘zlik san‘atini tarixi, rivojlanishi va unda qo‘llaniladigan ba‘zi kompozitsiya va naqshlarning turlarini umumiy tarzda tahlil etsada, ko‘pgina naqshlarning qiziqarli va xarakterli bo‘lgan bo‘laklarini ham eslab o‘tadi. O‘z navbatida men ham olim nashr ettirgan suratlardan ham foydalandim⁵⁵⁵.

Darham choponlarining ko‘plarida “qo‘chqorshohi” kashtasi uchraydi. Yuqorida keltirilganlar bilan bir qatorda bu naqsh ham o‘zining falsafiy xususiyatlariga ega. Masalan, O‘rta Osiyo xalqlarida hayvonlardan qo‘yni (aniqrog‘i qo‘chqorni) va tog‘ echkisini boshqalarga qaraganda birmuncha muqaddaslashtirganlar. Hatto qoraqalpoqlarning bosh kiyimlarida - “saukal” va ko‘krakka taqiladigan “xeykal”larda ham kumushdan ishlanib, tillani suvi yuritilgan qo‘chqorning shohlari shaklidagi osilmalar mavjud. Kurinishdan u ham kishilarni yomon ko‘zlardan saqlagan.

Kashtachilikda bo‘lgani kabi “bodom” naqshi ham zardo‘zlikda keng ishlatilgan naqsh turlaridan hisoblanadi. Bu turkumdagi ashyolar ko‘pchilikni tashkil etib, ularning kompozitsiyasining zaminida asosan bir turdagi gul - xuddi Chust erkaklari do‘ppilarida keng tarqalgan “qalampir” shakliga yaqin, lekin birmuncha yapaloq qilib ishlangan yassi naqsh yotadi. Bodom naqshini asosini bir gul tashkil etsada, ko‘p xollarda unga yordamchi bo‘lgan ikkilamchi gullar, ba‘zida qo‘chqorshohi, boshqa xollarda “turunj”, “lolagul” va boshqa naqshlar hamroh bo‘ladi. Mana shunday shunday kashtalardan biri XIX asrning 80-yillariga taalluqli bo‘lgan kashta⁵⁵⁶.

Bunda ham matoning markaziy qismi yo‘l-yo‘l chiziqlarga bo‘linib, ulardan birini-ikkinchisiga ilonizi shaklida tikilgan “kandoriy chor baxyagiy” chokida kvadratlarning yig‘indisidan tashkil topgan chok bilan bog‘langan va bu ilon izning ochiq qolgan yaxlit qismlariga “qushbodom” guli tikilgan. Bu na‘munadagi qushbodom nafaqat markaziy naqshda balki xoshiyadagi bo‘laklarda ham mehrobsimon bo‘lakni ichiga joylashtirilib, mehroblarning bir-biriga tutashgan yerlariga bir qatordan “mavj” va “chashbi bulbul shishtai” chokidagi kvadratlarning yig‘indisidan iborat naqsh tikilgan. Yoki bo‘lmasa, bu nushadan tashqari boshqalarini ham oladigan bo‘lsak, ularda ham bodom o‘ziga xos holatlarda uchraydi - ba‘zi xollarda naqshning asosini tashkil etsa, ba‘zi xollarda ikkilamchi naqsh sifatida qatnashadi.

Yuqorida keltirilgan naqshlardan tashqari, “lolaguli” naqshi ham nafaqat zardo‘zlikda balki gilamchilikda ham keng qo‘llanilgan naqsh turlaridan hisoblanadi. Lekin u XIX asrning oxirlarida boshqa gullarga uyg‘unlashgan xolda tasvirlangan. Bu hol XX asrning boshlariga kelib ancha reallashgan: ularni yahlit

⁵⁵⁵ П.А.Гончарова. Золотошвейное искусство Бухары. - Т.: Издательство литературы и искусства им.Г.Гуляма, 1986.

⁵⁵⁶ DSM, inv. №431, KP №4384. Samarqand, 1885-1887.

tarzda, novdalardan holi qilib kiritila boshlandi, yaproqlarini qizil, novda va barglari yashil rangli iplarda tikila boshlandi. Ko‘rinishdan bu rangli iplar ham bir tomondan gulning tabiiy rangi sifatida, ikkinchidan shartli tarzda qo‘llaniladi. Xuddi shu usul “paxtaguli” naqshida ham qo‘llanilgan. Lekin bundagi ranglar ko‘rinishdan tabiiy rang sifatida qo‘llanilgan.

Umuman olganda, paxtaguli zardo‘zlikda 1950-yillardan boshlab keng qo‘llanilsada, dastavval kashtachilikda paydo bo‘lgan. Naqsh paydo bo‘lgan dastlabki vaqtdan boshlab, hamma katta markazlarda ham qo‘llanilavermagan. Chunki “paxtaguli” naqshi kashta asarlariga kirib kelgan vaqtda artellar faoliyat ko‘rsatib, buyumlarni ishlab chiqarishga to‘la moslashtirilgandi. Mashinalarda paxta suratini tikish ham boshlang‘ich davrda hamma tikuvchilarga ham ko‘l kelavermagan. Faqat ba’zi “tadbirlar” uchun buyumrtma berilmasa, kundalik turmushda bu naqsh boshqalariga qaraganda ikkilamchi naqsh turi hisoblangan.

Zardo‘zlik respublikada faqat Buxoro bilan bog‘liqligini hisobga oladigan bo‘lsak, undagi ko‘p naqsh elementlari Buxoro kashtalaridagi kompozitsiyalar bilan hamohangligi seziladi. To‘g‘ri, kashtalarda naqshlarni joylashtirishning o‘ziga xos ham usuliy, ham falsafiy ma’nolari bor. Lekin ulardagi imkoniyat zardo‘zlikka qaraganda birmuncha kengroq. Buning ustiga kashtalardagi ma’noni ochib berishda ranglardan (rangli ip) ham foydalanishadi. Lekin zardo‘zlikda bu xol chegaralangan bo‘lib, faqat zarrin va kumush rang iplardan foydalanishgan. Ba’zi xollardagina qizil, yashil va sariq rangli ipdan foydalanishgan. Bu xol faqat XIX asrning oxiri - XX asrning boshlaridan boshlab kuzatiladi. Ungacha bo‘lgan davrda an‘analar to‘la saqlangan.

1920-yillargacha Buxoro zardo‘zligi asosan qo‘l mehnati mahsuloti bo‘lsa-da, buyumlarning assortimenti birmuncha ko‘pchilikni tashkil etadi. Erkak, ayollar va bolalarning liboslari, bosh va oyoq kiyimlar, belbog‘lar, turmushda ishlatiladigan maishiy xarakterdagi buyumlar-elpig‘ichlar, igna qadab qo‘yadigan yostiqchalar, oyna haltalar va boshqalar shular jumlasidan. Lekin ulardagi naqshlar asosan o‘simlik va geometriksimon. Aniq tasvirlar deyarli ko‘zga tashlanmaydi. Odamlarning qiyofalari real tarzda umuman ko‘zga tashlanmaydi. Ba’zi bo‘laklardagina ayrim daraxt va o‘simliklarga-bodom, majnuntol, qalampir, anor ko‘rsatiladi xolos.

Xulosa shuki, Aynan shu tasvirlar zardo‘zlikda ham ifodasini topgan. Ularda ham kashtachilikdagi, kandakorlikdagi va kulolchilikdagi mavzularni uchratamiz. Bunda albatta XIX asrdagi yetakchi sanalagan elementlar saqlangan; lekin zamonaviy mavzularga ham keng o‘rin berilgan. Bunday buyurtmalar, ikkinchi bobda aytilganidek, jamoa (ko‘p kishilik) mehnatini talab qilgan, ayniqsa, yubileylar uchun ishlangan pannolar. Ular qimmatbaho hom-ashyodan tayyorlangan. Ish jarayoniga mohir tikuvchilar jalb qilingan. Ulardagi mavzu zamonaviy hisoblansa-da, gul va tasvirlarni joylashtirilishi tom ma’noda palak va so‘zanalardagi sxema asosida berilgan. Xoshiya va o‘rtadagi katta aylana shakli o‘rtasida mehrob tasviri tikilib, ichida Moskva Kremlining Spass minorasi tasviri tikilgan.

Zardo‘zlikda tematik mavzular bilan birga qushlar, osmon, zamin, quyoshning realistic tasviri milliy naqshlarga bo‘ysundirilgan. Lekin bu davrda

ular ikkinchi darajali tasvir sifatida qo'llanilgan. Portretlar bo'lsa bu sohada ancha shuhrat qozonmagan. Lekin paxtaning tasviri keng qo'llanildi.

Bu kezlari yuqoridagi sohalarida bo'lganidek tasviriy elementlar yog'och va ganch o'ymakorligida ham qo'llanilgan. Lekin bularda, ayniqsa, ganchkorlik asarlari qurilishning tarkibiy qismi bo'lgani bois, o'zining avvalgi andozalariga sodiq qolgan. Shuning uchun ularda gul, novda, geometrik shakllardan tashqari, aniq tasvirlar kam qo'llanilgan. Uncha katta bo'lmagan pannolar yaratilgan. Lekin ularda nishon, orden-medal, majlis zallaridagi davlat Gerblari tasviri bor, xolos.

Xuddi shu holatni yog'och o'ymakorligida ham ko'rish mumkin. Bundan yuzasi qattiq xom-ashyoda realistik tasvirlarni, odamning qiyofasini o'yish ancha mushkul bo'lganini sezish mumkin. O'yilgan taqdirda ham ular nafis bo'lib ko'rinmas edi.

Yuqorida tahlil etilgan asarlardan xulosa qilish mumkinki:

1) amaliy-bezak san'atidagi hamma sohalar zamon zayli bilan, turmushdagi o'zgarishlar bilan bog'liq rivojlangan;

2) xar davrda san'at davlatning siyosati, iqtisodiyot, qolaversa, hukmron sinfning mafkurasi bilan bog'liq bo'liq bo'lgan;

3) XIX asrning ikkinchi yarmi - XX asrning 80-yillaridagi amaliy-bezak san'ati o'zidan oldingi davrlarda vujudga kelgan an'ana va qoidalarga suyanan xolda rivojlangan. Bu davrda u an'analar nafaqat o'zlashtirilgan, balki zamonaviylari hisobiga yangi davr ustalari tomonidan dadillik bilan yangilangan.

XIX asrning ikkinchi yarmi, ayniqsa, XX asrning 60-80 - yillaridagi tasviriy va tematik jarayon hozirgi davrdagi tasviriy elementlarga ham ko'p tomondan zamin hozirlagan.

Yangi zamon kashtachiligida yuqorida zikr etilganlar bilan birga kelin-kuyovlarga baxt tilovchi tasvirlar (yozuvlar), tog'li manzaralar, hatto avtomobillarning tasviri ham ishlanilayapti. Do'ppilarda esa sevishtganlarni qiyofalari uchrayapti.

Amaliy-bezak san'ati zamondagi siyosat va iqtisodiy o'zgarishlar bilan umumiy bog'liqligiga kelsak, har bir davrda ijodkor birinchi galda iqtisodiy muammoga duch keladi. Birinchi navbatda xom-ashyo masalasi ko'ndalang turadi. Bilamizki, 1920-30 - yillardan boshlab, Turkiston bozoriga Rossiya fabrikalarida ishlab chiqarilgan badiiy qiymati past va arzon buyumlar kirib kelib, ichki bozordagi qo'l mehnati mahsulini bozordan suqib chiqara boshlagan. Masalan, mahalliy kandakorning barkashidan import barkash afzal ko'rilgan.

Yuqoridagi asarlar tahlilidan ko'rinib turganidek, san'atning boshqa turlariga qaraganda aynan amaliy-bezak san'atida zamonning ruhi bilan bog'lanish kuchli (yaqqol ko'zga tashlanadi). Turmushdagi o'zgarishlar ilk bora unda o'z aksini topadi. Bunda nafaqat kulol, kandakor, kashtachi va zardo'zlar balki boshqa ustalar ham faqat azaliy tavsiyalar bilan chegaralanmay, ijodlarini yangi zamonaviy badiiy topilmalar hisobiga boyitganlar.

* * *

ЭШОН КАЛТАТОЙИ ЗИЁРАТГОҲИ

MAUSOLEUM OF ISHAN KALTATAYI

Нодиржон Абдулахатов

*тарих фанлари доктори, Фарғона вилояти
педагогик маҳорат маркази профессори*

Фарғона вилояти Учкўприк тумани Эшон қишлоғида Калтатойи эшон авлодлари яшайди. Эшон Калтатойи тўғрисида унинг авлодлари шундай ҳикоя қиладилар. Уларга кўра, Эшон Калтатойининг исми Халифа Мирсаид Сафо Аҳмад. Чунки Калтатойи мақбарани тепасига бурунги вақтларда “Халифа Мустафо” деб ёзилган. Бироқ бу ёзувлар, кейинчалик, ярим аср олдин ўчиб кетган экан. Айнан ушбу номни Калтатойининг асли исми деган тахминлар ҳам айтилади. Бироқ, бу ҳақда қуйида тўхталиб ўтамиз. Ахборотчиларнинг сўзларига қараганда, зиёратгоҳ мажмуаси уч қисмдан иборат бўлган:

1. Зиёратхона. 2. Чиллахона. 3. Хилхона.

Айтишларича, ўтмишда зиёратхона ёнида минора, Калтатойи мадрасаси ва шу ном билан аталувчи масжид ҳам бўлган. Бироқ бу мажмуалар собиқ иттифоқ тузуми даврида вайрон этилган. Мадрасадан эса ном-нишон ҳам қолмаган.

Эшон Калтойи қабрини зиёрат қилиш давомида зиёратхонани кўздан кечирдик. Зиёратхонага киргандан сўнг чап томондаги девордаги айрим ёзувлар билан танишдик. Уларда “Ҳомидхўжа истиқомат қардан”, “Саййид Аҳмадхўжа”, “Мулла Абдулғани қори Қуръон тиловат қардан” деган ёзувлар мавжуд. Зиёратхонага киришда ўнг томонда деворда “Сана 1294” деган ёзув мавжуд. Агар мазкур сана зиёратхонанинг қурилиш даври билан боғлиқ бўлса, демак мазкур бино 1877 йилда бино этилган.

Нақл қилишларича, Калтатой эшон 25 йил Бухорода таҳсил олгач, Намангандаги тариқат пирларининг бирини хизматида бўлади. Айни қишнинг чилла вақтида ҳар куни устози таҳажжудга туришларидан олдин таҳорат сувларини бағрига босиб иситиб қўйганликлари учун устозининг меҳри унга зиёда бўлиб, пирлик хирқасини кийишга мушарраф бўлган экан. Фурсат етиб у устозидан иршодни олгач, ўз қишлоғига қайтади. Бироқ бир муддат устоз берган вазифани адо этиш учун ғорда яшай бошлайди. Ўша атрофларда шикорда юрган Қўқон хони Умархон қамишлар орасида хўрознинг кичқирганини эшитадилар. Хон ўша хўроз овози келган томонга юрсаки, ғорга дуч келади. Хўрознинг ғорга кириб кетганлигини кўриб, ғорда дўсти Худолардан бири борлигини англайди. Хон мулозимларидан бири такаллуф билан: “Ичкаридаги мухтарам зот ташқарига чиқсангиз”, дея бир неча бор овоз бергач, ичкаридан “Чиқа олмайман оёғим оғрийди”, деб жавоб беради. Шундан сўнг хон мулозимлари уни гиламга солиб, Қўқонга олиб келади”.

Эшоннинг бир оёғи калта бўлганлиги учун “Калта оёқли” деб ном олган, кейинчалик Калтатой деб аталган деган тахминлар ҳам мавжуд. Яна бир ривоятга кўра, унинг тойчоғи бўлганлиги боис Калтатой номини олганлиги нақл қилинади. Айтишларича, Эшоннинг тойчоғи назр-ниёзни йиғиб келганлиги учун шу ном билан аталган экан.

Хуллас, бир куни Қўқон хони эшонларни синамоқчи бўлибди. Бошқа эшонларни отлари бедапояда ўтлашса, Калтатой эшоннинг оти қиблага қараб тураверар, яъни хожасини рухсатсиз ўтламас экан. Шу сабабдан Калтойи Эшон хонга тойчоғи номидан қуйидаги мисраларни ёзиб юборган эмиш:

Умримда емадим кўк бедони,
Хожамдан берухсат емадим сомонни.
Хожамдан берухсат чикмадим кўчога,
Аслим билсанг Калтатой қарчиғайинман.

Хон бу тўртликни ўқиб, ундаги мисралардаги сўзларда ўзгача ҳикмат борлигини англайди. Яъни, Эшон Калтойининг нақадар тақводор бўлганлиги, ул зот умри давомида бирон бир шубҳали таом тановул қилмаганлиги ва ножойиз ерларда бўлмаганлигини тушуниб унга катта микдорда олтин ҳадя этади. Ўша маблағни бир тангасини ҳам ўзига олмай Калтатой эшон қишлоғига мадраса, масжид қурдирган экан. Кейинчалик Эшон Калтатойни шогирди шоир Гулханий ҳам умри поёнига етган дамда, ўзини устозининг пойига дафн этишларини васият қилади.⁵⁵⁷

Биз ушбу оғзаки маълумотларни ёзиб олиш давомида Эшон Калтатойига доир архив ҳужжатларига эътиборимизни қаратдик. Зеро, бирор тарихий шахс ҳаёти ва фаолиятини, адабий-илмий меросини ўрганишда, айрим кишилардан тўпланган ёзма, оғзаки маълумотлар ҳам муҳим рол ўйнайди.

Бу ҳақда адиб Ҳабибулла Қодирий “Ҳаёт ва адабиёт ҳақиқати” номли мақоласида қуйидагиларни келтиради: *“...бу икки манба ҳам шу шахс ҳақидаги маълумотларни тўлдиради, кенгайтиради, қизиқувчиларга, хусусан илмий ходимларга катта ёрдам беради. Иккинчи жиҳатдан, умуман маишхур кишилар ҳақида кўрган — билганларни ҳикоя қилиш ҳам, тинглаш ҳам қизиқ, мароқли...*

*Бироқ, бу икки тур (ёзма ва оғзаки) маълумотларни тўплаганда, масъулиятли шартлар: маълумот ҳаққоний, эътироздан холи, мантиқан асосланган бўлмоғи керак. Акс ҳолда, қилинган хизмат қош қўйиш ўрнига кўз чиқариш қабилида бўлиб, ўрганилувчи шахс тўғрисидаги тасаввурни чалкаштириб, қоронғилаштириб қўяди”*⁵⁵⁸.

Биз ҳам Калтатойи тўғрисида маълумотларни архив ҳужжатлари ҳамда ёзма ва оғзаки маълумотларни қиёслаган ҳолда ўрганишга киришга киришар эканмиз, тўпланган материалларга имкон қадар, таҳлилий ва танқидий аснода, ҳолисона ёндашишга ҳаракат қилдик.

⁵⁵⁷ Дала тадқиқотлари. 2014 йил. Фарғона вилояти Учкўприк тумани Эшон қишлоғида яшовчи Мирҳафиз Маҳмудовдан (1942 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵⁵⁸ Ҳабибулла Қодирий. Ҳаёт ва адабиёт ҳақиқати // Адабиёт – бадияят адабиёт. Хотиралар, бадиалар, мақолалар / Нашрга тайёрловчи: Хондамир Қодирий. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004. - Б.109.

Маълум бўлишича, Қўқон хонлиги даврида Калтатойи қишлоғида шу ном билан аталувчи мадраса ҳам бўлган. Мазкур иноятномаларга кўра, Бўтақорадаги вақф ерлари Калтатой қишлоғидаги Эшон Калтатой мадрасасига тегишли бўлган. Тарихчи олим Р.Набиевга кўра, ушбу Эшон Калтатой мадрасасига иккита вақфнома ва икки иноятнома ҳамда икки ёрлик берилган. Вақфномаларда кўрсатилган ер мулклари Андижон уездининг Ёрбоши волостининг Бўтақора қишлоғида, Қўқон уездининг Биби Убайда, Қипчоқ волостларида жойлашган. Чор маъмурларининг ҳисоб-китобларидан маълум бўладики, юқоридаги Эшон Калтатойи мадрасаси билан боғлиқ вақф ерларининг умумий майдони 1868 десятина(1951 гектар)ни ташкил этган⁵⁵⁹.

Шу ўринда қўқонлик маърифатпарвар муаллим, адабиётшунос ва ўлкашунос олим Пўлотжон Домулла Қайюмовнинг (1885-1964) фикрларига ҳам эътиборимизни қаратсак. Чунки, унинг келтирган маълумотларига таянадиган бўлсак, Эшон Калтатойи номининг келиб чиқишига Қўқон хони Амир Умархон билан кечган суҳбати сабаб бўлган:

“Калтатойи – Бу кишининг номи Зокирхўжа бўлуб, асли Андижонга тобеъ Избоскан номли жойдандур. Хўқанд шаҳарининг шарқида, шаҳардан беш километр жойда Эшон қишлоқ номли жойда истиқомат этиб турмиш ва нашъу намо этмишдур. Айтувларича, имом ва мударрислик ила машғул бўлуб кўрунишича, кичик гавдали, қоп-қора баданли, бужмак, кичик юзли кўрумсиз киши бўлганидан эл орасида “Чинқорча эшон” деб маъруф экан. Умархоннинг аркида (ҳозирги Фурқат номли шаҳар боғининг ўрнида) бир маросим ижро этилиб, ҳар томондан фозиллар, адиб ва шоирлар тўпланиб, Маликуш шуоро Султон хўжа Эшон Адонинг тахти раёсатида адабий мажлис бўлуб, шоирлар ўз шеърятларини ўқуб, таҳсинга лойиқ бўлганлар мукофотланганлар. Мартабасига қараб либослар кийгизилган. Зиёфатдан сўнгра кечроқ қайтганлардан баъзилари қишлоқ кўчасидан ўтаркан, масжид эшигида ўлтурган шоир билан саломлашгач, ўзлари ифтихор мақомида мақтаниб воқеани баён ва берилган тўнни кўрсатганлар. Илм ва файзда булардан кам бўлмаган, фақат фақирлик, кўрумсилиқ натижасида қаторда бўлмагани туфайли маъюслиқга дуч келиб, эртаси куни Хон номига тубандаги ашъори пур маънойи дилпазирини ёзиб, бир киши орқали юборган. Бу ашъори пур мазмунини ўқуб кўруб хурсанд бўлган (хон) чақиртириб, навозишлар этиб, хурсанд этган. Ва ҳар қачон шундай шеърлар мажлисда ҳозир этодургон бўлган. Хон унга “Айи Калта тойим” деб навозиш этадургон бўлган. Шунга биноан шул қишлоқнинг номи “Калта той” деб аталиб, тахаллус ҳам шул бўлган. Шул ном ҳануз давом этадур. Ёв жамоасига тобеъ Калта той қишлоқ. Шунда шоирнинг мозори ҳам бордур. Асли Избоскан номли ноҳиядандур.

Мана бир гўшаи ишқингда ёнган рўдапойингман,
Эшикдан урсангу қувсангда кетмас бир гадойингман.
Ёмонлардан ёмону бадномлардан баднамойингман
Аё, эй шўх бепарвойи ошуби жаҳон, дил санг.

⁵⁵⁹ Набиев Р. Вақфное хозяйство Кокандского ханства. -Ташкент, 2010. - С.487.

Мунигдек сассиз ўлмоқ табакай кўзларга олма танг,
 Агарчи ошиқнинг беҳад вале инсоф агар қилсанг.
 Баридин ҳам валекин хастаю хору адойингман,
 Нетай бўлмай ракибу рўсияхлардин паришон ҳол.
 Куюб рашк ўтиға хокистар айлаб қилдилар помол,
 Кўнгилда гап кўп айтурға кўрунганда бўлуб гунг-лол.
 Лаванду ландахуру соддау ношуд анойингман,
 Самони кўрмадим, умримда кўк беда егоним йўқ.
 Ўзим ҳаддим билиб эгамга ем бергин дегоним йўқ,
 Аёкимда агарчи тақа, бўйнимда жугоним йўқ.
 Узуб нухтамни ҳаргиз ҳар томонга ирғигоним йўқ,
 Демасман арғумоқу тўпжоқу бодпойингман.
 Баҳар нолойиқи бир бекуюшқон калта тойингман,
 Халойиқ билмайин чинқорча дер, чин қарчиғойингман⁵⁶⁰”.

Калтатойи эшон зиёратгоҳи Қўқон хонлиги даврида барпо қилинган бўлиб, шу кунга қадар зиёратгоҳ билан боғлиқ ривоятлар сақланиб қолган. Чунки таниқли шахслар ҳақида халқ орасида доимо тарихий фактлар билан бир қаторда турли ривоятлар, қарашлар ва афсоналар кенг тарқалади. Бундай маълумотларнинг қанчалик кенг миқёсли ва кўп бўлиши мазкур кишининг шунчалик машҳурлигидан дарак беради. Аммо инсон ақлини ҳайратга солувчи бу каби ривоятлар остида ўзига хос тарихий ҳақиқат ҳам ётади.

* * *

ISLOM ILMLARI RIVOJIDA NASAF SHAHRINING O‘RNI

ROLE OF NASAF CITY IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC SCIENCES

Rahimjonov Durbek Obidjonovich,
O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi
Islomshunoslik va islom sivilizatsiyasini
o‘rganish ICESCO kafedrasini dotsenti, t.f.n.,

Насаф шаҳри ўрта асрларда илм-маърифат жихатидан Мовароуннаҳрдаги энг йирик илмий-маданий марказлар – Самарқанд ва Бухородан кейинги ўринда турган шаҳарлардан эди. Бу даврда Насафдан кўплаб олим ва муҳаддислар етишиб чиққанлар. Қомусий олим Абу Ҳафс Насафийнинг (1068-1142) “Китоб ал-қанд” ва Абу Саъд Самъонийнинг (1113-1167) “Китоб ал-ансоб” каби асарлари берган маълумотларга кўра, VIII-XII асрлар мобайнида Насафда 400 дан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритганлар. Ушбу рақам Насаф шаҳрининг Мовароуннаҳр миқёсидаги илмий-маданий аҳамиятини яққол намоён этади.

⁵⁶⁰ Пўлотжон Домулла Қайюмов. «Тазкираи Қайюмий». Биринчи китоб. Т., 1998. -Б.144-145.

Насафда илм тараққиётининг бу даражада юқори бўлишининг асосий омилларидан бири бу шаҳарнинг кўхна тарихга эга бўлиб, Буюк ипак йўли устида жойлашганида эди. Унда қадимдан савдо-сотик муносабатлари билан бир қаторда илм-маърифат ҳам ривож топди. Зеро, ушбу ўлкада илм-маърифатнинг ривожига қадимий цивилизацияларга хос бўлган илғор фалсафий қарашлар ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди [12:724]. XII асрда яшаган марвлик жаҳонгашта олим Абу Саъд Самъоний Насаф шаҳрига таъриф бериб шундай дейди:

“Насаф Мовароуннахр шаҳарларидан бири бўлиб, уни Нахшаб деб ҳам атайдилар. Мен у ерда икки ойча яшаб, уламоларидан ҳадис эшитдим. Насафдан ҳар бир илм соҳасида кўплаб олимлар чиққан бўлиб, уларнинг сон-саноғи йўқ. Аббосий халифаларни, хусусан, ал-Муътасимни мақтаб қасидалар ёзган араб шоири Абу Таммом Ҳубайб ибн Авс ўзининг халифа Муътасимга (833-842) ёзган қасидасида Насаф ҳақида шундай дейди:

Рум сендан ўз ертўласида туриб даҳшатга тушади,
Турклар эса Насаф ортидан туриб сендан кўрқади”.

Дарҳақиқат, Насаф IX асрда Аббосийлар (749-1258) халифалигининг турклар билан чегарадош ҳудудларида жойлашган эди. Абу Ҳафс Насафий даврида Насаф йирик тижорат, ҳунармандчилик маркази бўлиб, унда илм-фан барқ уриб ривожланган. Унинг мамлакат пойтахти Самарқанд билан алоқалари жуда мустаҳкам бўлган. Бу шаҳар XIII асрда мўғуллар томонидан вайрон этилиб, унинг яқинида XIV асрдан бошлаб Қарши шаҳри пайдо бўлди.

Насафда бошқа илмлар билан бир қаторда ҳадис илми ҳам ривожланди. Буюк муҳаддис Имом Бухорий (810-870) ўзининг илмий сафарлари давомида Насаф шаҳрида ҳам бўлган ва у ердаги ҳадис илмининг ривожига ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Зеро, Насафда ҳадис илми тараққиётининг илк даври Имом Бухорийнинг ҳаёти йилларига тўғри келади. Имом Бухорий Насафдалиги чоғида ундан Абу Зайд Туфайл ибн Зайд (ваф. 892 й.), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъқил ан-Насафий ас-Санжоний (IX аср) каби бир қанча кўзга кўринган муҳаддислар дарс олдилар, унинг ўзи ҳам Насаф уламоларидан анча таъсирланди. Буюк муҳаддис Насаф уламолари томонидан жуда эҳтиром билан кутиб олинди. Улар Имом Бухорийни ўз уйларида меҳмон бўлишини, ўзлари унинг хизматида туришларини шараф деб билар эдилар.

Насаф муҳаддисларининг ўзига хос томони шунда эдики, улар *зуҳдга* (зоҳидликка) кўпроқ эътиборни қаратар эдилар. *Зуҳд* деганда улар таркидунёчиликни эмас, балки одоб-ахлоқ, ҳушмуомалалик, озга сабр қилиб, асосий эътиборни илмга сарфлашни назарда тутар эдилар. Насафда ҳадис илмининг илк даври намояндаларидан бири Абу Абдуррахмон Муоз ибн Яъқуб Насафий Косаний (IX аср) балхлик муҳаддис Ҳотим ибн Улвон Асамм Зоҳиддан (IX аср) зоҳидликка оид ривоятларни келтиради. Косаний 834 йили Насафда жоме масжидини қурдирди. Бу масжид, Абу Ҳафс Насафийнинг гувоҳлик беришича, XII асрда ҳам мавжуд бўлган. Шу билан бирга бир работ қурдириб, ёнига қудуқ қазитди ва таҳорат учун жой тайёрлатди. Бу

иншоотлар жойлашган кўча – “Абу Абдуррахмон аз-Зоҳид уйи”, XII асрда эса “Сиккат аз-зуҳҳод” (“Зоҳидлар кўчаси”) деб аталарди.

Насаф тарихида машҳур муҳаддислар сулоалари катта ўрин тутадилар. Улардан бири Абу Зайд Туфайл ибн Зайд ан-Насафий (ваф. 892 й.) Насафдаги ҳадис илми тараққиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган. Ўша даврда ҳадисларни отадан-болага, авлоддан-авлодга узатиб ривоят қилиш анъанага айланган бўлиб, Насафда ана шундай муҳаддис оилалари жуда кўп эди. Бунда ҳадис уламолари бошланғич билимни устоз сифатида ўз оталари ёки боболаридан олар эдилар. Абу Зайд Насафдаги ана шундай муҳаддис оилаларидан бирининг бобокалони эди.

Абу Зайднинг анъаналарини давом эттирган унинг икки ўғли – Абу Солиҳ Халаф ибн Туфайл ан-Насафий (ваф. 908 й.) ва Абу Ҳомид Зайд ибн Туфайл ан-Насафий (ваф. 957 й.), невараси ва шогирди – ўғли Абу Солиҳнинг фарзанди бўлмиш машҳур Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф Насафийлар (ваф. 957 й.) ҳам Насафда ҳадис илмини ривожлантиришда катта хизмат қилиб, ўз ота-боболарининг ишини давом эттирдилар.

Насаф VIII-XII асрлар давомида Мовароуннаҳрда ҳадис илми марказларидан бири бўлиб қолди. Насаф шаҳри бутун вилоят илм толиблари учун марказий мактаб бўлиб хизмат қилди. Бу ерга Пазда, Касби, Косан, Варсин, Яғна, Навқат-Қурайш, Офурон, Зодак, Қалосий, Муда, Санжон, Фижкат, Моймарғ каби шаҳарча ва қишлоқлардан олимлар илм олиш учун келар эдилар. Бу шаҳарда фаолият олиб борган муҳаддислар ҳақида икки махсус асар яратилган. Улардан биринчиси – “Муфохарот аҳл Кисс ва Насаф” (“Кеш ва Насаф аҳли тортишувлари”) Абул Ҳорис Асад ибн Ҳамдуя Варсиний (ваф. 927 й.) томонидан яратилган. Афсус, бу асарнинг номигина бизга маълум. Насафлик муҳаддислар ҳақидаги иккинчи асар икки жилдди “Таърих Насаф”дир. Уни Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад Мустағфирий Насафий (ваф. 1041 й.) таълиф этган. Бу асар бизгача етиб келмаган бўлсада, у Абу Ҳафс Насафийнинг “Китоб ал-қанд” учун асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилган. Мазкур икки асардаги маълумотлар “Китоб ал-қанд”да тўлиғича сақланиб қолган.

Мовароуннаҳрда энг аввал яратилган машҳур тарихий-биографик асарлардан бири Абу Саъд Абдуррахмон ибн Муҳаммад Идрисийнинг (ваф. 1015 й.) “Китоб ал-камол фи ма’рифат ар-рижол мин ‘уламо’ Самарқанд” асаридир. Бу асар бизгача етиб келмаган ҳисобланади. Жаъфар ибн Муҳаммад Мустағфирийнинг (ваф. 1041 й.) Насаф тарихи бўйича ёзган асари ҳам бизгача етиб келмаган.

Абу Ҳафс Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи ма’рифат уламо Самарқанд” асарининг қимматли томонларидан бири шундаки, у бир қатор бизгача етиб келмаган манбаларда мавжуд бўлган маълумотларни беради. “Китоб ал-қанд” баъзи манбаларда “Китоб ал-қанд фи зикр уламо Самарқанд” деб номлангани сабабли 1991 йилда манбанинг танқидий матнини нашрга тайёрлаган Назар Муҳаммад Форёбий худди шу ном остида асарни чоп этди.

Насаф ҳақида кўплаб олимлар ўз асарларида маълумотлар келтирганлар. Жумладан, Ёкут Ҳамавий (1179-1229) ўзининг «Муъжамул булдон» асарида

Насаф шаҳрини Жайхун ва Самарқанд орасидаги йирик марказ бўлганлигини вау ерда кўплаб олимлар етишиб чиққанлиги ҳақида маълумотлар келтиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Насаф шаҳри ўзининг қадимийлиги, илмий-маърифий марказ бўлганлиги, кўплаб олимларни етиштириб чиқарганлиги билан нафақат ислом оламида, балки дунё илм-фани ривожига ҳам муҳим ўрин тутди. Бу юртдан чиққан олимларнинг асарлари бугунги кунда ҳам илмий тадқиқотларга жалб қилиниб, ундан маънавий меросимизнинг ноёб дурдоналарини олишда фойдаланилмоқда.

* * *

KO‘KALDOSH MADRASASI TARIXIGA DOIR ON THE HISTORY OF KUKALDASH MADRASA

Obid Tangirov Eshmaxmatovich,
O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi
“Islom tarixi va manbashunosligi IRCICA”
kafedrasi dots., tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori

Тошкент шаҳрида сақланиб қолган мадрасалар орасида бугунги кунда Кўкалдош мадрасаси ислом илмлари бўйича ўрта махсус таълим берадиган муассасаси сифатида фаолият юритиб келмоқда. Маълумотларга қараганда, ушбу мадраса шайбоний ҳукмдор Бароқхоннинг ўғли Дарвешхон Тошкент ҳокими бўлган даврда 1551-1575 йиллар оралиғида Қулбобо Кўкалдош томонидан бунёд этилган⁵⁶¹. Дарвешхон мадрасага ер-мулклар, карвонсарой, дўкон кабиларни вақф қилиб кўяди. Шунинг учун баъзи манбаларда Дарвешхон мадрасаси деб ҳам қайд қилинган. Аммо тарихга назар ташлаганда бошқа ҳукмдорлар ҳам ўз даврида мадрасаларга вақф ажраттириши мумкин бўлган.

Кўкалдош мадрасаси асрлар давомида ўзининг тарихий-меъморий кўринишини, пурвиқорлигини йўқотмасдан қанчадан-қанча ўтмиш хотираларини бошидан ўтказиб келмоқда. Бу даргоҳдан минг-минглаб толиби илмлар зиё чашмаларидан баҳраманд бўлиб, илм дунёсининг давомийлигини сақлаб, ҳамма даврларда жамиятнинг етук олимлари, билимдон ходимлари сифатида фаолият юритганлар. Ҳақиқатда Кўкалдош мадрасаси Тошкент шаҳрининг ўзига хос брендига айланиб улгурган тарихий меъморчилик обидасидир. Аммо Кўкалдош мадрасаси даврлар ўтиши билан ўзининг дастлабки кўринишини йўқотган. Хусусан, 1868, 1886, 1946, 1966 йилларда шаҳарда бўлган zilzilalarда мадрасанинг пештоқи ва юқори қаватларига қаттиқ шикаст етади⁵⁶².

⁵⁶¹ Муҳаммадкаримов А. Тошкентнома. – Тошкент. Янги аср авлоди. 2009. – Б. 147.

⁵⁶² Тангиров О. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳрининг маҳаллий ўқув муассасалари тарихи. – Тошкент: Ренессанс пресс. 2022. – Б. 38.

Тарихий манбаларда келтирилишича, мадраса 38 хужрадан иборат бўлган⁵⁶³. Баъзи маълумотларга кўра, мадраса XVIII асрнинг 30-йилларида карвонсарой сифатида фойдаланилган экан. Унинг карвонсарой сифатида фойдаланилганлиги мадрасанинг илм-маърифат маскани сифатидаги даражасини туширмайди. Бу зиё масканида илм мажлислари давом этган ва бошқа жойлардан келган олимлар кейинчалик ҳам Кўкалдош мадрасасида бошпана топиб қолганлиги кўплаб манбаларда келтирилган. Кўкалдош мадрасасида маълумотларга кўра ўзбек адабиётининг йирик вакилларида Муқимий маълум муддат яшаб таълим олган бўлса, Фурқат 1889-1891 йилларда, Ҳамза эса 1910-1911 йилларда мадрасада истиқомат қилиб таҳсил кўрганлар⁵⁶⁴. Тошкентлик машҳур шоир Хислат ва унинг яқин ижодий маслакдоши Сидқий Хондайлиқий, яна таниқли шоир Ҳазиний, шунингдек, мулло Қўшоқ Мисний, Сайид Маҳмуд Тарозий, Олтинхон Тўра, Юнус Мақсудий, Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон каби таниқли уламолар Кўкалдош мадрасасида ўқиганлар.

1884 йил маълумотларига кўра Кўкалдош мадрасасида мулло Якуб охунд Неъматшайх ўғли, Юнусхон Эшонхўжа ўғли, Абдурахмонбой Худойберганбой ўғли, Нуриддин маҳдум Қори қози ўғли муддарис ва мутавааллилик қилганлар⁵⁶⁵. Мадрасанинг икки қаватли бўлганлиги ва хужраларининг кўплиги туфайли узоқ жойлардан келган илм аҳллари билан бирга савдогарлар шаҳарнинг марказида, катта бозорнинг ёнида жойлашган мадраса хоналарида кўп ҳолларда бир неча кун яшаб ҳам қолишган. Шунингдек, талабалар хужраларда яшаб ўз билимларини мустаҳкамлаган, дарсларини тайёрлаган. Шаҳарнинг марказий қисмида жойлашган мадраса шаҳарликлар ва шаҳар меҳмонлари учун ўзига хос маёқ вазифасига ҳам эга бўлган.

Маълумотларга кўра, 1830-1831 йилларда Тошкент ҳокими Лашкар Бегларбегининг даврида мадрасанинг дарсхона ва масжид ўнгидаги нураб тўкила бошлаган зангори гумбазлари ва иккинчи қаватнинг ғишлари кўчириб олиниб, ҳозирги кунда бузилиб кетган Бегларбеги мадрасаси (бозорнинг юқори қисмида)нинг қурилишида ишлатилган экан⁵⁶⁶.

Архив ҳужжатларида 1872 йили мадраса вақфида 321 та дўкон бўлгани қайд этилган. Мадраса иш бошқарувчиси, яъни мутаваалли умумий даромадни мударрисларга, сўфига, ичимлик суви билан таъминловчи мешкобчига, сартарошга, талабаларга ва мадрасада истиқомат қилиб турган усталар, мусофирларга тақсимлаб берган. Ҳатто, уйсиз ғариб ва ночорлар ҳам мадрасанинг бир қисмидан қўним топган.

⁵⁶³ Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. – Тошкент: Ўзбекистон. – Б. 145.

⁵⁶⁴ Тангиров О. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент эски шаҳар қисми маъмурий бошқаруви ва ижтимоий ҳолати. – Тошкент: Ренессанс пресс. 2022. – Б. 115.

⁵⁶⁵ Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. – Тошкент: Ўзбекистон. – Б. 145.

⁵⁶⁶ Тангиров О. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳрининг маҳаллий ўқув муассасалари тарихи. – Тошкент: Ренессанс пресс. 2022. – Б. 38.

1886 йил 17 ноябрда Тошкент шаҳрида рўй берган zilзила oқибатида Кўкалдош мадрасасининг равоқлари ёрилиб кетади ва у бузиб олинди. 1887 йил январда бу архитектура безаклари Туркистон музейига такдим этилади.

1902-1903 йилларда Тошкент шаҳри аҳолисининг хайрия маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ишлари олиб борилади⁵⁶⁷. Маблағ етишмаслиги сабабли таъмирлаш ишлари тўхтаб қолиб, ёдгорлик ўзининг аввалги асл ҳолатига қайтаришнинг иложи бўлмаган.

Мадрасада тафсир, ҳадис, ақоид, фикҳ, тасаввуф кабиларга оид илмлар асосий фан сифатида ўқитилган. Шунингдек, адабий, табиий, ижтимоий ва аниқ фанларга йўналтирилган соҳаларда ҳам сабоқ бериб келинган. Нақлий илмлар асосий мутахассислик фанлари сифатида ўқитилган. Чунки маъмурий ва ҳуқуқ тизимларида иш олиб бориш учун бу илмларни яхши ўзлаштириш лозим саналган.

Совет даврида шаҳардаги меъморчилик обидалари қаровсиз қолдирилди. Шу сабабли бошқа ёдгорликлар қатори Кўкалдош мадрасаси ҳам хароба кўринишга келиб қолди. Фақат 1954 йилда оз-моз таъмирлаш ишлари олиб борилган. Аммо Кўкалдош мадрасасини таъмирлаш баҳонаси билан унинг ёнида жойлашган Хўжа Аҳрор мадрасаси “қурбон” бўлган. Сабаби унинг ғиштлирини Кўкалдош мадрасасини таъмирлаш учун олинди, деб беш юз йиллик тарихий обида, ўзбек халқининг маданий мероси йўқ қилинган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, тарихий-меъморий обидалар қайтадан таъмирланди. Хусусан, Кўкалдош мадрасаси ўтмишни акс эттирувчи меъморий ёдгорлик ҳолатига келтирилди. Бу тарихий илм масканида совет даврида тўхтатилган зиё таратиш фаолияти истиқлол йилларида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфида қайтадан жонлантирилди. Кўкалдош мадрасаси ўтмишни акс эттирувчи меъморий ёдгорлик ҳолатига келтирилди. Бу тарихий илм масканида совет даврида тўхтатилган мадраса фаолияти 1991 йилдан ислом илмлари бўйича таълим жараёни йўлга қўйилиб, 1999 йилдан расман Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфида “Кўкалдош” ўрта махсус ислом билим даргоҳи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги 364-сонли қарори билан ушбу ўқув даргоҳини битирган талабаларга бериладиган диплом давлат ҳужжати сифатида эътироф этиладиган бўлди.

Хулоса қилиб қилиб айтганда, Тошкент мадрасалари орасида бугунги кунда шаҳарнинг марказида жойлашган Кўкалдош мадрасаси зиё чашмаси сифатида юртимизга малакали диний кадрларни етиштириб чиқармоқдалар. Бунинг учун ушбу ўқув даргоҳида барча қулайликлар ва имкониятлар эшиги очилгандир. Тошкент шаҳрида ўқув муассалари тарихи бўйича ўрганишлар асосида шуни англаш мумкинки, бу заминда таълим-тарбия тизими бир зум ҳам тўхтамаган.

* * *

⁵⁶⁷ Булатова В. Бароқхон мадрасаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – Б. 4.

O'ZBEKISTONDAGI ISLOM ME'MORIY OBIDALARINING O'RGANILISHI TARIXIDAN

HISTORY OF THE STUDY OF ISLAMIC ARCHITECTURAL MONUMENTS IN UZBEKISTAN

Gafurova Irodaxon Muxtarovna

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi

Ilmiy kengash ilmiy kotibi

Islom tarixi va manbashunosligi IRCICA

kafedrası katta o'qituvchisi, PhD

XIX asr ўrtalaridan Чор Россияси Туркистонни босиб олганидан кейин ҳудуддаги ислом меъморий обидаларини сақлаб қолиш, авайлаб-асраш, қайта тиклашга аҳамият берилди бошланган. Булар В.В.Бартольд, В.Л.Вяткин, М.Е.Массон, А.А. Миронов, Д.И.Нечкин, И.И.Умняков, В.А.Шишкин каби олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган. Айниқса, шарқшунос олим В.В.Бартольднинг Туркистон ёдгорликларини ўрганишга бағишланган кўпгина асарларида⁵⁶⁸ ўлка тарихи, унинг бой маданий мероси, ислом меъморий обидалари бўйича берган хулосалари жуда муҳим. Бу ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва ўрганишни умумдавлат тасарруфидаги вазифа деб ҳисоблаган.

XX асрнинг 20-йилларда чоп этилган В.Л.Вяткин ва М.Е.Массонларнинг асарларида⁵⁶⁹ Туркистон шаҳарларининг ўтмиши, археологияси, ислом меъморий обидаларнинг аҳволи масалалари кўтарилган.

Д.И.Нечкин ва И.И.Умняковларнинг Турккомстарис, Средазкомстарис фаолияти, Ўрта Осиё ислом меъморий ёдгорликларининг аҳволи, уларни сақлаш ва ўрганиш борасидаги вазифалар ҳақидаги тадқиқотлари⁵⁷⁰ жуда қимматли маълумотларга эга.

Ислом меъморий ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва ўрганиш жараёни 30-йилларда яна ҳам жонланди. Бухоро ёдгорликларини асраш Комиссияси

⁵⁶⁸ Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан // Известия Российской академии истории материальной культуры. – Петроград, 1922. – Т. 2. – С. 1-22; Бартольд В.В. Будущее Туркестана и следы его прошлого // Известия Средазкомстариса. – Ташкент, 1926. – Вып. 1. – С. 66-69.

⁵⁶⁹ Вяткин В.Л. Афрасияб – городище бывшего Самарканда. – Ташкент, 1928; Вяткин В.Л. Памятники древностей Самарканда. – Самарканд, 1929; Массон М.Е. Регистан и его медресе. – Ташкент, 1926.

⁵⁷⁰ Нечкин Д.И. Задачи и ближайшие цели Комитета по делам музеев, охраны памятников старины, искусства и природы в Средней Азии // Известия Средазкомстариса. – Ташкент, 1926. – Вып. 1. – С. 4-16; Умняков И.И. Охрана памятников старины и искусства в советском законодательстве Средней Азии // Известия Средазкомстариса. – Ташкент, 1926. – Вып. 1. – С. 45-54; Умняков И.И. Архитектурные памятники Средней Азии: Исследование. Ремонт. Реставрация. 1920-1928 гг. – Ташкент, 1929.

(Бухкомстарис)нинг амалга оширган ишлари, Варахшадаги археологик тадқиқотлар ҳақида В.А.Шишкиннинг маълумотлари муҳим аҳамиятга эга⁵⁷¹.

Шу билан бирга, Узкомстарис томонидан нашр этилган республикадаги ислом меъморий обидалари, археологик ёдгорликларни сақлаш, уларни ўрганишга бағишланган тўпламлар алоҳида аҳамиятлидир⁵⁷².

Чор Россияси даврида ва совет мустамлакачилиги йилларининг бошларида бу йўналишни фақат рус ва чет эл олимлари ўрганган бўлса, 30-йиллардан бошлаб бу жараёнларда ўзбек тадқиқотчиларнинг ҳам фаол иштироки бошланган. Жумладан, Я.Ғ.Ғуломов, Х.Охуновларнинг асарларини⁵⁷³ алоҳида таъкидлаш мумкин.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганига қарамай, бу муаммо билан қизиқиш пасаймади. Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари чоп этилган “Труды института истории и архелогии” китобининг биринчи томида Я.Ғ.Ғуломов, С.К.Кабанов, А.И.Тереножкин, В.А.Шишкин ва бошқа олимларнинг Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабз, Термиздаги археологик объектлар, ислом ёдгорликлари ва обидалари чуқур таҳлил қилинган⁵⁷⁴.

Ўрта Осиё ислом меъморий ёдгорликлари масаласи Б.Н.Засипкин асарларида ҳам чуқур ўрганилган⁵⁷⁵. С.П.Толстов, Т.Н.Қори Ниёзов, М.Қорахонов, А.Хушбеков асарлари⁵⁷⁶ тарихий, маданий меросни ўрганишга қаратилган. 50-йиллардан Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейи мақолалар тўплами⁵⁷⁷ чоп этила бошлаган.

60-йилларга келиб ислом меъморий обидалари, маданий, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, ўрганишга бағишланган тадқиқотлар сони ва сифати ошиб борган. М.Е.Массон, Т.Н.Қори-Ниёзийларнинг

⁵⁷¹ Шишкин В.А. Из опыта работы Бухкомстариса по охране памятников материальной культуры (1925-1933гг.)//Проблемы докапиталистических обществ. 1934. №11; Шишкин В.А. Раскопки древней Варахши// Красная Бухара. 1939.

⁵⁷² Массон М.Е. Краткая историческая справка о Средне-Азиатских минаретах//Материалы Узкомстариса. –Ташкент, –Вып. 2-3. 1933; Шишкин В.А. Медресе Улугбека в Гиждуване// Материалы Узкомстариса. –Ташкент, –Вып. 3. 1933.

⁵⁷³ Ғуломов Я.Ғ. Ўзбекистонда моддий-маданий асарларни сақлаш, ўрганиш йўлида. – Тошкент, 1934; Ахунов Х. Узбекистанский комитет по охране и изучению памятников материальной культуры. –Ташкент, 1936.

⁵⁷⁴ Термезская археологическая комплексная экспедиция. Сборник статей. – Ташкент, 1940; Труды института истории и археологии //Материалы по археологии Узбекистана. – Ташкент, 1948.

⁵⁷⁵ Засыпкин Б.Н. Архитектура Средней Азии. – Москва, 1948.

⁵⁷⁶ Толстов С.П. Древняя культура Узбекистана. – Ташкент, 1943; Кары Ниязов Т.Н. Социалистическая культура Узбекского народа. – Ташкент, 1949; Кары Ниязов Т.Н. Ўзбек халқининг маданий мероси ҳақида. – Тошкент, 1960; Қорахонов М. Совет Ўзбекистони маданияти. – Тошкент, 1957; Хушбеков А. Из истории культурного строительства в Узбекистане в годы первой пятилетки. –Самарканд, 1959.

⁵⁷⁷ Труды музея истории народов Узбекистана. – Ташкент, 1951.

тадқиқотлари⁵⁷⁸ ҳам меросни чуқур ўрганишга бағишланган. Мазкур даврда йирик археологик тадқиқот ишлари⁵⁷⁹ олиб борилган.

Б.Я.Ставицкий ва Н.Н.Жуковаларнинг тадқиқотларида⁵⁸⁰ Турккомстарис, Средазкмстарис, Узкомстарисларнинг фаолиятлари таҳлил қилинган.

80-йиллар охирлари – 90-йиллар бошларида олиб борилган археологик тадқиқотлар конкрет масааларга қаратилган⁵⁸¹. Айниқса, юртимиздаги ноёб асори-атиқаларни талон-тарож қилиниши, чет элларга, Москва ва Санкт-Петербург музейларига олиб кетилиши ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган илмий тадқиқотлар кўпайган⁵⁸². Ислом меъморий обидаларини ўрганишга бағишланган бир қатор докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган⁵⁸³.

Л.Ю.Маньковская, А.Аббосова, Н.Б.Немцова, Р.Сеитоваларнинг номзодлик диссертацияларида Ўзбекистондаги маданий, тарихий меросимиз, ислом меъморий обидаларини муҳофаза қилиш, ўрганишнинг айрим жиҳатларига урғу берилган⁵⁸⁴.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ислом меъморий обидаларини муҳофаза қилиш ҳамда ўрганишга катта эътибор берган. Бу ҳақида Конституциянинг 61-моддасида: "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий меросини асраб-авайлаши шарт. Тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий мерос давлат томонидан муҳофаза қилинади"⁵⁸⁵, деб таъкидлаб ўтилган.

⁵⁷⁸ Массон М.Е. Падающий минарет. –Ташкент, 1968; Кори-Ниезий Т.Н. Ўзбекистон ССР моддий маданият ёдгорликлари сақлаш ва ўрганиш. – Тошкент, 1971.

⁵⁷⁹ Жабборов И.М. Қўхна харобалар сири. – Тошкент, 1968; Исламов У. Пещера Мачай. – Ташкент, 1975; Мухаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. – Тошкент, 1986.

⁵⁸⁰ Ставицкий Б.Я., Жукова Н.Н. Из истории создания Турккомстариса//Общественные науки в Узбекистане. – 1981. №3; Ставицкий Б.Я., Жукова Н.Н. Проблемы сохранения памятников культуры и искусства в Советских республиках Средней Азии// Консервация и реставрация музейных художественных ценностей. 1989. Вып.1

⁵⁸¹ Буряков Ю.Ф., Набоков В.И. У стен древнего Хараджкента. – Ташкент, 1989; Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бахтрия-Тохаристан. – Ташкент, 1990; Исҳоқов М. Сўғдиёна тарих чорраҳасида. – Тошкент, 1990.

⁵⁸² Содиқова Н.С. Хазинанинг ҳақиқий эгаси ким? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990 йил 28 сентябрь; Содиқова Н.С. Талон-тарож қилинган мулк//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил 19 июль; Содиқова Н.С. Ўғирланган миллий бойлигимиз//Фан ва турмуш. 1991. №9.

⁵⁸³ Содиқова Н.С. История становления и развития музейного дела в Советском Узбекистане (1917-1973 гг.) Дисс. ... докт.истор.наук. – Ташкент, 1975; Рахматуллаев Ю.Р. Из истории охраны и изучения памятников зодчества в Узбекистане. Дисс. ... канд.истор.наук. –Ташкент, 1963.

⁵⁸⁴ Маньковская Л.Ю. Исследование архитектурного комплекса мавзолея Ахмада Яссави в городе Туркестане и вопросы его реставрации. Дисс. ... канд.искусствоведения. – Ташкент, 1963; Аббасов А.В. В.Вяткин: Историк-источниковед, историк-археолог Узбекистана. Дисс. ...канд.истор.наук. – Самарканд, 1969; Немцова Н.В. Шахи-Зинда. К истории ансамбля и исторической топографии юга Самарканда (Археологические исследования 1959-1969). Автореф. дисс. ... канд.истор.наук. – Ташкент, 1972; Сеитова Р. Становление и развитие законодательства об охране памятников истории и культуры в Узбекистане (1917-1999). Дисс. ... канд.юрид.наук. – Ташкент, 1990.

⁵⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2023 йил 30 апрель. Янги таҳрир. – Б. 10.

Асрлар ва йиллар давомида Ватанимиз ҳудудидаги ислом меъморий обидаларига бўлган қизиқиш, уларни ўрганиш, асраб-авайлаш, реконструкция қилишга катта аҳамият берилган.

* * *

ARAB MANBALARIDA AXSIKENT TARIXINING YORITILISHI

DESCRIPTION OF AKHSIKENT HISTORY IN ARABIC SOURCES

Ummataliyev Sohijjon Xikmatoli o'g'li,
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
"Islomshunoslik va islom sivilizatsiyasini
o'rganish ICESCO" kafedrasi o'qituvchisi,
tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (Phd)

Сўнгги йилларда республикада туризм соҳасини янада ривожлантириш, туризм салоҳияти юқори бўлган ҳудудларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш орқали туристлар саёҳати учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маданий меросни муҳофаза қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Кўп асрлик тарихга эга бўлган Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Шош, Уструшона каби минтақалар, шаҳар ва масканлар тарихини қадимий манбалар асосида ўрганиш туризм соҳасини ривожлантиришга ҳамда ўзбек миллий давлатчилиги ривожини қанчалик қадимий тарихга эга эканлигини кўрсатишга ёрдам беради.

Араб тарихчи ва географлари ўлка тарихи, давлат бошқаруви ва шаҳарлари ҳақида кўплаб маълумот берган. IX асрда ёзилган ал-Балозурийнинг “Футуҳ ал-булдон” асарида келтирилишича, арабларнинг Фарғона водийсига кириб келиши вақти ҳижрий 86/милодий 705 йил сифатида кўрсатилади. Ўша йили Қутайба ибн Муслим (669-715)нинг укаси Солиҳ ибн Муслим (ваф. 715) Фарғонанинг Косон, Урашт, ва Хишкат каби шаҳарларини забт этган⁵⁸⁶. “Футуҳ ал-булдон” Хишкат (خشكت) номи билан келтирилган шаҳар Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида жойлашган Ахсикент ёдгорлиги ҳисобланади. Истаҳрий (850-957)нинг “Масолик вал-мамалик”⁵⁸⁷, Шамсуддин ал-Муқаддасий (947-990)нинг “Аҳсан ат-тақосим фи маърифатил-ақолим”⁵⁸⁸, Ибн Хурдодбек (820-912)нинг “ал-Масалик вал-мамалик”⁵⁸⁹ ва Ҳудуд ал-олам⁵⁹⁰ каби асарларида шаҳар номи Ахсикат

⁵⁸⁶ Аҳмад ибн Яҳё ал-Балазурий. Футуҳ ал-булдон. – Байрут: Муассаса ал-маориф, 1987. – Б. 590.

⁵⁸⁷ Истаҳрий. Масолик ал-мамолик. – Лейдин: Матбаа Брайл, 1870. – Б. 333, 335, 336, 347.

⁵⁸⁸ Ал-Муқаддасий. Аҳсан ат-тақосим фи маърифатил-ақолим. – Қоҳира: Мактаба мадбулий, 1991. – Б. 262.

⁵⁸⁹ Ибн Хурдодбек. Ал-масалик вал-мамалик. – Лейден: Матбаа брайл, 1889. Ҳудуд ал-олам. Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи Омонулло Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 207, 208.

⁵⁹⁰ Ҳудуд ал-олам. Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи Омонулло Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 9, 15, 30.

(اخسيكت) номи билан тилга олинган. Абу Убайдуллоҳ ал-Идрисий (1100-1165)нинг “Нузха ал-муштоқ”⁵⁹¹ асарида Ахсикас (اخسيكت) шаклида келган. Ибн Ҳавқалнинг “Сурат ул-ард” асарида Ахшикас (اخشيكت) деб аталган⁵⁹².

Ал-Балозурийнинг келтирилишича, Хишкат шаҳри 705 йили Солиҳ ибн Муслим ва Наср ибн Сайёр томонидан фатҳ этилган. У Фарғонанинг қадимги пойтахти эди⁵⁹³. Бу ўринда пойтахт маъносида Мадина (مدينة) сўзи ишлатилган. Мазкур сўз ўрта аср араб манбаларида икки хил маънода, “шаҳар” ва “бош шаҳар”, яъни “пойтахт” маъносида қўлланилган.

Ахсикат Шош дарёси⁵⁹⁴нинг бўйида, текисликда жойлашган. Шаҳар билан тоғлар орасидаги масофа тахминан ярим фарсахни ташкил қилган. У дарёдан шимолда жойлашган. Ахсикат куҳандиз (шаҳарнинг ички қисми) мадина (шаҳарнинг ташқи қисми) ва работ қисмдан иборат бўлиб, ҳукумат саройи ва қамоқхона куҳандизда, жоме масжиди эса мадинада жойлашган. Шаҳар бинолари пахсадан қурилган. Работ қисм девор билан ўралган. Мадинанинг бешта дарвозаси бўлиб, улар боб ал-Бужайр, боб ал-Марқаша, боб Косон, боб ал-Жоме ва боб Рахоба деб аталган. Шаҳар ташқарисидаги боғлар ва оқар сувли ариқлар 2 фарсах масофага қадар давом этган. Шош дарёсидан кечиб ўтилса, шаҳарнинг қаршисида ўтлоқ ерлар ва кўплаб яйловлар, шунингдек, бир кунлик йўл давомида қумлоқ ерлар бўлган⁵⁹⁵.

Истахрийга кўра, Шаҳар ички ва ташқи тарафдан алоҳида девор билан ўралган. Косон шаҳри Ахсикатдан беш фарсах шимолда жойлашган⁵⁹⁶. Х асрда Фарғона водийсида 40 та минора бўлган ва уларнинг энг каттаси Ахсикат минораси ҳисобланган⁵⁹⁷. Шаҳар тоғ этагида жойлашган бўлиб, унинг тоғларида қумуш ва олтин конлари кўп бўлган⁵⁹⁸.

“Нузха ал-муштоқ”да Ахсикатга қуйидагича таъриф берилади: Ахсикат деворлари баланд, теварак-атрофи кўкаламзор, савдогарлари, тақводор ва эътиқодли кишилари кўп шаҳар. Унда барча яхшиликлар ва барака жамланган. Бу шаҳарнинг деворлари рабодда жойлашган. Рабод ва шаҳристон мустаҳкам девор билан ўралган. Оқар сувнинг кўплиги сабабли шаҳарнинг бир неча мавзеларида боғ-у бўстонларни учратиш мумкин. Ахсикатда қаср ва чиройли масжид бор. Унинг суви чучук ва боғ-роғлари кўп. Айтишларича, шаҳарни Кисро Анушервон қурдирган ва ҳар бир шаҳар аҳолисидан биттадан хонадонни кўчириб, уларга уй қуриб берган⁵⁹⁹.

⁵⁹¹ Ал-Идрисий. Нузха ал-муштоқ фи ифтироқ ал-офок. – Қоҳира: Мактаба ас-сақофати вад-дийнийя, 2002. – Б. 507, 701, 706, 709, 711.

⁵⁹² Ибн Ҳавқал. Сувротул-ард / араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.С.Камолитдин. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – Б. 13, 15, 78.

⁵⁹³ Аҳмад ибн Яҳё ал-Балазурий. Футуҳ ал-булдон. – Байрут: Муассаса ал-маориф, 1987. – Б. 590.

⁵⁹⁴ Шош дарёси – бу ўринда Сирдарё назарда тutilган.

⁵⁹⁵ Ибн Ҳавқал. Сувротул-ард / араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.С.Камолитдин. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – Б. 78, 79.

⁵⁹⁶ Истахрий. Масолик ал-мамолик. – Лейдин: Матбаа Брайл, 1870. – Б. 333, 346.

⁵⁹⁷ Ал-Муқаддасий. Аҳсан ат-тақосим фи маърифатил-ақолим. – Қоҳира: Мактаба мадбулий, 1991. – Б. 262.

⁵⁹⁸ Ҳудуд ал-олам. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 15.

⁵⁹⁹ Ал-Идрисий. Нузха ал-муштоқ фи ифтироқ ал-офок. – Б. 507, 701.

Ёқут ал-Ҳамавий Муъжам ал-булдонда айтади: “Мовароуннахр шаҳарларидан бўлган Ахсикат Фарғона вилоятининг бош шаҳри бўлиб, Шош дарёсининг бўйидаги пасттекисликда жойлашган. Дарёнинг шимолидаги тоғ билан шаҳар ўртасидаги масофа тахминан бир фарсахни ташкил этган. Ахсикатда Куҳандиз яъни қалъа мавжуд бўлиб, унинг теваарак атрофида маҳаллалар жойлашган. Шаҳардаги уйлар лойдан қурилган. Шаҳристоннинг тўртта дарвозаси бор. Шаҳристонда ҳам Рабодда ҳам анҳорлар ва ҳовузлар кўп. Анҳорлар узунлиги бир фарсахдан ошмайди. Ахсикат Мовароуннахрнинг энг гўзал масканларидан биридир. У тўртинчи иқлимда жойлашган”⁶⁰⁰.

Тарихий манбаларда келган маълумотлар бир-бирини тўлдиради. Уларнинг аксарида Ахсикат шаҳрининг Сирдарё бўйида жойлашганлиги, арки, мадина қисми ва работи, уларнинг девор билан ўралганлиги каби маълумотлар такрорланган.

Ахсикент шаҳри ҳақида манбаларда келтирилган маълумотлар сўнги йилларда минтақада олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида ўз исботини топмоқда. Айни пайтда ушбу масканни қайтадан тирилтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида “Ахсикент” археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида” №831-Қарори қабул қилинди⁶⁰¹ [11].

Хулоса қилиб айтганда, археологик тадқиқотлар тарихий манбаларда келган маълумотларни нечоғли ишончли эканлигини кўрсатди. Шу билан бирга, археологик тадқиқотлар аниқлаштира олмайдиган тарихий ҳақиқатлар манбалардаги маълумотлар асосида ойдинлашади. Юртимиз ҳудудида жойлашган минтақа ва шаҳарлар тарихи ҳар икки масдар ёрдамида ўрганилса, илмий жамоатчиликка тақдим қилинаётган маълумотларнинг ишончлилики даражаси ортиб боради.

* * *

⁶⁰⁰ Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-булдон, I жуз. – Байрут: Дару садир, 1977. – Б. 121.

⁶⁰¹ <https://nargis.uz/?p=960>. Наргис Қосимова. “Кўҳна ва сирли Ахсикент” мақоласи.

QAFFOL SHOSHIY MAQBARASI QABRTOSH BITIKLARI

INSCRIPTIONS ON THE TOMBSTONE OF QAFFAL SHASHI MAUSOLEUM

S.M.Rayimjonov,
*Oriental Universiteti “Sharq tillari”
kafedrası o‘qituvchisi*

Qaffol Shoshiy maqbarasiga kirish eshigi oldidagi kichik maydonda 4-5 qabrtosh qo‘yilgan va ularda bitiklar mavjud. Qabrtoshlar 2016-yili 12 jildlik “O‘zbekiston obidalaridagi bitiklar”⁶⁰² turkum tarkibida Toshkent me‘moriy epigrafikasi tayyorlangan paytda, negadir albomga tushmay qolgan. Vaholanki, undagi ma‘lumotlar Qaffol Shoshiydagi me‘moriy yodgorliklar sirtidagi tarixiy informatsiyasi oz bo‘lgan bitiklardan ko‘ra qimmatlidir. Agar bu bitiklarni ham albom tarkibiga kiritib ularni nashr etsa, u albomni yangi ma‘lumotlar bilan boyitishiga shak-shubha yo‘q edi.

Mazkur toshlar o‘zining shakli va materialiga ko‘ra Ashtarxoniylar davriga borib taqaladi. Mazkur yodgorliklar Samarqand sangtaroshlik maktabiga taalluqli bo‘lishi mumkin. Bunday tosh bitiklarning bu yerda mavjuddligi, ilgari shu atroflarda Qaffol Shoshiy qabristoni va uning atrofi kattaroq hududni egallaganidan dalolat beradi. Qabrtoshlar Toshkentning yuqori diniy qatlam vakillari uchun tayyorlangan. Toshlardagi yozuvlar vaqt o‘tgan sayin qor, yomg‘ir va tashqi ta’sirlar ta’sirida ancha ko‘rimsiz bo‘lib qolgan. Ammo undagi ayrim ismlarni aniqlab o‘qish imkoni bo‘ldi. Har qalay ba’zi ismlarning o‘qilishi ulardagi nasabnomalarni aniqlashga ham yordam beradi. Qabrtoshlardagi aniqlangan ma‘lumotlar asosida boshqa nasabnoma va sHojaralardagi ismlarni o‘zaro solishtirish orqali, bu yerda kimlar va qaysi xonadon namoyandalari ko‘milganligi haqida tasavvur hosil qilishimiz mumkin. Bundan tashqari mazkur oilaning nasabnomasini tiklab uning tarixiga yangi informatsiyalar va ma‘lumotlarni berib, mazkur majmua tarixiga yangi dalillar kiritiladi. Toshlarning sohiblari ismlari aniqlanmaganlar orasida ulardagi sha’riy matnlar, ya’ni marsiyalar ko‘zga tashlanadi va ular o‘z navbatida o‘sha davr dunyoqarashi va savodxonlik darajasini ko‘rsatadi. Hozircha toshlardan birida buyuk fors shoiri Sa’diy Sheroziyning g‘azalidan olingan parchalar bitilgani ehtimol qilinayapti. Ayrim toshlarda esa muqaddas kalimalar ham uchraydi”.

Quyida aniqlab o‘qilgan tosh bitiklarining matni va tarjiması beriladi. *Qabrtosh №1* kulrang rezador marmardan tayyorlangan. Tosh ko‘rinishiga ko‘ra sandiqsimon. Yuza qismi yaxshi ishlov berilgan va silliqlangan. Burchaklarida ortiqcha bezaklar yo‘q. Toshning yuqori qismi bo‘ylab bir qatorli sharafo ya’ni stalaktita ishlangan. Bitiklar matni to‘rt qator yoki to‘rt satrga joylashtirilgan. Arabiy-forsiy yozuvining nasx xat turidan foydalanilib, matn amalga oshirilgan.

⁶⁰² Abduxolıqov F., Bobojonov B., Rahimov K., Nekrasova Ye. O‘zbekiston obidalaridagi bitiklar, - Toshkent. “Uzbekistan Today”. 2016. – B.59.

Toshning burchaklarida ortiqcha bezaklar, yarim ustun shaklidagi usullar ishlanmagan.



Qabrtosh №1

Toshning birinchi ko'ndalang kesimidagi matni:

هذا المرقد مرحوم خواجه موعمن
بن حاجي خواجه بن خواجه

Toshning boshqa bir ko'ndalang kesimidagi matni:

1009توفي في شهر صفر سنة

Tarjimasi: *Bu qabr Alloh rahmat qilsin Xoja Mo'min [ga tegishli, u] ibn Hoji Xoja ibn Xoja...1009/ yilning safar oyida vafot etgan.*

Qabrtosh №2 kulrang rezador marmardan tayyorlangan. Yuza qismi yaxshi ishlov berilgan va silliqlangan. Tosh ko'rinishiga ko'ra sandiqsimon. Yuza qismi yaxshi ishlov berilgan va silliqlangan. Bitiklar matni 2 qator yoki 2 satrga joylashtirilgan. Arabiy-forsiy yozuvining nasx xat turidan foydalanilib, matn amalga oshirilgan. So'zlar va harflar orasidagi masofa mutanosib. Toshning burchaklarida ortiqcha bezaklar, yarim ustun shaklidagi usullar ishlanmagan.



Qabrtosh №2

هذا المرقد منور توفي.. رحمة الله محمد صادق.....
(سيادت پناه) (هدايت پناه)خواجه ابن عالي جاه شاه ناصر خوجه ابن هدايت شاه
.....ايشان كوجك خواجه بن
في التاريخ شهر شوالايشان خواجه

Bu o'zidan nur taratuvchi qabrtosh olamdan o'tgan va Alloh rahmatiga yetishgan Muhammad Sodiq Xojaniki [va u] oliy martaba sohibi Nosir Xojaning o'g'li, [u esa] hidoyat panoh (yo siyodat panoh) Eshon Kuchak Xojaning o'g'lidir [va u] Eshon Xoja....ning o'g'lidir".

Xulosa qilib aytganda, o'zbek milliy ma'naviy qadriyatlarining tayanch ustunlaridan biri bo'lgan muqaddas qadamjo va va ziyoratgohlarning mental

tafakkur shakllanishiga ta'siri hamda alohida tadqiqot manbai sifatida o'zbek mentalitetining tarixiy shakllanish ildizlarini ochib berishda muhim o'rin tutadi. Ko'rinib turibdiki, muqaddas ziyoratgohlar kishilardagi oliy tuyg'ularni shakllantirishda muhim rol o'ynaydi.

Qaffol Shoshiy maqbarasidagi arxaik yozuvlar hamda undagi qabrtoshlar bitiklari tarixiy faktlar haqida xabar beradi. Undagi qabrtoshlarda qabr egalari xos ma'lumotlar, turli sheriylar bitiklari keltirilgan.

* * *

TURKISTON MADRASALARI: ILMIY MEROS VA UYG'UNLIK TAJRIBASI

TURKESTAN MADRASAS: SCIENTIFIC HERITAGE AND THE EXPERIENCE OF HARMONY

Xusniddin Xolmatov,

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
"Dinshunoslik va jahon dinlarini qiyosiy o'rganish
UNESCO" kafedrasi tayanchi doktoranti*

Turkiston madrasalari o'z davrida Markaziy Osiyoning ilmiy va ma'naviy markazlari sifatida shakllangan. Ular dastlab diniy ta'lim berishga ixtisoslashgan bo'lib, Qur'on tafsiri, hadis, fiqh va aqida kabi an'anaviy diniy fanlar o'qitilgan. Ammo vaqt o'tishi bilan bu ta'lim maskanlari dunyoviy fanlarni ham o'z dasturlariga kiritib, ilmiy salohiyatini sezilarli darajada oshirgan. Jumladan, falsafa, matematika, astronomiya, tibbiyot, grammatika, mantiq va tarix kabi fanlar madrasalarning o'quv dasturlariga qo'shilgan. Ushbu dunyoviy fanlarning o'qitilishi nafaqat talabalarning bilim doirasini kengaytirgan, balki ularni hayotiy muammolarni hal qilish uchun zarur bo'lgan ko'nikmalar bilan ta'minlagan. Dunyoviy fanlarning diniy ta'lim bilan uyg'unlashuvi madrasalarning o'z davridagi zamonaviy ta'lim maskanlari sifatida shakllanishiga zamin yaratgan.

Madrasalarda o'qitilgan falsafa inson tafakkurini rivojlantirishga, matematika va astronomiya texnik muammolarni hal qilishga xizmat qilgan. Tibbiyot esa jamiyatda sog'liqni saqlashning asosiy tamoyillarini shakllantirishga katta hissa qo'shgan. Grammatika va mantiq esa yozma va og'zaki nutqni takomillashtirishga, ilmiy izlanishlarni mantiqiy asoslashga yordam bergan. Ushbu fanlarning kiritilishi madrasalarni nafaqat diniy ta'lim beruvchi, balki keng qamrovli ilmiy muassasalarga aylantirgan.

XIX asr oxirlariga kelib Rossiya imperiyasi Turkistonni bosib olib, mintaqada o'z ma'muriyatini joriy eta boshladi. Bu davrda mahalliy madrasalarning ta'lim tizimi sezilarli darajada o'zgarishlarga uchradi. Rossiya ma'muriyati madrasalarning faoliyatini nazorat qilishga intilib, ularning mustaqilligini cheklash uchun bir qator chora-tadbirlarni amalga oshirdi. Jumladan, madrasalarda o'qitiladigan fanlar tarkibiga ta'sir ko'rsatildi, bu esa dunyoviy fanlarning

qisqarishiga olib keldi. Avvalgi ta'lim tizimida muhim o'rin egallagan tibbiyot, astronomiya, matematika va grammatika kabi fanlar o'z ahamiyatini qisman yo'qotgan bo'lsa-da, diniy ta'lim chuqurlashtirilib saqlab qolindi.

Shu bilan birga, Rossiya imperiyasi davrida madrasalarning ilmiy faoliyati ayrim jihatlardan cheklangan bo'lsa-da, ularning ilmiy salohiyati butunlay so'nib ketmadi. Xususan, Buxoro madrasalarida tibbiyot, astronomiya va grammatika sohalariga oid muhim qo'lyozma asarlar yaratilgan. Bu qo'lyozmalar nafaqat mintaqa doirasida, balki xalqaro ilmiy hamjamiyatda ham yuqori baholangan. Mazkur asarlar mahalliy olimlarning o'z davriga xos ilmiy yondashuvlari, boy tajribasi va intellektual salohiyatini namoyon etib, Turkiston madrasalarining ilmiy-madaniy merosini boyitgan.

Rossiya ma'muriyati nazorati ostida madrasalarning nisbatan cheklangan sharoitda faoliyat yuritishi ularning an'anaviy ta'lim tizimini to'liq o'zgartira olmadi. Aksincha, mahalliy ta'lim muassasalari o'z o'rnini saqlab qolishga va diniy ta'limning asosiy tamoyillarini davom ettirishga muvaffaq bo'ldi. Madrasalardagi ta'lim jarayonida qiyinchiliklarga qaramay, ayrim olimlar ilm-fan rivojiga hissa qo'shib, zamonaviy talablarga moslashgan asarlar yaratdilar. Bu holat mahalliy jamiyatning madaniy va intellektual taraqqiyotida muhim rol o'ynadi. Shu sababli, madrasalarning ushbu davrdagi faoliyati mintaqaning tarixiy va madaniy rivojlanishida ahamiyatli bosqich sifatida baholanadi.

Turkiston madrasalari o'z davrida nafaqat ta'lim maskanlari sifatida faoliyat ko'rsatgan, balki ilmiy va madaniy merosni asrash hamda rivojlantirishda ham ulkan rol o'ynagan. Bu madrasalarda yaratilgan ilmiy asarlar musulmon dunyosining ilmiy taraqqiyotiga beqiyos hissa qo'shgan. Xususan, tibbiyot sohasida yozilgan qo'lyozmalar faqat mintaqaviy ehtiyojlarni qondirish bilan cheklanmay, balki boshqa hududlardagi olimlar uchun ham muhim ilmiy manba bo'lib xizmat qilgan. Masalan, Abu Ali ibn Sino va boshqa buyuk tibbiyotchilar asarlari asosida ishlab chiqilgan mahalliy tibbiy qo'lyozmalar keyinchalik Markaziy Osiyodan tashqarida ham keng tarqaldi. Ushbu asarlar mahalliy xalq tabobatini rivojlantirish bilan birga, o'sha davrning tibbiyot sohasidagi global bilimlarini boyitgan.

Astronomiya sohasida yaratilgan asarlar ham madrasalar ilmiy faoliyatining yorqin namunasi hisoblanadi. Masalan, Mirzo Ulug'bekning Samarqand rasadxonasi bilan bog'liq ilmiy ishlari va bu an'analarning madrasalar orqali davom ettirilishi, bu sohada ulkan yutuqlarga olib kelgan. Astronomik kuzatuvlar natijasida ishlab chiqilgan jadval va risolalar faqat Turkiston hududidagina emas, balki butun Islom dunyosida qo'llanilgan. Grammatika sohasida esa arab va fors tillarining nazariy asoslari bo'yicha yozilgan qo'lyozmalar madrasalarda chuqur o'rganilgan va bu ilmiy meros bugungi kunda ham qimmatligicha qolmoqda.

Madrasalarning ilmiy merosi o'z tarixiy ahamiyatidan tashqari, hozirgi zamon uchun ham katta dolzarblik kasb etadi. Ular diniy va dunyoviy fanlarning uyg'unlashuvini ta'minlash orqali jamiyatda ilm-fan, ma'rifat va ma'naviyatni birlashtirishga xizmat qilgan. Masalan, tibbiyot va astronomiyaga oid bilimlar diniy ta'lim bilan uyg'unlashib, insonning aqliy va ruhiy taraqqiyotini qo'llab-

quvvatlagan. Bunday yondashuv, ayniqsa, jamiyatda barqarorlikni ta'minlashda muhim omil bo'lgan.

Bugungi kunda madrasalarning ushbu tajribasi zamonaviy ta'lim tizimlarini boyitishda, milliy o'zlikni anglash va rivojlantirishda ahamiyatli rol o'ynamoqda. Xususan, ularning ilmiy va madaniy faoliyati milliy ma'naviyatni yuksaltirish, zamonaviy ilm-fan bilan tarixiy merosni uyg'unlashtirish uchun muhim model sifatida xizmat qilmoqda.

Xulosa qilib aytganda, Turkiston madrasalari diniy va dunyoviy bilimlarni uyg'unlashtirgan ta'lim maskanlari sifatida mintaqaning intellektual salohiyatini oshirishda muhim rol o'ynagan. Ularning faoliyati faqat o'z davri bilan cheklanib qolmasdan, bugungi kunda ham ilm-fan rivoji va madaniy merosni saqlash uchun asos bo'lib xizmat qilmoqda. Ushbu madrasalarning merosi o'zining dolzarbligi va ahamiyatini saqlab, milliy va global ta'lim tizimida namuna bo'lib qolmoqda.

* * *

MAVLONO ORIF DEGGARONIY ZIYORATGOHI

PILGRIMAGE SITE OF MAWLANA 'ARIF DEGGARANI

Xikmatillayeva Shoiraxon,
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
Tarix(islom tarixi va manbashunosligi)
2-kurs talabasi

Karmana shahrining 30km g'arbidagi Hazora qishlog'ining yonida Movarounnahrda eng qadimgi masjidlardan biri - Deggaron masjidi joylashgan. Uning qurilish davri XI asr boshlaridan nariga o'tmaydi. Bu bino Zarafshonning so'l qirg'og'ida, endilikda vayron bo'lgan, lekin ilgari yaxshi mustahkamlanib qurilgan qadimiy kichik bir qishloq hududida joylashgan. Qishloqning ham, masjidning ham nomi bu yerda yashagan aholining asosiy mashg'uloti — o'tga chidamli qozon tayyorlashdan olingan. Shunisi e'tiborliki, Xojagon Sulukining mashhur sufiylaridan biri bo'lmish Shayx Mavlono Orif Deggaroniy (1313–1376) shu qishloqda tug'ilgan va shu yerda dafn etilgan.⁶⁰³ Bu zot Naqshbandiya tariqatidagi Xojagon Sulukining buyuk namoyandasi bo'lmish Bahouddin



⁶⁰³ Azamat Zaripov, Shoyim Shernazar. Karmana kechmishi. Monografiya-Toshkent: Sahnhof, 2021 - 192-b.

Naqshbandning ustozlaridan biri hisoblanadi. Keyinroq, XVII asrda Deggaron qishlog'i masjididan bir oz narida joylashgan Hazora qal'asiga aylangan. Masjid turli texnika usulida qurilgan: tashqi yuzasi, ustunlari va poydevorining bir qismi - pishiq g'ishtdan, devorlari xom g'isht va paxsadan iborat. Gumbazlarining ichki qismi ravoqlardan, devorga tegib turgan yoki alohida qad ko'targan ustunlar g'ishtdan bino qilingan. Markaziy gumbazni ko'tarib turgan to'rt ravoq g'isht va ganjdan sebarga shaklidagi o'ziga xos bezaklar bilan bezatilgan. Markaziy gumbaz atrofidagi sakkizta kichik gumbaz «balxi» uslubidagi kichik ravoqlar orqali masjidning tashqi devorlari va ichki ustunlariga tayangan holda qurilgan. Bu joy hozirda qayta ta'mirlanib, majmuada muzey faoliyat ko'rsatmoqda. Deggaron masjidi 1946-yilda tarixchi va sharqshunos olim A.Yu.Yakubovskiy boshchiligidagi Panjikent ekspeditsiyasi chog'ida topilgan va o'rganilgan. "Deggaron" masjidining nomi "kulol" degan ma'noni bildiradi, bu nom bu hududda o'rta asrlarda gullab-yashnagan kulolchilik bilan bog'liq. Ekspeditsiya davomida ma'lum bo'lishicha, qadimiy masjid avvalroq barpo etilgan masjid o'rnida qad rostlagan, shuningdek, bino atrofida qadimiy turar-joy xarobalari qoldiqlari ham topilgan. Ehtimol, qadimiylik bo'yicha bu masjidni qadimiy me'morchilikning yana bir asari – XII asrda Buxoroda qurilgan Magoki-Attoriy masjidi bilan solishtirish mumkindir.⁶⁰⁴ Arxitektura uslubiga ko'ra masjid o'z turida noyob hisoblanadi. Bunday qurilish uslubi islom me'morchiligiga xos bo'lmagan, u ko'proq islomgacha bo'lgan davrdagi binolarga xosdir, zardushtiylik madaniyati davrida bu yerda avvalroq buddistlar ibodatxonasi joylashgan bo'lishi ham mumkin. Qolaversa, xuddi shunday tuzilmalar ilk xristian cherkovlariga ham xos bo'lib, markazda gumbazli tizim va to'rtta tayanch ustunda tayanch bo'lgan. Hozirgi kunda Deggaron masjidi o'z faoliyatini davom ettirmoqda va u me'moriy tarixiy majmua tarkibiga kiradi. Majmuadan muzey, xonaqoh va Shayx Mavlono Orif Deggaroniy maqbarasi ham bor. Rivoyatlarga ko'ra, Mavlono Orif Deggaroniy g'ayri tabiiy kuchlarga ega bo'lib, o'limga duchor bo'lgan bemorlarni davolay olar va mo'jizalar ko'rsatardi. Shuningdek, mo'jizakor Deggaron masjidida bomdod, juma namozini o'qiganligi haqida ma'lumotlar bor. Yaqinda Deggaron masjidi qayta tiklandi va YUNESKOning Butunjahon madaniy merosi ro'yxatiga kirish uchun da'vogar hisoblanadi. Ayni paytda Markaziy Osiyo tadqiqotlari instituti mutaxassislari tomonidan tarixiy majmuani o'rganish bo'yicha tayyorgarlik ishlari olib borilmoqda. Navoiy viloyatining Karmana tumanida „Hazora“ MFY, Qatag'on qishloq aholi punkti. Davlat mulki (Navoiy viloyati madaniy meros boshqarmasi operativ boshqaruv huquqi asosida). „Vaqf“ xayriya jamoat fondiga tekin foydalanish shartnomasi asosida biriktirilgan. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori bilan 2019-yil 4-oktyabrda Moddiy madaniy merosning ko'chmas mulk obyektlari milliy ro'yxatiga kiritilgan va davlat muhofazasiga olingan⁶⁰⁵.

⁶⁰⁴ Sulaymon Inoyatov, Alisher Doniyorov, Xalim To'rayev. Buyuk valiy, ulug' alloma, atoqli tarbiyachi. Monografiya -Toshkent: Sahhof, 2021. -56-b.

⁶⁰⁵ „Moddiy madaniy merosning ko'chmas mulk obyektlari milliy ro'yxatini tasdiqlash to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 4-oktyabrdagi 846-sonli qarori“. Lex.uz. Qaraldi: 2022-yil 21-iyul

IV BO'LIM. MARKAZIY OSIYO XALQLARINING MILLIY VA DINIY URF-ODAT, AN'ANALARIDAGI UMUMIYLIK VA O'ZIGA XOSLIK

CHAPTER IV. COMMONALITY AND ORIGINALITY IN THE NATIONAL, RELIGIOUS CUSTOMS AND TRADITIONS OF THE PEOPLES OF CENTRAL ASIA

ЦЕНТРАЛЬНО-АЗИАТСКАЯ ИНТЕГРАЦИЯ В КОНТЕКСТЕ ЕДИНОГО КУЛЬТУРНО-ЦИВИЛИЗАЦИОННОГО ПРОСТРАНСТВА

CENTRAL ASIAN INTEGRATION IN THE CONTEXT OF A UNIFIED CULTURAL AND CIVILIZATIONAL SPACE

Акмалов Шаислам Икрамович

*Доцент Международной исламской академии Узбекистана,
кандидат политических наук*

*Нашим ключевым приоритетом
традиционно является культурно-гуманитарное
сотрудничество, которое основывается на
общих истории, традициях, культуре и
ценностях – единстве и разнообразии
уникальной Центрально-азиатской цивилизации.*

Шавкат Мирзиёев⁶⁰⁶

В эпоху усиления глобализационных процессов развитие центрально-азиатского региона определяется очевидным усложнением его региональной структуры и расширением этнокультурных связей, а также возрастающей активностью внешних сил. Данные обстоятельства указывают на целесообразность учета фактора неделимости исторического, культурного и цивилизационного наследия Центральной Азии, что позволит сформировать объективные представления относительно возможностей региональной интеграции, которая была в числе актуальных проблем на протяжении всего независимого развития стран данного региона.

В отличие от глобализации, одной из главных особенностей которой является попытка объединить разнообразные структуры в более сложную структуру – мировую цивилизацию, *регионализация* – это внутренняя интеграция в целях сохранения самостоятельности национальных рынков,

⁶⁰⁶ Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на Консультативной встрече глав государств Центральной Азии <https://review.uz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-markaziy-osiyo-davlatlari-rahbarlarining-maslahat-uchrashuvidagi-nutqi>, 14.09.2023.

этнокультурного своеобразия, что можно объяснить *культурно-цивилизационным* понятием.

За последние годы в современном центрально-азиатском социуме продолжает происходить противоречивая и непростая трансформация одной социальной системы, а также одних социально-нравственных ценностей в другие. Это обуславливает кардинальную перестройку сознания, мышления, глубинные преобразования норм и правил, стереотипов поведения, образа жизни.

Глобализация ставит перед государствами Центральной Азии, ориентированные в отличие от западных, задачу подключиться к современным глобальным процессам, сохраняя при этом свои специфические традиционные ценностные ориентиры, где духовная культура, как совокупность разума и чувства, знаний и этики, является универсальной движущей силой человеческого развития.

Взглянув на особенности суверенного развития стран Центральной Азии, следует отметить, что это стало возможным, прежде всего, благодаря распаду Советского Союза, крупнейший историко-культурный регион, издавна связывавший Европу с Западной и Восточной Азией, в качестве своей самоидентификации избрал географический «адрес» - кальку с англоязычного понятия «Central Asia». Как считает известная американская исследовательница проблем Центральной и Южной Азии Марта Брилл Олкотт, тем самым раз и навсегда эти страны решили предать забвению наследие советской эпохи, когда единое цивилизационное, этнокультурное, геополитическое целое, именовалось – «Средняя Азия и Казахстан»⁶⁰⁷.

Необходимо подчеркнуть, что на характере цивилизационных процессов в Центральной Азии сказываются такие объективные данные, как географическое расположение региона, наличие больших запасов энергоресурсов – нефти, газа, угля, урана, а также гидроресурсов, тем самым продолжая привлекать к себе внимание основных акторов мировой политики. Эти естественные реалии усиливаются также тем фактором, что регион находится на стыке трех крупнейших цивилизационных плит – российской, китайской и исламской, служа своеобразным шарниром, связывающим их воедино и дающим возможность воздействовать на них через центрально-азиатские рычаги⁶⁰⁸. По мнению многих востоковедов-историков, Центральная Азия была особым центром, специфическим узлом этногенетических процессов, которые отражали разнообразные культурные, хозяйственные, политические, идеологические связи племен и народов. Это указывает на то, что государства Центральной Азии обладают целым комплексом культурно-цивилизационных предпосылок интеграции, что может быть положено в основу региональных многосторонних взаимодействий, характерных внешнеполитической линии практически всех

⁶⁰⁷ Олкотт, Марта Брилл. Рабочие материалы = Working papers. Двенадцать мифов о Центральной Азии (Возвращаясь к написанному) / [Пер. с англ. Марата Умерова]. — Москва, 2001.

⁶⁰⁸ А.В.Белоглазов. Влияние ислама на политические процессы в Центральной Азии. Казань. Казанский университет, 2013. Стр.10.

стран, которая отражает их истинные цели по переводу отношений на более высокую ступень.

В этих условиях насущной задачей культурно-цивилизационного развития народов региона на современном этапе является сохранение системы ценностей, которую выработали за многие годы их предки, четко ответить на вопрос о будущем своих стран, найти свою национальную идентичность, тем самым вернуть базовые культурно-цивилизационные ориентиры, дать гражданам уверенность в завтрашнем дне. В плане же региональной интеграции это путь к культивированию центрально-азиатского единства. Только детализированное и тонкое почитание культурных традиций, идущих из глубины веков, способно утвердить новые формы политического мышления, ориентированного на высокие духовные идеалы.

Несмотря на политические границы, народы региона живут в одном культурно-цивилизационном пространстве, имеют общие традиции, культуру, религию и историю. Естественно, разделить историческое, культурное и цивилизационное наследие региона невозможно. Это достояние принадлежит всему населению общего культурно-цивилизационного пространства центрально-азиатского региона. Осознание этой объективности направляет все страны этого пространства к новым идеям в отношении региональной интеграции для того, чтобы расширить представления мирового сообщества относительно ее возможностей. В этой связи не беспочвенны слова известного казахстанского специалиста по проблемам региона Саната Кушкумбаева о том, что "Культурно-исторически Узбекистан, несомненно, обладает рядом преимуществ: опытом исторической государственности, основывающейся, прежде всего, на богатой оседло-земледельческой традиции, сосредоточием традиционных и признанных духовных центров, оказавших существенное влияние на мусульманский мир и, прежде всего, мусульман Центральной Азии"⁶⁰⁹.

Исключительность Центральной Азии в ее едином историко-культурном пространстве состоит в том, что она оказала огромное влияние на развитие мировой цивилизации. Попытки разделить историческое, культурное и цивилизационное наследие региона не выдерживают никакой критики, поскольку это достояние принадлежит равно всем народам центрально-азиатского культурно-цивилизационного пространства. В этой связи представляется весьма полезным вспомнить слова великого писателя Чингиза Айтматова: «Историческая общность, языковое сходство, наличие общих традиций, обычаев дает нам неисчислимые возможности для того, чтобы быть вместе и сообща строить новый мир, единое цивилизационное сообщество».

* * *

⁶⁰⁹ С. Кушкумбаев. Казахстанский институт стратегических исследований при Президенте Республики Казахстан. Казахстан и Центральная Азия между вызовами из прошлого и грядущего. Астана, 2022. Стр.28.

XX ASRNING BOSHLARIDA MARKAZIY OSIYOGA ERONLIKLARNING EMIGRATSIYASI: SABAB VA OQIBATLAR

MIGRATION OF IRANIANS TO CENTRAL ASIA IN THE EARLY 20TH CENTURY: CAUSES AND CONSEQUENCES

Toxtiyev Shuxrat Rustamovich,
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
"Islom tarixi va manbashunosligi IRCICA"
kafedrası dotsent v.b., PhD

XX asr boshlarida Eronda hukm surgan ochlik, ikki buyuk davlat (Rossiya va Angliya)ning bu hududda o'z manfaati yo'lidagi harakatlari, shoh hukumati, hukumron doira va yuqori tabaqa vakillarining o'zboshimchaligi va ta'magirligi natijasida xalq orasida noroziliklarga olib keldi va bu noroziliklar qo'zg'olonlarga aylandi. Natijada 1905 yilda Eron xalqi ko'tarildi. Ular shohning qarindoshi, bosh vazir Ayn ud-Doulani hukumat ishlaridan bo'shatib, islohotlar o'tkazishni talab qildilar. Qo'zg'olon boshida dindorlar turgani sabab, Eron qo'shinining ayrim qismlari ularga qarshi yurish talab qilinsa ham buyruqni bajarishdan bo'yin tortishlarini ochiqdan-ochiq e'lon qildilar. Bundan xavfsiragan shoh islohotlar o'tkazishga so'z beradi. Ammo u o'z va'dasini ustidan chiqishga shoshmaydi. Mana shunday sharoitda Eron aholisining ayrim qismi o'z vatanlarini tashlab qo'shni mamlakatlarga chiqib keta boshlaydilar.

1905-1911 yillar Eronda hukm surgan qiyin siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy sharoit tufayli ayrim aholi vakillari Eronga qo'shni bo'lgan mamlakatlar, xususan Eronning shimoli-sharqiy viloyatlaridan Markaziy Osiyoga ish qidirib pul topish maqsadida kelganlar.

Natijada, XX asr boshlarida Erondan kelgan aholi (qochoqlar) Markaziy Osiyoda sezilarli va tez o'sib boruvchi guruhni tashkil etgan. Ayniqsa ularning soni Eron bilan chegaradosh hududlarda oshib borgan. 1905 yilda Kaspiy orti viloyatida 300 000dan ortiq turkmandan tashqari, 18 511 eronlik va 34 430 nafar ruslar istiqomat qilganlar. Bunga qo'shimcha Markaziy Osiyo o'lkasining boshqa viloyat va shaharlarida aholining sezilarli foizini Erondan kelganlar tashkil etgan. Masalan, ma'lumotlarga ko'ra, 1911 yil Krasnovodsk (hozirgi Turkmaniston Respublikasi)da umumiy aholi 7061 kishi bo'lib, shulardan 1500 nafari eronlik, Marvda 18 207 kishi bo'lib, 2 599 nafari eronlik bo'lgan. Samarqandda 1910 yil 300ga yaqin eronlik hisobga olingan bo'lib, ulardan tashqari bu yerda forslarga tili va dini bilan yaqin, Rus imperiyasining fuqarosi hisoblangan 16 000dan ortiq "eroniy" istiqomat qilgan. 1908 yil ma'lumotlariga ko'ra, Toshkentda 741 nafar, butun Sirdaryo viloyati bo'yicha esa 2 110 nafar eronlik hayot kechirgan. 1914 yil Farg'ona viloyatida 2 368 eronlik hisobga olingan⁶¹⁰.

⁶¹⁰ Matveyev A.M. Iz istorii iranskix revolyusionnykh organizatsiy v Sredney Azii v nachale XX v. // Vzaimootnosheniye narodov Sredney Azii i sopredelnykh stran Vostoka. Sb. statey. Otvetstvennyy redaktor i avtor predisloviy M.A.Babaxodjayev. – T.: Izd. AN UzSSR, 1963. – S. 134.

Ma'lumki, XIX asr oxiri va XX asr boshlarida Markaziy Osiyoda Erondan kelganlarning barchasini "fors", "forslik" yoki "fors fuqarosi" deb atashgan. Lekin, albatta, ko'pmillatli Erondan faqatgina forslar ishlash uchun kelmaganlar. Eronlik musofirlar orasida ozarbayjon, kurd, gilonlik va boshqa millat va elat vakillari ham bo'lgan. Ularning ko'pchiligi esa diniy mansublikka ko'ra, musulmon shialar bo'lgan. Ayni vaqtda Markaziy Osiyoda o'troqlashib ketgan eronlik va boshqa mamlakatlardan kelgan shialar orasida "*bobiylar*"⁶¹¹ ("*bahoiylar*")⁶¹² ham kam emas edi. Ana shundaylardan biri Said afandi edi. U 1896 yili Hindistonning Panjob viloyatiga qarashli Beta shaharchasida dunyoga kelgan. Said hind musulmonlaridan bo'lgani uchun yoshligidanoq Markaziy Osiyoga ayrica muhabbat qo'ygan va shunday samimiy tuyg'ular ta'sirida u 1914 yili Samarqandga kelib, shu yerda istiqomat qilayotgan vatandoshi Mahkumiddin qozi Shamsiddinov ismli savdogar qo'lida xizmat qilgan. 1917 yilning oxirlarida, Oktyabr to'ntarishi tufayli Markaziy Osiyoning tinch-osuda hayoti izdan chiqa boshlagach, u Hindistonga qaytib ketgan. Said afandi Markaziy Osiyoga ikkinchi marta 1919 yili kelib, Toshkentning Qatortarak mahallasida yashay boshlagan. Shu yerda imomlik qilgan Abduvohid qori bilan oshno bo'ladi. Said afandi rus an'anasiga ko'ra familiyasini Fazliddinov deb qo'yadi. Markaziy Osiyoga kelguniga qadar u Afg'onistonda dorifurushlik bilan shug'ullangan. U bahoiy diniga moyillik bildirib, Markaziy Osiyoda bu diniy oqimning tarqalishiga sababchi bo'lgan. Chunonchi, Cho'lponning yaqin do'stlaridan biri Vadud Mahmudning bahoiy diniga ixlos qo'yishi Said afandining ta'sirida yuz bergan. Markaziy Osiyoning boshqa mashhur kishilari qatori, Fitrat ham Said afandi bilan yaqin aloqada bo'lgan⁶¹³. Ammo qanchalik uning dunyoqarashi va diniy mafkurasi mazkur nomdor shahslarga ta'sir qilgani hali o'rganilmagan.

⁶¹¹ Bobiylar – 1844 yili, shialarning o'n ikkinchi imomi Muhammad al-Mahdiy ibn al-Hasan al-Askariy al-Qoim al-Muntazorning g'oyib bo'lganiga (milodiy yil hisobi bo'yicha) roppa-rosa ming yil bo'lganida, o'zini kutilayotgan imom Yerga tushib xaloskor Mahdi sifatida kirib keluvchi "Bob" (ma'nosi: darvoza, eshik. Fahriy unvon sifatida majoziy manoda ishlatiladi) deb e'lon qilgan eronlik (1819 yoki 1820 yilda dunyoga kelgan) sayid Ali Muhammad ta'limoti tarafdorlari. Ular XIX asrning 40-50 yillarida feodallar, shoh zulmi va xorijiy kapital tajovuziga qarshi qaratilgan yirik xalq qo'zg'olonlarida ishtirok etishgan va barcha kishilar bir-biriga teng degan g'oyani targ'ib etganlar. 1850 yilning yozida Bobning o'ldirilishi Erondagi qo'zg'olonlarning yanada kuchayishiga olib kelgan. Ammo qo'zg'olonlar shafqatsizlarcha bostirilgan va bobiylar kuchli ta'qib ostiga olingan. Qutilib qolgan bobiylar yashirin holatga o'tganlar, ayrimlari esa mamlakatni tark etib Eronga qo'shni bo'lgan mamlakatlarda boshpana izlaganlar. Ular orasida yangi oqim va guruhlar, chunonchi bahoiylik vujudga kelgan. Batafsil qarang: Vasilyev L.S. Istoriya Vostoka. Ucheb. po spes. «Istoriya». T. 2. – M.: Vysshaya shkola, 1998. – S. 154-157.

⁶¹² Bahoiylar – XIX asr o'rtalarida yuzaga kelgan bobiylar harakatining ko'zga ko'ringan namoyandalaridan biri, 1863 yili Bahoullou ("Xudoning shuhrati") degan o'zining yuksak vazifasini e'lon qilgan Mirzo Husayn Ali Nuri (1817-1892) ta'limoti tarafdorlari. Bahoullou 1852 yilda Iroqqa qochib, u yerda Bobning ishini davom ettiruvchi va Xudodan vahiy olgan Mahdiy sifatida namoyon bo'ladi va 1872 yilda 472 oyatdan iborat "Kitob-e aqdas" ("Muqaddas kitob") asarini yozib, Qur'on va Bobning "Bayon" kitoblari o'rniga vahiy qilingan muqaddas kitob deb e'lon qiladi. Batafsil qarang: Bartold V.V. Sochineniya. Raboty po istorii islama i Arabskogo xalifata. T. VI. – M.: Nauka, 1966. – S. 387-399; Bahoiy ibodatlari (Baha'i prayers (in Uzbek). – Almaty, Nacionalnoye Duxovnoye Sobraniye Baxai Kazaxstana, 1998. – B. 3.

⁶¹³ Qarang: Karimov N. Istiqlolni uyg'otgan shoir. – T.: Ma'naviyat, 2000. – B. 42-44.

Bahoiylarning ko'pchiligi Ashxobodda istiqomat qilganlar. Ular vatanlarini turli diniy va siyosiy ta'qiblar oqibatida tashlab ketganlar⁶¹⁴.

XX asrda Markaziy Osiyoga Eronning shimoli-sharqiy viloyatlaridan xonavayron bo'lgan dehqonlar, hunarmandlar va ishchilardan tashkil topgan qochoqlar, pul ishlash maqsadida o'z vatanlarini tashlab kelganlar. Ular Markaziy Osiyoda yuk tashuvchi, qoravul, uy xizmatchisi, zavod, temir yo'l, neft korxonalarida qora ishchi va qishloq xo'jaligida batrak bo'lib ishlaganlar. 1910 yil boshida, masalan, ma'lumotlarga ko'ra, Markaziy Osiyo (Kaspiy orti) temir yo'lida 552 nafar, ya'ni 9% eronlik ishlagan⁶¹⁵. XX asr boshida Krasnovodsk porti yuk tashuvchilarining soni bir necha yuz kishidan bir-ikki ming kishigacha borib, ularning ko'pchiligini eronliklar tashkil etgan.

Temir yo'l, Kaspiy va Amudaryo flotiliyasi o'tish yo'llarida, neft korxonalari va boshqa korxonalarning tajribali ishchilari asosan ruslar bo'lgan. Qora ishlarni qozoq, arman, gruzin, turkman, ozarbayjon, o'zbeklar va ayniqsa, eronliklar bajarganlar.

Tabiiyki, Kaspiy orti viloyatining ijtimoiy-iqtisodiy holati va ishchi tabaqaning rivoji pul ishlash uchun kelgan eronlik xonavayron dehqon va hunarmandlarga bevosita ta'sir ko'rsatgan. Ishchi sinfining shakllanishi va rivojlanishi Markaziy Osiyo o'lkasining boshqa viloyatlarida ham namoyon bo'lib, u yerlarga ham eronliklar borganlar.

XIX asr oxiri va XX asr boshlarida Erondan Markaziy Osiyoga kelgan dehqon, hunarmand va ishchilardan tashqari Eron jamiyatining boshqa ijtimoiy qatlamlaridan chiqqan Eron burjuaziyasi vakillari ham kelganlar. Boshqa tomondan, Markaziy Osiyoga kelib, ishlari yurishib, omadi kulib boqqan eronliklar ham burjuaziya qatorini to'ldirganlar⁶¹⁶.

Kaspiy orti viloyatida sanoat va tijorat burjuazisi ko'pmillatli bo'lib, ruslar bilan bir qatorni arman va ozarbayjon kapitalistlari, hamda Eronning turli viloyatlaridan kelgan savdogarlar tashkil etgan.

Samarqand, Sirdaryo va Farg'ona viloyatlarida rus korxona egalari va savdogarlardan tashqari iqtisodiy hayotda shakllanayotgan o'zbek burjuaziyasi katta rol o'ynagan, boshqa vaziyatlarda savdogar – eroniylar ko'zga ko'rinarli mavqe'ga ega bo'lgan. Masalan, Samarqandda aka-uka Tagiyev, Rizayev va boshqalarga katta-katta choy qadoqlash korxonalari tegishli bo'lgan.

Krasnovodsk, Marv, Chordjo', Samarqand va Markaziy Osiyoning boshqa shaharlarida Eron burjuaziyasining boy vakillari: savdogarlar, uy, magazin, karvon – saroy, xammom, choy qadoqlovchi korxonalar egalari istiqomat qilishgan. Ashxobodda boy eroniy savdogarlar hatto shahar dumasiga saylangan⁶¹⁷.

Shunday qilib, XX asrning boshlarida Markaziy Osiyoda Eron jamiyatining deyarli barcha tabaqa vakillari bo'lib, Markaziy Osiyoda ular o'zlariga o'xshash mahalliy xalqning sinfiy va ijtimoiy tabaqalariga qo'shilganlar. Ma'lumki,

⁶¹⁴ Batafsil qarang: Ivanov M.S. Babidskiye vosstaniya v Irane (1848-1852). – M-L.: Izd. AN SSSR, 1939. – S. 127-131.

⁶¹⁵ Obzor Zakaspiyskoy oblasti za 1909 god. – Ashxabad, 1911. – S. 18.

⁶¹⁶ Matveyev A.M. Iz istorii iranskix revolyusionnykh organizatsiy... – S. 137.

⁶¹⁷ O'zbekiston Respublikasi Markaziy davlat arxivi. Fond I-I. Ro'yxat 31, ish 580. – V. 82-83.

Markaziy Osiyoda oddiy eronliklar rus burjuaziyasi, mahalliy boylar, o'zlarining boyib ketgan vatandoshlari tomonidan shafqatsiz talangan. Lekin bu eronliklar o'z vatanlarida shoh ma'muriyatining nazoratsiz va o'zboshimcha hokimiyati ostida edi. Shuning uchun Markaziy Osiyoga pul ishlash maqsadida kelgan eronliklar uchun begona yurtda yashash qulayroq bo'lgan. Ko'pchilik eronliklar Markaziy Osiyoda ko'p yillarga qolib, sharoitga ko'nikib, hunar egallab, Erondan o'z qarindoshlarini chaqirganlar, oila qurganlar, rus tilini o'zlashtirganlar.

* * *

BUXORONING AN'ANAVIY TURARJOYLARI – ETHNOGRAFIK TURIZM OBYEKTI SIFATIDA

TRADITIONAL DWELLINGS OF BUKHARA AS AN ETHNOGRAPHIC TOURISM OBJECT

Shavkat Bobojonov,

TerDU mustaqil izlanuvchisi (DSc),

Nizomiy nomidagi TDPU dotsenti,

tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori

Маълумки, тураржойлар – аҳолининг эҳтиёжлари, жамики эстетик дидини намоён этувчи халқ меъморчилигининг асосий объекти ҳисобланган. Бугун шаҳар ва қишлоқларнинг шиддат билан ривожланиши халқ меъморчилигининг кўплаб намуналари, тарихий-архитектуравий ва бадий қизиқишларнинг йўқолиб боришига олиб келмоқда. Шу сабабдан уларни этнотуризм объекти сифатида сақлаб қолиш нафақат сайёҳликнинг ривожига, балки, халқнинг моддий маданияти, қадриятларининг сақланиши ва давомийлигига хизмат қилади.

Ўрта Осиё ҳудудларида тураржойлар қурилишининг турли шакл ва кўринишларини кўриш мумкин. Ўз навбатида ўтроқ ва кўчманчи аҳоли тураржойларининг қурлиши муҳаташам ва соддалиги, баланд ёки пастлиги, безак техникасининг бойлиги ёки фақирлиги билан фарқланиб туради.

Тураржойлар ўзига хос мураккаб маданий-хўжалик комплекс саналади. Улар халқлар турмуш тарзининг турли томонлари, яъни табиий муҳит, машғулот тури, хўжалик йўналиши, мулкӣ ва синфӣ муносабатлар, оилавий хўжалик шакли, урф-одат ва анъаналар, эстетик ва диний тасаввурлар билан боғлиқ. Буларнинг барчаси у ёки бу даражада тураржойларнинг безак ва интерьерига, ташқи кўриниши, ўлчови, шакли ва ҳажмига таъсир кўрсатади. Тураржой ва хўжалик бинолар XIX – XX аср боши ўзбек халқ меъморлари ишлатган қатор техник услублар ва қурилиш материаллари ҳақида тасаввур уйғотади. Ўрта Осиёда асосий қурилиш материаллари – пахса, гувала, лой ғишт, тош, чим, қамишдан азалдан фойдаланиб келинган. Уй пахсалари ва таянчлари учун оқ, қора ва мирза терак ишлатилган.

Қадимдан Ўзбекистонда тураржойлар қурилишида саккиз хил девор шакли: *пахса девор, гувала девор, гишт девор, синч девор, чим девор, том девор, кесак девор, шохдевордан фойдаланилган*⁶¹⁸.

Тураржойлар пойдевор устига тошни ёки хом гиштни бир қатор ёки икки қатор каркас тизими орқали ёғочлар орасига териш асосида барпо этилган. Гиштлар орасига қуюқ қоришма лой тўкиб чиқилган. Деворнинг ташқи томони сомон қўшилган лой билан суваб чиқилган. Шифт ва том болордан иборат бўлиб, қамиш билан ёпиб олинган. Мазкур оддий воситалар қўп миллатли Ўрта Осиё халқларининг бой ижодий фантазияси ва дидига кўра ўзгариб турган⁶¹⁹.

Бухорода аҳоли хонадонларини қуриш борасида катта тажриба орттириб, ўз мактабини яратган. XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро шаҳрида 11 420 та тураржой ҳовлилари бўлиб, 68 500 нафар аҳоли истиқомат қилган⁶²⁰. Бухоронинг анъанавий тураржойлари қурилишида ҳудуднинг асосий хусусиятлари - экстремал табиий иқлим, қуруқлик, камсувлик ва жазирама иссиқ элементлари инобатга олинган. Уйларнинг қурилиш лойиҳасига кўра хоналарнинг аниқ йўналишлари танланган. Масалан, ёзги хоналар шимолга, қишки хоналар жанубга қараб қурилган.

Бухорода аҳоли хонадонларининг асосий таркибий қисмлари ичкари ҳовли (*дарун*), очиқ терраса (*суфа*), айвон, эркаклар учун *болохона*, меҳмонхона, тандирхона, ташқари ҳовли (*берун*), отхона (*саусхона*), қудук, *долон* (кириш йўлаги) ва дарвозахонадан иборат бўлган. Айрим ҳолларда тандир қишқи ошхонадан ўрин олган. Бундай ҳолларда тутун чиқиши учун ошхона устига қопқоқ – хаштак тайёрланган.

Бухороликларнинг хонадонлари ривожланган анъанавий схемага монанд бўлиб, қатор ҳудудий хусусиятлар инобатга олинган. Аёллар жамоаси учун мўлжалланган ҳовли иккита қисмга бўлинган. Уларнинг ёзги қисми “*хонаи тобистони*” ёки “*хонаи рўйба боло*” деб номланиб, мазкур хоналар шимолга қаратиб қурилган. Ёзги қисмга қарама қарши томондаги хоналар “*хонаи зимистони*” деб номланган ва қиш фаслида яшашга мосланган. Мазкур хоналар ҳовлининг жануб томонида қурилган. Баъзи ҳолларда қулайлик нуктаи назардан қишки хоналар ҳовлининг ғарбий ёки шарқий томонида барпо этилган⁶²¹.

Меҳмонхона – анъанавий меҳмондорчилик мақсадидаги хона ҳар бир бухоролик ҳовлисининг тантанавор қисми бўлиб, асосан ичкари ҳовлида жойлашган. Мазкур хона хонадон соҳибини имконияти қараб безатилган. Меҳмонхоналарнинг бир ёки икки четида 1,8-2 метр баланликда шахнишин

⁶¹⁸ Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков конец XIX – начало XX в. – Ташкент: Фан, 1981. – С.33.

⁶⁴⁴ Постановление кабинета министров при президенте Узбекской ССР о преобразовании института востоковедения при ТашГУ им. В.И. Ленина в Ташкентский государственный институт востоковедения г. Ташкент, 15 июля 1991 г., № 186.

⁶⁴⁵ А.Муминов. Роль и место ханафитских улама в жизни городов Центрального Мавараннахра (8-13 вв.). Дис..на соиск. степени док.ист.наук. –Т.:ТИУ, 2003; Бабаджанов Б.М. К вопросу о восприятии статуса суфийского шайха (на примере Х'аджа Ахрара).// *Arabia Vitalis. Арабский восток, ислам, древняя Аравия / Сб. статей, посвященный 60-летию В.В. Наумкина.* – М.: Восточная литература, 2005.; А.Хасанов. *Қадимги Арабистон ва илк ислом: жоҳилия асри.* – Т.:ТИУ,2001; Мунавваров З.И., Хасанов А. Ислам: Ханафийлик ва ваххобийлик. – Т.: Мовароуннахр, 1998; Мунавваров З.И Страны Аравийского полуострова в международных политических и экономических отношениях 20 века: Автореф. дис. док. полит. наук. – Т.: ТашГИВ, 1997; Мунавваров З. Узбекистан и Арабский мир: перспективы сотрудничества. – Т.:Фан, 1997; Абдисатторов А.А. Форс кўрфази араб давлатлари ташки сиёсатида "ислом омили"нинг сиёсий таҳлили: Сиёс.ф.н. олиш учун дис. автореферати. – Т.:ТошДШИ, 2005;

нынешних дней вносят огромный вклад в определении и анализе новейших феноменов арабо-мусульманской культуры.

Арабо-мусульманская культура – это комплекс духовных и материальных достижений народов исламского мира, включающий науки, искусства, ремесла, материальные артефакты и других агрегатов как арабской, так и исламской культуры. Под арабо-мусульманской культурой можно понимать способ осмысления мира, находящий свое выражение в картине мира и определенной эпистеме⁶⁴⁶. Излагая чёткое определение к термину можно исходить, что изучение данной тематики не ограничивается не территориально и не хронологически. Однако, для более рационального понимания исследования в данной теме необходимо бесприкословное разграничение в объекте изучаемой работы. Так как наш объект в этой теме период Независимого Узбекистана, следовательно, изучение посредством работ историографов и историков арабо-мусульманской культуры. В рассмотрении проблемы пренебречь методологическими изысканиями не свойственно, в связи с этим, для полного погружения в тематику и объективной оценки следует обратиться к методу системного подхода и других междисциплинарных методов. Как само понятие, так его толкование нужно понимать резюмированную конъюнктуру культурологического характера в методе индукции.

В раскрытии научного представления в области арабо-мусульманской культуры и мира вообще в Узбекистане немаловажные научные работы представляет учёный Хасанов Ахаджон Ахмаджонович (29 марта 1940 г., город Пискент) – профессор, доктор исторических наук в Международной исламской академии Узбекистана. Работа Хасанова под названием «Қадимги Арабистон ва илк ислом: жоҳилия асри» играет важную роль в изучении арабо-мусульманской культуры до возникновения ислама на территории Хиджаза. Особенно интересна 4 глава данной книги, где автор раскрывает историю доисламских религий на территории арабского полуострова⁶⁴⁷.

Для подтверждения научных данных Хасанова А.Х. можно сделать сравнительный анализ из работ зарубежных ученых из университетов Базельского, Бернского (Швейцария), Принстонского, Массачусетского, Миннесоты (США), Сианьского (Китай) и Рединга (Великобритания), исследование которых опубликовано в журнале Science⁶⁴⁸ и других изданий. Исследовательская деятельность Хасанова А. Х. продолжается и по сей день, что может в дальнейшем развить данную тему в более масштабном виде для научных представителей Узбекистана и мира. Тем самым примечательны ныне проводимые работы, которые в процессе изучения дают всё более убедительные представления об арабо-мусульманской культуре, ведь

Исмоилова Д.А. Роль и место ислама в общественно-политической и духовной жизни народов Туркестана (конец XIX- начало XX вв.): Автореф. дис.канд. ист. наук. – Фергана: ФерГУ, 2006.

⁶⁴⁶ Смирнов А.В. История арабо-мусульманской философии: Учебник и Антология. М.: Академический проект: ООО «Садра», – 2020. – С. 9.

⁶⁴⁷ Хасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом: жоҳилия асри. –Т.:ТИУ, 2001. С.2.

⁶⁴⁸ [Science | AAAS](#) (Дата обращения: 18.10.2024)

исламские культурные ценности и традиции, то огромное духовное наследие, оставленное мировым исламом, во многом определяют не только вклад в историческое развитие нашего региона, но и ныне формирующийся его качественно новый облик в гармонии с доисламским периодом. Народ Узбекистана за то, чтобы религия продолжала выполнять роль приобщения населения к высшим духовным, моральным и нравственным ценностям, историческому и культурному наследию.

* * *

O‘ZBEKISTONDAGI SHIA JAMOALARINING MUQADDAS JOYLARI VA ZIYORATGOHLARI

SACRED SITES AND PILGRIMAGE PLACES OF SHI‘A COMMUNITIES IN UZBEKISTAN

Nig‘matullayev Ibrohim,
*O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi
tayanch doktoranti*

O‘zbekistondagi shia jamoalarining muqaddas joylari va urf-odatlarini ta’riflashdan oldin dastavval ushbu muqaddas joylar va urf-odatlarining kelib chiqishi tarixiga nazar tashlash lozim hisoblanadi. Zero, hozirgi paytga kelib, ushbu muqaddas joylar va ularda bajariladigan marosimlarga zamonaviy shia jamoalari tomonidan qay tarzda amal qilinishini qiyosiy tarzda ko‘rish mumkin.

Buxoro eroniylari tomonidan hurmatga sazovor bo‘lgan muqaddas joylarni ko‘rib chiqishga kelsak, “umumshia” va mahalliy qismlarga bo‘linishni ta’kidlash joiz hisoblanadi. Jamoaning ayrim a’zolari o‘z ismlariga “karbaloiy” yoki “mashhadiy” so‘zlarini qo‘shib aytadilar, bu ularning Erondagi Mashhad, Iroqdagi Karbalo va Najaf shaharlariga ziyoratga borganligini anglatadi⁶⁴⁹.

Boshqa tomondan, shialar uchun yuqorida aytib o‘tilgan asosiy muqaddas qadamjolarining uzoqda joylashganligi sababli, buxoro eroniylari uchun mahalliy mozorlar, sunniylarning avliyolari va sahobalarning maqbaralari ziyoratgoh vazifasini o‘tab, Buxoro atrofidagi Bahouddin Naqshband maqbarasi ular orasida eng mashhurlaridan biri hisoblanadi.

Buxoro eroniylarining markaziy masjidlaridan biri Xoji Mir Ali va undagi husayniyaxona hisoblanadi. Shia imomlari hisoblangan Muhammad Al-Bakir va Jafar as-Sodiqning ziyoratgohlari shaharning janubi-sharqida, Xoji Mir Ali masjididan unchalik uzoq bo‘lmagan yerda joylashgan⁶⁵⁰. Unga tashrif buyuruvchilarning ma’lumotlariga ko‘ra, yuqorida keltirilgan ikki shia imomining

⁶⁴⁹ Аверьянов Ю., Сеитов Э. Обрядовая жизнь шиитов ирони Бухары по данным полевых исследований // Оазисы Шелкового пути: современные проблемы этнографии, истории и источниковедения народов Центральной Азии: К 100-летию доктора исторических наук Балкис Халиловны Кармышевой, 2018: сб. науч. ст. / отв. ред. Котюкова Т.В. – М., 2018. – 848. – С. 767.

⁶⁵⁰ O‘sha manba. – B. 767.

qabri ramziy bo'lib, Madinadagi (Saudiya Arabistoni) ular dafn etilgan Jannat al-Baqiy qabristonidan olib kelingan bir hovuch xoki bu yerga ko'milgan.

Bugungi kunda mozar yangidan qurilgan majmua bo'lib, u asosan diniy va xotirlash marosimlarini o'tkazishga xizmat qiladi. Majmua g'ishtli devor bilan o'ralgan bo'lib, u imomlarning "ramziy" qabrlari, marosim amaliyotlari uchun qo'shimcha 3 ta xona va bog'dan iborat hisoblanadi. Majmuaning chap tomonida joylashgan hovlida maqbara joylashgan. Dafn etilganlarning maqbarasi ustiga moviy gumbaz o'rnatilgan. Majmuaning ichki tomonida 12 ta shia imomining ismlari, "Ahl al-bayt" va shialarning kalimayi shahodati yozilgan. Hovlidagi devorlar o'n ikkita konussimon tokchalardan iborat. Ichkari hovlida "Ashuro" va "Vafot" kunlarida tadbirlar o'tkaziladigan xonada shia diniy atributlaridan (zinjir zanjirlari, shia imomlari tasvirlangan gobelenlar va boshqalar) tashqari, boshqa qimmatli ashyolar ham mavjud bo'lib, eski husayniyaxonadan qolgan eski toshbosma (litografik) rasmlar hisoblanadi.

Litografiyalarning birida shia imomlari dafn etilgan joylarining to'liq ro'yxati an'anaviy qo'lyozma kitob shaklida berilgan. Har bir imomning ismi maqbara tasvirining o'ngdan pastki chap burchakda arab alifbosida yozib qo'yilgan. Ma'lumot beruvchining so'zlariga ko'ra, o'tgan asrning 30-yillarida yopilgan eski husayniyaxonadan saqlanib qolgan yagona qimmatli buyum hisoblanadi⁶⁵¹.

Agiografik ma'lumotlarga ko'ra, Buxorodan 130 km uzoqlikda joylashgan Navoiy viloyati Debaland qishlog'i yaqinidagi Imom Hasan, Imom Husayn va Imom Muhammad Hanafiyya qadamjolari ham shialarning muqaddas joylaridan biri hisoblanadi.

Ali (r.a.)ning o'g'illari maqbarasida g'ishtdan qurilgan yangi binoda o'lchami taxminan 3-8 metr bo'lgan ikkita xona mavjud bo'lib, uning kirish qismida imomlarning ismlari va tug'ilgan yillari yozilgan qora marmardan yasalgan lavhalar o'rnatilgan. Xonalar ichidagi qabrlar (sag'ana) usti uzun baxmal mato bilan qoplangan. Imom Hasanning sag'anasi yashil baxmal bilan, Imom Husaynniki esa qizil baxmal bilan o'ralgan. Har bir xonaning chap burchagida panja ko'rinishidagi tug' osilgan bo'lib, unda arab tilida oltin iplar bilan qora baxmalga "Alloh" so'zi yozilgan. Xona shifting pastrog'i suratli gilam (katibe yoki xashiye sotun) bilan bezatilgan bo'lib, unda qora va yashil rangdagi arabcha yozuv bilan "Ya o Abdullo Husayn" ("ey Allohning quli, Husayn") deb yozilgan. Yuqorida aytib o'tilgan suratli gilamlar (katibelar), birinchi navbatda, shia marosim joylariga xos bo'lib, aynan ular Eron, Ozarbayjon, Iroq, Afg'onistondagi husayniyaxonani, "Ashuro" marosimi vaqtida oddiy aholining uylarini, shuningdek, shabih⁶⁵² teatrlashtirilgan tomoshalari o'tkaziladigan xonalarni bezaydi⁶⁵³.

⁶⁵¹ Аверьянов Ю., Сеитов Э. Обрядовая жизнь шиитов ирони Бухары по данным полевых исследований // Оазисы Шелкового пути: современные проблемы этнографии, истории и источниковедения народов Центральной Азии: К 100-летию доктора исторических наук Балкис Халиловны Кармышевой, 2018: сб. науч. ст. / отв. ред. Котюкова Т.В. – М., 2018. – 848. – С. 767.

⁶⁵² Shabih - Dog'iston teatrlashtirilgan san'ati

⁶⁵³ Аверьянов Ю., Сеитов Э. Обрядовая жизнь шиитов ирони Бухары по данным полевых исследований // Оазисы Шелкового пути: современные проблемы этнографии, истории и

Yana bir muqaddas joylardan biri Samarqanddagi Imom Ali Al-Rido maqbarasi bo'lib, tarixiy afsonalar bu joyni o'n ikki shia imomidan sakkizinchisi bilan bog'laydi, ammo rasmiy dafn etilgan joyi Mashhad hisoblanadi. Mazkur joy shia jamoalari uchun ziyoratgohga aylangan.

Xulosa qilib aytganda, mazkur ziyoratgohlar nafaqat shialar uchun, balki barcha musulmonlar uchun muhim bo'lib, tarixiy va ma'naviy merosning ajralmas qismini tashkil qiladi. Ushbu ziyoratgohlarning ahamiyati ularning turli urf-odatlar va mintaqalardan kelgan ziyoratchilarni birlashtiradi. O'zbekistondagi shia jamoalari ziyoratgohlari o'tmish va hozirgi zamon o'rtasidagi aloqani saqlashga xizmat qiladi.

* * *

БАДРУДДИН МУҲАММАД КАРДАРИЙ ЯШАГАН ДАВРДА ИЛМ ВА МАДАНИЯТ

SCIENCE AND CULTURE DURING BADR AL-DIN MUHAMMAD KARDARI'S LIFE

*Есенгелди Низаматдинов,
ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими
Қорақалпоқ табиий фанлари
илмий-тадқиқот институти,
тарих бўлими таянч докторанти.*

Алломанинг тўлиқ исми шарифи – Бадруддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдулкарим Кардарий Ҳанафийдир. У зот Ховаҳарзода номи билан ҳам машхур бўлган ⁶⁵⁴. Ховаҳарзода форс тилидан таржима қилинганда опасининг ўғли деган маънони ифодалайди. Бадруддин Кардарий шайх Шамсуддин Кардарийнинг ⁶⁵⁵ жияни бўлганлигидан, уни тоғасига нисбатан Ховаҳарзода, яъни Шамсуддин Кардарийнинг опасининг ўғли деб аташган. Бундан ташқари манбаларда мазкур аллома Бадруддин лақаби билан аталган. Замонасида пешқадам фақиҳлардан бўлганлиги учун Бадруддин, яъни диннинг тўлини ойи деб мадҳ қилинган.

Алломанинг туғилган йили ҳақида маълумотлар топилмаган. Лекин ҳижрий 651 йилда вафот этгани ҳақидаги маълумотлар манбаларда

источниковедения народов Центральной Азии: К 100-летию доктора исторических наук Балкис Халиловны Кармышевой, 2018: сб. науч. ст. / отв. ред. Котюкова Т.В. – М., 2018. – 848. – С. 768.

⁶⁵⁴Ақрий Ҳанбалӣ, Абдулҳай ибн Аҳмад ибн Муҳаммад. Шазратуз-Заҳаб фи Аҳбор мин Заҳаб. Таҳрир: Абдулқодир Ал-Арноут ва Маҳмуд Ал-Арноут. – Дамашқ: Ибн Касир нашриёти, 2008. 5-жилд. – Б.256.

⁶⁵⁵Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Насруллоҳ, Абу Муҳаммад Қураший Ҳанафий. Ал-Жавоҳир ал-Мудийя фи Табақот ал-Ҳанафийя. – Ҳайдаробод: Мир Муҳаммад нашриёти, 2000. 1-жилд. – Б.236.

мавжуд⁶⁵⁶. Бундан маълум бўладики, аллома яшаган замон Аббосийлар сулоласининг сўнгги даврларига тўғри келади.

Аббосийлар даври охирида ислом олами заифлик, бўлиниш ва инқирозга учраганига қарамай, ушбу даврда Бағдодда ва Аббосий халифалигидан мустақил бўлган давлатларда, масалан, Ғазнавийлар, Фотимийлар, Айюбийлар, Умавийлар Андалусияда, Мурабит ва Муваҳхидлар Шомда илмий юксалиш ва фаол фикрий ҳаракат қилишган.

Ислом мазҳабларидан бир қанчасининг маданият ва илми ўз мақсадларига эришиш воситаси сифатида қабул қилгани ушбу илмий юксалишда муҳим роль ўйнади. Ўша даврда фаолият кўрсатган олимлар қолдирган мерос бунинг исботидир.

Ислом маданияти марказлари орасида Исфаҳон ва Рай шаҳарлари олимларни ўзига жалб қилган эди. Бувайхийлар сулоласининг ҳам у ерда маданий маркази бўлиб, олимлар ва адабиётчиларнинг зиёрат қиладиган масканига айланган. Шунингдек, Бухородаги Сомонийлар саройи ва Хуросоннинг пойтахти Марвдаги Салжукийлар саройи ҳам шундай марказлардан эди⁶⁵⁷.

Ёқут Ҳамавий⁶⁵⁸ Марв шаҳри бошқа ҳеч бир шаҳарга ўхшамаган даражада фозиллар, дин уламолари ва етакчиларни ислом оламига етказиб берганини қайд этади. Унинг сўзларига кўра, у ерни татар (мўғул-татар) хужумлари сабабли 616 ҳижрий йилда тарк этганида, шаҳарда 10 та вақф кутубхона бор эди. Улар миқдор ва сифат жиҳатидан дунёда тенгсиз эди⁶⁵⁹.

Мисрда Аҳмад ал-Азҳар муҳим маданият ва илм маркази бўлиб, Айюбийлар бу ерда носирия, кумхия, сайфия ва 580 ҳижрий йилда ташкил этилган фозилия каби мактабларни қуришга катта эътибор берган. Уларнинг кутубхонасида 100 мингга яқин китоб сақланган. Айюбийлар даврида ташкил этилган мактаблардан бири – “Дор ул-ҳадис” (“Ҳадис маркази”) бўлиб, уни ҳукмдор Комил қурган⁶⁶⁰.

Шунингдек, Аббосийлар тиббиёт фанларини тарқатишга катта эътибор қаратган бўлиб, тиббий мактаблар ва шифохоналар ташкил этган ҳамда барча мамлакатлардан келган шифокорлар ҳаж мавсумида йиғилиши учун тиббий конференциялар ўтказишни тарғиб қилган. Шарқда Бағдод ва Ғарбда Қуртуба Ислом тиббиёти маданиятининг энг муҳим марказларидан бири бўлган.

Бундан ташқари, диний, илмий, адабий ва бошқа турли китобларга бой кутубхоналар ислом маданиятининг муҳим марказлари ҳисобланган.

⁶⁵⁶ Бадруддин Айний. Иқд ал-жамъан фи тарих аз-заман. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал васоик ал-ковмия, 2009. 1-жилд. – Б.437.

⁶⁵⁷ Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Тарихул ислом. – Қоҳира: Мактаба ат-тавфиқия, 2006. 4-жилд. – Б.398.

⁶⁵⁸ Ёқут ал-Ҳамавий: ишончли тарихчи ва географ, аслида румлик бўлган. У Ҳамадондан келган савдогар томонидан сотиб олинган. Унинг "Муъжам ал-булдон" ва "Муъжам ал-удабо" асарлари бор.

⁶⁵⁹ Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-Булдан. – Байрут: Дар Содир, 1990. 5-жилд. – Б.132.

⁶⁶⁰ Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Тарихул ислом. – Қоҳира: Мактаба ат-тавфиқия, 2006. 4-жилд. – Б.403.

Масалан, Аббосийлар томонидан турли китоблар билан бойитилган “Байт ул-ҳикма” (“Донишмандлар уйи”) кутубхонаси 656 ҳижрий йилда татарлар Бағдодни эгаллаганига қадар мавжуд бўлган. Шунингдек, “Дор ул-илм” кутубхонаси 100 минглаб асарларни ўз ичига олган бўлиб, одамлар у ердаги қоғоз ва қаламлардан бепул фойдаланиб, нусха олиш ва тадқиқот қилиш имконига эга бўлганлар.

Шунингдек, Қуртуба масжидлари илм манбаидан баҳра олиш учун келган европаликларни ўзига жалб қилган.

Мўғул-татар ҳужуми даврида эса илм ва адабиёт марказлари Аббосийлар давридаги Бағдод, Бухоро, Нишопур, Рай, Қуртуба ва Ишбилия каби шаҳарлардан Қоҳира, Искандария, Асют, Файюм, Димашқ, Ҳомс, Ҳалаб, Ҳама ва Миср ҳамда Шомдаги Мамлук султонлари ва қолган Айюбийлар қўлидаги бошқа шаҳарларга кўчди. Бу шаҳарлар Хуросон, Форс ва Ироқни эгаллаб олган мўғуллардан қочган араб тили вакиллари учун ягона паноҳ бўлди. Шунинг учун ҳам бу ерларда ўша даврнинг кўплаб шоирлари, адиблари, табиблари ва бошқа илм аҳли етишиб чиққан.

Катта кутубхоналар сони эса мўғул-татарлар томонидан ёқиб юборилиши ва сувга ғарқ қилиниши сабабли қисқарган. Жанговар Чингизхон Бухоро, Нишопур ва Форсдаги бошқа илм марказларида жуда кўп кутубхоналарни йўқ қилган бўлса, Ҳулоку Бағдоддаги илм китобларини барбод қилган.

Мактаблар эса Миср ва Шомда кўпайди, энг муҳимлари эса Қоҳира ва Димашқда жойлашган эди. Шомда биринчи бор мактабларни султон Нуриддин Занкий 569 ҳижрий йилда қурган ва ундан кейинги подшоҳлар ва султонлар унга эргашган. Мактаблар ўз мазҳаблари ва мақсадларига кўра фарқ қилган: тафсир, ҳадис ёки фикҳ учун (ҳанафий, шофеъий, моликий ёки ҳанбалий мазҳаблари), тиббиёт, фалсафа ёки математика учун ихтисослашган. Бу ислом мактабларидан кўплаб уламолар етишиб чиққан. Қоҳирадаги энг машҳур ислом мактабларидан бири бўлмиш Азҳари Шариф катта университетга айланиб, у ерда талабалар тавҳид, фикҳ, тилшунослик, наҳв, баён, тиббиёт ва бошқа фанларни ўрганганлар⁶⁶¹.

Мовароуннаҳр мактабларидан – Насафийнинг юртида – Ийзаж⁶⁶² шаҳарчасидаги Отабекия мактаби, Кулободдаги⁶⁶³ Муктадайя мактаби, 670 ҳижрий йилда қурилган мактаб, ва Кирмоннинг⁶⁶⁴ Бардушохр шаҳридаги Қутбий Султоний мактаблари бор эди.

⁶⁶¹Журжи Зайдон. Тарих адаб ал-луғат ал-арабия. – Қоҳира: Муассаса ал-ҳиндавий, 2013. 2-жилд. – Б.121.

⁶⁶²Ийзаж: Хузистон ва Исфохон ўртасидаги қишлоқ, Самарқанд тоғлари яқинида жойлашган, зилзилалар кўп содир бўладиган ҳудуд бўлиб, кўплаб қонларга эга. Қаранг: Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-Булдан. – Байрут: Дор Содир, 1990. 1-жилд. – Б.432.

⁶⁶³Кулобод: Бухородаги маҳалла. Қаранг: Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-Булдан. – Байрут: Дор Содир, 1990. 4-жилд. – Б.536.

⁶⁶⁴Кирмон: Эрондаги муҳим савдо шаҳри бўлиб, пахта ва ёғоч тўқималари ҳамда гилам ишлаб чиқариш билан машҳур. Қаранг: Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-Булдан. – Байрут: Дор Содир, 1990. 4-жилд. – Б.515.

Бу илмий ривожланиш билан бирга, ижодий янгиликдан кўра, йиғиш ва шарҳлаш хусусияти устун бўлган. Бу даврда энциклопедиялар ва луғатлар кўпайган, масалан:

Шиҳобиддин Аҳмад Нурийнинг (ваф. 732 х) “Нихоя ал-Араб” энциклопедияси.

Ибн Мансурнинг (ваф. 711 х) “Лисон ал-Араб” энциклопедияси.

Ибн Халликоннинг (ваф. 681 х.) “Вафоят ал-Аъён” асари тарихий луғатдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқорида келтирилган маълумотлардан маълум бўлганидек, Бадруддин Муҳаммад Ховаҳарзода Кардарий яшаган давр Аббосийлар сулоласининг интиҳоси даврига тўғри келса ҳам илм-фан, маданият ривожланган давр сифатида зикр қилинади. Зеро, аллома мана шундай оғир даврда ҳам кўплаб асарлар ёзган ва шогирдлар тарбия қилган. Буни биз алломанинг биргина шогирди, фақих ва муфассир аллома Абул Барокат Насафий тимсолида ҳам кўришимиз мумкин.

Имом Бадруддин Кардарий ҳижрий 651 йилда вафот этган. Буни Ибн Камол Пошо зикр қилган. Жавоҳир асарида ҳам шундай, у 651 ҳижрий йилнинг Зулқайда ойида вафот этган ва ўз ҳоласининг қабри ёнида дафн этилган⁶⁶⁵, дейилган.

* * *

ABU BAKR MUHAMMAD NARSHAKHIYNING “BUKHORO TARIXI” ASARI -O‘ZBEKISTON TARIXINI O‘RGANISHDAGI MUHIM MANBA

HISTORY OF BUKHARA BY ABU BAKR MUHAMMAD NARSHAKHI – AN IMPORTANT SOURCE FOR THE STUDY OF UZBEKISTAN’S HISTORY

Nursultonxon Abdumannonov Shukrullo o‘g‘li
Oriental Universiteti I bosqich magistranti

Илм-маърифатга интилиш бу халқнинг азал-азалдан қон-қонига сингиб келган. Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев ҳам бу ҳақда: “Биз буюк давлат, буюк тарих буюк маданиятни яратган халқмиз,” деб айтган. Илму маърифатга интилиш сабабли Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Насаф, Термиз, Шош, Марғилон каби шаҳарлар илм марказларига айланиб, ҳар бир соҳада, шу жумладан тарих соҳасида ҳам ўз даврининг забардаст олимлари етишиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг бу муқаддас заминимиздан етишиб чиққан аллома ва мутафаккирлар ҳаёти ва илмий меросини чуқур ўрганиш ҳамда уларнинг жаҳон тамаддунига қўшган

⁶⁶⁵ Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Насруллоҳ, Абу Муҳаммад Кураший Ҳанафий. Ал-Жавоҳир ал-Мудийя фи Табақот ал-Ҳанафийя. – Ҳайдаробод: Мир Муҳаммад нашриёти, 2000. 1-жилд. – Б.236.

ҳиссаларини тадқиқ этиб илмий асосда кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ишлаб чиқилган Қарор ва фармонлари ушбу мақоланинг асоси бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман⁶⁶⁶.

Ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, бунинг учун тарихни яхши ўргатиш, бу йўналишдаги илмий тадқиқотларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Мутасаддиларга Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.⁶⁶⁷

2022 йил 10 февралдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисида ПҚ-126-сон Қарори⁶⁶⁸. Ушбу Қарорларга кўра бугунги кунда бу заминдан етишиб чиққан ҳар бир улуғ аллома ва мутафаккирларимизнинг кўплаб бебаҳо асарларини, ноёб ёзма манбаларни сақлаш, ўрганиш ва келажак авлодга безавол етказиш, аجدодларимиз қолдирган бой илмий меросни тадқиқ этиш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш, шу жумладан дунё маданий меросини асосини ташкил қиладиган ноёб қўлёзма ва асори отиқаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан: Абу Бакр Муҳаммад Наршахий томонидан яратилган “Бухоро тарихи” асари Бухоро ва атроф ҳудудларнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий тарихини ёритишда энг қадимий ёзма манбалари ҳисобланади. Наршахий асарини IX–X асрлар оралиғида, яъни Сомонийлар даврида ёзган бўлиб, уни ўша даврдаги Бухоро воқеалари ҳақида батафсил маълумот берадиган тарихий манба сифатида қабул қилинади. Мазкур асар Бухоро шахрининг ижтимоий ҳаёти, аҳоли турмуши, ҳунармандчилик фаолияти, шаҳар инфратузилмаси ва бу ҳудудда мавжуд бўлган турли маданий таъсирларни қамраб олади.

Ҳозирда Наршахийнинг номи Ўрта Осиёнинг VIII–XII асрлар тарихига оид деярли барча илмий тадқиқот ишларида тилга олинади-ю, аммо Наршахийнинг ҳаётига оид бирор тўлиқ маълумот келтирилмайди.⁶⁶⁹ Бунга сабаб, Наршахийнинг ўз асарида ҳам ва унга яқин даврларда яшаган бошқа муаллифлар, Фақат Самъонийнинг “Китоб ул-ансоб” асарида унинг тўлиқ номи “Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн Хаттоб ибн Шарик” эканлиги ва у Бухоро аҳлидан бўлиб, 286 (899) йили туғилган ва 348 (959-960) йили вафот этганлиги баён қилинади⁶⁷⁰.

Наршахий Бухоронинг бошланғич ривожланиши ҳақида қимматли тафсилотларни келтириб, унинг қандай қилиб Шарқ маданий марказларидан бирига айланганини тасвирлайди. Асарда Бухоронинг тарихи ҳақидаги илк

⁶⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон ёшларининг биринчи форуми ҳамда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нуткидан. 19.01.2021.// <https://president.uz/uz/lists/view/4089>

⁶⁶⁷ <https://president.uz/uz/lists/view/4089>

⁶⁶⁸ lex.uz. <https://lex.uz/pdfs/5854226> // <https://www.gov.uz/uz>

⁶⁶⁹ Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё Олимлари Қомуси. - Тошкент, "Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази" нашриёти, 2007.-Б358.

⁶⁷⁰ «Бухоро тарихи»нинг Техрон нашрини (1939 йил) тайёрлаган Мударрис Ризавийнинг муқаддимаси.

маълумотлардан бири IV–V асрларда мис тангалар зарб этилганига доир маълумотлар билан бошланади. Бу тангалар Бухоронинг ўша даврда иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам бўлганлигини кўрсатади. Қадимги таналардаги ёзувлар ва белгилардан Бухоронинг буддизм таъсирида бўлган даврларини ҳам кузатиш мумкин, чунки шаҳарнинг номи “санамлар турган ибодатхона” маъносини англатади⁶⁷¹.

Наршахий “Бухоро тарихи”да Бухоро аҳолиси ва уларнинг ижтимоий ҳаётига оид кўплаб маълумотларни келтиради. У халқнинг урф-одатлари, диний маросимлари, меҳнат фаолиятига оид тафсилотларни бериб, шаҳарнинг ўзига хос ижтимоий тузилмасини акс эттиради. Асарда, хусусан, Сомонийлар давридаги аҳволга алоҳида эътибор қаратилади. Бу даврда Бухоро ислом оламининг илмий ва маданий марказларидан бирига айланган, шаҳарда илм-фан, адабиёт ва санъат ривожини юқори чўққига чиққан эди. Шу боис, асарда шаҳарнинг тарихий ривожланишида муҳим ўрин тутган Сомонийлар сулоласининг фаолияти ҳам ёритилади. Исмоил Сомоний ва унинг ворисларининг Бухорони сиёсий марказ сифатида мустаҳкамлаш учун қилган ишлари, диний ва маданий фаолиятларни қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари асарда кенг тасвирланади.

Наршахийнинг бу асари орқали Бухоронинг иқтисодий ҳолати ва савдо алоқалари ҳам ёритилади. У шаҳарни ривожлантирган савдо йўллари, жумладан, Буюк ипак йўлини эслаб ўтиб, бу йўл орқали Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа минтақалар билан олиб борилган савдо алоқаларини тавсифлайди. Наршахийнинг ёзишича, Бухоро шаҳридаги ҳунармандчилик ва савдо фаолияти ривожланиб, шаҳар минтақанинг савдо ва иқтисодий марказларидан бирига айланган эди.

“Бухоро тарихи” асарида Бухоронинг илмий ва диний марказ сифатида ривожланиши ҳақида батафсил маълумотлар келтирилади. Наршахий ушбу асарда шаҳарда пайдо бўлган мадрасалар, масжидлар, исломий илмий марказлар ва мусулмон олимларининг фаолиятини таърифлайди. Жумладан, Бухорода буюк аллома Имом Бухорий яшаганлиги, шунингдек, бу ерда илмий ва диний муассасалар сони ошиб бораётганлиги келтирилади. Шаҳар ислом таълими ва маърифатининг маркази сифатида танилганлиги туфайли, у ерга узоқ-яқин ўлкалардан талабалар ва уламолар келиб ўқишган ва ўқитишган.

Асарда Бухорода турли ижтимоий табақалар ўртасидаги муносабатлар ва турмуш тарзига доир муҳим маълумотлар берилади. Бухоро жамоасининг тузилиши, савдогарлар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва турли ижтимоий қатламларнинг ҳаёти, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам тасвирланади. Шунингдек, Наршахий Бухоронинг ташқи алоқалари ва минтақа халқлари билан муносабатлари ҳақида ҳам қимматли маълумотларни келтиради. Асарда Ҳиндистон, Эрон, Хитой ва бошқа давлатлар билан олиб борилган иқтисодий ва дипломатик алоқалар ҳақида ҳам сўз юритилади. Бу

⁶⁷¹ Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. –Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 1990.

маълумотлар орқали Бухоронинг нафақат ички ҳаёти, балки халқаро майдондаги мавқеи ҳам акс эттирилади.

“Бухоро тарихи” асарида ижтимоий тузилма билан бир қаторда, шаҳардаги ҳуқуқий муносабатлар ҳам акс эттирилган. Наршахийнинг ёзишича, шаҳар ҳаётини назорат қилиш учун марказлашган бошқарув ва қонун-қоидалар амал қилган. Бу қонунлар жамиятнинг турли табақаларига таъсир кўрсатиб, уларнинг ижтимоий муносабатларини тартибга солиб турган. Бу асар орқали Бухоро ва атрофидаги ҳудудларда юз берган йирик тарихий воқеалар, масалан, араб истилоси ва исломнинг кириб келиши, унинг маҳаллий аҳоли ҳаётига таъсири ҳам ёритилган. Наршахий Бухорода содир бўлган айрим исёнлар, жумладан, арабларга қарши кўтарилган кўзғолонлар ҳақида ҳам маълумот беради⁶⁷².

Мазкур асар нафақат Бухоронинг маҳаллий тарихи, балки бутун Мовароуннаҳр ва Ўрта Осиё тарихи учун ҳам нодир манба ҳисобланади. Наршахийнинг ёзишича, Бухоро араб халифалиги ҳукмронлиги даврида исломий маданиятнинг кенг тарқалишида муҳим аҳамиятга эга шаҳар ҳисобланган. Бу даврда Бухоро маънавият ва маданият марказларидан бирига айланган. У нафақат Мовароуннаҳр, балки Хуросон ва Татаристон ҳудудларида ҳам илм-маърифатнинг шаклланишида асосий рол ўйнаган.

* * *

OTA-ONA VA FARZAND MUNOSABATI MUAMMOSINI O'RGANISH VA BOLALARNING SHAXSIYATINI SHAKLLANTIRISH OMILLARI

STUDYING THE ISSUE OF PARENT-CHILD RELATIONSHIPS AND FACTORS IN SHAPING CHILDREN'S PERSONALITIES

Nigmanova Hilola Mirkamilovna,
Alfraganus universiteti
Pedagogika va psixologiya yo'nalishi
3-bosqich talabasi

Дунёга келган ҳар бир фарзанд оила деб аталмиш муқаддас даргоҳда онасидан поклик ҳалоллик, меҳнатсеварлик. Ватанпарварлик, таълим ва тарбия, одоб ва ахлоқ қоидаларини, урф одат ва қадриятларни ўрганади.

Оила - бу бир кунлик, бир йиллик эмас балки бир умрлик макондирки, бу маконда ҳар кун, ҳар соатда, қанчадан қанча воқеа ҳодисалар, янгидан янги ташвишу қувончлар содир бўлади.

Фарзандга бериладиган тарбия дастлаб оила муҳотида бажариладиган энг асосий вазифадир. Фарзандлар ўз уйларида кузатган маънавий муҳитдан нусха оладилар. Бизнинг фикримизча ҳам ота-она фарзандлар тарбияси билан дойимий равишда қизиқиб. Ҳатти-ҳаракатлари билан ўртоқлашиб

⁶⁷² <https://bugun.uz/buhoro-zbekiston-tarihidagi-ilk-pohtahtdir>

алоқаларни ўрнатиб бориши ижтимоий муҳитдаги ижобий муносабатларга олиб келади.

Оилавий муносабатларнинг мустаҳкам педагогик, психологик асосда, ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббатга асосланиши жамият тараққиётини белгиловчи омиллардан биридир. Оиладаги муносабатлар асосан ота ва онанинг оиладаги роли ва муносабатлари билан белгиланади, бу муносабатлар оила мустаҳкамлигига ҳам фарзандар тарбиясига ҳам аълоҳида таъсир кўрсатади.

Аҳмад Дониш оилавий бахт кўпроқ хотинларга боғлиқ. Чунки эркак учун солиҳа хотиндан ортиқроқ ҳеч бир неъмат йўқдир. Оиладаги иноқлик, тотувлик, саранжомлик улар кўлидадир, деган фикрларни ҳамда оила қуриш мотивларини кенроқ ёритиб беради.

Оилавий муносабатлар нуқтаи назаридан ота-оналарнинг фарзандлари билан муносабатлари ҳам муҳимдир. Бу масала эрта ёшдан, мактабгача ёшдаги болалардан бошланади. Ота-она ва боламуносабатлари болаларнинг шахсиятини шакллантиришда, ақлий ривожланишида, атрофдагилар билан муомила ва хатти-ҳаракатларида, билиш фаоллигини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Бу муносабатлар боланинг оиладаги ўрнини аниқлашда, унинг қобилият ва кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Педагогик адабиётларда оиладаги нотўғри тарбиянинг асосий турларидан бири бўлган гипер-васийлик тури бўлган “ободат” турининг ўзига хос хусусияти тушунтирилади. Бундай муносабат туфайли у улғайгач ўз имкониятларини тўғри баҳолай олмайди, эгоцентризмни енгади, жамоа уни тушунмайди. Бу хис-туйғулар унга ёмон таъсир қилади. Натижада у ҳаммани айблайди, ҳатолари ҳақида умуман ўйламайди ва ҳатолар унда бир умрлик ёқимсиз туйғу, ҳаяжонли характери шакллантиради.

Ҳа. Оилада фарзандларни тўғри тарбиялаш ҳам оила, ҳам жамият учун муҳим. Атоқли педагог А.С.Макаренко “тўғри тарбия бизнинг бахтли келажагимиз, ёмон тарбия бизнинг келажақда кўз ёшларимиз. Изтиробларимиздир” деган эди. 1989 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг асосий ғояси- боланинг шахсияти. Конвенциянинг муҳим тамойили боларни ҳурмат қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Болалар ирқи, терининг ранги, жинси, келиб чиқиши ёки мулкӣ ҳолатидан қатъи назар, дунёнинг исталган нуқтасида ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Оилавий муносабатлар эр ва хотинга асосланади. Улар оиланинг эгизак қанотларидир. Дарҳақиқат, оилада ота-она асосий шахс бўлгани учун улар ўртасидаги муносабатлар фарзандларнинг бугуни ва келажаги учун йўл-йўриқдир. Хусусан, бу муносабатлар ўзбек оиласида кўпроқ эътиборни тортади. Ўзининг ўзиг хос туслари билан ажралиб турадиган, ўзбек оиласи илдиз, авлод ва фарзанд билан боғлиқ бўлгани учун ҳамиша ўзининг яхлитлиги ва улуғворлигида танлаб келган. Эр ва хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўзаро ҳурмат ва ғамхўрлик, самимийлик ва меҳр-оқибатга асосланади. Бинобарин, бир-бирининг обрўсини сақлаш, фарзанд тарбиясида умумий талабларни қутиш оилавий муносабатларнинг асосий омили

ҳисобланади. Инсон туғилгандан то умрининг охиригача тарбиявий таъсир доирасида яшайди. Педагогик-психологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, боланинг соғлом психологик ривожланиши учун унинг онаси билан мулоқоти айниқса дастлабки уч йил ичида муҳим аҳамиятга эга.

Агар она болага ҳурмат билан муносабатда бўлса, унга ғамхўрлик қилса, унга нисбатан қўпол сўз ва хатти-ҳаракатлардан сақланса, ота-онанинг кичик гаплари болага таъсир қилади., хатосини тан олади, ўзини яхши тутишга ҳаракат қилади. Шу маънода тарбия жарайнида ота-она ўртасида келишмовчилик бўлмаслиги. Улар бир-бирига зид келмаслиги керак. Оталар ва оналар ҳеч қачон фарзандлари билан баҳслашмасликлари, бир-бирларининг режалари ва фикрларини танқид қилмаслиги керак. Агар ота-оналар келиша олмасалар, улар ўз муоммоларини фарзандлари билан муҳокама қилмасликлари керак.

Жумладан ғарб ва шарқ мамлакатларининг ижтимоий ҳаётини тартибга соладиган муносабатларда тафовутлар бўлиб Европада демократик (хукуқий) масалалар устувор бўлса. Шарқ мамлакатларида эса диний ахлоқий нормалар билан тартибга солиш механизми юқори ҳисобланади. Бу борада “Ислом дининг муқаддас манбаларидан бўлмиш Қуръон ва Ҳадисларда ҳам одоб ахлоқ, аёлларнинг турмушдаги ўрни ва вазифалари, эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар, болалар тарбияси, оила юритиш, никоҳ ва муҳаббат масалаларига кенг ўрин берилган”.

Хусусан, Қуръони каримнинг Анфол сурасининг ўнинчи жузида *“Аллоҳга ва расулига итоат қилингиз ва низолашмангиз акс ҳолда сустлашиб кетурсиз ва бўйингиз (обрўйингиз) кетиб қолур. Сабр қилингиз”!* *“Албатта Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадур”* дейилган.

Бундан ташқари Кайковус ўзининг “Қобуснома” асарида фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўзаро муносабатлари, ўзаро ижобий қарашлари, шахсий наъмуналари каъби хислатлари билан зарурлигига тўхталган. “Қобуснома” асарининг асосий мазмуни фарзандлар ота-онани оила аъзоларини шунингдек, жаъмиятдаги барча инсонларни ҳурмат қилиш, ардоқлаш, эъзозлаш ҳамда ватанга содиқлик руҳида тарбияланиши ҳақидаги ғояларни баён этилган.

Тарбия кўрган бола ҳеч қачон ота-онасига қарши бормайди. Агар акси бўладиган бўлса, Ўз фарзандидан фақат салбий, зарарли муносабатларни кўрган ота-оналар уларга қарши дуоибад қилишга ҳам бориб қоладилар. Бир кун Ибни Муборак розияллоху анхунинг олдида бир одам боласидан шикоят қилиб келади. Шунда Ибни Муборак у одамдан *“Сен болангни бирор марта дуоибад қилганмисан”?* деб сўрайди. Келган одам, *“Ҳа”* деб жавоб бериши билан. *“Болангни тарбиясини сен бузган экансан”* деб танбеҳ беради.

Ҳеч ким ташқаридан келиб фарзандларимизни тарбиялаб бермайди, оиламизда таълим тарбия ишларини тартибга солиб бермайди. Бу ишларни ҳар биримиз, ўзимизнинг ақлу идрокимиз билан бажарамиз. Бу жараён ота-боболаримиздан энг нодир гавҳарлари ҳисобланади.

Ҳадиси шарифларда ҳам айнан шу масалада ҳам қатъи огохлантириш тарзида баён этилади. Ҳадис: Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам:

“Барчангиз бир поданинг чўпони кабисиз! Чўпон подасига қандай ғамхўрлик қиладиган бўлса, сурувни йиртқичлардан қандай қўриқлайдиган бўлса, сиз ҳам уй ҳалқингизни ва қўлингиз, яъни амрингиз оосида бўлганларни жаҳаннам оташидан худди шундай ҳимоя қилишингиз зарур!”. (Бухорий Муслим).

Ушбу оятни карималар ва ҳадиси шарифда фарзандлар ота-онага берилган Аллоҳнинг омонати экани қайта-қайта тушинтирилмоқда. Бу омонатни қандай сақлаш ва унга қандай муносабатда бўлиш ҳам ояти карим ва ҳадиси шарифларда чиройли тарзда баён этилган. Энг муҳими бу омонат ота-она зиммасига жуда ҳам катта жавобгарлик хиссини ортмоқда. Зеро, хабардан кўриниб турганидек. Ота-оналар мана шу омонатга нисбатан қандай муносабатда бўлганликлари билан охират кунида Аллоҳ наздида саволга тортиладилар.

Миллатлар ҳар хил бўлсада, тили, дини, ирқидан қатъи назар, устозга бўлган юксак эҳтиром бутун инсоният қалбида мангу порлаб туради. Атоқли рус педагоги ва ёзувчиси Константин Диметриевич Ушинский устоз ҳақидажуда қимматли фикрларни илгари сурган. Ушинскийнинг таъкидлашича. Ўқитувчи мактабда, умуман таълим-тарбияда энг муҳим шахсдир: “Халқ таълими органида ҳар кимнинг ўрни бор. Ҳолбуки, бу жисмнинг энг муҳим аъзоси, шубҳасиз, ўқиувчи, тарбиячидир”. Бола олдида турган тарбиячи унинг шахсида тарбиянинг барча имкониятларига эга.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, оилада учрайдиган ҳар қандай қийинчиликларга сабр қаноат, ижобий муомила ва муносабатлар билан ёндашилса, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги низоларнинг келиб чиқишини олдини олиш мумкин бўлади. Жумладан оилада ота-оналар фарзандарини ёш даврлар хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни ҳар томондан психик, физиологик, маънавий-маърифий, инсонпарварлик хислатларини ривожлантириб, камол топтириш зарур. Бу эса ўз навбатида фарзанд ва ота-она ўртасидаги рўй бериши мумкин бўлган турли келимовчиликларни олдини олишга олиб келади.

XULOSA

Ushbu to'plamga Islom tarixi, san'ati va madaniyatini tadqiq etish markazi – IRCICA va O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi hamkorligida tashkil etilgan xalqaro konferensiyada taqdim etilgan 95 ta ma'ruza kiritilgan. Unda O'zbekiston va chet ellardan oliy va maxsus o'quv yurtlari, akademik markazlarda faoliyat yuritayotgan professorlar, islomshunoslar, sharqshunoslar, manbashunoslar, tarixchilar, san'at va madaniyat namoyandalari, shuningdek, yosh tadqiqotchilar, doktorantlarning ilmiy-tadqiqot ishlari natijalari o'rin olgan. 2024 yil 3 oktabr kuni IRCICA va O'zbekiston Xalqaro Islom akademiyasi (Toshkent) hamkorligida tashkil etilgan "Markaziy Osiyoda islom sivilizatsiyasi: o'tmishi va buguni" mavzusidagi 5-konferensiya gibril formatda bo'lib o'tdi. Konferensiya O'zbekiston Xalqaro Islom akademiyasi rektori Doktor Uyg'un G'afurov va IRCICA bosh direktori Prof.Dr. Mahmud Erol Kılıç so'zlari bilan ochildi.

"Markaziy Osiyo mintaqasida islom ilmlari: shakllanishi va rivojlanishi" mavzusidagi birinchi bo'limda islomshunoslikning turli jihatlariga bag'ishlangan 34 ta maqola taqdim etilgan. Ularda islom adabiyoti, san'ati, O'rta Osiyolik o'rta asr olimlari va allomalarining qo'lyozma merosi, mahalliy maktablarning yetakchi vakillari tomonidan islom sivilizatsiyasiga qo'shgan ulkan merosi va boshqalarni o'rganish bo'yicha olib borilgan tadqiqotlar o'z aksini topgan.

"Markaziy Osiyo mutafakkirlari ilmiy-ma'naviy merosi" deb nomlangan ikkinchi bo'limda keltirilgan 38 ta maqola ilgari jahon tadqiqotchilariga noma'lum bo'lgan yangi tarixiy manbalarni kashf etish va ilmiy muomalaga kiritish bilan bog'liq. Ularni tahlil qilishda an'anaviy yondashuvlar bilan bir qatorda, tubdan yangi yondashuv va usullardan foydalanildi. Ulardan ba'zilar ilgari yaxshi tadqiq qilinmagan asarlar va hujjatlarni o'rganishda qo'llanilgan.

"Markaziy Osiyo tarixiy yodgorliklari epigrafikasi, san'ati va arxitekturasini" nomli uchinchi bo'limda arxeologiya, me'morchilik va monumentologiya sohalarida olib borilgan tadqiqotlar natijasida olingan 10 ta maqola mavjud. Ularda Markaziy Osiyodagi til, adabiybadiiy jarayonlarni musulmon olamining turli mintaqalaridagi o'xshash oqimlar bilan taqqoslab ko'rib chiqilgan.

"Markaziy Osiyo xalqlarining milliy va diniy urf-odat, an'alaridagi umumiylik va o'ziga xoslik"ga bag'ishlangan to'rtinchi bo'limda mahalliy aholi hayotidagi ijtimoiy-maishiy jarayonlarni o'rganuvchi 13 ta maqola mavjud.

Mazkur ishlar doirasida yaratilgan ushbu to'plam islom tarixi va san'ati, madaniyati, islom ta'limi sohalarida faoliyat yuritayotgan mutaxassislar hamda Markaziy Osiyoda islom sivilizatsiyasining turli masalalari bilan qiziquvchilar uchun katta qiziqish uyg'otadi.

SUMMARY

The book contains 95 papers presented in the joint international conference of the Research Centre for Islamic History, Art and Culture (IRCICA) and the International Islamic Academy of Uzbekistan (IIAU). It includes the results of research works by professors, Islamic scholars, orientalists, source scholars, historians, representatives of art and culture, as well as young researchers, doctoral students working in higher and special educational institutions, academic centers in Uzbekistan and other foreign countries. The 5th Conference on “Islamic Civilization in Central Asia: Past and Present” co-organized by IRCICA and the International Islamic Academy of Uzbekistan (Tashkent) was held in hybrid format on 3 October 2024. Opened with the addresses of Rector Dr. Uygun Gafurov and IRCICA’s Director General Prof.Dr. Mahmud Erol Kılıç, the conference featured a variety of themes.

The first chapter, on “Islamic Sciences in Central Asia: Formation and Development” presents 34 articles devoted to various aspects of Islamic studies. They reflect the history and current state of research in the study of Islamic literature, art, archeology, the manuscript heritage of medieval scientists and scholars from Central Asia, the main Islamic disciplines developed by the leading representatives of local schools, etc.

The 38 articles presented in the second chapter, titled “Scientific and Spiritual Heritage of Central Asian Thinkers”, are related to the discovery and introduction into scientific circulation of new historical sources previously unknown to world researchers. Fundamentally new approaches and methods were used in their analyses along with traditional ones. Some of them used new theories and approaches to evaluate works and documents that were poorly studied in earlier times.

The third chapter, on “Epigraphy, Art and Architecture of Central Asian Historical Monuments” contains 10 articles resulting from research in the fields of archeology, architecture and monumentology. They examine the linguistic, literary and artistic processes in Central Asia in comparison with similar trends in different regions of the Muslim world.

The fourth chapter, devoted to “Commonality and Originality in the National, Religious Customs and Traditions of the Peoples of Central Asia” contains 13 articles studying social and everyday processes in the lives of the local populations.

The new material, which is introduced into scientific circulation as part of these proceedings, is of interest to specialists working in the fields of Islamic history, art, culture, Islamic education, and all those who are interested in various issues of Islamic civilization in Central Asia.

**PROCEEDINGS OF THE 5th INTERNATIONAL
SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE**

**ISLAMIC CIVILIZATION IN CENTRAL ASIA:
PAST AND PRESENT
October 3, 2024, Tashkent, Republic of Uzbekistan**

Bosishga ruxsat etildi. 25.08.2025 y.
Qog‘oz bichimi 60x84 1/16. Times New Roman
garniturasida terildi.
Ofset uslubida oq qog‘ozda chop etildi.
Nashriyot hisob tabog‘i 16.0, Adadi 100. Buyurtma № 67
Bahosi kelishuv asosida

“BROK CLASS SERVIS” MChJ bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent shahar Zargarlik ko‘chasi, Segizbayeva 10a